
R 177


ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Noyabr – 2019



Санъат Кенжаев.
"Орзу"



Санъат Кенжаев.
"Шарқ ва Ғарб: Александр"

R 577

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Экз 2
№

Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИИД
Наим КАРИМОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шуҳрат РИЗАЕВ
Комилжон АЛЛАМЖОНОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Журнал 1997 йил июндан чика бошлаган

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Жамила АСҚАРОВА
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

МУНДАРИЖА

2019 / 11 (270)

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Кулмадинг, то кўзларимни... *(Рус ва инглиз тилларига Е.Аксельрод, К.Маъмуров тарж.).* 3

НАСР

Р.ЖАБВАЛИ. Ҳалокат тўзони. Роман. *(Рус тилидан А.Мелибоев тарж.).* 8
Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. *(Рус тилидан И.Ғафуров тарж.).* .67
Р.МАРИНКОВИЧ. Гард. Ҳикоя. *(Рус тилидан Р.Ҳайдарова тарж.).* 136
И.Л.ПЕРЕС. Олмос ҳақида қўш ҳикоят. *(Рус тилидан М.Раҳим тарж.).* 159
К.Х.СЕЛА. Эчкилардан кечайлик. Ҳикоя. *(Рус тилидан А.Отабоев тарж.).* 170

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

А.ФАЙНБЕРГ. *(Рус тилидан А.Орипов, С.Саййид, Р.Мусурмон тарж.).* 62
Хитой мумтоз шеъриятидан. *(Рус тилидан Т.Али тарж.).* 124
А.ДЕМЕНТЬЕВ. *(Рус тилидан М.Йўлдошев тарж.).* 155

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Н.КАРИМОВ. Лолахон Сайфуллина ким бўлган? 131
У.РАСУЛОВА. Тоғай Мурод қиссалари: аслият ва таржима. 187

УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР

Ф.ЭРГАШЕВ. Озод Шарафиддинов кутубхонаси. 172

ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

О.ХОЛМУРОДОВА. Инглиз кумулятив эртаклари. 194

ЖАҲОН ХАНДАСИ

М.АҲМЕДОВ. Шерлок Холмснинг чодири. 197

Муковамизда. 200
Қомус. 203
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. 206

NAVOIY SABOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

КУЛМАДИНГ, ТО КЎЗЛАРИМНИ...

Кулмадинг, то кўзларимни кавкабафшон қилмадинг,
Тўкмадинг қонимни, то бағрим тўла қон қилмадинг.

Тифлдекким, ғунча очқай, қилмадинг, эй бағри тош,
Хотирингни жамъ то кўнглум паришон қилмадинг.

Элга айтур заҳра йўқ, ваҳ, йўқса қай бир турктоз
Айладингким юз кўнгул мулкини вайрон қилмадинг.

То қуёшдек жилва қилдинг, қўймадинг бир зарраким,
Офариниш ичра рухсорингга ҳайрон қилмадинг.

Юз бало тошини ишқ атфолидин ёғдурмадинг,
То жунун торожидин жисмимни урён қилмадинг.

Эй фалак, қайси қуёш юзлугни бир кун чарх уза
Жилвагар қилдингки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг.

Демаким, қўйдум Навоий жонига доғи ажал,
Шукри Борий мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 342-ғазал)

ЛУҒАТ

Кавкабафшон – юлдуз сочувчи, маж: кўз ёши тўкувчи
Тифл – гўдак, ёш бола
Захра – журъат
Турктоз – ҳамла, талон-торож, ғорат; талон-торож қилувчи
Офариниш – олам, борлиқ
Атфол – ёш болалар

Жунун – телбалик
Торож – ҳамла, талон-торож, ғорат
Урён – яланғоч
Шукри Борий – Худога шукур

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Токи кўзларимдан ёш оқизмагунингча, бирор маротаба кулмадинг, бағримни тўла қон қилмагунча, қонимни тўкмадинг (аввал бағримни қонга тўла қилдинг, сўнг қонимни тўкдинг).
2. Эй бағритош, гул ғунчасини очмоқчи бўлган ёш боладек кўнглимни паришон қилмагунча, хотиржам бўлмадинг.
3. Одамлар ўзингга айтишга журъат тополмайдилар, йўқса, юз кўнгил мулкини вайрон қилмагунча талончилик қилмаган жойинг бўлганми?
4. Қуёшдек шундай жилва қилдингки, борлиқ оламида сенинг юзингга ҳайрон бўлиб боқмаган бирор зарра (ёки жисм) қолмади.
5. Жисмимни ишқ торожидан яланғоч қилмагунингча, ишқ болалари кўли билан юзлаб бало тошини бошимга ёғдирмадинг.
6. Эй фалак, бу оламда бирор куёш юзлини бир кун жилвагар этиб, оқшом ерга пинҳон қилмаганинг борми?!
7. Навоий жонига ўлим доғини қўйдим дема, Аллоҳга шукурким, ҳижрон доғига мубтало қилмадинг.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда бўлиб, вафодор ошиқ изтироблари-ю, жафокор ёр ситамлари билан боғлиқ тасвирни ўзида акс эттиради. Ғазал бошдан-охиригача ёрга мурожаат йўсинида битилган. Ошиқнинг мурожаати замирида кичик поэтик лавҳалар ётади: китобхон байтлардаги тасвир орқали муайян бир сюжетга гувоҳ бўлади. Бу ҳолат матлаъдаёқ кўзга ташланади:

Кулмадинг, то кўзларимни кавкабафшон қилмадинг,
Тўкмадинг қонимни, то бағрим тўла қон қилмадинг.

Унда айтилишича, ёр ошиққа шундай ситамлар қиладики, то унинг кўзидан ёшларни шашқатор қилиб оқизмагунча унга илтифот кўрсатмайди, бир кулиб қўймайди. Унинг қонини тўкишдан аввал унга шундай ситам кўрсатадики, гўё ошиқнинг бағри қонга тўлади, шундан сўнггина, унинг қонини тўкишга қарор қилади. Байтда муболағали тасвир орқали маъшуқа воситасида ишқ йўлидаги изтироблар, жабру ситамлар даражаси кўрсатилган. Матлаъда маҳорат билан қўлланилган *такрир* санъати байтнинг таъсирчанлигини оширган.

Тифлдекким, гунча очқай, қилмадинг, эй бағри тош,
Хотирингни жамъ то кўнглум паришон қилмадинг.

Навбатдаги байтда ажойиб бир лавҳанинг гувоҳи бўламиз: одатда, болаларнинг кўлига гулнинг ғунчаси тушиб қолса, унинг баргларини батамом юлиб очмагунча, тинчимайдилар. Ёр ҳам табиатан болага ўхшайди: ошиқнинг гул ғунчасидек кўнглини тўзғитмагунча, ундаги туйғуларни, таассуроту хотираларни паришон қилмагунча хотиржам бўлмайди.

Байтда "эй бағри тош" ундалмаси орқали *илтифот*, "қилмадинг" сўзи такроридан такрирнинг *радд ул-ҳашв илал ажуз* тури, "жамъ" ва "паришон" сўзлари орқали эса *тазод* санъатлари яратилмоқда.

Тўртинчи байтда ёрнинг шунчаки ташқи гўзаллик тимсоли эмас, балки илоҳий мазҳар эканлиги маълум бўлади:

То қуёшдек жилва қилдинг, қўймадинг бир зарраким,
Офариниш ичра рухсорингга ҳайрон қилмадинг.

Ёр қуёш каби шундай жилва қиладики, унинг юзида илоҳий жамол акс этади, атрофдагилар бу гўзалликдан ҳайратга тушадилар. Бутун борлиқ орасида унинг рухсорига – ҳусну жамолига ҳайрон бўлмаган мавжудот, ҳаттоки зарра қолмайди. Муболағанинг *ғулувв* даражасига мурожаат этган шоир маъшуқа гўзаллигини бўрттириши билан унинг ҳусну жамолидан ҳайронлик ҳолатини ҳам кучайтирмоқда.

Кейинги байтда яна бир сюжет лавҳаси келтирилган. Қадимда кўчакўйда изғиган телбалар болалар учун мазах қилиниш воситаси бўлганлар, уларни тош билан қувлаб, эрмак қилишган. Байтда шоир шу ҳолатга ишора қилар экан, *муболаға* санъатига мурожаат этиб, ишқдан пайдо бўлган телбалик туфайли бошига келадиган балоларни болалар отган тошларга ўхшатади.

Юз бало тошини ишқ атфолидин ёгдурмадинг,
То жунун торожидин жисмимни урён қилмадинг.

Бироқ бу болалар оддий болалар бўлмай, балки ишқ болаларидир. Улар гўё маъшуқанинг сўзи билан ошиқнинг урён вужудига бало тошларини ёғдиришга тайёрлар. Кўриб турибмизки, бу байтда ҳам муболаға ўз ўрнида келаётган бўлиб, ошиқнинг ишқ орқали чекаётган заҳматларини бадиий деталлар ёрдамида ифодаламоқда.

Мақтаъдан аввалги байт анъанавий мавзуиза характерида бўлиб, унда бу оламдаги барча нарса, хусусан, ташқи гўзаллик ўткинчилиги билан боғлиқ фикр уқтирилади:

Эй фалак, қайси қуёш юзлугни бир кун чарх уза
Жилвагар қилдингки, оқшом ерга пинҳон қилмадинг.

Яъни ҳамма нарса ўткинчи: гўзаллик ҳам, унга мафтунлик ҳам. Фақат илоҳий Ҳусн ва унга бўлган Ишқ безаволдир. Шунинг учун фақат илоҳиётгагина муҳаббат қўйиб, унгагина интилиш керак!

Демаким, қўйдум Навоий жонига доғи ажал,
Шукри Борий мубталойи доғи ҳижрон қилмадинг.

Ғазал мақтаъси ишққа содиқлик ва Оллоҳнинг йўқдан бор этувчи, Яратувчилик сифати – Борийга шукроналик туйғуси билан якунланади: лирик қаҳрамон учун ишқ йўлидаги барча балолар, ҳатто ўлим ҳам қўрқинчли эмас, ёр унга ҳар қанча жафо қилмасин, ошиқ ишқдан воз кечмайди. Ёр, ахир, унинг жонига ажал доғини қўйса нима бўлибди, шукрлар бўлсинки, тақдир уни ҳижрон доғига гирифтор қилмади. Байтда улуғ шоир яна *муболаға* санъатига мурожаат этиб, ҳижрондан ўлим ҳам афзалдир, деган фикрни илгари суради.

Умуман, ушбу ғазал, гўзал бир маъшуқага муҳаббат қўйган, ундан озордан бошқа ҳеч нарса кўрмаса-да, уни илоҳиёт мазҳари деб улуғлаган ва ҳижронидан ўлимни афзал кўрган садоқатли ошиқнинг қалб чизгиларидир.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Елена АКСЕЛЬРОД

Ты смех свой скрыла от меня, я обделен тобою.
Ты кровь не пролила мою, но я сражен тобою.

Как силится подчас дитя раскрыть цветок дремотный,
Ты взволновала сердце мне, раскрыт бутон тобою.

Отваги ты лишила всех решительным набегом,
Сто царств души! – какой урон им нанесен тобою!

Явила миру ты свой лик, и каждая пылинка
Тебе дивится. Целый мир был покорен тобою.

Руками любящих тебя мне дождь камней дарила,
Безумием ограблен я и опьянен тобою.

Судьба! Ты милостива будь с моею солнцеликой,
Чтоб не был в страсти и в слезах я обделен тобою.

Не говори: "Я Навои пытала язвой смерти",
Разлука – вот удел его, он уязвлен тобою.

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

LAUGH YOU DID NOT

Until you made my tears shed off, laugh you did not,
Until filled my heart with blood, shed it you did not.

As a child who used to tear buds, hey stonehearted,
Until you broke my heart, have peace you did not.

Tell you people dared not, or else, until you ruined
Soul's state, to do any attacks attempt you did not.

Until you enchanted like the sun, a being, inanimate or
Animate in the world, help staring at your face did not.

Until you had me go nude for the sake of mad love,
Make a hundred stones fall on my head you did not.

Hey Heaven! What sun faced beauty once you enchanted,
Nor to hide her under the earth try at dusk you did not.

"In Navoi's soul I have left a stain of death", say not,
Thank God, subject me to separation you did not.

NASR

Федор ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман[1]

Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси

Тўққизинчи китоб

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ

I

МУЛОЗИМ ПЕРХОТИННИНГ МАНСАБ ПИЛЛАПОЯСИ

Биз Петр Ильич Перхотинни савдогар Морозованинг ёпиқ мустаҳкам дарвозасини зўр бериб тақиллатаётган аҳволда қолдирган эдик. Ниҳоят, ичкаридан уни эшитишди. Бундан икки соат илгари тоза қўрқиб ўтакаси ёрилган Феня ҳали ўзига келмаган, қўрқув ҳаяжондан, бошини ғувиллатган "ўй-хаёллардан" қутилмаган, ҳамон уйқуга ётишга юраги бетламай ўтирарди, у дарвоза яна ваҳимали тақиллаётганини эшитиб, эсхонаси чиқиб, жонсарак ҳолга тушди, назарида, яна Дмитрий Федорович бостириб келаётгандай бўлди (ҳолбуки, унинг қандай жўнаб кетганини ўз кўзи билан кўрганди), чунки ундан бошқа ҳеч ким дарвозани бундай қаттиқ урмасди. Феня уйқудан уйғонган ҳовли қоровулига қараб югурди, қоровул дарвоза томон юра бошлаган, Феня уни ичкарига киргизма деб ялина бошлади. Аммо қоровул тақиллатаётгандан исмини сўраб, унинг кимлигини, Федосья Марковнани зарур иш юзасидан кўрмоқчилигини билиб, сўнг дарвозани очишга журъат этди. Яна ўша бизга таниш ошхонага Федосья Марковна билан бирга киришди, ходима "ишончлироқ" бўлиши учун Петр Ильичдан қоровул ҳам кирса майлими, деб изн сўради. Петр Ильич Феняни дарҳол саволга тутди ва тезда энг муҳим нарсадан хабардор бўлди, яъни Дмитрий Федорович Грушенькани излагани кетаркан, ўзи билан ҳовонча дастасини ҳам ола кетган, қайтиб келганда эса қўлида даста бўлмаган, аммо қўллари қонга ботган ҳолда экан: "Қон ҳали оқиб турибди, томчилаб турибди, вой-вой-ей!" – хитоб қилиб ҳиқилларди

[1] Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Феня, афтидан, кўркувдан изтиробга тушган тасаввурида ўзи мана шу ваҳм нарсани бичиб-тўқиб. Аммо Петр Ильичнинг ўзи ҳам бу конга беланмиш қўлни кўрганди, лекин унда қон оқмаган, ўзи қон юкини юводирган, бироқ гап қон тез орада қотганми, йўқми, бунда эмасди, ҳамма гап шунда эдики, Дмитрий Федорович мис даста билан қаерга борди, отаси Федор Павловичнинг уйига йўл олдими ва аниқ-тиниқ шундай деб ҳисоблаш мумкинми, ҳамма гап ана шунда. Петр Ильич ана шу томонга асосий урғуни берди, гарчи охир-оқибатда тузук-куруқ ҳеч бир нарсани аниқлай олмаган эса-да, лекин барибир Дмитрий Федорович отасининг уйига бормаса, бошқа қаёққа ҳам борарди, деган хулосага келди, демак, худди ана шу ерда *нимадир* рўй берган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. "У қайтиб келган маҳалда, – деб ҳаяжонланиб ҳикоя қилди Феня, – мен барчасини унга айтиб бердим ва ундан нега икки қўлингиз қон, деб сўрадим". Эмишки, у бу одам боласининг қони, мен ҳозиргина одам ўлдириб келяпман, деганмиш. "Менга ҳаммасини бўйнига олиб айтиб берди, тавба қилди, кейин худди жинни бўлиб қолгандай чопиб чиқиб кетди. Мен у қаёққа эс-хушини йўқотиб югурганча кетдийкин, Мокроега борармикин, ойимқизни ўлдирармикин деб ўйлаб ўтирдим. Ташқарига чиқиб дуо ўқидим, ойимқизни ишқилиб ўлдириб қўймасин дедим, Плотниковнинг дўконига бордим, от-аравага ўтириб жўнаб кетаётганини кўрдим, қўли энди қон эмасди" (Феня бунга кўзи тушиб эслаб қолганди). Фенянинг бувиси оқсоч кампир ҳам имкони борича неварасининг айтганларини тасдиқлаб турди. Петр Ильич яна бир қанча саволлар бериб, янада ҳаяжон ва ташвишга тўлган ҳолда чиқиб кетди.

Энди Федор Павловичнинг уйига тўппа-тўғри боришдан, унда нима рўй берганлигини билишдан бошқа йўл қолмаганди, ўшанда биратўла ишонч ҳосил қилиб, сўнг полис бошлиғининг ҳузурига кириб борса тузук, Петр Ильич қатъий шу қарорга келганди. Аммо тун зулмати чўккан, Федор Павловичнинг дарвозаси метин-мустаҳкам ва яна уни тинмай қоқишга тўғри келарди, Федор Павлович билан эса у яқин таниш-билиш эмасди; шуниси ҳам борки, мана у дарвозани қоқди, эшик очилди ҳам дейлик, лекин бирдан у ерда ҳеч нарса рўй бермаганлиги маълум бўлсачи, ҳазилвон Федор Павлович бўлса эртасига бутун шаҳарга латифа тўқиб ҳангома қилади, ярим кечада менга нотаниш мулозим Перхотин келиб, сизни, мобода, ҳеч ким келиб ўлдириб қўймадими? – деб саволжавоб қилди, дейди. Ана сизга жанжал! Петр Ильич Перхотин эса жанжалдан дунёда ўлардай қўрқарди. Шунга қарамай, у бу нарсаларга шунчалар қаттиқ қизиқиб қолган эдики, бирдан икки оёғи билан ер депсиниб, ўзини қаттиқ қойиб, дарҳол яна йўлга тушди, аммо энди Федор Павлович ҳузурига эмас, Хохлакова томон жўнади. Агар Хохлакова, деб ўйларди у, кеча палон соатда Дмитрий Федоровичга уч минг бердингизми, йўқми, деган саволга йўқ, деб жавоб қилса, унда Федор Павловичнинг олдига бориб ўтирмай, дарҳол тўғри полис бошлиғига учрайди, аксинча бўлса, ҳаммасини эртага қолдириб, ўз уйига қайтади. Бу ўринда, шуни ҳам назарда тутиш керакки, ёш мулозим йигитнинг ярим кечада, қарийб соат тунги ўн бирда унга бутунлай нотаниш кибор хонимнинг уйига бостириб бориб, ётган жойидан турғизиб, ақл бовар қилмайдиган бир савол билан мурожаат қилмоқчи бўлаётганида бир жанжал чиқиши эҳтимоли ҳам йўқ эмасдики, бу Федор Павловичнинг олдига боришдан ҳам чатоқроқ эди.

Аммо баъзида мана шундай ҳолларда ғоятда аниқликка риоя этадиган оғир-босиқ одамларнинг азму қарорларида шундай ҳодисалар рўй бериб туради. Петр Ильич эса ана шу онларда оғир-босиқлик, вазминликни батамом эсдан чиқарганди! Енгиб бўлмас ташвиш-хавотир уни бора-бора комига тортган, унинг азобига айланган, беихтиёр ўз домига илинтирганди, у кейин буни бутун умри давомида эслаб юрди. Яна шуниси ҳам сир бўлиб қолмасинки, у хонимнинг уйига йўл оларкан, ўзини аёвсиз яниб, сўкиб, норози бўлиб борди, аммо барибир "охирига етказаман, бу ишни шундай қўймайман!" – деб ўнларча марта такрорлар, тишларини ғижирлатарди, ниҳоят, ниятини амалга оширди, охирига етказди.

У хоним Хохлакованинг уйи остонасига етиб борганда, роса тунги соат ўн бир бўлганди. Уни тезда ҳовлига олишди, аммо хоним уйқуга ётдими ёки ҳали уйғоқми, деган саволга қоровул аниқ жавоб беролмади, ҳолбуки, бунақа вақтда, одатда, ҳамма уйқуга ётган бўлади. "Тепага чиқиб айтинг, – деди қоровул, – хоҳласа қабул қилади, хоҳламаса – қабул қилмайди". Петр Ильич юқорига кўтарилди, аммо бу ёғи қийинроқ кечди. Хизматкор хонимга кириб айтишдан бош тортди ва хизматчи қизни чақирди. Одоб-икром ва қатъият билан хонимга зарур иш билан келгани, махсус иш бўйича шу ерлик мулозим Перхотин безовта қилаётганлигини жуда, жуда муҳим масала юзасидан гаплашмоқчилигини айтинг, деди, "айнан, айнан шу сўзларимни етказинг", деб қиздан илтимос қилди. Қиз ичкарига кириб кетди. У эшик олдида, даҳлизда кутиб қолди. Хохлакова хоним ҳали уйқуга ётмаган эса-да, хобгоҳида эди. У, Митянинг бояги келишидан кайфияти ёмон бузилган, энди боши оғриб анчагача ухлолмаслигини сезиб турарди. Ходимасининг сўзларини эшитиб, ҳайрон бўлиб, ўзига нотаниш шу ерлик мулозимнинг кутилмаганда эшик қоқиб келгани уни бағоят қизиқтириб қўйганига қарамасдан жаҳли чиқиб, қабул қилмаслигини айтди. Аммо Петр Ильич бу сафар қайсарлик билан оёқ тираб туриб олди: қабул қилмайман деган сўзни эшитиб, яна фавқулодда қатъият билан жуда муҳим иш экан, агар ҳозир қабул қилмасалар, кейин қаттиқ афсус чекадилар, шуни яна бир карра кириб айтинг, деди. "Мен ўшанда худди тоғдан қулаб тушаётгандек бўлдим", – деб эслаб юрди у кейин. Ходима қиз унга ажабланиб бошдан-оёқ кўз югуртирди-да, айтгани ичкарига кириб кетди. Хохлакова хоним ҳайрон қолди, ўйлаб турди, келган кимсанинг кўриниши қанақа деб суриштирди ва у кишим "жуда яхши кийинган, ёш ва жуда назокатли" эканлигини билди. Йўл-йўлакай айтиб ўтайликки, Петр Ильич анча-мунча кўркам, келишган ёш йигит бўлиб, унинг ўзи ҳам буни биларди. Хохлакова хоним кўришишга рози бўлди. У уй ичида юрадиган либосларида, оёғида туфли, елкасига қора шол рўмол ташлаганди. "Мулозим"ни боя Митя ҳам кирган меҳмонхонага таклиф этишди. Уй бекаси меҳмон ҳузурига юзида савол аломатлари билан чиқди, меҳмонни ўтиришга ҳам таклиф қилмади-да, тўғри "Нима хизматлари бор?" – деб сўради.

– Хоним, мен сизнинг олдингизга умумий танишимиз Дмитрий Федорович Карамазов тўғрисида гаплашгани келдим, – деб энди Перхотин гапга оғиз очган эдики, уй соҳибасининг чеҳрасида дарҳол қаттиқ норозилик аломати акс этганини кўрди. Хоним оз бўлмаса чинқириб юборай деди ва ғазабланиб унинг сўзини тўхтатди.

– Қачонгача, қачонгача бу ярамас одамни деб мени қийнайсизлар? – деб бақирди у жўшиб-кўпириб. – Сиз, олий ҳазратлари, ўзингиз танимай-

диган хоним аёлни қандай қилиб шундай бемаҳалда унинг уйида безовта қилишга журъат этдингиз... яна топган одамингизни қаранг. У бундан роса уч соат илгари худди мана шу ерда мени ўлдирмоқчи бўлди, оёқларини гурсиллатди ва хурмат-икромга сазовор уйнинг эшигини тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Билиб қўйинг, олий ҳазратлари, мен устингиздан шикоят қиламан, буни шундай қўймайман, ҳозироқ даргоҳимни тарк этинг... Мен онаман, мен ҳозироқ... мен... мен...

– Ўлдирмоқчи бўлдими? У сизни ҳам ўлдирмоқчи бўлдими?

– Нима, у бировни ўлдирдими? – тез шитоб билан сўради Хохлокова хоним.

– Гапимга қулоқ солинг, хоним, ярим дақиқа, ҳаммасини икки оғиз айтиб берай, – қатъият билан деди Перхотин. – Бугун соат бешда жаноб Карамазов мендан ўртоқларча ўн рубль қарз олди, мен биламанки, унинг пули йўқ эди ва яна шу бугуннинг ўзида соат тўққизда менинг олдимга қўлида бир даста юз рубллик йирик пулларни сиқимлаб кирди, тахминан, икки ёки уч минг келади. Унинг юз-кўли қонга беланганди, ўзининг ақли-ҳуши жойида эмасга ўхшарди. Ундан шунча пулни қаердан олдингиз деб сўраганимда, ҳозиргина сиздан олгани, сиз унга олтин конларига бориб ишлаш учун уч минг қарз берганингизни айтди... бу аниқ.

Хохлакова хонимнинг чеҳрасида бирдан ақл бовар қилмас ҳайрат ва аламли ҳаяжон акс этди.

– Вой худойим! У қари отасини ўлдирган! – деб қичқирди хоним қўлларини қарс уриб. – Мен унга ҳеч қанақа пул берганим йўқ, ҳеч қанақа! О, югуринг, югуринг!.. Бошқа ҳеч нима деманг! Отасини қутқаринг, отаси ёнига югуринг, боринг!

– Шундай қилиб, хоним, сиз унга пул бермадингиз, тўғрими? Сиз буни аниқ эслайсизми?

– Берганим йўқ, берганим йўқ! Унга рад жавоби бердим, негаки у мени тушунмади. У қутуриб кетди, оёқларини тапиллатди. Менга ташланмоқчи бўлди, мен орқага чекиндим... яна мен сизга шуни айтмоқчиманки, сиздан энди буни яшириб ўтирмайман, у ҳатто менга қараб тупурди, тасаввур қиласизми буни? Вой, нега биз тик оёқда турибмиз? Оҳ, ўтиринг ахир... Маъзур кўринг, мен... Йўқ, яхшиси, югуринг, бечора чолни қутқаринг, ўлимдан қутқаринг!

– Чолни аллақачон ўлдириб қўйган бўлса-чи?

– Оҳ, худойим-ей, ростдан-а! Унда энди нима қилдик? Сиз нима деб ўйлайсиз, нима қилишимиз керак?

Орада хоним Петр Ильичга ўтиргани жой кўрсатди ва ўзи унинг қаршисига ўтирди. Петр Ильич қисқа ва аниқ қилиб ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни унга баён қилди, Феняга боргани, ҳовонча дастаси ҳақидаги гапни ҳам айтиб берди. Буларнинг ҳаммаси ҳаяжони жунбушга келган хонимни қаттиқ тўлқинлантирди, у тинмай қичқириб қўяр ва кўзларини кафти билан беркитарди...

– Биласизми, буларнинг ҳаммаси кўнглимдан ўтувди! Менга худо шундай хусусият берган, кўнглимга нимани келтирсам, ўша рўй беради. Неча мартабалаб мен бу ярамас одамга қараб ўтирган ва доим шу одам мени ўлдиради деб хаёлимга келтиргандим. Ана, худди айтганимдай бўлди... Агарда ҳозир у мени эмас, отасини ўлдирган экан, бу худойимнинг марҳамати, у мени қўриқлайди, яна буни қарангки, у мени ўлдиришдан

қўлини тортган, чунки мен ўзим ўз қўлим билан худди мана шу ерда туриб, унинг бўйнига мажзуба Варваранинг зиёратидан келтирилган санам бутчани тақиб қўйдим... Оҳ, ўшанда мен ўлимимга қанчалар яқин бориб колибман-а, ахир мен шундоқ унинг яқинига борувдим, у менга бўйнини чўзиб эгилувди! Биласизми, Петр Ильич (кечиринг, сиз ўзингизни Петр Ильич дединг, шекилли)... биласизми, мен мўъжизаларга ишонмайман, аммо анави санамча ва бу аниқ-равшан мен билан рўй берган мўъжиза – булар мени ларзага солади ва мен яна ҳар нарсага ишона бошлайман-да. Сиз, авлиё қария Зосимани эшитганмисиз? Айтганча, нима деётганимни ўзим билмайман-а... Тасаввур қилинг-а, у бўйнига бут тақсам ҳам менга тупурди-я... Рост, фақатгина тупурди, ўлдирмади ва ана... қаёқларга қанот қоқибди! Амма биз энди не қилдик, биз энди қаерга борамиз, нима дейсиз?

Петр Ильич ўрнидан турди ва энди тўғри полис бошлиғига бораман-у ҳаммасини айтиб бераман, у ёғини ўзи билади, деди.

– Оҳ, у жуда, жуда ажойиб инсон, мен Михаил Макаровични танийман. Албатта, унинг олдига бориш керак. Сиз жуда бало экансиз, Петр Ильич, жуда, жуда яхши гапни айтдингиз. Биласизми, мен ҳеч қачон шундай гапларни ўйлаб тополмайман!

– Мен ҳам полис бошлиғини яхши танийман, – деди Петр Ильич даъваткор хонимдан қандай қилиб тезроқ хайрлашиб, тезроқ қутулишнинг йўлини тополмай.

– Биласизми, биласизми, – деб жовилларди хоним, – у ерда кўрган-эшитганларингизни келиб менга айтинг... Нима бўлса ҳам, уни нима қилишаркин, қаерга жўнатишаркин. Айтинг-чи, бизда ўлим жазоси йўққу, а? Аммо албатта келинг, соат учдами, тўртдами, беш яримда бўлса ҳам майли... Айтинг, мени уйғотишсин, туролмасам, турғизишсин... О, худойим, мен энди ухламайман ҳатто. Биласизми, мен ўзим сиз билан борсаммикин, а?..

– Йўқ... керакмас. Аммо сиз ўз қўлингиз билан Дмитрий Федоровичга ҳеч қанча пул бермаганман, деб ёзиб берсангиз, зарари бўлмасди... ҳар эҳтимолга қарши...

– Жоним билан! – жўшиб ёзув столига ўтди хоним. – Сиз мени ниҳоятда ҳайратга солиб қўяётирсиз, билонғич, ақли бало экансиз... Сиз шу ерда хизмат қиласизми? Жуда хурсандман ўзимизда хизмат қиларкансиз...

У шуларни жовиллаб айтаркан, ярим варақ почта қоғозига йирик-йирик қилиб ушбу сўзларни ёзди:

"Мен ҳаётимда шўрлик Дмитрий Федорович Карамазовга қарзга пул бермаганман (у ҳозир бечора бўлиб қолган), уч минг ҳам бермаганман, бошқа пул ҳам, ҳеч қачон, ҳеч қачон! Бунга барча муқаддас нарсалар билан қасам ичаман.

Хохлакова".

– Мана сизга хат! – у шитоб билан Петр Ильичга ўгирилди. – Боринг, бечорани қуткаринг. Бу сизнинг улуғ жасоратингиз бўлгай.

У йигитни уч марта чўкинтирди. Уни даҳлизгача кузатиб чиқди.

– Сиздан жуда миннатдорман! Айтманг сира, олдимга биринчи бўлиб кирганингиз учун ғоят миннатдорман. Нега сиз билан илгари учрашмаган эканмиз. Мен бундан кейин ҳам уйимизга меҳмон бўлиб келасиз деб умид қиламан. Бу ерда хизмат қилишингиз қандай ҳам яхши экан-а... жудаям

саранжом, жудаям топқир экансиз... Аммо улар сизни қадрлашлари, сизни ниҳоят тушунишлари керак, мен сиз учун қўлимдан нима келса, шуни қилган бўлардим, ишонинг... О, мен ёшларни шу қадар севаман! Мен ёшларга ошиқман. Навқирон ёшлар – эндиликда бизнинг сермашаққат Россиямизнинг асоси, бутун умиди... О, боринг, боринг!..

Аммо Петр Ильич югуриб чиқиб кетди, акс ҳолда хоним уни ҳали-вери қўйиб юборадиган эмасди. Дарвоқе, Хохлакова хоним унда анча яхши таассурот қолдирди, шундоқ бемаъни ишга куним қолди деган дилгирлиги ҳам бироз тарқади. Дид-фаросат ҳаддан ортиқ ранг-баранг бўлади, бу маълум. "Хоним ҳали унчалик ҳам қари эмаслар, – деб ҳузурланиб ўйланди у, – аксинча, мен у кишини қизларими дебман".

Хохлакова хонимнинг ўзларига келсак, у киши ёш йигитни ғоятда ёқтириб қолдилар. "Шунча саранжом-саришта, уқувли йигит экан, шунча одоб-икром билан ўзини яхши тутади. Ҳозирги ёшларни улар ҳеч нарсани билмайди, деб гапиришади, мана сизга мисол ва ҳ.к. У ҳатто анов "ярамас воқеани" эсидан ҳам чиқариб юборди, фақат тўшакка ётаётган чоғидагина бирдан яна "бир ўлимдан қолганини" эслади ва "Оҳ, қанчалар ёмон, қанчалар ёмон!" – деб қўйди. Аммо шу ондаёқ ширин ва қаттиқ уйқуга кетди. Дарвоқе, бундай майда-чуйда бачкана тафсилотларга берилиб ўтирмасдим, аммо мен ҳозиргина баён қилиб ўтган ёш маъмур билан бева жувон ўртасидаги ғалатироқ учрашув кейинчалик ана шу уқувли ва саранжом-саришта йигитнинг ишлари бароридан келиб, омади юришига асосий сабабчи бўлди, буни шаҳарчамизда ҳали-ҳанузгача ажабланиб эслаб юришади, балки бизнинг ўзимиз ҳам бу тўғрида алоҳида бафуржа сўз юритармиз, аммо ундан олдин ака-ука Карамазовлар ҳақидаги узоқ қиссамизни якунлаб қўяйлик.

II

ТЎС-ТЎПОЛОН

Бизнинг бош полисимиз Михаил Макарович Макаров истеъфодаги подполковник, уни надворний советник деб ҳам аташади, уни хотини ўлган, ўзи тузук одам. Биз томонларга яқинда, уч йил бурун келиб қолган, "одамларнинг бошини қовуштириб юриши" билан ҳурмат қозонганди. Уйидан меҳмон аримас, афтидан, уларсиз куни ҳам ўтмасди. Худонинг берган куни уникида бир қўноқ, ҳатто иккиталаб, учталаб бўлар, қўноқларсиз дастурхон ёзилмасди. Гоҳида турли-туман, кутилмаган баҳоналар билан атовли чақириқлар ҳам ўтказиларди. Таомлар жуда алоҳида бўлмаса ҳам, мўл-кўл, саховат билан тортилар, айниқса, узунчоқ сомсалар мазали тайёрланар, шаробу майлар эса ўртамиёна бўлса-да, кети узилмай етказиларди. Кираверишдаги хонада ярокли ашқол-дашқоллари билан биллиард жойлашган, деворларда қора рамкада инглиз чопар отларининг тасвирлари илинган, бу эса сўққабош кишилар биллиардхоналарининг таомилдаги безаги саналарди. Ҳар оқшом лоақал битта столда карта ўйналарди. Аммо тез-тез шаҳримизнинг энг яхши оилалари онажонлару қизпошшалар билан рақс тушгани тўпланишарди. Михаил Макарович бева бўлса-да, лекин оиламанд яшар, у билан бирга эри ўлиб бева қолган қизи яна ўз

навбатида икки қизчаси, Михаил Макаровичнинг набиралари билан туришарди. Қизпошшаларнинг бўйлари етиб қолган, ўқишларни битирган, истараси иссиқ, қувноқ эди, гарчи улар учун ҳеч қандай қалиндан умид қилиб бўлмаса-да, ҳарқалай улар боис хонадонга ёш-яланглар тортинмай келишарди. Иш вазифасида Михаил Макарович унчалар корафта эмасада, бироқ ўз вазифасини бошқалардан қолишмай адо этарди. Агар очиқ айтилса, у ҳарқалай саводсиз одам эди, ўзининг идора хизматлари доирасида анча-мунча беҳафсала ҳам. Чорнинг қатор замонасоз ислоҳотларини у тўла маънода тушунавермас, улар борасида гоҳо жуда кўзга ташланиб турадиган хатоларга йўл қўяр, буни қандайдир ноқобиллигига ҳам йўйиб бўлмас, ҳаммаси феъл-атворининг бепарво-беғамлигидан келиб чиқар, уларнинг тагига етишга сабри чидамасди. "Мен, – дерди у, – жаноблар, кўнглим фуқаролар ишларидан кўра ҳарбийга кўпроқ мойил". У ҳатто деҳқон ислоҳотининг аниқ асослари ҳақида пишиқ-пухта бир тушунча, тасаввурга эга бўлолмади, улар борасидаги билимларини йиллар ўтиб беихтиёр ва кўпроқ амалий тарзда ҳосил қила борди, аслида ўзи помешчик эди. Петр Ильич аниқ билардики, бу оқшом Михаил Макаровичникида аллаким меҳмонларни, албатта, учратади, фақат аниқ кимлигини билмасди. Буни қарангки, шу дамда уникида ералаш карта ўйини ўйнаб прокурор билан бизнинг маҳаллий врачимиз Варвинский ўтиришарди, Варвинский ёш йигит бўлиб, яқиндагина бизга Петербургдан келган, у Петербург тиббиёт академиясини аъло баҳолар билан имтиёзли битирган ёшлардан эди. Прокурор ёхуд прокурор муовини, уни бизда ҳамма тўғри прокурор дерди, исми-шарифи Ипполит Кириллович, орамизда алоҳида киши бўлиб, ўрта ёшларда, бор-йўғи ўттиз бешга кирган, зотилжамга мойилроқ, жуда семиз ва бола кўрмаган хонимга уйланган, димоғдор, тажанг, аммо ақли бало, ҳатто кўнгилчан одам эди. Феъл-атворининг нуқсли томони шунда эдики, ҳақиқий фазилатлари бу ёқда қолиб, ўзи ҳақида юқорироқ фикрда юрарди. Шунинг учун ҳам у доим безовта кўринарди. Бунинг устига унинг қандайдир саное ва фасоҳатга дахлдор бир жиҳатлари ҳам кўзга ташланиб қоларди, мисол учун, руҳиятни, инсон юрагини билиш, жиноятчи ҳамда жиноятларни аниқлашда алоҳида бир қобилиятга ҳам даъвоси йўқ эмасди. Шу маънода ўзини хизмат доирасида бироз камситилган ҳамда эътиборсиз қолдирилган деб ҳисобларди, шунга ишончи комил эдики, у ёқда, юқори доираларда унга тўғри баҳо беришолмади ва демак, менинг душманларим бор деган қарорга келди. Ноҳуш пайтларида жиноий ишлар бўйича адвокатликка ўтиб кетаман, деб пўписа қилиб қўярди. Ота ўлдириш билан боғлиқ Карамазовларнинг кутилмаган иши уни ларзага солди: "Бу иш бутун Россияга овоза бўлиши мумкин". Аммо мен буни бироз олдинроққа ўтиб айтяпман.

Қўшни хонада эса бизнинг ёш суд терговчимиз Николай Парфенович Нелюдов ойимқизлар даврасида ўтирарди, у бизга атиги икки ой бурун Петербургдан келганди. Кейин бизда шуни ҳам айтиб, ажабланиб юришдики, бу шахсларнинг бари худди атай қилгандай "жиноят" рўй берган кеча бир ерда ижро ҳокимиятининг уйида бирга йиғилиб қолишган. Ҳолбуки, бу иш жудаям осон ва ғоятда табиий ҳолда рўй берганди: Ипполит Кирилловичнинг рафиқасининг икки кундан бери тиши оғрир, у хотинининг инқиллашларидан безор бўлиб бу ерга келганди; врач-

нинг эса, моҳият эътиборига кўра, оқшом шу ерга келиб, карта ўйнаб, вақт ўтказишдан бошқа иложи йўқ эди. Николай Парфенович Нелюдов бўлса уч кундан бери шу оқшом Михаил Макаровичнинг уйига келишни мўлжалларди, тўсатдан кириб бораман-у унинг тўнғич қизи Ольга Михайловнани қаттиқ ҳайратга соламан, маккорлик билан сизнинг сир-асрорингиз менга маълум, мен сизнинг бугун туғилган кунингиз эканини биламан, сиз буни атай ҳаммамиздан яширяпсиз, бутун шаҳарни рақсга чақиришни истамаяпсиз, дейман. Унинг ёши билан боғлиқ турли имо-ишоралару шўх-шўх кулги ҳазиллар бўлиши кутилмоқда эди, ойимқиз эса гўё ўзининг ҳақиқий ёшини билдиришдан қўрқиб индамай турибди, энди мен бу сирни билиб олдим, шунинг учун эртагаёқ буни ҳаммага ошкор қиламан дейман. Бу ёқимтой йигитча ушбу масалаларда анча-мунча шумтака эди, бизнинг хонимларимиз унга "шумтака" деб лақаб қўйгандилар, унинг ўзига бу нарса, чамаси, жуда ёқарди. Очиғи, у яхши жамият кўрган, ота-онаси обрў-эътиборли, яхши тарбия кўрган, хушфеъл ва боринғки, шўх бўлса ҳам, ғоятда беозор ва баодоб йигит. Кўринишдан паст бўйли, шайфоқ ва қомати нозик эди. Унинг нозик ва қонсиз бармоқларида бир қанча йирик узуклар тақилган бўларди. Ўз вазифасини адо этаётган чоғда фавқулодда жиддий қиёфага кирар, ўзига бениҳоя катта аҳамият ва эътибор берар, гўё буларни муқаддас биларди. У, айниқса, сўроқ пайтларида калтафаҳм қотиллару бошқа бадкорларни мот қилиб қўйишни боплар ва ҳақиқатан, ҳайрон қолиб ўзларича тан берардилар.

Петр Ильич бош полис уйига қадам қўйиб, донг қотди: у дарҳол буларнинг ҳаммаси барча гапдан хабардор эканлигини билди. Ҳақиқатан, карта ўйнашни бас қилган, барчалари оёқда туриб фикрлашарди ва ҳатто Николай Парфенович ойимқизлар ёнидан чиқиб келган, ғоятда шиддаткор, жанговар қиёфага кирганди. Петр Ильич шу ерда Федор Павлович чиндан ҳам шу кеча ўз уйида ўлдирилгани ва таланганини эшитди. Бу ҳозиргина шу йўсинда эшитилганди: девор яқинида сулайтириб кетилган Григорийнинг хотини Марфа Игнатьевна ўз тўшагида жуда қаттиқ ухлаб қолган ва шу аҳволда ҳали эрталабгача ухлаб ётавериши мумкин эди, лекин шунга қарамасдан, бирдан уйғониб кетди. Бунга сабаб тутқаноқда ётган Смердяковнинг дахшатли дод-войи бўлди, у кўшни хонада беҳуш ётарди, унинг тутқаноғи мана шундай фарёд билан бошланарди. Марфа Игнатьевна унинг бу ваҳимали қичқириғидан доим жуда қаттиқ қўрқар ва ўзини қўйишга жой тополмай қоларди. Унинг фарёдига ҳеч қачон ўрганиб кетолмасди. У уйқисираб ўрнидан турди-да, хушини йўқотгандай Смердяковнинг ҳужрасига югурди. Ҳужра қоп-қоронғи, фақат хаста қўрқинчли хириллаб, ўзини у ёқдан-бу ёққа отаётгани эшитиларди. Шунда Марфа Игнатьевнанинг ўзи бақириб юборди ва эрини чақирмоқчи бўлди, лекин у ўрнидан тураётганда Григорий каравотда йўқ эканлиги бирдан эсига тушиб қолди. У яна каравот олдига келиб, пайпаслаб кўрди, аммо каравот ҳақиқатан ҳам бўш эди. Бундан чиқди у қайгадир кетган, лекин қаёққа? У остонага югургилаб чиқди ва эрини оҳиста чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади, бироқ тун сукунати қўйнида қаердандир узоқдан боғ томондан қандайдир инграган товушлар эшитгандай бўлди. У тинглаб турди, ингроқлар яна такрорланди ва энди улар боғдан келаётгани равшан эди. "Вой, худойим-ей, худди ўшандаги Лизавета Сассиқнинг овозидай!" – па-

ришон хаёлидан ўтди унинг. У кўрқа-писа зиналардан пастга тушди ва боғнинг кичик эшиги очиқ қолганини пайқади. “Омон бўлгур чол ўша ёқда, шекилли”, – деб ўйлади ва боғ эшигига борди, шунда уни Григорий чақираётганини аниқ эшитди: “Марфа, Марфа!” – деб зўрға, ингроқ аралаш кўркинчли товуш билан чақирарди эри. “Худойим, ўзинг бизни асра”, деб пичирлади Марфа Игнатьевна ва овоз келаётган томонга югурди, шу тариқа Григорийни топди. Аммо уни йиқилган жойида, девор ёнида эмас, балки девордан йигирма одимлар наридан топди. Кейин маълум бўлдики, у ўзига келиб кўзини очган, судрала бошлаган, ора-сира ҳушини йўқотиб узоқ вақт судралган, яна ҳушдан кетган. Марфа Игнатьевна у бутунлай қонга беланганини кўрди ва овози борича қарғай бошлади. Григорийнинг тилидан эса базўр шу сўзлар чиқарди: “Ўлдирди... отасини ўлдирди... нега бақирасан, жинни... бор, югур, чақир...” Аммо Марфа Игнатьевна тўхтамай дод-вой соларди, бирдан хўжайиннинг деразаси очиқ, ёруғ тушиб турганини кўриб, ўша ёққа чопди ва Федор Павловични чақира бошлади. Аммо ойнадан қараб, дахшатли ҳолни кўрди: хўжайин ерга юзтубан ётар, қимир этмасди. Одми халати ва оқ кўйлагининг кўкрагига қон оққан эди. Стол устида ёниб турган шам оққан қонни ва Федор Павловичнинг қотиб қолган юзини равшан ёритарди. Кўзи шоҳкосасидан чиқиб кетган Марфа Игнатьевна дарҳол ойна олдидан югуриб, боғдан чиқди, дарвоза лўкидонини суриб очди ва орқа-олдига қарамай қўшниси Марья Кондратьевнага югурди. Она-бола қўшни аллақачон уйқуга ётишганди, аммо Марфа Игнатьевнанинг зўр бериб эшик ва деразалар тавақаларини тақиллатиши, қичқириб бақир-чақир қилишларидан уйғониб, дераза ёнига келишди. Марфа Игнатьевна чинқириб, тутилиб, бақириб воқеани маълум қилди ва ёрдамга чақирди. Худди шу кеча уларникида дайди Фома ётиб қолганди. Уни дарров ўрнидан турғизиб, ҳаммалари жиноят содир бўлган жойга боришди. Шошиб бораётганларида Марья Кондратьевна боя эслаб қолганларини йўл-йўлакай сўйлаб берди, ҳали соат тўққизларда уларнинг боғи томондан жуда кўркинчли бақирган овоз ҳаммаёққа эшитилган – албатта, бу айнан Григорийнинг овози эди, ўшанда у девор устидан ошмоқчи бўлиб, тепада ўтирган Дмитрий Федоровичнинг оёқларига ёпишган ва “Падаркуш!” – деб жонҳолатда қичқирганди. “Кимдир биров ёмон бақирди ва дарров овози ўчди”, – югуриб бораркан ҳикоя қиларди Марья Кондратьевна. Ҳар иккала аёл Григорий ётган жойга югуриб келишиб, уни Фома ёрдамида ҳовлидаги уйга олиб киришди. Уйдаги чироқни ёқиб бечора Смердяков ҳамон тинчланмай, ҳужрасида тўлғаниб ётгани, кўзлари ола-кула қийшайиб, оғзидан кўпик сочаётганини кўришди. Григорийнинг бошини сирка қўшилган сув билан ювишди, у бироз ўзига келди ва дарҳол: “Хўжайин тирикми ё йўқми?” – деб сўради. Иккала аёл билан Фома шундан кейин хўжайин томонга боришди, боғга кириб бу сафар фақат деразагина эмас, уйдан боққа чиқадиган эшик ҳам ланг очиқлигини кўришди, ҳолбуки, хўжайин бир ҳафтадан бери кечга томон уй эшигини ичкаридан маҳкам беркитиб ётар ва ҳатто Григорийга эшикни тақиллатиб келишига мутлақо рухсат бермасди. Эшик бундай ланг очилиб ётганини кўриб, иккала аёл билан Фома ҳам “кейин бир ишкал чиқмасин” деб, хўжайиннинг олдига боришга кўркишди. Улар қайтиб келишгач, Григорий дарҳол полис бошлиғига югуришни буюрди. Ана

шунда Марья Кондратьевна полис бошлиғига югурди ва ҳаммани оёққа турғизди. Петр Ильич мана шу воқеадан беш дақиқа кейин келди, холос. У энди ўз тахминлари-ю, хулосалари билангина эмас, ўз кўзи билан кўрган гувоҳ каби қабул қилинди ва ҳамманинг жиноятчи ким бўлса деган тахминини кўрган-кечирганлари билан тасдиқлади (лекин у бунга юрагининг қаърларида энг охирги пайтларгача ишонмаган эди).

Шитоб билан ишга киришишга қарор бердилар. Полис бошлиғининг ўринбосарига тўртта шоҳид гувоҳни олиб, Федор Павловичнинг уйига кириш ва дастлабки тергов-текширишни барча қонун-қоидаси билан ўтказишни топширишди, мен буни бу ерда баён қилиб ўтирмайман. Маҳаллий земство врачи янги келган жўшқин одам эди, ўзи полис бошлиғи, прокурор ва терговчига ҳамроҳ бўлди. Жуда қисқача қилиб шуни айтайки, Федор Павлович боши мажақланган ҳолда ўлдирилганди, "нима билан?" деган саволга Григорийга ҳам зарба етказилган қуролда деб жавоб беришга тўғри келарди. Бу ерда Григорийга тиббий ёрдам кўрсатилди, сўнг у толиққан овозда тўхтаб-тўхтаб, аммо анча-мунча аниқ-равшан ва тушунарли қилиб қандай зарба еганини сўйлаб берди. Қўл фонар ёқиб девор атрофини қидиришди ва шундоқ кўринарли жойда боғ сўқмоғида ётган мис дастани топиб олишди. Федор Павлович ётган хонада у қадар тартибсизлик кўзга ташланмади, аммо дарпарда тўсиқлар орқасида, каравотнинг шундоқ ёнида қалин қоғоз конверт топишди, у идораларда бўладиган конвертларга ўхшаш катталикда бўлиб, ерда ётарди, унинг устига: "Фаришtам Грушенькага, мабодо, қадам ранжида қилсалар, ҳадя уч минг рубль" деб ёзилган, унинг пастига Федор Павловичнинг ўз қўли билан: "Палапонимга" деб қўшимча қилиб қўйилганди. Конверт устига учта қизил сурғичли муҳр босилганди, аммо конверт йиртилган, бўш, пул олиб кетилганди. Конверт ўралган ингичка пушти чизимча ерда ётарди. Петр Ильичнинг кўргазмаларида бир ҳолат прокурор билан терговчига қаттиқ таъсир қилди. У ҳам бўлса Дмитрий Федоровичнинг эрталабгача, албатта, ўзини отмоқчи бўлгани, бу ҳақда у ўз оғзи билан Петр Ильичга айтган, тўппончани ўзи ўқлаган, кичкина қоғозчага бир нарсаларни ёзиб чўнтагига солиб қўйган ва ҳоказо. Унга ишонгиси келмаган Петр Ильич ўз-ўзига суиқасднинг олдини олиш учун бирон идорага бориб керакли одамга буни айтиб бераман, деб пўписа қилганда, Митя тишини иршайтириб, "Улгурмайсан энди", деб жавоб берган экан. Бундан маълум бўладики, жиноятчини қўлга олиш, ўзини ўзи ўлдиришига йўл қўймаслик учун Мокроега жадал етиб боришга тўғри келади. "Бу равшан, бу равшан! – дея такрорларди прокурор фавқулодда жўшиб кетиб, – бу шумтакалар ҳам доим шунақа қилишади: эртага ўзимни ўлдираман, бугун эса айш-ишрат". Митя дўкондан шароблару турли ноз-неъматлар харид қилганини эшитиб, прокурор тўра янада жўшиб тошди. "Жаноблар, савдогар Олсуфьевни ўлдирган йигит эсингиздами, бир ярим мингни тўнаган, кейин пулни яширмаёқ қўлида чангаллаганча ойимтиллалар ёнига йўл олган". Бироқ ҳаммани Федор Павловичнинг уйидаги тинтув тутиб турмоқда эди. Зарур расм-русумлар бажарилиши талаб қилинарди. Буларга вақт кетарди, шунинг учун ўзларидан икки соат бурун Мокроега даҳа полиси Маврикий Маврикиевич Шмерцовни жўнатишга қарор қилишди, у шу кунларда шаҳарга моянасини олгани келганди. Маврикий Маврикиевичга шундай кўрсатма берилди: Мокроега етиб боргач,

то тўралар боргунча ҳеч қандай шовқин-сурон кўтармай "жиноятчи"ни кузатиб туриш, оқсоқоллар, шоҳид-гувоҳларни ҳозирлаб қўйиш топширилди. Маврикий Маврикиевич махфийликни сақлаган ҳолда шундай йўл тутди, фақат эски таниши Трифон Борисични аҳволдан огоҳлантириб қўйди. Бу Митя ташқи айвонга ёлғиз ўзи чиққанда хўжайинни кўриб, унинг кайфиятидаги ўзгаришни пайқаган пайтга тўғри келади. Шундай қилиб, на Митя ва на бошқалар ўзларини кузатаётганликларидан хабардор эдилар. Митянинг тўппончалари солинган қутини аллақачон Трифон Борисич олиб қўйган, хуфя жойга яширганди. Ниҳоят тонг қоронғисида соат бешларда бошлиқларнинг ҳаммаси: прокурор тўра, полис бошлиғи ва терговчи иккита катта экипаж арава, иккита тройкада етиб боришди. Врач эса Федор Павловичнинг уйида қолди, у мурдани текширмоқчи, хаста Смердяковнинг аҳволини ўрганмоқчи эди, бунга ғоятда қизиқиб қолганди. "Икки кун сурункасига тақрорланадиган тутқаноқнинг бундай ҳолатлари ҳар доим ҳам бўлавермайди, бу илм-фанга дахлдор", – деб тушунтирди у ҳаяжон ичида қизиқаётган ҳамкасбларига, булар уни топилдиғи билан табриклашди кула-кула. Ғолибо, прокурор тўра билан терговчи хаста Смердяков бу аҳволда эрталабгача бормайди, деган докторнинг сўзларини эслаб қолдилар.

Мана, ниҳоят, биз узоқ тушунтиришлардан сўнг воқеанинг олдинги китобида тўхтаган еримизга етиб келдик ва зарур бўлиб туюлган тафсилотларни адо этиб ўтдик.

III

САРГАРДОН ҚАЛБ. БИРИНЧИ МАШАҚҚАТ

Шундай қилиб, Митя атрофдагиларга олазарак қараб, ўзига нима деётганларини тушунмай ўтирарди. Бирдан у ўрнидан турди, қўлларини юқори кўтарди-да, овозини баланд қилиб бақирди:

– Айбим йўқ! Мен қон тўкмадим! Мен отамни ўлдирмадим... Ўлдирмоқчи эдим, аммо ўлдирмадим! Мен эмас!

Шу сўзларни қичқириб турган маҳалда дарпардалар орқасидан Грушенька сакраб чиқди-да, полис бошлиғининг оёғи остига йиқилиб тушди.

– Бунга мен айбдорман, мен шўрпешона айбдор! – юракни тилка-пора қилиб додлаб, кўз ёшларини селоб оқизиб, ҳаммага қўлларини чўзди, – у мени деб ўлдирди!.. Мен уни шу аҳволга солдим, қийнаб қўйдим! Мен анави ўлган қари шўрликни қийнадим ёмонлигимдан, шу кунга солдим! Мен айбдорман, ҳаммадан бурун мен, мен айбдорман!

– Ҳа, сен айбдорсан! Сен бош жиноятчисан, – бўкирди унга қўллари билан пўписа қилиб полис бошлиғи, аммо уни дарров тинчитишди. Прокурор тўра уни ҳатто қўллари билан маҳкам қучоқлаб ушлади.

– Бу энди ҳаддан ташқари тартибсизлик, Михаил Макарович, – деб қичқирди у, – сиз терговга халақит қиляпсиз... иш бузилади... – ҳансирарди у.

– Чора кўрилсин, чора кўрилсин, чора кўрилсин! – жуда қаттиқ қизишди Николай Парфенович ҳам, – бундоқ сира мумкин эмас!..

– Бизни бирга суд қилинглар! – ҳамон жазавага тушиб ўртанарди Грушенька ҳам чўккалаб турганча. – Бирга қатл қилинглар, у билан бирга ўлишга ҳам тайёрман!

– Груша, ҳаётим, жоним, фаришгам! – унинг ёнига тиз чўкди Митя ва маҳкам бағрига босди. – Унга ишонманглар, – қичқирарди у, – унинг ҳеч қандай айби йўқ, бегуноҳ у!

У кейин эслади, бир қанча кишилар куч билан ажратиб олишди, қизни олиб кетишди, ўзини курсига ўткизишганда бироз ҳушига келди. Ёнида ва орқасида тўқали одамлар туришарди. Унинг қаршисида столнинг нариги ёғида суд терговчиси Николай Парфенович ўтирар ва тинмай столда турган стакандан бироз сув ичишга кистарди: "Ўзингизга келасиз, тинчланинг, кўрқманг, хавотир олманг", – деб қўярди бағоят одоб-назокат билан. Шу нарса ҳам Митянинг эсидаки, у бирдан терговчининг қўлидаги катта узукларга қаттиқ қизиқиб қолди, айниқса, бир сафсар тош ўрнатилгани ва бошқа ёркин, шаффоф, ажойиб ярқираб турганидан кўзини узолмади. У кейин ҳайратга тушиб эслаб юрди, улар узоқ чўзилган тергов соатларида кўз ўнгида турди, улардан ҳеч назарини узолмади, ўзининг ҳозирги аҳвол-руҳиясига сира тўғри келмайдиган нарса бўлса ҳам, уларни унутолмади. Сўл томонга, базм чоғида Максимов ўтирган жойга энди прокурор тўра жойлашганди, Митянинг ўнг ёғида – аввал Грушенька ўтирган жойда аллақандай овчилар киядиган, анча уриниб қолган пижакда икки юзи қип-қизил ёш йигит ўтирар, олдида сиёҳдон ва қоғоз турарди. Бу терговчи ўзи билан бирга олакелган мирза экан. Полис бошлиғи хонанинг нариги чеккасида, Калгановнинг ёнида эди, Калганов ўша дераза олдида курсида жойлашганди.

– Сувдан ичинг! – деб ўнинчи марта бўлса керак такрорлади терговчи.

– Ичдим, жаноблар, ичдим... аммо... майлига, жаноблар, эзинг, қатлга буюринг, тақдирим қўлингизда! – деб хитоб қилди Митя шоҳкосасидан чиқиб олайиб қотган кўзларини терговчига тикиб.

– Демак, сиз отангиз Федор Павловичнинг ўлимида айбдор эмасман дейсизми? – юмшоқлик, аммо қатъият билан сўради терговчи.

– Айбдор эмасман! Бошқа бир одамнинг қонини тўкканим учун айбдорман, у чол менинг отам эмасди. Қайғураман! Чолни ўлдирдим, ўлдириб ер билан битта қилдим... Лекин бунга бошқа бир одамнинг тўкилган қони жавобгар эмас, бу қўрқинчли қон, унга мен айбдор эмасман... Бу менинг устимга қўйилаётган жуда оғир айб, худди манглайимга қарсиллатиб ургандай! Аммо отамни ким ўлдирди, ким, ким ўлдирди? Мен бўлмасам, ким ўлдириши мумкин? Ажаб, бемаъни, имкондан ташқари!

– Ҳа, ким ўлдириши мумкин... – деб терговчи оғиз очган эди, аммо прокурор тўра (биз уни прокурор муовини деб эмас, соддароқ қилиб прокурор тўра деб айта қоламиз) терговчи билан кўз уриштириб олди-да, Митяга қараб шундай деди:

– Сиз қари хизматкор Григорий Васильевдан бекор хавотир оляпсиз. Шуни билиб қўйингки, у тирик, кўзини очди, сиздан қаттиқ зарба еганига қарамай, унинг ва сизнинг кўрсатмаларингизга биноан, чамаси, ўлмаса керак, ҳарқалай докторнинг хулосаси шундай.

– Тирикми? Ўлмаганми! – қичқириб юборди бирдан Митя қўлларини қарсиллатиб уриб. Унинг юзи чарақлаб очилди. – Худойим, менга кўрсатган улуғ мўъжизанг учун шукрлар қиламан, мен гуноҳкор ва бадкор бандангман, сенга ёлвораман, илтижолар қиламан!.. Ҳа, илтижоларим бекор кетмади, тун бўйи худойимга ёлвордим! – у шунда уч бора чўқиниб олди. У оғир ҳансирарди.

– Хўш, биз ана шу Григорийдан сиз ҳақингизда анча кўрсатмалар олдик, шундай... – прокурор тўра сўзида давом этаркан, аммо Митя курсидан сакраб турди.

– Бир дақиқа, жаноблар, худо ҳақи, фақат бир дақиқага, мен унинг олдига чиқаман...

– Шошманг! Ҳозир асло мумкин эмас! – чинқириб юбораёзди ҳатто Николай Парфенович ва у ҳам тик оёққа турди. Митяни тўқа нишонли кишилар ўраб олишди, алҳол, унинг ўзиёқ курсига ўтирди...

– Жаноблар, афсус! Мен қизнинг қошига бир зумга чиқмоқчи эдим... унга қон ювилгани, ғойиб бўлганини билдирмоқчийдим, тун бўйи юрагимни ўйиб, ўпириб ташлади, энди мен одам қотили эмасман! Жаноблар, бу қиз менинг қайлиғим! – жўшиб, талтайиб сўз қотди у бирдан ҳаммага нигоҳини югуртириб. – О, миннатдорман, жаноблар! О, сиз мени бир сония ичида тирилтирдингиз, ҳаётга қайтардингиз, жаноблар! Анави чол, у мени этагига солиб, қўлида кўтариб юрарди, жаноблар, мени тосга солиб чўмилтирарди, уч яшарлик гўдаклик чоғимда ҳамма мени ташлаб кетганда, у менга отамдан ортиқ оталик қилганди!..

– Шундай қилиб сиз... – бошлади яна терговчи.

– Ижозат этинг, жаноблар, яна бир дақиқа ижозат этинг, – унинг гапини оғзидан олди Митя иккала тирсагини столга тираб, юзини кафтлари билан беркитиб, – озгина ақлимни ростлаб олай, озгина нафасимни ростлай, жаноблар. Булар ҳаммаси одамни ёмон қийнайди, жуда ёмон, одам ноғоранинг териси эмас-ку, жаноблар!

– Сиз яна озгина сув ичинг... – минғиллади Николай Парфенович.

Митя қўлларини юзидан олиб, кулиб юборди. Унинг нигоҳи тетик, бир зумда бутунлай бошқача бўлиб қолгандай эди. Ҳатто гап оҳанги ҳам ўзгарди: энди у яна уларнинг ҳеч қайсисидан қолишмайдиган тенг одам эди гўё, ҳа, булар бари унинг эски таниш-билишлари, худди кеча ҳеч нарса бўлмаган, ҳаммалари бир жойда бирон гап-гаштакда келишиб йиғилишгандай. Мисол учун, полис бошлиғи шаҳарга янги келганда, Митяни очиқ чеҳра билан қабул қилган, аммо кейин, айниқса, охирги ойда Митя унинг ҳузурига бормай қўйган, полис бошлиғи эса, у билан кўчада учрашиб қолса, қовоқ-тумшуғини солар ва фақат одоб-икром юзасидан таъзим қилар, бу Митянинг назаридан қочмаганди. Прокурор тўра билан хийла аввалдан таниш-билиш, прокурорнинг асабий ва ғаройиб хоними ҳузурига бўлакча ҳурмат-эътибор билан ташриф қилар, аммо бундан муддаоси нима эканлигини ўзи ҳам билмас, хоним эса уни ғоят кўнгилчан кутиб олар, нечукдир охирги дамларгача унга беэътибор эмасди. Терговчи билан ҳали танишиб улгурмаган, бироқ уни, айниқса, аёллар даврасида бир-икки бор учратган ва ҳатто сўзлашган ҳам эдилар.

– Сиз, Николай Парфенович, одамни жуда нозик жойидан оладиган терговчи экансиз, мен бунга ишондим, – очиқ юз билан бирдан кулди Митя, – аммо энди мен сизга ўзим ёрдам бераман. О, жаноблар, мен қайта тирилдим... Мен сиз билан бундай очиқчасига ва тўғри гаплашаётган бўлсам, буни тўғри тушунинг. Бунинг устига, мен озроқ ичганман, сизга очиғини айтяпман. Мен, чамаси, сизни, Николай Парфенович, қариндошим Миусовнинг уйида кўрган эдим... Жаноблар, жаноблар, мен ўзимни сизга тенг кўраётганим йўқ, жуда яхши ақлим етиб турибди сиз киму мен ким. Ме-

нинг бўйнимда... агарда Григорий кўрсатма берган эса, албатта, қандай оғир, жуда даҳшатли шубҳа-гумон ётибди... ҳа, ётибди! Даҳшат, даҳшат, – мен буни тушунаман ахир! Бироқ ишга ўтайлик, жаноблар, мен тайёрман ва биз буни бир зумда ҳал қилиб ташлаймиз, чунки, чунки қулоқ солинг, қулоқ солинг, жаноблар. Ахир мен айбсиз эканлигимни билсам, унда албатта, бир зумда тугатамиз! Шундайми? Шундайми?

Митя асаби қайнаб, тез-тез ва шаҳд-шиддат билан кўп гапирар, ўзини тинглаб ўтирган одамларни гўё яқин дўстлар ўрнида кўраётгандай эди.

– Демак, биз ҳозир шуни дафтарга ёзиб қўямизки, сиз бўйнингизга қўйилаётган айбни қатъиян рад этасиз, – босиқлик билан деди Николай Парфенович ва мирзага ярим ўгирилиб, нимани ёзиш кераклигини айтиб турди.

– Ёзиб қўямиз дейсизми? Сиз буни ёзмоқчимисиз? Ҳай, майлига, ёзаверинг, мен розиман, тўла розилигимни билдираман, жаноблар... Фақат, буни қаранг... Тўхтанг, тўхтанг, шундай ёзинг: "Жанжал-тўполон чиқарди, қари хизматкорга оғир жароҳат етказди", деб ёзинг. Ундан ташқари, мен ўз ичимда, юрагимнинг тубида айбдорман – аммо буни ёзиш керак эмас, – деб ўгирилди у мирзага, – бу энди менинг ўз хусусимга оид ҳаётим, жаноблар, бошқа ҳеч кимга дахли йўқ, яъни мен юрак қаърларини айтаётирман... Аммо қари отамни ўлдиришда айбдор эмасман! Бунга ақл бовар қилмайди! Бу мутлақо ақл бовар қилмайдиган гап!.. Мен сизга исботлаб бераман, сиз дарров ишонч ҳосил қиласиз, сиз қуласиз кейин, жаноблар, мендан гумон қилганингиз учун хохолаб куласиз!..

– Тинчланинг, Дмитрий Федрович, – эслатди босиқлик ила терговчи худди босиқлиги билан жазавага тушаётганининг туғёнини енгадигандай. – Сўроқни давом эттиришдан олдин, агар рози бўлсангиз, истардимки, сиз яна бир карра тасдиқлаб берсангиз, чамаси, афтидан, сиз марҳум Федор Павловични яхши кўрмагансиз, доим у билан низолашгансиз... Бу ерда, чамаси, чорак соат илгари ҳатто уни ўлдирмоқчи бўлиб юрганингизни айтдингиз: "Ўлдирмадим, – деб хитоб қилдингиз, – аммо ўлдирмоқчи эдим!" дединг.

– Мен шундай дедимми? Оҳ, бу бўлиши мумкин, жаноблар! Ҳа, бахтга қарши, мен уни ўлдирмоқчи эдим, кўп марта шундай қилмоқчийдим... бахтга қарши... бахтга қарши!

– Шундай қилмоқчи бўлгансиз. Лекин сиз тушунтириб беролмасмикинсиз, отангиздан бу қадар дарғазаб бўлишингизнинг сабаблари нима?

– Нимасини тушунтираман, жаноблар! – қовоғини уйиб елкаларини силкитди Митя қуйи боқиб. – Ахир мен ўз ҳиссиётларимни яширмаганман, бутун шаҳар буни билади – қовоқхоналарда ҳамма билади. Яқинда монастирда авлиё Зосиманинг ҳузурида ҳам айтдим... Ўша куни кечқурун отамни урдим, ўлдириб қўяй дедим ва яна келаман, ўлдираман дедим, гувоҳлар бор... О, минглаб гувоҳлар хабардор! Бир ой бу сўзларни бақириб айтиб юрдим, ҳаммаси гувоҳ!.. Факт тайёр, факт ўзи гапириб, бақириб турибди, аммо ҳиссиётлар, жаноблар, ҳиссиётлар бу бошқа. Биласизми, жаноблар, – Митя қовоғини уйди, – менимча, сиз ҳиссиётлар ҳақида мендан сўрашга ҳақингиз йўқ. Сиз вазифадорсиз, мен буни тушунаман, лекин бу менинг ишим, ички ишим, фақат ўзимга тегишли, аммо... мен ҳиссиётларимни аввалдан яшириб юрмаганим учун... мисол

учун, қовоқхонада ҳаммага очиқ айтганман, ҳар кимга, шунинг учун... шунинг учун ҳозир ҳам буни сир тутмайман. Кўрдингизми, жаноблар, мен тушунаман, менга қарши далиллар сонмингта: ҳаммага айтганман, уни ўлдираман деб; қаранг, энди уни ўлдириб кетишибди, шундоқ бўлгач, мен бўлмай ким бўлади? Ха-ха! Мен сизларни кечираман, жаноблар, кечиришга лойиқсиз. Мен ўзим ҳам, бутун вужудим сирқираб кетди, нега десангиз, бу аҳволда уни ким ўлдирдийкин, мендан бошқа? Тўғримасми? Мен бўлмасам, ахир ким, ким ахир? Жаноблар, – бирдан хитоб қилди у, – мен билишни истайман у қаерда ўлдирилган, нима билан, қандай? Айтинг менга, – тез сўради у прокурор тўра билан терговчига бирма-бир боқиб.

– Биз уни ўз кабинетида ерда юзтубан ётган, боши мажақланган ҳолда топдик, – деди прокурор тўра.

– Бу ғоятда даҳшат, жаноблар! – сесканди Митя ва столга таяниб ўнг қўли билан юзини тўсди.

– Биз давом эттирамиз, – деди Николай Парфенович. – Отангизни бу қадар ёмон кўришга сизни нима мажбур қилди? Сиз, чамаси, очиқ айтгансиз рашкдан деб?

– Ҳа, рашк ва фақат рашкнинг ўзигина эмас.

– Пул талашишми?

– Ҳа, пул ҳам бор.

– Чамаси, сиз мерос юзасидан уч минг олмай озроқ олгансиз ва жанжал қилгансиз.

– Нега уч минг бўларкан! Кўп, кўп, – хўрозланиб кекирдагини чўзди Митя, – олти мингдан кўп, балки ўн мингдан ҳам кўпроқ. Мен ҳаммага бор овозим билан айтганман! Лекин кейин, майли, уч минг деб ҳисоблаб ярашиб кўя қолайлик девдим. Менга шу уч минг жуда ҳам зарур эди... Шунинг учун Грушенька учун пакетга солиб тайёрланиб, ёстиқ остига тиқиб қўйилган пулни мендан ўғирлаб олинган деб ҳисоблардим, ана шуни ўзимники деб санардим, жаноблар, хусусий маблағим дердим...

Прокурор тўра терговчи билан ғоятда маънодор кўз уриштирди ва ҳатто кўзини қисиб қўйди.

– Биз бу нарсага ҳали яна қайтамиз, – деди шу заҳоти терговчи, – айнан шу нуқтани таъкидлаб қайд қилиб қўйишимизга изн бергайсизки, сиз ўша қоғоз жилдга солинган пулни мисоли ўз шахсий пулингиз деб билгансиз.

– Жаноблар, ёзаверинг, ахир бу менга қарши бир далолат эканлигини тушунаман, аммо мен далиллардан қўрқмайман ва ўз-ўзимни этагимни очяпман. Эшитяпсизми, ўзим. Буни қарангки, жаноблар, сиз мени тамомила бошқа одам деб қараяпсиз чоғи, мен эса бутунлай бошқаман, – деб қўшиб қўйди у бирдан ғамгин тунд тортиб. – Сиз билан олийжаноб бир инсон гаплашяпти, жуда ҳам олийжаноб сиймо, энг муҳими – буни асло назардан қочирмангиз – бу чексиз тубанликлар қилган одам, лекин ҳамма вақт ва ҳар қачон энг олийжаноб инсон бўлиб қолаверган сиймо, ичидан ҳам, ташидан ҳам олийжаноб хилқат. Хўш, бир оғиз сўз билан айтганда, эй, афсус, мен буни ифодалай олмайман-да... Айни мана шу боисдан ҳам бир умр азоб чекиб келмоқдаман-да-е, олийжанобликни қўмсадим, нима десам экан, олийжанобликнинг дардманди эдим, уни чироқ тутиб излардим, Диоген чироғи билан қидирардим, ваҳоланки, бир умр фақат ифлос,

разил ишларни қилдим, ҳамма қатори, жаноблар... йўғ-е, фақат мен ўзим, жаноблар, ҳамма эмас, мен ёлғиз ўзим, мен янглишдим, бир ўзим, бир ўзим!.. Жаноблар, менинг бошим оғрияпти, – унинг афти-ангори азобдан буришди, – биласизми, жаноблар, менга унинг турқи ёқмасди, қандайдир палитлик, кеккайиш ва қутлуғ нарсаларни топташ, булғаш, иршайиш, имонсизлик, о, ифлос, ифлос! Бироқ энди у ўлди, энди мен бошқача фикрдаман.

– Қандай бошқача?

– Ҳа, бошқача, ундан жирканганимга ачинаман.

– Пушаймонмисиз?

– Йўқ, пушаймонлик эмас, буни ёзиб ўтирманг. Мен ўзим яхши эмасман, жаноблар, ана шунақа, мен ўзим унча чиройли эмасман, ана шунинг учун уни жирканч деб ҳисоблашга ҳақим йўқ эди, ана шундай! Буни, майли, ёзиб қўйинг.

Митя шуларни айтиб, бирдан бениҳоя маъюс тортиб қолди. Бироз вақтдан бери у терговчининг саволларига жавоб бераркан, борган сари оғир тундлашиб, дарди-дунёси қоронғилашарди. Бирдан худди мана шу дамларда яна бир кутилмаган воқеа бўлиб қолди. Гап шундаки, Грушенькани боя узоқлаштирган эсалар-да, олисга олиб кетишмаган, у сўроқ кетаётган мовий хонадан битта наридаги кичикроқ учинчи хонада жойлашганди. Бу битта деразали кичик хона бўлиб, кечаси базм бўлган катта хонанинг орқасида эди. Грушенька шу ерда жуда ҳам қўрқиб кетган, ҳайрати ошган Максимов билан бирга ўтирганди. Максимов қизнинг ёнидан жилмас, унинг ёнида жон сақлашни кўзларди. Бу хонанинг эшиги олдида кўкрагига тўқа тақкан бир эркак киши қоровуллик қиларди. Грушенька тинмай йиғлар ва бирдан дарди-қайғуси кўксига сиғмай қолиб, дик этиб ўрнидан турди-да, қўлларини қарсиллатиб бир-бирига уриб, бирдан: "Вой, мен ўлай, вой, мен ўлай!" – деб қичқирди-ю, хонадан югуриб чиқиб, ўзининг Митяси томон отилди. Бу шунчалар кутилмаганда рўй бердики, ҳеч ким уни тўхтатиб қололмади. Митя эса унинг фарёдини эшитиб, ларзага тушди, сакради, қаттиқ ўкирди, яшин тезлигида пешвоз борди, у эс-ҳушини йўқотгандай эди. Аммо яна уларни тўхтатиб қолишди, лекин улар бир-бирларини кўришга улгургандилар. Митянинг қўлидан қаттиқ тутдилар, у ўзини ҳар ёққа отар, тўлғонар, юлқинар, уни тинчитишга уч-тўрт одам овора бўлди. Қизни ҳам ушлашди, Митя қизнинг қичқириб тўлғониб, қўлларини ёзиб ўзига томон талпинаётганини кўриб турарди. Уни қўлдан чиқаришмади. Воқеа тугагач, у яна жойида ўтирган ҳолда ўзига келди, олдида стол, қаршисида терговчи, уларга қарата тўхтамай шовқин соларди:

– У сизга нима қилди? Нега уни қийнайсиз? Унинг айби йўқ, айби йўқ!..

Уни терговчи билан прокурор тўра гапга кўндиришга уринишарди. Шу аҳволда ўн дақиқача вақт ўтди; ниҳоят, хонага боядан бери кўринмаган Михаил Макарович шошилиб кириб келди-да, овозини баланд кўтариб прокурор тўрага деди:

– Уни четга олдик, пастга олиб тушдик. Аммо, жаноблар, менга манави шўрликка бир оғиз сўз айтишга рухсат беринглар. Сизнинг олдингизда, шу ернинг ўзида, жаноблар!

– Бемалол, марҳамат қилинг, Михаил Макарович, – жавоб берди терговчи, – ҳозирги ҳолда биз асло қарши эмасмиз.

– Дмитрий Федорович, қулоқ сол, омон бўлгур отагинам, – дея Митяга қарата сўзини бошлади Михаил Макарович, унинг афт-башараси ҳаяжондан бўғриққан, шўрлик тутқунга оталарча ғамхўрлик билан тўлганди, – сенинг Аграфена Александровнангни ўзим пастга олиб тушиб, хўжайиннинг қизларини қўлига тутқаздим, анави кария Максимов ҳам унинг ёнида, кейин мен уни гапга кўндирдим, тинчлантирдим, эшитяпсанми? – Митяга халақит берма, у ўзини оқлаши керак, ҳол-жонига қўймай бақир-чақир қилаверсанг, у эс-ҳушини йўқотиб, ўзига қарши нотўғри гапларни айтиб қўяди, чатоқ бўлади, дедим, билдингми? Шуларни айтдим-да, хуллас, у тушунди. У, оғайни, ақлли, кўнгли очиқ, мен чолнинг қўлимни ўпмоқчи бўлди, сендан илтимос қилди. Ўзи мени бу ерга юборди, мендан ҳотиржам бўлсин деди, мана энди бориб уни тинчитишим керак, оғайни, сен ўзингни яхши тутаётганингни айтишим керак. Хўш, майли, ўзингни бос, тушун. Мен у қизнинг олдида айбдорман, у мўмин-қобил қиз экан, маъсум ва ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Хўш, Дмитрий Федорович, унга бориб нима дей, тинч, яхши ўтирасанми?

Меҳрибон киши ортиқча гапларни ҳам айтиб юборди, аммо Грушеньканинг дарди-аламига у юракдан ачинган, ҳатто кўзлари ёшга тўлганди. Митя сакраб туриб унинг олдига борди.

– Кечиринг, жаноблар, ижозат беринг, о, ижозат беринг! – қичқирди у, – сиз фаришта, фаришта одамсиз, Михаил Макарович, бунинг учун сизга раҳмат! Ўзимни яхши тутаман, хафа бўлмайман, сиз чексиз меҳрибон одам экансиз, унга айтинг, вақтим чоғ, яхшиман, хурсанд бўлганимдан ҳозир кулиб юбораман, яхшиям, у сиз каби фаришта соқчи ҳимоясида. Ҳозир ҳаммасини тугатаман, бўшайман-у унинг олдига учиб бораман, ўзи кўради, кутсин! Жаноблар, – бирдан у прокурор тўрага ва терговчига мурожаат қилди, – энди сизга бор юрагимни очаман, борини тўкиб соламан, биз буни дарров тугатамиз, вақтимизни чоғ қиламиз – ниҳояти, бир масза қилиб кулишайлик, ахир, жаноблар, тўғрими? Аммо, жаноблар, бу аёл юрагимнинг маликаси! О, ижозат беринг, мен буни айтиб ўтай, буни мен сизга очай... Мен ахир кўриб турибман-ку жуда олийжаноб одамлар қуршовидаман; у менинг ёруғлигим, менинг кўнгил обидам, эҳ, сиз билсайдингиз буни! Эшитдингизми унинг фарёдини: "Сен билан дор остига бораман!" – дейди. Мен унга нима қилибман, мен чиғой, шир яланғочман, арзийманми мен бундай севгига, бесўнақай, шарманда бир кимса, бетамиз, арзийманми бу севгига, мен билан сургунга боришига? Мен деб боя оёкларингизга ётиб ёлворди, о, у мағрур қиз, ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Ўргилиб кетмайинми ундан, нолалар қилиб ёнига югурмайинми мен? Ҳозир, ҳозир бормайинми мен ахир? О, жаноблар, кечиринг! О, мен таскин, таскин топдим!

Шунда у ўзини курсига ташлади-да, икки кафти билан юзини тўсиб, ҳўнграб йиғлади. Лекин бу бахтли кўзёшлар эди. У яна бир зумда ўзига келди. Қари полис бошлиғи ғоят мамнун бўлди, бошқа юрист адлиячилар ҳам шундай кайфиятда эди: энди улар сўроқ-суриштирув янги паллага киради деб ҳис қилдилар. Полис бошлиғи жўнагач, Митянинг димоғи чоғ бўлди.

– Ана энди, жаноблар, тўла сизнинг ихтиёрингиздаман. Ва... агар мана шу бари майда-чуйдалар бўлмаса, унда ҳозирнинг ўзидаёқ келишиб қўя қолардик. Мен яна майда-чуйдаларни айтяпман. Мен ихтиёрингиздаман, жаноблар, аммо ўлай агар, ўртада ўзаро ишонч бўлсин – сиз менга ишонинг, мен сизга – бўлмаса, ҳеч қачон охирига етолмаймиз. Сизни деб айтаётирман. Ишга ўтайлик, жаноблар, ишга ўтайлик, асосийси, менинг юрагимни кавлайверманг, арзимас нарсалар деб ўртаманг, фақат иш юзасидан, далилларни сўранг, мен дарров қондириб жавоб бераман. Майда-чуйда нарсалар эса даф бўлсин!

Митя шундай хитоб қилди. Яна сўроқ бошланди.

IV

ИККИНЧИ МАШАҚҚАТ

– Сиздан жуда мамнунмиз, Дмитрий Федорович, ишимизни анча осон қилдингиз... – сўз бошлади Николай Парфенович бироз ранг-рўйи очилиб, унинг косасидан бўртиб чиққан узоқни яхши кўролмайдиган оч-кулранг кўзларида хайрихоҳлик акс этди, бундан сал олдинроқ у кўзойнагини кўзидан олганди. – Сиз орамиздаги ўзаро ишонч ҳақида хўб айтдингиз, бунақанги муҳим ишларда бунинг аҳамияти катта, айниқса, шубҳа остига олинган шахс, ҳақиқатан, ўзини оқлашга умид қилса ва чин дилдан буни истаса, албатта. Биз ўз томонимиздан тегишли барча ишларни амалга оширамиз, сиз ўзингиз ҳам ҳозир кўрдингиз биз ишни қандай олиб боришимизни... сиз буни маъқуллайсизми, Ипполит Кириллович? – бирдан прокурор тўрага мурожаат қилди у.

– О, албатта, – маъқуллади прокурор, гарчи Николай Парфеновичга қараганда қуруқроқ оҳангда бўлса-да.

Биратўла айтиб ўтай, биз томонга яқинда келган Николай Парфенович ўз вазифасини бажаришга киришган дастлабки чоғлардаёқ бизнинг прокурор тўрамиз Ипполит Кирилловичга жуда катта ҳурмат-эътибор билан қараб, юракдан унга яқин бўлиб қолган. Бизнинг "хизмат вазифаси юзасидан камситилган" Ипполит Кирилловичнинг фавқулодда психологик ҳамда нотиқлик истеъдодига чин дилдан ишонган бирдан-бир киши ҳам шу Николай Парфенович эди, ростдан ҳам уни камситилган деб биларди. У ҳақда Петербургдаёқ эшитганди. Яна ўз навбатида ёшгина Николай Парфенович бизнинг "камситилган" прокурор тўрамизнинг дунёдаги бирдан-бир чин меҳр-муҳаббатига сазовор бўлолган кимса эди. Икковлари бу ёққа келишаётганда иш борасида баъзи бир нарсаларни келишиб, шартлашиб олишган, энди столга ўтиргач, Николай Парфеновичнинг зийрак ҳамда ўткир ақли ўзидан каттароқ ҳам тажрибакорроқ ҳамкасби чеҳрасидаги ҳар қандай кўрсатма, ишора, ҳар қандай қилт этган ҳаракатни ярим сўз, нигоҳ, кўз имосидан бир зумда илғай олар, пайқар ва тушуниб етарди.

– Жаноблар, ўзим ҳикоя қилишимга қўйиб беринглар, арзимас нарсаларга ҳикоямни тўхтатаверманг, мен зумда барини айтиб ўтаман, – қайнаб-тошарди Митя.

– Жуда соз. Раҳмат сизга. Бизга айтадиган маълумотларингизни эшитамиз, ундан олдин менга битта нарсани қайд этиб ўтишга ижозат беринг, бу биз учун ғоятда муҳим, гап айнан ўн рубль устида кетяпти, сиз уни кеча соат бешларда тўппончаларингизни ўртоғингиз Петр Ильич Перхотинга гаровга қўйиш эвазига олгансиз.

– Гаровга қўйдим, жаноблар, гаровга қўйдим ўн рублга, хўш, нима бўпти? Бор гап шу, йўлдан шаҳарга қайтган заҳоти гаровга қўйдим.

– Э, сиз йўлдан келдингизми? Сиз шаҳар ташқарисига чиқдингизми?

– Чиқдим, жаноблар, қирқ чақирим нарига бордим, сиз билмовдингизми?

Прокурор тўра ва Николай Парфенович кўз уриштириб олдилар.

– Умуман, қанийди сиз ҳикоянгизни бошдан-оёқ бир чеккадан кечаги кун эрталабдан бошлаб айтиб берсангиз. Мисол учун, билсак бўладими, шаҳардан қаёққа бордингиз, қачон қайтиб келдингиз, шуларнинг ҳаммасини...

– Э, бошидан шундай-шундай деб сўрамайсизми? – овозини баланд қўйиб кулди Митя, – мабодо, хоҳласангиз кечаги кундан эмас, ундан олдинги тунов кун эрталабдан бошлашим мумкин, ўшанда қаёққа ва нима учун борганим, келганимни тушунасиз. Тунов кун эрталабдан, жаноблар, шу ерлик савдогар Самсоновнинг олдига уч минг қарз олгани бордим, кафолатимни айтдим, бир жин урди-да, жаноблар, мени бир жин урди...

– Узр, гапингизни бўламан, – деди одоб билан прокурор тўра, – сизга нима учун айнан уч минг рубль зарур бўлиб қолди, билсам бўладими?

– Э, жаноблар, нима кераги бор бу майда-чуйда гапларни: қачон, қаерда, нима учун, нега айни шунча пул ва бошқа ашқол-дашқоллар... бунақада уч жилд китоб ёзсанг ҳам етмайди, яна хотима ҳам зарур бўлади!

Буларнинг барини Митя бор ҳақиқатни тўла-тўкис ва яхши ният билан тўкиб солишни истаётган кишининг бесабр бир такаллуфи билан баён қилди.

– Жаноблар, – бирдан ҳушёр торгандай бўлди у, – менинг бу шаттала-ётганимдан хафа бўлманглар, яна сўрайман: ишонинг, мен тўла ҳурмат қиламан ва аҳволни яхши тушунаман. Мени маст деб ўйламанг. Ичганимдан асар ҳам қолмади. Маст бўлганимда ҳам, бу халал бермасди. Қўшиқда айтилганидек:

Ҳушёр бўлдим, ақл кирди – тентагим чиқди,
Ичиб қўйдим, ақл кетди – ақлим кирди –

Хо-хо! Айтмоқчи, жаноблар, сизнинг олдингизда ҳазиллашадиган вақт эмас, бир-биримизни тушуниб олганимизча йўқ. Ўз иззатимда турганим яхши. Ҳозир орамиздаги фарқни тушуниб турибман-ку: ахир қошингизда жиноятчидай ўтирибман, сизнинг тенгингиз эмасман, сизга мени текшириш буюрилган. Григорийни урганим учун бошимни силамайсиз-ку, чолнинг бошини ёрган бўлсам, жазоимни оламан, мени суд қилиб ярим йил, бир йилга қамайсиз, турмага тиқасиз, яна билмадим қандай, ҳар нечук ҳуқуқларимдан маҳрум қилмасалар керак, ахир ҳуқуқим сақланадими, прокурор тўра? Хўш, ана шунақа-да, жаноблар, мен фарқига бораман ахир... Аммо очиғини айтсам, жаноблар, сиз бундай илмокли саволлар

билан худовандо каримни ҳам чалкаштириб юбора оласизлар: қайга бординг, қачон бординг, нима қилдинг деяверіб. Мен, албатта, чалғиб кетишим табиий, сиз эса дарров дафтарга киритиб қўясиз, бундан нима чиқади? Ҳеч нарса чиқмайди! Ниҳоят, мен энди ёлғон-яшиқни бошлаган эканман, жаноблар, сиз олий маълумотли, иззат-эътиборли одамларсиз, мени маъзур тутингиз. Ва яна айнан илтимос қилиб сўзимни тугатай, жаноблар, сўроқнинг бу расмиятчилигидан қочинг; кичкина бир нарсадан бошланг: қачон ўрнингдан турдинг, нима единг, нима ичдинг, жиноятчининг хаёлини қочириб туриб, бирдан уни лол қилиб қўядиган саволларни беринг: "Кимни ўлдирдинг? Нима ўғирладинг?" Хо-хо! Ана сизга расмиятчилик, сиз буни қоидага айлантириб юборгансиз, сизнинг барча муғомбирликларингиз тагида шу ётади! Эй-ҳа, сиз анов қора халқни бундай маккорликлар билан довдиратиб ташланг, мени қўйинг. Мен ахир иш қандайлигини биламан-ку, ўзим хизмат қилганман, хо–хо–хо! Жаҳлингиз чиқмасин, жаноблар, қўполлигим учун узр, а? – деб қичқирди у уларга очиқ юз билан қараб. – Ахир Митька Карамазов шундоқ дебди-да, демак, кечириш мумкин, чунки ақлли одам узр-маъзур қилиб ўтирмайди, Митька эса узрли! Хо-хо!

Николай Парфенович кулиб, ҳам тинглаб ўтирарди. Прокурор тўра эса гарчи кулмаса-да, Митядан кўзини узмай зийраклик билан кузатар, унинг бир оғиз сўзи, хатти-ҳаракати, афти-башарасидаги ифодаларигача назар-эътибордан қочирмасди.

– Тушунаман, тушундим ва фаҳмладим, менга қилаётган яхшилигингизни ғоятда қадрлайман, бетимсол қалбларнинг олийжаноблиги деб биламан. Биз бу ерда уч олийжаноб тамкин инсон учрашиб қолдик, майли, ўртамиздаги ҳар бир нарса ўқиган-билган, дунё кўрган эзгу одамларнинг ўзаро ишончи доирасида бўлсин, ахир бизни дворянлик шаъни боғлаб туради. Ҳар ҳолда сизларни ўзимнинг энг яхши дўстларим қаторида ҳисоблашга ижозат беринг, ҳаётим шундай бир оғир вазиятга тушиб қолди, шону шарафим оёқости бўлди ушбу дамларда! Ахир аттанг чекмайсизми, жаноблар, бундан аттанг чекмайсизми?

– Аксинча, сиз буларнинг ҳаммасини жуда кифтини келтириб айтдингиз, Дмитрий Федорович, – жиддий маъқуллаган ҳолда деди Николай Парфенович.

– Э, анови илмоқли жингалак майда-чуйдалар нари турсин, – завқ билан хитоб қилди Митя, – акс ҳолда бундан нима чиқади, тўғри эмасми ахир?

– Сизнинг оқил маслаҳатларингизга риоя қилганим бўлсин, – деб гапга қўшилди бирдан прокурор тўра Митяга қараб, – аммо ўзимнинг саволимдан барибир воз кечолмайман. Сизга нима учун айнан ана шу уч минг керак бўлиб қолганини билиш биз учун жуда муҳим.

– Нега керак бўларди? Унга-бунга дегандай... шу, қарзни тўлашга.

– Кимга тўлашга?

– Буни мутлақо айтолмайман, жаноблар! Кўряпсизми, айтишнинг ложжи йўқлиги ё журъат етмаслиги, ё арзимаган икки пулга қиммат нарса деб хавфсираганим учун эмас, аксинча, бу ерда шундай фикрда бўлганим учун айтмайман: нега деганда, бу менинг шахсий ҳаётим, мен ўз шахсий ҳаётимга киришларига йўл қўймайман. Мен шунга риоя қиламан. Сизнинг

саволингизни ишга дахли йўқ, ишга дахли бўлмагач, бу шахсий хусусий ҳаёт бўлади! Қарзимни тўламоқчийдим, юзимни ёруғ қилмоқчийдим, кимлигини эса айтмайман.

– Буни ёзиб қўйишга ижозат этинг, – деди прокурор тўра.

– Бемалол, шундай деб ёзинг: айтмайман, айтмайман. Ёзинг, жаноблар, буни айтишни номуссизлик деб биламан. Ёзишга вақтингиз кўплигини қаранг!

– Жаноби олийлари, балки сизнинг хабарингиз йўқдир, шунинг учун сизга эслатиш ва огоҳлантиришга ижозат бергайсиз, – алоҳида жиддий таъкидлаб уқтирди прокурор тўра, – сиз ҳозир берилаётган саволларга жавоб бермасликка тўла ҳақингиз бор, шу жумладан, биз ҳам сиздан зўрлаб жавоб олишга ҳеч қандай ҳақимиз йўқ, у ёки бу сабаб билан сиз жавоб беришдан бош тортишингиз мумкин. Бу сизнинг ўз шахсий фикрингизга боғлиқ. Аммо бизнинг ишимиз яна шундан ҳам иборатки, ҳозирги вазиятда бўлгани каби сиз у ёки бу кўрсатмани беришдан бўйин товлаб ўзингизга ўзингиз қай даражада зарар етказишингиз мумкинлигини кўрсатиш ҳамда тушунтиришдир. Ана энди, марҳамат, давом эттирайлик.

– Жаноблар, мен хафа эмасман, мен... – ғўлдиради Митя ҳозирги танбеҳни эшитгач шаҳдидан тушиб, – буни қарангки, жаноблар, мен ўшанда кўришмоқчи бўлиб кетаётган ўша Самсонов...

Биз ўқувчимизга олдиндан маълум бўлган ҳикояни батафсил такрорламоқчи эмасмиз. Ҳикоя қилувчи ҳаммасини майда-чуйдасигача айтиб беришга ошиқиб турганди ва шу билан бирга тезроқ тугатишни хоҳлаганди. Лекин кўрсатмани бирма-бир ёзиб боришаркан, демак, уни зарурат юзасидан тўхтатиб ҳам туришган. Дмитрий Федорович бундан норози бўлар, аммо қаршилик қилмас, жаҳли чиқар, аммо кўнглига ҳозирча оғир олмасди. Рост, баъзан: "Жаноблар, бу худойимнинг ҳам қаҳрини келтиради", ёки "Жаноблар, биласизми, сиз бекор аччиғимни чиқаряпсиз", – деб қичқириб қўярди. Аммо дўстона қизишиб, жўшиб-тошиб муносабат билдиришдан ҳали-бери тўхтамасди. Шу тариқа бундан уч кун бурун Самсонов ўзини "лаққа туширганини" сўйлаб берди (ўшанда у фириб еганини энди англаганди). Прокурор тўра билан терговчига ҳали маълум бўлмаган, йўлга чиқиш учун соатни олти рублга сотиш воқеаси дарҳол уларнинг фавкулодда эътиборини тортди ва Митянинг беҳад қаҳр-ғазабини келтирди: бу фактни жуда муҳим деб билиб, батафсил ёзиб олишди, воқеа рўй бериши арафасида унинг ёнида сариқ чақачалик пули бўлмаганига тасдиқ деб таъкид қўшиб қўйишди. Аста-секин Митянинг қовоқ-тумшуғи осилди. Кейин Тепонғич ҳузурига боргани, ис босган ҳужрада кечани ўтказгани ва ҳоказоларни сўйлаб, ҳикоясини шаҳарга қандай қайтиб келганигача давом эттирди-да, шундан сўнг ҳеч ким сўрамаса ҳам, Грушенькани қандай рашк қилиб қийналганларини оқизмай-томизмай баён қилиб берди. Уни индамай диққат билан тинглашди, айниқса, Марья Кондратьевнанинг уйида орқаваротдан Грушеньканинг йўлини пойлаб кузатиш жойи уюштиргани, Смердяков унга маълумотлар етказиб турганига ғоятда қизиқиб, тезда эътибор билан ёзиб олишди. У ўзининг рашк қилиши ҳақида жўшиб-қайнаб батафсил гапирди, гарчи ўзининг энг жўшқин ҳиссиётларини, нима десак экан, "ҳаммага кўз-кўзлаётганидан" ичида номус қилаётган бўлса-да, аммо

ҳақиқатни маълум қилиш учун уятини йиғиштириб қўймоқда эди. У ҳикоя қиларкан, терговчи ва айниқса, прокурор тўранинг ўзига ўқдай қадалган холис, жиддий нигоҳларидан охири қаттиқ хижолатга тушди: "Манави ёш боладан фарқи йўқ Николай Парфенович билан бир неча кун олдин хотинлар ҳақида аҳмоқона валақлашган эдим, анави касалманд прокурор тўра бўлса бу гапларни айтиб ўтиришимга арзимайди, – нохушланиб хаёлидан ўтказди у, – шармандалик!" – "Чида, ичингга ют, оғзингни юм", – деб якунлади хаёлини мисра билан, бироқ яна гапини давом эттириш учун ўзини ичдан чоғлади. Хохлакова ҳақида ҳикоя қиларкан, яна вақти чоғ бўлиб, бегойим ҳақида яқинда қулоғига чалинган бошқачарақ, ишга алоқаси йўқ бир ҳангомани айтиб беришга оғиз жуфтлаган эди, лекин терговчи тўхтатди ва "бундан кўра муҳимроқ мавзуга" ўтишни одоб билан таклиф этди. Митя қаттиқ умидсизликка тушгани ва Хохлакова хонимникидан чиқиб, "тезроқ кимнидир сўйиб бўлса-да, уч мингни топишни" ўйлаганини баён этганда, уни яна тўхтатишди-да, "кимнидир сўйиб" сўзларини ёзиб олишди. Митя тек қотиб турди. Ниҳоят, гап Грушенька уни алдаб, Самсоновнинг ёнида кўп турмай дарров кетиб қолгани, чолнинг олдида ярим кечагача ўтирмагани ҳақидаги жойига келгач, "Жаноблар, агар мен шу Феняни ўшандаёқ ўлдирмаган бўлсам, бунга қўлим тегмагани сабаб", деган сўзлар оғзидан чиқиб кетди. Буни ҳам дарров ёзиб қўйишди. Митя қовоғини уйиб кутиб турди, кейин у отасининг боғи томонга югуриб кетганини айта бошлаган эди, бирдан терговчи уни тўхтатди ва ёнида диванда ётган катта портфелини очиб, ундан мис дастани чиқарди.

– Бу нарса сизга танишми? – деб Митяга кўрсатди уни.

– Эҳ-ҳа! – тунд ихранди у, – таниш-да! Қани беринг, кўрай... Э, шайтон, керакмас!

– Сиз уни айтиб ўтишни унутдингиз, – деди терговчи.

– Э шайтон, сиздан беркитмасдим, барибир юзага қалқиб чиқарди-да, нима дединг из? Хаёлимдан кўтарилибди.

– Ўзингиз лутфан у билан қандай қуролланганингизни батафсил айтиб берсангиз.

– Бажонидил, жаноблар, лутфан айтаман.

Митя шундан кейин дастани қандай олгани ва югуриб кетганини баён қилди.

– Аммо сиз бу нарсани нима мақсадда қурол қилмоқчи бўлдингиз?

– Мақсад дейсизми? Ҳеч қандай мақсад йўқ! Қўлга олдим-у югуриб кетдим.

– Нега ахир, мақсад бўлмаса?

Митя алам ўтида ёнарди. У "бола"га тик разм солди-да, тумшайиб, ғазабланиб хўрсинди, гап шундаки, ҳозиргина "ана шунақа" одамларга ўзининг қандай рашк қилганлари тарихини шундай самимий, шундай юрак қилларини чертиб-чертиб ҳикоя қилиб берганидан беҳад уялиб, уялиб кетмоқда, қани энди ер ёрилса-ю ерга кириб, йўқ бўлиб кетсам демоқда эди.

– Тупурдим ўша дастага! – бу сўзлар Митянинг кўксидан отилиб чиқди.

– Ўйлаб кўринг-чи.

– Итлардан сақланмоқчи бўлдим. Ҳе... коронғида... Ҳар эҳтимолга қарши, ҳе...

– Айтинг-чи, агар қоронғидан бундоқ қўрқсангиз, кечаси кўчага чиққанда, илгари ҳам қўлингизга шундай курол кўтариб олармидингиз?

– Э, шайтон, туф-туф! Жаноблар, сиз билан мундоқ тўғри гаплашиш жуда қийин экан! – деб қичқирди Митя тутоқиб ва кейин ғазабдан шолғомдек қизариб, мирзага ўгирилди-да, овозида васваса-дағдаға қилган ҳолда жағи жағига тегмай гапира кетди:

– Ҳозир ёз... ҳозир... "югуриб бориб отамни ўлдириш учун дастакни қўлимда кўтариб олдим... отам Федор Павловични... бошига уриб ўлдирмоқчийдим!" Хўш, энди мамнунмисиз, жаноблар? Кўнглингиз жойига тушдими? – деди у терговчи билан прокурор тўрага зардали боқиб.

– Биз жуда яхши тушунамиз, ҳозирги кўрсатмаларингизни, биздан жаҳлингиз чиқиб, берган саволларимизга ғашингиз келиб, уларни майда-чуйда нарсаларга йўйиб бердингиз, аммо биз уларни жуда зарур деб биламиз, – қуруққина қилиб деди унга жавобан прокурор тўра.

– Ўзингиз ўйлаб кўринг-да, жаноблар! Хўп, дастакни олган бўлай... Бундай ҳолатларда нима учун одам қўлига бир нарса олади? Нимагалигини мен билмайман. Қўлга олдим-у чопиб кетавердим. Бор гап шу. Уят, жаноблар, passons[1], акс ҳолда гапимни тўхтатаман!

У столга тирсаги билан таянди-да, қўли билан бошини чангаллади. У сўроқ қилаётганларга ёнлаб ўтирар, деворга боқиб, оғир ҳиссиётларини енгишга уринарди. Ҳақиқатан, у ўрнидан шаҳд туришни жуда истар, "мени қатл қилсангиз ҳам", бошқа бир оғиз сўз айтмайман, дегиси келарди.

– Кўринг-да, жаноблар, – оғиз очди у бирдан ўзини зўр-базўр енгиб, – кўринг-да. Сизни эшитиб ўтирибман-у кўзимга кўринади... мен, кўринг-да, ухлаб ётганимда туш кўраман... шунақа бир туш, тез-тез тушимга киради, такрорланади, кимдир орқамдан қувади, мен ундан жуда қўрқаман, кечаси қоронғида қувади, мени қидиради, мен эса ундан эшик ёки жавон орқасигами қочиб беркинаман, бундан ўзимда хўрлик туяман, муҳими эса мен қаёққа қочиб беркинганим унга маълум, лекин атай ўзини буни билмаганга солади, буни у мени узоқроқ қийнаш учун қилади, қўрқаётганимдан роҳатланади... Сиз ҳам мана шундай қиляпсиз! Шунга ўхшайди!

– Сиз шундай тушлар кўраркансиз-да? – ўсмоқчилади прокурор тўра.

– Ҳа, шундай тушлар... Сиз уни ёзиб олмоқчи эмасмисиз, мабодо? – лабини қийшайтирди Митя.

– Йўқ, ёзмаймиз, лекин ҳарқалай қизиқ тушлар экан.

– Ана энди туш эмас! Реализм, жаноблар, ҳақиқий ҳаёт реализми! Мен бўриман, сиз овчиларсиз, майли, бўрини таъқиб қилаверинг.

– Сиз бекорга бундай ўхшатиш қиляпсиз... – жуда ҳам юмшоқлик билан гап бошлади Николай Парфенович.

– Бекорга эмас, жаноблар, бекорга эмас! – яна қайнади Митя, бироқ боя бирдан қаҳру ғазабга миниб, юрагини бироз бўшатгач, энди ҳар бир сўзида юмшай бошлади. – Сиз саволларингиздан қийноққа тушган жиноятчига ишонмаслигингиз мумкин, аммо жаноблар, олийжаноб бир тамкин инсонга, юракнинг энг нозик аъмол-интилишларига (буни бор овозим билан айтаман!) – йўқ! Бунга ишонмаслигингиз мумкин эмас... бунга ҳатто ҳақингиз йўқ... аммо:

[1] етар энди *(франц.)*.

Жим бўл, юрак,
Чида, кўнгил ва жим бўл! –

Хўп, нима қилдик, давом эттирайми? – қовоқ уйиб деди у гапини кесиб.

– Э, давом эттиринг-да, марҳамат қилгайсиз, – жавоб берди Николай Парфенович.

V

УЧИНЧИ МАШАҚҚАТ

Митя гапини зарда билан жиддий бошлаган бўлса-да, айтишга жазм қилганларидан ҳеч бир нарсани эсдан чиқармаслик, туширмаслик учун, афтидан, янада тириша бошлади. У девордан ошиб отасининг боғига ўтгани, дераза томонга юргани ва дераза тагида нима бўлганигача оқизмай-томизмай ҳикоя қилди. Грушенька отамнинг олдидамикин деб билишга қизиққани, ўша дамларда хаёлига шундан бошқа ҳеч нарса келмагани, юраги қинидан чиққундай бўлиб ургани ҳақида аниқ, донадона қилиб сўйлаб ўтди. Қизиғи шунда бўлдики, терговчи ҳам, прокурор тўра ҳам бу сафар уни қандайдир жуда босиқлик билан эшитишди, уларнинг кўзларидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди, орага саволлар ҳам қарийб қўшишмади. Митя уларнинг чеҳраларидан ҳеч нарса уқиб ололмади. "Хафа бўлиб, жаҳллари чиқибди, – деб ўйлади у, – э, жин урмайдими!" Ниҳоят, у отасига гўё Грушенька келди деб *белги* бермоқчи бўлиб турганини айтганда, прокурор тўра ҳам, терговчи ҳам "белги" сўзига ҳеч қандай эътибор қаратишмади, худди уни бутунлай тушунмагандай, нима аҳамияти борлигини билмагандай кўринишди, Митя бунга диққат қилди. У отаси деразани очиб, эгилиб қарагани, ўзининг қаҳр-ғазаби жўш уриб чўнтагидан шартта дастани чиқарганини айтатуриб, худди атай қилгандай бирдан тўхтади. У девор томонга тикилиб ўтирар, анавилар ўзига кўзларини қадаётганларини биларди.

– Хў-ўш, – деди терговчи, – сиз дастани қўлга олдингиз, кейин... кейин нима бўлди?

– Кейинми? Кейин ўлдирдим... энсасига урдим ва бошини мажақладим... Ахир шундайми, сизнингча шундаймасми! – унинг кўзлари ялт-юлт ёнди. Унинг сўнгандай бўлиб туюлган қаҳру ғазаби бирдан фавқулодда куч билан туғёнга келди.

– Сизнингча-чи, – деди Николай Парфенович, – хўш, сизнингча нима бўлди?

Митя кўзини ерга тикди ва бироз жим қолди.

– Менимча, жаноблар, менимча, мана бундай бўлган, – секин сўйлади у, – кимнингдир тўккан кўз ёшларими, онам худойимга ялиниб ёлвордими ё ўша дамда руҳлар мени қучоқлаб олдими – билмадим, аммо иблис енгилди. Мен деразадан нари кетдим ва девор томонга қочдим... Отам қўрқиб кетди ва даҳватан мени кўрди, қичқириб деразадан ўзини орқага олди – бу яхши эсимда. Мен эса боғ оралаб девор томонга югурдим... ана шунда менга Григорий етиб олди, девордан ошаман деб ўтирганимда...

Шунда у ниҳоят кўзларини тингловчиларга кўтариб қаради. Улар, афтидан, унга тамомила осуда нигоҳ билан қараб ўтиришарди. Митянинг юрагини қандайдир санчиш янчиб ўтди.

– Сиз ҳозир менинг устимдан кулаётган бўлсангиз керак, жаноблар! – бирдан гапини тугатди у.

– Нега бундай деяпсиз? – деди Николай Парфенович.

– Гапимга асло ишонмаяпсиз, ана шунга! Мен ўзим тушуниб турибман, энг асосий жойига келдим. Чол у ерда боши мажақланиб ётибди, мен бўлсам, қандай ўлдирмоқчи бўлганимни фожиали баён қилиб, дастани қўлга олганимни айтиб... бирдан деразадан нарига қочиб бораяпман... Достон! Шеърий достон! Ишонса бўлади бу азаматнинг сўзларига! Хаха! Ҳазилкашсизлар-да ғоятда, жаноблар!

У курсида ўтириб бор жуссаси билан ўгирилди, курси қисирлаб кетди.

– Сиз пайқадингизми, – бирдан сўз бошлади прокурор тўра худди Митянинг ҳаяжонларини асло пайқамагандай, – сиз ойнадан нари қочганингизда, уйнинг нариги томонидаги боққа чиқадиган эшик очиқмиди, йўқми?

– Йўқ, очиқ эмасди.

– Очиқ эмасмиди?

– Аксинча, ёпиқ эди, ким уни очиши мумкин эди? Воҳ, эшик, тўхтангчи! – у бирдан ҳуши ўзига келгандай бўлди ва сесканаёзди, – нима, эшик очиқ эканми?

– Очиқ.

– Уни ким очарди, сиз очмаган бўлсангиз? – қаттиқ ҳайратга тушди Митя.

– Эшик очиқ қолган экан, отангизнинг қотили шу эшикдан киргани шубҳасиз, ишини қилиб бўлгач, яна шу эшикдан чиқиб кетган, – таъкидлаб, секин ва дона-дона қилиб деди прокурор тўра. – Бу бизга мутлақо равшан, қотиллик уйдан ташқарида эмас, уй ичида рўй берган, бу иш *дераза олдида бўлмаганлиги* кўриб текширилган, акт тузилганда аниқ бўлди, буни жасад ётган ҳолат ҳам тасдиқлайди. Бу хусусда ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Митя қаттиқ таажжубга тушди.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, жаноблар! – деб қичирди у батамом ўзини йўқотиб, – мен... мен кирмадим... сизга рост ва аниқ айтяпман, эшик мен боғда бўлган пайтимда доим ёпиқ эди, боғдан қочиб чиқиб кетаётганимда ҳам берк эди. Мен фақат ойна тагида, ташқарида турдим, уни ҳам фақат ва фақат ойнадан кўрдим. Охирги дақиқагача эсимда. Эсимда бўлмаган тақдирда ҳам, барибир биламан, нега деганда *ишора белгиларни* фақат мен, Смердяков ва худо раҳмат қилгур билардик, у эса ишора бўлмаса ҳеч кимга ҳеч қачон дарчани очмасди.

– Ишора белгилар дейсизми? Қанақа у ишора белгилар? – бирдан овози чиқиб, тажанг бир қизиқиш билан сўради прокурор тўра ва дарҳол пўрим вазминлигини йўқотди. У худди журъатсиз ўрмалаб бораётган одамдай гапирди. У ўзига олдин маълум бўлмаган муҳим фактга дуч келганини ҳис қилди ва Митя буни тўла очиқ айтмаслиги ҳам мумкин деб жуда кўркиб кетди.

– Э, хабарингиз йўқмиди! – кўзини қисди унга Митя масхараомуз ва беписанд илжайиб. – Ҳа, айтмасам нима бўлади? Унда кимдан биласиз? Ишораларни фақат мен, марҳум ва Смердяков билардик, яна осмон ҳам биларди, лекин у сизга айтмайди-ку. Лекин фактнинг ўзи қурғур антиқа-

да, унинг устига нима-нималарни қуриш мумкин, ха-ха! Хавотир олманг, жаноблар, сизга бунинг сирини очаман, ақлингиз бўлмағур нарсаларга тўла. Сиз ким билан гаплашаётганингизни билмайсиз! Сиз ўзига ўзи кўрсатма берувчи кимса билан сўзлашяпсиз, бу ўз оёғига ўзи болта урадиган одам! Ҳа-а, шундай, зеро мен номусли рицарман, сиз эса бундай эмассиз!

Прокурор тўра бу заҳарханда гапларни индамай ичига ютди, у фақат янги фактни билишга қизиқарди. Митя уларга Федор Павлович Смердяковга бичиб-тўқиган белги-ишоралар, уларнинг маъно-мазмуни ҳақида батафсил баён қилиб берди, уларни ҳатто стол устида чертиб кўрсатди. "Грушенька келди" деган ишорани қандай маълум қилганлигини ҳам яширмади.

– Мана энди минорангизни ясайверасиз! – деб гапдан тўхтади Митя ва ижирғаниб яна деворга юзини бурди.

– Буни фақат сиз, марҳум отангиз ва Смердяков билармидинглар? Бошқа ҳеч ким билмасмиди? – яна бир карра ўсмоқчилади Николай Парфенович.

– Ҳа, хизматкор Смердяков ва яна осмон. Буни ҳам ёзиб қўйинг; бу ортиқча бўлмайди. Сизнинг ўзингизга ҳам худо керак бўлади.

Албатта, ёзиб қўйишди, лекин ёзишаётганда прокурор тўра худди янги бир фикрнинг устидан чиқиб қолгандай бўлиб деди:

– Смердяков ҳам бу ишоралардан хабардор экан-да, мана, сиз отангизнинг ўлимида айбдор эмаслигингизни қатъиян туриб айтяпсиз, шундан келиб чиққан ҳолда, анов Смердяков эмасмикин, шартли ишоралар билан эшикни очтириб, кейин... жиноятга қўл урган бўлса?

Митя унга ниҳоятда масхараомуз ва шу билан бирга ўта нафрат-алам билан қаради. Узоқ индамай тикилиб турганидан ҳатто прокурор тўранинг кўзлари пирпираб қолди.

– Яна тулкини думидан ушладингиз! – деди ниҳоят Митя, – ярамасни думидан боплаб қисиб олдингиз, хе-хе! Сизни ойнадай кўриб турибман, прокурор! Сиз ҳозир айни мундоқ ўйладингиз, мен ҳозир дарров дик этиб тураман, дарҳол сиз кўрсатаётган фикрга ёпишаман-у бутун дунёга жар соламан: "Воҳ, ана Смердяков, ана қотил!" Бўйнингизга олинг, сиз шундай деб ўйладингиз, тан олинг, кейин мен давом эттираман.

Аммо прокурор тўра тан олмади. У индамай кутарди.

– Янглишдингиз, ҳеч қачон Смердяков деб айтмайман.

– Ундан ҳеч гумонингиз йўқми?

– Сиз гумон қиласизми?

– Ундан ҳам гумон қилгандик.

Митя кўзларини ерга қадади.

– Ҳазилни қўяйлик, – деди у қовоғини солиб, – қулоқ солинг, мен ҳали мана шу дарпарда орқасидан олдингизга югуриб чиққан пайтимдаёқ хаёлимдан "Смердяков!" деган фикр лип этиб ўтди. Мен худди мана шу ерда ўтириб отамнинг қонида айбдор эмасман, деб қичқираётганимда ҳам "Смердяков!" деган фикр нари кетмади. Смердяков дилимда маҳкам ўтириб қолди. Ниҳоят, мана яна шу фикр туғилди. "Смердяков" дедим, лекин бир зумга шундай бўлди, холос. Кейин дарров яна ўйланиб қолдим: "Йўқ, Смердяков эмас!" – дедим. Бу унинг иши эмас, жаноблар!

– Агарда шундоқ бўлса, сиз мабодо бошқа бир кимсадан гумон қилмайсизми? – эҳтиётқорлик билан сўради Николай Парфенович.

– Билмайман, ким ва қандай шахс, кўкнинг ҳукмими ё иблис, аммо... Смердяков эмас! – шарт деди Митя.

– Лекин нега сиз у эмас деб қатъият билан таъкидлаб айтяпсиз?

– Шунга ишончим комил. Билишимча шундай. Чунки Смердяков тубан табиатли инсон ва қўрқоқ. Ҳатто қўрқоққина эмас, дунёда икки оёқда юрувчиларнинг ҳаммасидан ҳам қўрқоқроқ. У товуқдан туғилган. Мен билан гаплашганида ҳар сафар унга ҳатто қўлимни кўтармаган бўлсам ҳам, мени ўлдирманг, деб ялинарди. У оёғимга йиқилиб йиғлар, мана шу этикларимни қучоқлаб ўпиб, мени қўркитманг, деб ёлворарди. Эшитяпсизми, "қўрқитманг" дейди, нима дегани ахир бу ўзи? Мен эса унга ҳатто совғалар берардим. Бу касалманд товуқ тутқаноқ балосига мубтало, ақли заиф, уни саккиз яшар бола ҳам уриб калтаклаши мумкин. Шу ҳам одам бўлдими? Смердяков эмас, жаноблар, пулни ҳам жини суймайди, совғалар берсам, ҳеч олмасди... Нима қилади у чолни ўлдириб? Ахир у чолнинг никоҳсиз туғилган боласимикин, сиз буни билармидингиз?

– Биз бу чўпчакни эшитганмиз. Лекин мана ўзингиз ҳам шу отанинг фарзандисиз, ҳолбуки, ҳаммага уни ўлдираман деб айтиб юргансиз.

– Томоркамга тош отдингиз! Жуда паст, ярамас тош! Қўрқмайман! О, жаноблар, бетимга қараб туриб шундай дейишингиз қабиҳлик! Қабиҳлиги шундаки, буни мен ўзим сизга айтганман, ўлдирардим ҳам, яна сал бўлмаса ўлдириб қўярдим, деб ўз устимга оғирлик солиб ҳам ўтирибман! Аммо ахир уни ўлдирмадим-ку, мени ҳимоя этгувчи фаришталарим сақлади – ана шуни сиз мулоҳаза қилиб кўрмадингиз. Шунинг учун бу сизга қабиҳлик, қабиҳлик! Чунки мен ўлдирмадим, ўлдирмадим, ўлдирмадим! Эшитяпсизми, прокурор, ўлдирмадим!

У бўғилиб қолди. Шунча тергов пайтида ҳали бунақа аҳволга тушмаганди.

– Э, Смердяков ўзи сизга нима деди, жаноблар? – бироз жимликдан сўнг сўради у. – Мен буни сиздан сўрасам бўладими?

– Сиз ҳаммасини сўрашингиз мумкин, – жиддий ва совуққина қилиб деди прокурор тўра, – ишга дахлдор нарсаларни айтаман, биз эса, такрор айтай, сизнинг ҳар бир саволингизни қаноатлантирмоғимиз керак. Сиз сўраётган хизматкор Смердяковни ўз тўшагида ҳушсиз ётган ҳолда кўрдик, уни ўн мартадан ортиқ тутқаноқ тутиб, оғир аҳволда ётган экан. Биз билан бирга борган шифокор касални кўрди, бизга ҳатто бемор эрталабгача етмаса керак деди.

– Э, унда отамни жин ўлдирибди! – бирдан оғзидан чиқиб кетди Митянинг, гўё шу пайтгача ўзидан ўзи "Смердяковми ё Смердяков эмасми?" деб тинмай сўрагандай.

– Биз яна бу нарсага қайтамиз, – деди Николай Парфенович бир қарорга келиб, – энди сиз ўз кўрсатмаларингизни давом эттирмасмикинсиз?

Митя дам беришларини сўради. Унга одоб билан изн беришди. Дамини олгач, у гапини давом эттирди. Афтидан, у қаттиқ қийналмоқда эди. У таҳқирланган, хўрланган, маънан абгор бўлганди. Бунинг устига-устак, прокурор тўра энди жўрттага бўлса керак, майда-чуйда нарсаларга тирғалиб дам-бадам ғашига тегарди. Митя девор устида ўтириб, чап

оёғига ёпишган Григорийнинг бошига ҳовонча дастаси билан ургани, сўнг дарҳол унинг олдига сакраб тушганини баён қилганда, прокурор тўра уни тўхтатди ва ундан деворда қандай ўтирганини батафсил айтишни сўради. Митя ҳайрон бўлди.

– Хўш, шундоқ тепада ўтирдим, бир оёғим у ёқда, бириси бу ёқда...

– Даста-чи?

– Даста қўлимда.

– Чўнтакда эмасми? Сиз буни аниқ эслайсизми? Нима, сиз қулочкашлаб урдингизми?

– Ҳа, қаттиқ урдим, шекилли, бу сизга нимага керак?

– Агар сиз ҳозир курсида худди ўша пайтда деворда қандай ўтирганингизни ва қандай, қаёққа қулочкашлаб урганингизни кўрсатиб берсангиз эди, бизга янада равшан бўларди?

– Э, сиз менинг устимдан кулмаяпсизми ўзи? – сўради Митя савол берувчига такаббурона боқиб, аммо савол берган буни парвойига ҳам келтирмади. Митя зарда билан ўгирилди, курсига "миниб" ўтирди-да, қўлини қулочкашлади.

– Мана шундай урдим! Мана шундай ўлдирдим! Яна нима керак?

– Ташаккур. Энди тушунтириб беролмайсизми, нега пастга сакраб тушдингиз, мақсадингиз нима эди ва умуман, нима қилмоқчи эдингиз?

– Хўш, шайтон... йиқилиб ётганнинг олдига сакраб тушдим... нега, билмайман!

– Саросимага тушиб, қочиб кетатуриб-а?

– Ҳа, саросимада, қочиб кетаётиб.

– Унга ёрдам бермоқчи бўлдингизми?

– Қанақасига ёрдам... Ҳа, балки ёрдам, эсимда йўқ.

– Ҳушингиз ўзингизда эмасмиди? Эсингизни йўқотган эдингизми?

– О, йўқ, унчалар эсимни йўқотган эмасдим, ҳаммаси эсимда. Ипидан игнасигача. Унга қарай деб тушдим, рўмолчам билан қонини артдим.

– Сизнинг рўмолчангизни кўрдик. Уриб йиқитиб, кейин ҳаётга қайтармоқчи эдингизми?

– Билмайман, нима қилмоқчи эдим? Шунчаки тирикми, йўқми – ишонч ҳосил қилмоқчи эдим.

– Э, ишонч ҳосил қилмоқчи эдингизми? Хўш, нима бўлди?

– Мен дўхтир эмасман, бир фикрга келолмадим. Ўлган деб ўйлаб, қочдим. Кейин у кўзини очибди.

– Жуда соз, – сўзини тугатди прокурор тўра. – Сизга раҳмат. Менга шунинг ўзи керак эди. Давомини айтаверинг.

Афсус, давомини айтишни Митя хаёлига ҳам келтиргани йўқ, гарчи ҳаммаси эсида эди, у раҳми келиб сакраб девордан тушди, қулаган кимса устида туриб ҳатто йиғламсираб бир неча сўз ҳам айтди: "Шу бўлдими оқибат, ҳечқиси йўқ, ётавер энди". Прокурор тўра эса фақат битта хулосага келди: гумондор "шундай аҳволда ва шундай қаттиқ ҳаяжон ичида" фақат бир нарсага ишонч ҳосил қилиши учун девордан сакраб пастга тушди: ўзи содир этган жиноятнинг *бирдан-бир* гувоҳи тирикми, йўқми, билмоқчи бўлди. Унинг куч-қуввати, азму иродаси, совуққонлиги, ҳисоб-китобга пухталиги ва ҳоказо... шундан ҳам билиб хулоса чиқарса бўлади. Прокурор тўра мамнун эди: "Соғлом бўлмаган бир кимсани "майда-чуй-

далар" билан шунчалар ғашини келтириб, эзиб ташладики, охири у ёрилди".

Митя қийнала-қийнала давом этди. Аммо шу заҳоти энди уни Николай Парфенович тўхтатди.

– Хизматкор Федосья Маркова олдига сиз қандай қилиб ва нечук бундай қонга беланган юз-қўлингиз билан кириб бордингиз?

– Мен ўша пайтда кўлим, юзим қон эканини пайқаганим йўқ! – жавоб берди Митя.

– У киши ҳақ, бу ўзи шундай бўлади, – деб прокурор тўра терговчи билан кўз уриштирди.

– Ҳақиқатан пайқамадим, сиз қойил қилиб айтдингиз, прокурор, – бирдан маъқуллади Митянинг ўзи ҳам. Ундан сўнг Митянинг "ўзини четга олишга" ва "бахтиёрларни ёнидан ўтказиб юборишга" қилган азму қарорининг тарихи бошланади. Лекин энди худди боягидай яна юрагини ошкор қилишга ҳеч жазм этмади, "кўнгил маликаси" ҳақида ҳикоя қилиб беролмади. Бу совуқдан-совуқ, унга худди канадай ёпишган одамлардан нафратланди. Шунинг учун яна қайтадан берилган саволларга қисқа ва кескин жавоб берди.

– Кейин ўзимни ўлдираман дедим. Яшаб нима қиламан, бу савол ўзўзидан туғилди. Қизни хўрлаган собиқ йигити пайдо бўлди, беш йил зору интизор қилгандан сўнг, сени севаман, уйланаман деб бошини айлантирди. Ўшанда мен учун ҳаммаси тугаганлигини англадим... Орқада эса шармандалик ва анави қон, Григорийнинг қони... Нима қиламан яшаб? Бориб гаровга қўйилган тўппончаларимни олдим, ўқлаб қўйдим, эрталаб ўзимни отаман дедим...

– Кечаси эса базми жамшид?

– Кечаси базм. Э, шайтон, жаноблар, тезроқ тугатинг. Мана шу овлоқда отмоқчи бўлдим, тонгда соат бешда тураман дедим. Чўнтагимга Перхотиннинг олдида ёзилган бир парча қоғозни солдим, тўппончани ўкладим. Мана, ўша қоғоз, ўқинг. Сиз учун ҳикоя қилаётганим йўқ! – қўшиб қўйди у нафратомуз. У нимчасининг чўнтагидаги қоғозни уларнинг олдига – столга ташлади, терговчилар ўз навбатида диққат билан ўқиб одатдагидек ишга киришиб қўйдилар.

– Жаноб Перхотиннинг олдига кириб борганингизда ҳам қўлингизни ювиш хаёлингизга келмадими? Шубҳа уйғотишдан чўчимадингизми?

– Шубҳага бало борми? Шубҳа бўлмаса ҳам, барибир мен бу ерга от сурган бўлардим ва соат бешда ўзимни отардим, кейин ҳеч нарса қилишолмасди. Агар отамнинг воқеаси бўлмаса, ахир сиз ҳеч нарсани билмас ва бу ерга етиб келмасдингиз. О, бу шайтоннинг иши, шайтон отамни ўлдирди, шайтон сизга хабар берди! Бу ерга қандай қилиб жуда тез етиб келдингиз? Ғаройиб, ақл бовар қилмайди!

– Жаноб Перхотин бизга айтиб берди, унинг уйига кирганда сиз қўлларингизда... қон юқи қўлларингизда... пулларингизни... жуда кўп пул экан... юз рубллик пуллар... бир даста пулларни ушлаб олган экансиз, буни югурдак бола ҳам кўрган экан!

– Шунақа, жаноблар, чамаси, шунақа.

– Йўл-йўлакай бир савол туғилади-да. Сиз, мабодо, айтолмасмикинсиз, – ҳаддан ортиқ юмшоқлик билан деди Николай Парфенович, – шун-

ча пулни қаердан олдингиз, ҳолбуки, ишга қараганда, ҳатто вақт ҳисоб-китобига кўра ҳам, уйга кирмаган эдингиз-ку?

Прокурор тўра кўндалангига қўйган саволдан Митянинг энсаси қотди, аммо Николай Парфеновичга эътироз билдирмади.

– Йўқ, уйга кирмадим, – деб жавоб берди Митя авзойини бузмасдан ва шу билан бирга ердан кўзини узмай.

– Ундоқ бўлса, майлими, саволни такрорласам, – қандайдир синчковлик билан давом эттирди Николай Парфенович. – Сиз шунча катта пулни қаердан олдингиз, ҳолбуки, ўзингиз тан олиб айтгансизки, ўша куни соат бешда...

– Ўн рубль керак бўлиб қолди, тўппончаларни Перхотинга гаровга қўйдим, Хохлакова хонимникига бордим уч минг сўраб, у бермади, шунақа қаланғи-қасанғи гаплар, – кескин деди Митя, – шундай, жаноблар, пулга зор эдим, кейин бирдан уч минг чиқиб қолди-ю, а? Биласизми, жаноблар, иккингиз ҳам титраб-қақшаб турибсиз: қаердан олганини айтмаса нима қиламиз деб? Майли, айтмайман, жаноблар, топдингиз, билолмайсиз, – таранг қилиб деди Митя бирдан жаҳли қўзиб. Терговчилар андак жим бўлиб қолишди.

– Тушунинг, жаноб Карамазов, бу бизга жуда ҳам зарур, – аста сипориш қилди Николай Парфенович.

– Тушунаман, барибир айтмайман.

Прокурор ҳам орага суқилиб, албатта, гумондор саволларга жавоб бермасликка ҳақи борлигини эслатди, аммо гумондор жавоб бермай, ўзига жиддий зиён етказиши тайин, айниқса, муҳим саволларга...

– Ва ҳоказо, жаноблар, ва ҳоказо! Бас, бу сафсатани илгари ҳам эшитганман! – яна гапни кесди Митя, – ўзим тушунаман иш қанчалик муҳимлигини ва яна бу энг керакли нуқта, аммо барибир айтмайман.

– Ахир бизга нима, бу ахир бизнинг эмас, сизнинг ишингиз, ўзингизга ўзингиз оёғингизга болта урасиз, – асабийлашиб деди Николай Парфенович.

– Кўряпсизми, жаноблар, ҳазилни йиғиштирайлик, – кўзлари чақнади Митянинг ва терговчиларга тик қаради. – Мен бошиданоқ ҳис қилгандим, биз албатта, худди мана шу нуқтада тўқнашамиз деб. Аммо аввал мен кўрсатма бераётганимда булар ҳаммаси узоқ туман ичида эди, ҳаммаси қалқиб турарди ва мен шунчалик содда эканманки, "ўртамизда ўзаро ишонч" бўлсин деб таклиф ҳам қилдим. Энди ўзим кўриб турибманки, бундай ишонч ҳеч бўлиши мумкин эмас экан, чунки биз барибир анови лаънати деворга етиб келарканмиз! Хўп, мана, етиб ҳам келдик! Мумкин эмас ва энди бас! Дарвоқе, мен ахир сизни ҳам айбламайман, менинг сўзимга ишониб ўтиришингиз керак эмас-ку, мен буни тушунаман ахир!

У қовоғини солиб, жим бўлди.

– Майли, энг муҳим нарса устида оғиз очмасликка қасд қилган экансиз, айни вақтда сиз андаккина бўлса ҳам бир ишора беролмасмикинсиз, айнан қандай жуда кучли сабаблар сизни гапирмасликка ундаётир, ахир сиз кўрсатмаларингизнинг энг хатарли жойига келдингиз-ку?

Митя маъюс ва қандайдир ўйчан хўрсинди.

– Мен, жаноблар, сиз ўйлагандан кўра яхшироқман, мен негалигини айтмайман ва сиз бунга арзимасангиз ҳам, ишора бераман. Индамаётга-

нимнинг боиси, жаноблар, бунда мен учун уятли бир иш бор. Мен пулни қаердан олдим деган саволга жавоб ичида менинг шармандалигим бор, бу билан отамнинг ўлдирилиши, таланиши ҳам тенг келолмайди, мабодо, уни мен ўлдирган, мен талаган тақдиримда ҳам. Мана шунинг учун айтолмайман. Бунга шармисорлик йўл қўймайди. Нима, жаноблар, сиз буни ёзмоқчимисиз?

– Ҳа, биз ёзиб оламиз, – деб бидирлади Николай Парфенович.

– Сиз... "шармисорлик"ни ёзмаслигингиз керак эди. Буни мен яхши йигит бўлганим учун сизга айтдим, юрагимни очмасам ҳам бўларди, нима десамикин, буни сизга тортиқ қилдим, сиз эса дарров қоғозга тиркадингиз. Майли, ёзинг, нимани хоҳласангиз ёзаверинг, – нафрат билан ижирғаниб деди у, – сиздан қўрмайман ва... сизнинг олдингизда фахрланаман.

– Э, сиз айтолмайсизми, бу ўзи нима шармандалик? – бидирлади яна Николай Парфенович.

Прокурор тўранинг юзи ёмон буришди.

– Ий-ий, cest fini[1], бўлди уринманг. Булғанишнинг ҳожати йўқ. Шундоғам сизга тегиб булғандим, на сиз, на у, на бошқа бунга арзийди... Бас, жаноблар, оғзимни юмдим.

Бу гап ғоят кескин айтилди. Николай Парфенович кўнгандай бўлди, аммо Ипполит Кирилловичнинг кўз қарашларидан дарҳол уқдики, у ҳали умидини йўқотмаган.

– Жиллақурса, Перхотинникига кирганингизда қўлингизда қанча пул бор эди, айнан қанча рубль эди?

– Мен буни айтолмайман.

– Жаноб Перхотинга сиз Хохлакова хонимдан уч минг олдим деб айтган экансиз?

– Балки айтгандирман. Жаноблар, бас, қанчалигини айтмайман.

– Унда сиз бу ерга қандай келганингиз ва бу ерда нималар қилганингизни баён қилиб беринг.

– Оҳ, буни шу ердаги одамлардан сўранг. Айтмоқчи, мен ўзим ҳам ҳикоя қилиб бераман.

У баён қилиб ўтди, аммо биз унинг баёнини келтириб ўтирмаймиз. Узуқ-юлуқ ва қуруққина қилиб айтди. Севги қувончлари ҳақида ломмим демади. Бироқ янги юзага келган фактлар туфайли ўзини отаман деган қарори ўзгарганини маълум қилди. У ҳеч қандай далил келтирмай, тафсилотларга тўхталмай сўйларди. Терговчилар ҳам бу сафар энди уни ортиқча ташвишга қўйишмади: асосий нуқта бу ерда эмаслиги уларга ҳам равшан эди.

– Биз буларнинг ҳаммасини текширамиз, гувоҳлар сўралганда яна буларга қайтамиз, бунда, албатта, сиз ҳам иштирок этасиз, – терговни якунлади Николай Парфенович. – Энди эса сиздан бир илтимосимиз бор, ҳозир бор нарсаларингизни стол устига қўйинг, қанча пулингиз бўлса, барини чиқаринг.

– Пулми, жаноблар? Майли, балки бу керакдир, тушунаман. Нега илгарироқ қизиқмадингиз, ҳайронман. Рост, ҳеч қаёққа кетганим йўқ, олдингизда ўтирибман. Хўш, мана, бор пулларим, санаб олинг, ҳаммаси шу, шекилли.

[1] бўлди, бас *(франц.)*.

У пулларини майда танга-чақаларигача чўнтагидан чиқарди, нимчасининг ён киссасидан иккита йигирма тийинликни ҳам олиб қўйди. Санаган эдилар, ҳаммаси саккиз юз ўттиз олти рубль қирқ тийин чиқди.

– Шу ҳаммасими? – сўради терговчи.

– Ҳаммаси.

– Сиз ҳозир кўрсатма бераturиб Плотниковнинг дўконида уч юз рубль қолдирдим дедингиз, Перхотинга ўн, аравакашга йигирма берганингиз, картага икки юз ютқизганингизни маълум қилдингиз, кейин...

Николай Парфенович ҳаммасини санади. Митя бажонидил ёрдамлашди, йўл-йўлакай эслаб, яна майда-чуйдаларгача бунга қўшдилар. Николай Парфенович ҳисобни маълум қилди.

– Бундан чиқди, манави саккиз юз билан қўшиб ҳисоблаганда, бошида сизнинг пулингиз бир ярим минг атрофида бўлган, тўғрими?

– Шундайдир, – чўрт кесди Митя.

– Нега ҳамма анча кўп эди дейди?

– Деса деяверади.

– Сиз ўзингиз ҳам айтгансиз.

– Мен ҳам айтганман.

– Биз яна ҳали бошқа гувоҳлардан ҳам сўраймиз, пулингиздан ташвиш чекманг, улар сақлаб қўйилади ва охирида ўзингизга қайтариб берилади. Албатта, унга бўлган ҳақ-ҳуқуқингиз исботланиб, сизга тегишли эканлиги аниқланган тақдирда. Ана энди, қани...

Николай Парфенович бирдан ўрнидан турди ва Митяга жиддий қараб: "Сизнинг кийим-бошингиз ва бошқа барча нарсаларингизни бир чеккадан қараб, текшириб чиқишимга тўғри келади..." деб айтди.

– Марҳамат, жаноблар, барча чўнтакларимни ағдариб кўрсатаман агар истасангиз.

Кейин барча чўнтакларини ағдаришга тушди.

– Кийим-кечакни ҳам ечиш шарт.

– Қандай? Ечиниш керакми? Уф, шайтон! Шундоқ тинтийверинг! Мумкинмасми?

– Ҳеч иложи йўқ, Дмитрий Федорович. Кийимларни ечиш керак.

– Майли эса, – қовоғини солиб бўйсунди Митя, – фақат илтимос, дарпарданинг орқасида бўлсин, ким текширади?

– Албатта, дарпарда ортида, – рози бўлиб бошини эгди Николай Парфенович. Унинг башарасида алоҳида жиддият акс этарди.

VI

ПРОКУРОР МИТЯНИ ҚЎЛГА ТУШИРДИ

Митя учун бутунлай кутилмаган ва ғаройиб нарсалар бошланди. У илгари, ҳатто мана шундан бир дақиқа олдин ҳам, ўзини, яъни нақ Митя Карамазовни шундай аҳволга солишади, деса ҳеч ишонмаган бўларди! Ҳаммадан ҳам қандайдир хўрлик ва таҳқирлашга ўхшаган бир нарса, улар томонидан эса кўрсатилган такаббурлик ва нафрат. Майли эди фақат камзулини ечишга рози бўлишса, йўқ, ундан ҳамма кийим-бошларни ечинг, деб

сўрашди. Сўраб ўтирганлари ҳам йўқ, буйрук қилишди, буни у яхши тушунди. Орияти келиб, нафрати қўзиб, орага бир оғиз сўз қўшмай ҳаммасига кўнди. Дарпарда ортида Николай Парфеновичдан ташқари прокурор тўра ва бир қанча кишилар жам бўлдилар, "кучларини кўрсатмоқчилар, – деб ўйлади Митя, – балки, бошқа ниятлари ҳам бордир".

– Нима бу, наҳот кўйлакни ҳам ечиш керак? – кескин сўради Митя, аммо Николай Парфенович унга жавоб бермади: у прокурор тўра билан бирга камзул, шим, нимча ва фуражкани камоли диққат билан текширишар, бунга бағоят қизиқаётганлари сезилиб турарди: "Ҳеч андиша қилишмайди, – лип этиб хаёлидан ўтди Митянинг, – ҳатто одоб-икромга ҳам қарамай қўйишди".

– Мен сиздан иккинчи маротаба сўраяпман: кўйлакни ечиш керакми, йўқми? – деди у янада кескинроқ ва тажанглиги тутиб.

– Ташвиш чекманг, биз сизга маълум қиламиз, – қандайдир тўраларча жавоб берди Николай Парфенович. Ҳарқалай, Митяга шундай туюлди.

Бу орада терговчи билан прокурор тўра ўзаро ташвишга ботиб пичирпичир маслаҳатлашарди. Маълум бўлишича, камзулнинг, айниқса, чап этагида орқа томонда каттагина қон юқи бўлиб, қотиб қолган, қуриқшаган, ҳали буришиб ётарди. Шимнинг аҳволи ҳам шу эди. Николай Парфенович бундан ташқари вакиллар иштирокида ўз қўли билан ёқа-енглару камзул-шимнинг барча чоклари ва қайрилган жойларини пайпаслаб чиқди, у, афтидан, ниманидир изларди. Албатта, пул бўлса керак. Асосийси, Митядан шубҳаларини яширмасди, балки, у пулларни кийим-бош ичига тикиб қўйгандир. "Худди ўғридай кўришади-я, ахир мен зобит бўлсам", ичида ғўнғиллади у. Улар унинг олдида фикрларини бир-бирларига жуда ғалати тарзда очиқ айтишарди. Мисол учун, хат ташувчи мирза ҳам шу ерда бўлиб, у-бу юмушларга қарашиб турарди, у Николай Парфеновичнинг эътиборини фуражкага қаратди: "Мирза Гриденка эсингиздами, – деди у, – ёзда бутун идоранинг маошини олгани борганди, қайтиб келгач, маст бўлиб қолиб йўқотиб қўйибман деганди, пулни қаердан топишибди денг? Фуражканинг нақ жиягидан, юз рубллик пуллар найча қилиб ўралиб ўша жияклар ичига жойланган экан". Гриденка билан бўлган воқеани терговчи ҳам, прокурор тўра ҳам яхши эслашди, шунинг учун Митянинг фуражкасини бир чеккага қўйишди ва буларнинг ҳаммасини, барча кийимларни кейин яхшилаб яна қарашга қарор беришди.

– Қани, мундоқ туринг, – қичқириб қолди бирдан Николай Парфенович Митянинг кўйлагининг ўнг енгидаги ичкарига қайрилган қон юқи жойини кўриб, – қаранг, бу қон-ку?

– Қон, – деди кескин Митя.

– Яъни бу қайси... нега енг ичига қайрилган?

Митя Григорийга овора бўлиб енги булғангани, Перхотинникида қўлини ювaётганда енгини ичига қайириб қўйганини айтиб берди.

– Кўйлагингизни ҳам оламиз, бу жуда муҳим... ашёвий далил сифатида, – Митя қизариб кетди ва фиғони чиқди.

– Нима, яланғоч юраманми? – қичқирди у.

– Ташвишланманг... Биз буни тўғрилаймиз, ҳозирча пайпокларни ҳам ечинг.

– Ҳазилми бу? Бунга нима зарил? – кўзлари ёнди Митянинг.

– Ҳазилга бало борми, – жиддий рад қилди Николай Парфенович.

– Майли, зарил бўлса... мен... – тўнғиллади Митя ва каравотга ўтириб пайпоқларини еча бошлади. У уятдан ўлар ҳолатга етди: ҳамма кийинган, у эса яланғоч, кейин ғалатирок-да, у яланғоч ҳолида уларнинг олдида ўзини айбдордай ҳис қила бошлади ва энг муҳими, энди уларнинг ҳаммаларидан тубанроқ бўлиб қолганига, уларнинг бари энди ундан нафратланишга тўла ҳақли эканликларига нечукдир кўнди. “Агар ҳамма ечинган бўлса, бу уят эмас, аксинча, битта одам ечинган бўлса-ю, ҳамма томоша қилса, бу – уят! – хаёлидан қайта-қайта лип-лип ўтарди унинг. – Худди тушдагидай, мен баъзан тушларимда ўз устимда шундай уят нарсаларни кўрганман”. Аммо пайпоқларини жуда қийналиб, ижирғаниб ечди: улар ғоятда кир эди, ички кийимлари ҳам кир ва энди буни ҳамма кўрди. Муҳими, унинг ўзи ўз оёқларини ёқтирмасди, негадир бир умр ҳар икки оёғининг бош бармоқларини жуда хунук деб биларди, айниқса, ўнг оёғидаги тирноғи қандайдир пастга қайрилган, жуда беўхшов ва япаскн эди, мана энди буни ҳамма кўради. У чидаб бўлмас уят-шармисорликдан бирдан баттар қўпол ва дағал бўлиб қолди. Кўйлагини юлқиб ечди.

– Уялмасангиз, яна бирон еримни қидириб кўрасизми?

– Йўқ, ҳозирча керакмас.

– Нима, мен шундоқ яланғоч тураверамани? – жаҳл билан деди у.

– Ҳа, бу ҳозир зарил. Манави ерга ҳозирча ўтира туринг, каравотдан адёлни олиб ўраниб олсангиз бўлар, мен эса... мен буни тўғирлайман.

Барча нарсаларни гувоҳларга кўрсатишди, текшириш бўйича акт тузишди ва ниҳоят, Николай Парфенович чиқди, ашёларни унинг орқасидан олиб чиқиб кетишди. Ипполит Кириллович ҳам чиқди. Митя билан бир неча киши қолди, улар ундан кўзларини узмай, индамай туришарди. Митя адёлга ўраниб олди, совқотди. Оёқлари яланғоч чиқиб турар, уларни ёпаман деб шунча уринса ҳам, адёлни эпини қилолмасди. Николай Парфенович нечукдир узоқ қолиб кетди, “узоқ азоб”, “мени итвачча ўрнида кўряпти”, деб тиш ғижирлатарди Митя. “Анов расво прокурор тўра ҳам кетди, нафрати қўзиди, шекилли, яланғоч одамга қарагиси келмади”. Митя менинг кийим-бошимни у ёқда бирон жойда яна кўриб қайтариб олиб келишса керак, деб тахмин қиларди. Аммо Николай Парфенович бирдан бутунлай бошқа уст-бош билан кириб келганда, Митянинг фиғони бошидан ошди. Кийимларни бир киши кўтариб келарди.

– Мана сизга кийим-бош, – чамаси, бу ишни қойил қилганидан мамнун бўлиб бепарволик билан деди у. – Жаноб Калганов қизиқ аҳволни кўриб, тоза кўйлагини туҳфа қилди. Бахтингизга бу нарсалар унинг чамадонида бор экан. Ўзингизнинг ички кийимларингиз ва пайпоқларингизни кийиб олишингиз мумкин.

Митянинг қаҳр-ғазаби тошди.

– Бегонанинг кийимини киймайман! – қаҳрли қичқирди у, – ўзимникини беринг!

– Мумкин эмас.

– Беринг ўзимникини, нима қиламан Калгановни, кийимлари-ю ўзини ҳам бошимга ураманми!

Уни анча кўндиришга тўғри келди. Охири тинчлантиришди. Унга қон юқи кўйлагингиз ашёвий далиллар орасида туриши керак, уни устингиз-

да қолдириб бўлмайди, ҳақимиз йўқ... иш нима билан тугаши номаълум ҳали, деб уқтиришди. Ниҳоят, Митя амал-тақал буни тушунди. У қовоғини солиб жим бўлди ва тез кийинишга тушди. Бу кийимлар меникидан кўра қимматбаҳороқ экан, мен бировнинг либосидан фойдалана олмайман. Бунинг устига масхара қилгандай тор ва кичкина. "Мен нима, буни кийиб масхарабозлик қилишим керакми... сизга томоша кўрсатайми?"

Аммо унга сиз муболаға қиляпсиз дейишди, жаноб Калгановнинг бўйбасти сиздан пича баландроқ, фақат манави шими бироз узунроқ келади, деб юпатишди. Аммо камзули ҳақиқатан елкаси торроқ келди.

– Жин урсин, тугмасини қадаб ҳам бўлмайди, – норози тўнғиллади Митя, – сиздан илтимос, ҳозирнинг ўзида менинг сўзимни жаноб Калгановга етказсангиз, мен унинг кийимларини сўраганим йўқ, мени зўрлаб кийдиришди.

– У буни жуда яхши тушунади ва ачинади... Кийимга эмас, шундай воқеа рўй бериб қолганига афсусланади... – ямланиб деди Николай Парфенович.

– Тупурдим унинг ачиниш-пачинишига! Хўп, энди қаёққа? Ё шу ерда ўтираверамизми?

Уни яна дарпарда ортидаги хонага ўтишга таклиф этишди. Митя ғазабланиб, қовоғини уйиб, ҳеч кимга қарамасликка ҳаракат қилиб чиқди. Бировнинг кийим-бошида у ўзини оридан айрилгандай сезди, ҳатто манави кишилар ва башараси эшикдан бирдан лип этиб кўриниб, сўнг ғойиб бўлган анов Трифон Борисович олдида бениҳоя ноқулай аҳволга тушди. "Тасқарага кўз ташлагани келди", – деб ўйлади Митя. У аввалги курсига бориб ўтирди. Кўз ўнгида мудҳиш ва нохуш манзаралар турар, ўзига ўзи ақли-ҳушидан айрилгандек туюларди.

– Нима энди, мени таёқлаб ура бошлайсизларми, бошқа энди ҳеч нарса қолмади-ку, – тишларини ғижирлатди у прокурор тўрага қарата. Николай Парфеновичга гапириш ул ёқда турсин, қайрилиб қарагиси ҳам келмасди. "Пайпоқларимни роса синчиклаб қаради, аблаҳ, яна ичини ағдартириб ҳам кўрди, ҳаммага қаранглар, қанчалар кир, деб намойиш қилмоқчи бўлди!"

– Мана энди гувоҳларни эшитишга тўғри келади, – деди Николай Парфенович худди Митянинг саволига жавоб бергандай бўлиб.

– Ҳа-а, – ўйчан деди прокурор тўра ҳам худди ниманидир мулоҳаза қилгандай.

– Биз, Дмитрий Федорович, сизнинг фойдангизни кўзлаб қўлимиздан келганини қилдик, – давом этди Николай Парфенович, – аммо сиз томондан кескин рад жавоби олдик, сиз қўлингизда бўлган пул қаердан чиққанини бизга изоҳлаб бермадингиз, биз худди мана шу дақиқаларда...

– Бу узугингиз нимадан ясалган? – деб унинг сўзини бўлди бирдан Митя хаёл оғушидан чиқаркан, Николай Парфеновичнинг ўнг қўлини безаб турган учта катта узукдан бирини кўрсатиб.

– Узук дейсизми? – қайта сўради Николай Парфенович ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, манави... ўрта бармоқдаги – чизиқчалари бор, қандай тошдан бу? – худди қайсар болага ўхшаб қандайдир тажанг сўради Митя.

– Бу сурмаранг топаз, – кулимсиради Николай Парфенович, – кўрасизми, ечайми?

– Йўқ, йўқ, ечманг, – бўғилиб қичқирди Митя бирдан ҳушёр тортиб ва ўз ўзидан аччиғи чиқиб, – ечманг, ҳожати йўқ... Шайтон... Жаноблар, сиз менинг юрагимни булғадингиз! Наҳот мен отамни ўлдирган бўлсам, буни сиздан яшириб ўтирармидим, тусланиб, товланиб, ёлғонлаб беркинармидим, наҳот сиз шундай деб ўйлайсиз? Йўқ, Дмитрий Карамазов бунақа эмас, бунга у асло тоқат қилолмасди, агарда мен айбдор бўлсам, қасам ичаманки, бу ерга келишингизни ва қуёш чиқишини кутиб ўтирмасдим, аввал ниятим шундоқ эди, ўзимни ўзим маҳв этардим аввалроқ, тонг оқаришини ҳам кутмасдим! Мен буни энди ўзимда ҳис қиляпман. Мана шу лаънати кеча, мен йигирма йиллик ҳаётимда шу кечада кўрганчалик нарсаларни кўрмагандим!.. Агар мен ростдан ҳам отамни ўлдирган бўлсам, мен мана шу кечада ва ҳозир шу ерда сиз билан ўтириб шундоқ бўлармидим, шундоқ бўлармидим, шундоқ ҳаракат қилармидим, шундоқ гапирармидим, сизга ва умуман, дунёга шундоқ боқармидим, ҳолбуки, мана шу Григорийни тўсатдан ўлдириб қўйганим тун бўйи менга тинчлик бермади, қўрққаним учун эмас, о! Фақат сизнинг жазо беришингиздан қўрққанимдан эмас! Шармандалик! Яна сиз хоҳлайсизки, мен сизга ўхшаган ҳазилкашлар, ҳеч нарсани кўрмайдиган, ҳеч нарсага ишонмайдиган кўрсичқонлар ва масхарабозларга яна бошқа бир тубанлигимни, яна бир шармисорлигимни, сизнинг айблашингиздан қўрқиб, юрагимни очиб баён қилсам, шуни истайсизми? Ундан кўра бадарға бўлиб кетганим аъло! Ким отамнинг эшигини очган ва шу эшикдан кирган бўлса, ўша уни ўлдирган, ўша пулини ўғирлаган. У ким – ақлим ҳайрон, жоним қийноқда, лекин у Дмитрий Карамазов эмас, буни билиб қўйинг, сизга айтадиган бор гапим шу, бас энди, мени зўрламанг... Бадарға қилинг, дорга осинг, аммо бошқа ғашимга тегманг. Мен мана, оғзимни юмдим. Чақиринг энди гувоҳларингизни!

Митя энди бошқа бир оғиз ҳам гапирмайман, деб аҳд қилгандай, ўзининг кутилмаган монологини тугатди. Прокурор тўра бу вақт ичида ундан ҳеч кўзини узмади, у сўзини тўхтатиши билан бирдан ғоятда совуқ қилиб ва ғоятда ҳотиржамлик билан худди жуда оддий ҳам одми нарсаларни баён этгандай бўлди:

– Сиз ҳозир эслаб ўтган айнан шу очиқ эшик ҳақида айнан шу тобда, сиз томондан жароҳатланган Григорий Васильевнинг фавқулоддда қизиқ ва энг юксак маънодаги сиз учун ҳам, биз учун ҳам муҳим кўрсатмасини маълум қилишимиз мумкин. У кўзини очгандан сўнг бизнинг саволларимизга комил ишонч билан равшан жавоб берди, кечаси эшик остонасига чиқиб, боғ томондан шовқин келаётганини эшитиб, очиқ турган эшикдан боққа чиқмоқчи бўлган, сиз бу пайтда ўзингизнинг айтишингиз бўйича, отангиз кўринган деразадан қоронғида қочиб бораётган эдингиз, Григорий боққа кирган-у ҳали сизни пайқамасдан бурун чап томонга назар солиб, ҳақиқатан дераза очиқлигини кўрган, шу билан бирга ўзига яқинроқ бўлгани учун ланг очиқ эшикка ҳам кўзи тушган, сиз мен боғда бўлган чоғимда бу эшик доим ёпиқ эди деган эдингиз. Сиздан яшириб ўтирмайман, Васильев шундай қатъий хулосага келганки, гўё сиз эшикдан қочиб чиққансиз, лекин сизнинг қандай қочиб чиққанингизни у ўз кўзлари билан кўрмаган, сизни илк дафъа боғда ўзидан бир қанча масофа нарида девор томонга қочиб бораётган ҳолда илғаган...

Митя бу сўзлар яримламасданоқ курсидан сакраб турди.

– Бекор! – деб қичқирди у қутуриб, – ғирт ёлғон! У эшик очиқлигини кўрган бўлиши мумкин эмас, чунки у ўшанда ёпиқ эди... Унинг гапи ёлғон!..

– Сизга такроран айтишни бурчим деб биламан, унинг бу кўрсатмаси қатъий. Иккиланмасдан айтяпти. Сўзида маҳкам турибди. Биз бир неча марта ундан қайта-қайта сўрадик.

– Айнан мен ўзим бир неча маротаба қайта сўрадим! – қизғин тасдиқлади Николай Парфенович ҳам.

– Ёлғон, ёлғон! Бу ё менга туҳмат, ё сароб, – ҳамон қичқирарди Митя, – яралангани учун оғриқдан ҳушини йўқотган, довдираб алаҳсираган... Алжираган.

– У эшик очиқлигини яралангандан кейин кўрмаган, ундан олдин, уйдан ташқарига чиқиб, боққа ўтмокчи бўлганда кўзи тушган.

– Ҳе, бу ёлғон, ғирт ёлғон, бундай бўлиши мумкин эмас! Менга қаҳри келиб, бўҳтон қиляпти... Буни кўрган бўлиши мумкинмас... Мен эшикдан қочиб чиқмадим, – бўғилиб деди Митя.

Прокурор тўра Николай Парфеновичга ўгирилди-да, таъкидлаб деди:

– Кўрсатинг.

– Сизга бу нарса танишми? – Николай Парфенович бирдан столга қалин қоғоздан ясалган идора ўлчамидаги катта хатжилдни қўйди, унда учта муҳр босилган ўрни кўриниб турар, жилднинг ичи бўш, бир томони йиртилганди. Митя бақрайиб қолди.

– Бу... отамнинг хатжилди бўлса керак, – ғўнғиллади у, – ўша, уч минг солинган жилд... Қани, кўрай-чи ёзуви бормикин, ҳа, "палапонимга"... мана, уч минг, – қичқирди у, – уч минг, кўрдингизми?

– Йўқса-чи, кўряпмиз, аммо биз унинг ичидаги пулни топмадик, у ичи бўш ерда ётарди, каравот ёнида, дарпарда тўсиқ орқасида.

Митя бир неча сония ҳангу манг бўлиб турди.

– Жаноблар, бу Смердяков! – бор кучи билан қичқирди у бирдан, – у ўлдирган, талаган! Фақат у биларди чол хатжилдни қаерга яширганини, мен билмасдим... У қилган бу ишни, энди равшан!

– Аммо сиз ҳам хатжилдни билардингиз, унинг ёстиқ тагида эканлигини.

– Ҳеч билмаганман, ҳеч қачон уни кўрмаганман, ҳозир биринчи марта кўришим, олдин фақат Смердяковдан эшитганман... Чол қаерга яширганини унинг бир ўзи биларди, мен билмасдим... – бутунлай бўғилиб қолди Митя.

– Бироқ сиз ўзингиз боя бизга айтдингиз хатжилд марҳум отангизнинг ёстиғи тагида эди деб. Сиз айнан ёстиқ тагида дединг, демак, билгансиз қаердалигини.

– Биз буни ёзиб қўйганмиз! – тасдиқлади Николай Парфенович.

– Бекор, ҳечам! Мен ёстиқ тагидалигини ҳеч билмаганман. Балки умуман ёстиқ тагида эмасдир... Мен тахминан айтгандим ёстиқ тагида деб... Смердяков нима деяпти? Сиз ундан сўрадингизми қаердалигини? Смердяков нима дейди? Бу энг муҳими. Мен атай ёлғон сўйладим... Мен ўйламасдан шундай деб юборганман, сиз эса энди... Биласиз-ку, баъзан тилингиздан чиқиб кетади ёлғон. Фақат Смердяков биларди, фақат Смердяков, бошқа ҳеч ким!.. У менга ҳам айтмаган жойини! Аммо унинг ўзи,

ўзи; ҳеч шак-шубҳасиз у ўлдирган, менга энди беш қўлдай равшан, – хитоб қиларди борган сари жазавага тушиб Митя, у алжир, қизишар ва зардаси қайнарди. – Буни тушунинглар, уни тезроқ, тезроқ қамоққа олинглар... Мен қочиб кетгач ва Григорий ҳушидан кетиб ётганда, у ўлдирган, бу энди аниқ... У эшикни тақиллатган ва отам унга очган... чунки ишора белгиларни фақат у биларди, бусиз отам ҳеч кимга очмасди эшикни...

– Сиз яна бир нарсани фаромуш қилмоқдасизки, – деди қандайдир ичида хурсанд бўлиб, аммо барибир ўзини босган ҳолда прокурор тўра, – агар сиз ўша ерда бўлганингиздаёқ эшик очиқ турган экан, уни очиш учун ишора, белгининг ҳожати йўқ эди, ўшанда сиз ҳали боғда эдингиз...

– Эшик, эшик, – тўнғиллади Митя ва прокурор тўрага бақрайиб қараб қолди, кейин оёғида мадор қолмагандай стулга ҳолсиз чўкди. Ҳамма сукутга толди.

– Ҳа, эшик!.. Бу ақлга сиғмайди! Худойим ҳам менга қарши! – эмранди у ва қотиб бир нуқтага тикилди.

– Ана кўрдингизми, – жиддий сўз юритди прокурор тўра, – энди ўзингиз мулоҳаза қилинг, Дмитрий Федорович, бир томондан сиз қочиб чиққан эшик, у сизни ҳам, бизни ҳам дам қиляпти. Иккинчи томондан, пул қаердан келди деган саволга жавоб бермай қаттиқ оёқ тираб турганингиз, ахир пул сизнинг чангалингизда қайдандир пайдо бўлди-ку, ҳолбуки, бундан уч соат олдин сиз ўн рублга зор бўлиб, тўппончаларингизни гаровга қўйгандингиз! Шуларнинг барини ҳисобга олиб ўзингиз ҳал қилинг: биз нимага ишонайлик ва қаерда тўхталайлик? Бизни ҳам "бети қаттиқ мастхарабоз одамлар – булар менинг олийжаноб кўнгил туғёнларимни ҳеч қачон тушунмайдилар", деб даъво-достон ўқиб юрманг... Аксинча, бизнинг аҳволимизни ҳам тушунинг...

Митя ақл бовар қилмас ҳаяжонга тушди, ранги оқариб кетди.

– Майли! – эмранди у бирдан, – мен сизга ўз сиримни очаман, пулни қаердан олганимни айтаман!.. Бу юзи қароликнинг устини очаман, кейин ўзимни ҳам, сизни ҳам айблаб юрмай...

– Э, ишонинг, Дмитрий Федорович, – деди қандайдир талтайган хушнуд товуш билан Николай Парфенович, – айни мана шу дамларда сизнинг сидқидилдан тўла тан олишингиз кейинчалик аҳволингизни енгиллатишга, толеингизни ўзгартиришга чексиз таъсир кўрсатади, ундан ташқари...

Бироқ прокурор тўра стол тагидан уни енгил туртиб қўйди ва у вақт борида тилини тишлади. Рост, Митя унга қулоқ солаётгани ҳам йўқ эди.

VII

МИТЯНИНГ УЛКАН СИРИ. ЖИРТАК ЧАЛИШДИ

– Жаноблар, – деб бошлади у ҳамон ҳаяжонини босолмай, – бу пуллар... мен тўла бўйнимга оламан... *меники* эди.

Прокурор тўра билан терговчининг башараси бўзариб, чўзилиб кетди, улар буни ҳеч кутмаган эдилар.

– Қанақасига сизники бўлади, – бидирлади Николай Парфенович, – ҳолбуки, ўз тилингиз билан тан олдингизки, ҳали кундузи соат бешда...

– Э, жин урсин ўша кундузги соат беш-у мен бўйнимга олганимни, энди гап бунда эмас. Бу пуллар меники, меники, ўғирлаган бўлсам ҳам меники... меникимас, ўғирланган, мен ўғирлаганман, бу пуллар бир ярим минг эди, доим ёнимда, ўзим билан олиб юрганман...

– Э, қаердан олдингиз уларни?

– Бўйнимда эди, жаноблар, ўз бўйнимда, худди мана шу бўйнимда... латтага тикилганди, бўйнимга осиб юрганман, анча бўлди, бир ойча, уятим қолмади, шармандам чиқди!

– Кимдан... олган эдингиз?

– "Ўғирлаган эдингиз?" демоқчимисиз? Энди сўзларни тўғрисини айтинг. Ҳа, мен барибир уларни ўғирлаганман, истасангиз "ўзлаштириб олганман". Аммо назаримда, ўғирладим. Кеча кечқурун бўлса бутунлай ўғирладим.

– Кеча кечқурун? Аммо ҳозиргина айтдингиз-ку, бир ойча бўлди олганимга деб?

– Ҳа, лекин отамдан эмас, отамдан эмас, хавотир олманг, қизимдан олганман. Майли, ҳикоя қилиб берай, сўзимни бўлманг. Бу зилдай оғир. Эшитинг, бир ой бурун мени аввалги қаллиғим Катерина Ивановна Верховцева чақирди... Сиз уни биласизми?

– Албатта, давом этинг.

– Биламан билишингизни. Энг олийжаноб қалб, олийжаноблар олийжаноби, аммо мени анчадан бери ёмон кўради, анча, анчадан бери... ёмон кўрса ҳам арзийди, сабаби бор!

– Катерина Ивановна? – ҳайрон бўлиб сўради терговчи. Прокурор ҳам бақрайиб қолди.

– О, унинг номига тил теккизманг! Мен аблаҳ уни тилга олдим. Ҳа, у анчадан бери мени ёмон кўришини билардим... анча бўлди... энг биринчи бора кўришгандаёқ, ўша менинг уйимда кўришганимдаёқ... Аммо етар, етар, сиз арзимайсиз буни билишга, керак эмас умуман бу... Бўлган гап шуки, у мени бир ой бурун чақирди, менга уч минг берди, опамга ва Масковдаги бир қариндошимга етказинг деди (худди ўзи уларга жўнатолмайдигандай!), мен эсам... ҳаётимнинг баайни машъум дами, ўшанда мен... хуллас, мен бошқа бир қизни яхши кўриб қолган эдим, мана шу ҳозиргиси, ана у ҳозир пастда шу ерда ўтирибди... Грушенька... ўшанда уни шу ерга Мокроега олиб келдим ва бу ерда икки кун ичида шу лаънати уч мингнинг ярмини, яъни бир ярим мингни айш-ишратга сарфладим, қолган ярмини ўзимда олиб қолдим. Ана шу бир ярим мингни мен бўйнимга тумор қилиб осиб юрдим, кеча тахини буздим-у совуриб юбордим. Қолган-кутган саккиз юзи қўлингизда, Николай Парфенович, қолгани шу.

– Изн сўрайман, ахир бу қандоқ бўлди, ахир сиз бу ерда бир ой бурун бир ярим минг эмас, уч минг совургансиз, буни ҳамма билади-ку?

– Ким ҳам биларди? Ким санаб чиқибди? Кимга мен ҳисоб берибман?

– Эсон бўлинг, сиз ўзингиз ҳаммага ўшанда уч минг совурдим, деб гапириб юргансиз.

– Тўғри, гапирганман, бутун шаҳарга гапирганман, бутун шаҳар гапириб юрган, шундай деб ҳисоблашган, уч минг дейишган. Фақат мен уч минг эмас, бир ярим мингни сочганман, қолганини халтачага солиб

бўйнимга осганман, иш шунақа бўлган, жаноблар, кечаги пуллар ҳаммаси шундан.

– Ана бу қойил, – бидирлади Николай Парфенович.

– Сўрасак бўладими, – деди ниҳоят прокурор тўра, – сиз бирон кимсага бу ҳақда гапирмаганмидингиз илгарироқ... яъни бир ой илгари бир ярим мингни ўзингизга олиб қолганингизни?

– Ҳеч кимга айтмаганман.

– Жуда ғалати-я. Наҳотки ҳеч кимга?

– Ҳа, ҳеч кимга. Ҳеч ким, ҳеч кимга.

– Сабаби нима бунинг? Буни сир тутишга нима ундади? Мен сўзимни аниқроқ айтай: сиз ниҳоят бизга сиринғизни очдингиз, сиз буни "шармандалик" деб атадингиз, гарчи моҳият-эътибори ила, яъни нисбатан олганда ҳам, ушбу қилмишингиз, яъни бировнинг уч минг пулини ўзлаштириб олишингиз бу фақат вақтинчага эди, ушбу қилиқ, менинг назаримда, нари борса енгилтаклик, холос, аммо шармандалик эмас, сизнинг феълатворингизни ҳисобга олганда ҳам... Нари борса, балки уятлироқ бир иш... мен бунга қўшиламан, аммо уятлироқ дегани шармандалик дегани эмас-да... яъни мен шуни демоқчиманки, сиз Верховцева хонимадан олиб сарфлаган ўша уч мингни кўпчилик шу ой мобайнида Верховцева хониманики эканлигини фаҳмлаган эди сиз айтмасангиз ҳам, мен ўзим ҳам эшитганман бу чўпчакни... Мисол учун, Михаил Макарович ҳам эшитган. Шундай экан, бунинг энди ҳатто эртаклиги ҳам қолмаган, шаҳардаги ғийбатлар, холос. Бунинг устига ўзингиз ҳам, агар адашмасам, бу пул Верховцева хонимага тегишли эканлигини кимгадир очиқ айтгансиз. Шунинг учун ҳам мен ҳайратдан бағоят лол бўлиб қоламанким, сиз ҳозирги мана шу дақиқаларгача, кейинга олиб қўйилган ана шу бир ярим минг пулга фавқулодда аҳамият бериб қарайсиз ва уни сир-синоатга буркамоқчи бўласиз, ҳатто ундан бир даҳшат ясашга уринасиз... Шу сир-синоат сизни шу қадарли азоб-уқубатлар, қийноқларга солишига ақл бовар қилмайди... зеро ҳозиргина қичқириб тан олдингизки, уни айтгандан кўра бадарға бўлганим яхшироқ деб...

Прокурор тўра жим бўлди. У беҳад қизишиб кетди. Ўзининг қаҳр-ғазабини яширолмади ва ҳаммасини бетартиб, узуқ-юлуқ бўлса ҳам, сўзнинг ройишига қарамай тўкиб солди.

– Шармандалик бир ярим мингда эмас, мен уни уч мингдан айириб олганимда, – қатъият билан деди Митя.

– Майли, унда, – тажанг иршайди прокурор тўра, – шармандалик асли ўзи нимада, сиз уч мингни ўзингизча ажратиб, ярмини ундай, қолган ярмини бундай сарфлагандами? Муҳими, сиз уч мингни ўзлаштириб олдингиз, уни қандай исроф қилганингизни аҳамияти йўқ. Айтмоқчи, сиз нега бундай сарф қилдингиз, яъни ярмини олиб қўйдингиз? Нега, нима мақсадда шундай қилдингиз? Шуни бизга тушунтириб бера оласизми?

– О, жаноблар, ҳамма куч мақсадда-ку! – хитоб қилди Митя. – Аблаҳлик қилиб ажратдим, яъни ҳисоб-китоб қилдим, зеро бу ҳолда ҳисоб-китобнинг ўзи аблаҳлик... Ва шу аблаҳлик бир ой давом этди!

– Тушунмадик.

– Сизга ҳайронман. Айтгандай, балки ҳақиқатан тушунарлироқ айтиш мушкулроқдир. Буни қаранг, гапга эътибор беринг, менга ишониб

топширилган уч мингни ўзлаштирдим, айш-ишрат қилдим, ҳаммасини совурдим, эртасига эрталаб унинг олдига бордим-да: "Катя, мен айбдорман, уч мингни совуриб қўйдим", – дедим, – хўш, бу яхши бўладими? Йўқ, яхши эмас, виждонсизлик ва лақмалик, ҳайвонлик қилиб ҳам ўрнига қўя олмайдиган ҳайвонлик, шундайми, шундайми? Аммо барибир ўғри эмас-да? Росмана ўғри эмас, росмана эмас, тўғрими ахир! Совурдим, лекин ўғирламадим! Энди иккинчи, янада яхшироқ йўл, гапимга диққат-эътибор қилинг, акс ҳолда яна чалғиб кетишим мумкин – негадир бошим айланяпти – хуллас, иккинчи йўли: бунда мен уч мингнинг ярмини совураман, яъни фақат ярмини. Эртасига унинг олдига шу ярмини олиб бораман: "Катя, дейман, мен ярамас, енгилтак аблаҳдан шу қолган ярмини ол, бошқа ярмини мен ишратга совурдим, бу қолганини ҳам совуриб юбораман, бу гуноҳдан мени худонинг ўзи асрасин!" Ана энди нима бўлди? Нима десангиз шу, ваҳший ҳайвон ва аблаҳ, аммо ҳарқалай ўғри эмас, росмана ўғри эмас, зеро агарда ўғри бўлганда, унда балки иккинчи ярмини қайтариб олиб келмасди, балки унисини ҳам ўзлаштириб юборарди. Катя эса кўриб турибди-ку, пулни ярмини келтирган экан, қолган ярмини ҳам олиб келади, сарф қилиб еб юборган бўлса ҳам келтиради, бир умр меҳнат қилади, қидиради, топади ва қайтариб беради. Ана шу-да аблаҳ, аммо ўғримас, ўғримас, нима деманг, ўғримас!

– Айтайлик, майли, жиндак фарқи ҳам бўлсин, – совуқ илжайди прокурор тўра. – Лекин барибир жуда ғалати, сиз бу ерда машъум бир фарқ борлигини кўрасиз.

– Ҳа, шундай шум фарқ кўраман! Ҳар ким аблаҳ бўлиши мумкин, афтидан, ҳар ким балки аблаҳдир, аммо ҳар ким ҳам ўғри бўлолмайди, фақат ўта аблаҳгина бўлиши мумкин. Ҳа-я, мен бу нозик латофатларни билмайман... Фақат ўғри – аблаҳнинг аблаҳи, бунга ишончим комил. Менга қаранглар, мен бир ойдан бери пулни ўзим билан олиб юрибман, мен эртагаёқ уларни қайтариб беришим мумкин, ана унда мен аблаҳ бўлиб қолмайман, лекин ҳар куни шуни ўйлайман-у бир фикрга келолмайман, ана шунақа, аммо ҳар куни ўзимга ўзим дейман: "Журъат қил, журъат қил, эй аблаҳ", мана, кўринг, бир ойдан бери журъатим етмайди, ана шу! Нима, яхшими сизнингча, бу яхшими?

– Яхши эмас ҳам дейлик, мен буни яхши тушунаман ва бу тўғрида баҳслашиб ўтирмайман, – ўзини босиб деди прокурор тўра. – Умуман, бу нозик фарқлар борасида тортишиб ўтирмайлик. Ундан кўра иш борасида гаплашганимиз маъқул. Гап айнан шундаки, биз сўраган бўлсак ҳам, сиз ҳали тушунтириб берганингиз йўқ: нима учун бошданоқ сиз уч мингни иккига бўлдингиз, бир қисмини ўйин-кулгига сарфладингиз, иккинчисини яшириб сақлаб қўйдингиз? Алалхусус, нима сабабдан яширдингиз, бу бир ярим мингни нимага ишлатмоқчи эдингиз? Мен бу саволни алоҳида таъкидлаб айтяпман, Дмитрий Федорович.

– Эҳ-ҳа, ҳақиқатан ҳам! – қичқирди Митя пешонасига қарсиллатиб уриб, – маъзур тутинг. Сизни қийнаб қўйдим, энг муҳимини эса ҳали айтмадим, акс ҳолда дарҳол тушуниб олардингиз, зеро бутун шармандалик ана шу, мақсаднинг ўзида, асл мақсадда! Кўринг, бу ҳаммаси анов чолга боғлиқ, марҳум чол тушмагур доим Аграфена Александровнани ҳоли-жонига қўймасди, мен эса рашк қилганим-қилган, ўша пайтда қиз

мени ё чолни танлашга иккиланяпти, деб ўйлардим, уззукун шу нарса хаёлимдан чиқмасди: ойимқиз бир қарорга келса, унда нима бўлади, балки қийнашни бас қилар ва бирдан кутилмаганда менга: "Сени яхши кўраман уни эмас, мени дунёнинг нариги бурчагига олиб кет", – деб қолса. Мен қуруқнинг ҳамёнимда эса атиги икки танга бор, қандай олиб кетаман, нима қиламан, ана унда адои тамомман. Ахир мен ўша пайтда уни билмас, тушунмасдим, унга пул керак деб ўйлардим, менинг қашшоқлигимни кечирмайди, дердим. Ана шу аҳволда заҳарханда қилдим-у уч мингни қоқ иккига бўлдим-да, бир бўлагини игна билан халтачага тикдим, ҳали ақли-ҳушим жойида, ҳисоб-китобимни қилиб беркитдим-қўйдим, ана ундан сўнг қолганини таралла-яллага сочдим! Йўқ, бу аблаҳлик! Ана энди тушундингизми?

Прокурор тўра хохолаб кулди, терговчи ҳам унга қўшилди.

– Менимча, жуда ақлли, маъқул иш қилгансиз, ўзингизни тўхтатиб қолгансиз, – хихилаб кулди Николай Парфенович, – нега деганда, бу ўзи нима деган гап?

– Ахир бу ўғрилик-ку, ўғрилик! О, худойим, мени тушунмаганингиз ёмон-да. Шу бир яримни халтачага тикиб кўксимда олиб юрарканман, доим, ҳар куни, ҳар соат ўзимни ўзим: "Сен ўғрисан, сен ўғрисан!" – деб яниб юрдим. Шунинг учун охирги бир ой қутургандай бўлиб қолдим, шунинг учун қовоқхонада жанжал кўтардим, шунинг учун отамга ташландим, ўзимни ўғри деб ҳис қилдим-да! Мен ҳатто укам Алешага ҳам бир ярим мингни айтмадим, журъатим етмади: ўзимни шу қадар ёмон аблаҳ ва қаллоб деб ўйладим! Пулни кўксимда кўтариб юриб, ҳар доим, ҳар соатда ўзимга ўзим: "Йўқ, Дмитрий Федорович, сен балки ҳали ўғри ҳам эмасдирсан", – дердим. Нега? Айнан шунинг учунки, сен эртага бориб Катяга шу бир ярим мингни бериб қўйишинг мумкин. Мана, ниҳоят, мен куни кеча Фенянинг олдидан Перхотинникига боратуриб, бўйнимдан халтачани юлиб олдим, лекин шу вақтгача бунга журъат этмовдим, ана шу, юлиб олдим-у ўзимни бутунлай ўғри ҳамда виждонсиз одам деб сездим. Бир умрга. Нега? Нега деганда, бўйнимдан пулни олдим-у, у билан бирга орзуларимни ҳам тамомила уздим. Ана энди Катянинг ҳузурига бориб, "Мен ўғри эмас, аблаҳман", – деб айтишдан маҳрум бўлдим! Барини барбод қилдим! Энди тушундингизми, тушунгандирсиз!

– Нега сиз айнан кеча кечқурун бундай қарорга келдингиз? – унинг сўзини бўлди Николай Парфенович.

– Нега дейсизми? Буни сўрашнинг ўзи кулгили, нега деганда ўзимни шу ерда эрта тонгда, соат бешда ўлимга ҳукм қилдим: "Аблаҳмисан, олийжанобмисан, барибир ўласан", деб ўйладим! Буни қаранг, ундай эмас, барибир эмас экан! Ишонасизми, жаноблар, мени тун бўйи ҳаммадан ортиқ қийнаган нарса хизматкор чолни ўлдириб қўйганим, Сибирга сургун бўлиш хавфи остида қолганим эмас, йўқ, бу эмас ва яна қачон денг? – Муҳаббатим менга энди кулиб боққанда ва яна осмон менга энди чарақлаб очилганда-я! О, бу қийнарди, аммо унчалик эмас, ҳарқалай у қадармас, аммо манави лаънати пулларни бўйнимдан юлиб олганим ва охир-оқибат уларни совурганим ва демакки, энди ғирт ўғрига айланганим менга ортиқ даражада азоб берарди! О, жаноблар, юрагим жиққа қонга тўлиб сизга айтяпман: мен шу кеча жуда кўп нарсани билдим! Мен аблаҳ

бўлиб яшаш мумкин эмаслигинигина эмас, аблаҳ бўлиб ўлиш ҳам мумкин эмаслигини билдим... Йўқ, жаноблар, ҳалол ўлиш керак!..

Митянинг ранги-туси оқарганди. У ҳаддан ортиқ қизишган, жўшиб-тошган бўлишига қарамасдан башарасидан ғоятда эзилган, абгор бўлгани кўринарди.

– Мен сизни тушуна бошладим, Дмитрий Федорович, – юмшоқлик ва ҳатто қандайдир ҳамдардлик билан сўз бошлади прокурор тўра, – лекин сизга қандай билмадим-у, аммо менимча, булар бари асабдан... асабларингиз ғоятда чарчаганидан шундай. Мана сиз қарийб бир ойдан бери шунча азоб-уқубат чекиб келасиз, нима учун бунинг ўрнига ўша пул берган хонимга пулини қайтариб бериб қўя қолмайсиз, у билан гаплашиб орани очиқ қилмайсиз, ўзингиз таърифлашингизга қараганда, ёмон аҳволдан қутулмайсиз, ақлга табиий мувофиқ келадиган бир ўнғай фикрга келмайсиз, унинг олдида хатоларингизни тан олганингиздан сўнг, ундан балки эҳтиёжингизга яраша пул сўрамайсиз, у сизнинг бу оғир аҳволингизни кўриб, олийжаноблик қилиб, ҳеч қачон йўқ демасди, балки сиз унга савдогар Самсонов ёки Хохлакова хонимга таклиф қилганингиздек, бирор кафолат ҳам рўкач қилардингиз, тўғрими? Ахир сиз ҳозир ҳам бу кафолат ўз кучини йўқотмаган, деб билсангиз керак?

Митя бирдан қизарди:

– Наҳотки, сиз мени шу даражада аблаҳ деб ҳисобласангиз? Наҳот сиз бу гапни жиддий айтяпсиз!.. – ғазаб билан деди Митя прокурорнинг кўзига тик қараб ва буни худди ўз қулоғи билан эшитганига ишонмагандай.

– Ишонинг, гапим жиддий... Нима учун сиз жиддий эмас, деяпсиз? – ўз навбатида ҳайрон бўлди прокурор.

– О, қанчалар аблаҳлик бўларди бу! Жаноблар, биласизми, мени жуда қийнаяпсиз! Майли, сизга ҳаммасини айтай, шундай бўла қолсин, мен бир қайнови ичида одамман, тан олиб айтишим керак, ўзингиз энди уялиб қоласиз, инсон ҳиссиётларининг қуроқ жамулжами қанчалар қабиҳликларга олиб бориши мумкинлигини ўзингиз кўриб ҳайрон қоласиз. Билиб қўйинг, ушбу жамулжамлик қандоқ бўлишини ўзим бошимдан ўтказганман, сиз у ҳақда ҳозиргина сўйлаб ўтдингиз, прокурор! Мана шу лаънати ой ичида мен ҳам шундай фикрни бошимдан ўтказдим, жаноблар. Ҳар қалай Катянинг олдига борсамми-бормасамми деб юрдим, шунчалар қабиҳман мен! Аммо унинг олдига бориш, менинг хиёнатимни унга билдириш ва боз устига шу хиёнат учун, шу хиёнатни адо этиш учун, олдинда турган шу хиёнатнинг ҳаражатларини қоплаш учун яна унинг ўзидан, Катядан пул сўраш (эшитяпсизми, сўраш, ҳа, сўраш!), сўнг дарҳол унинг олдидан рақибаси, жондан ёмон кўрган бадкор душмани билан бирга қочиб кетиш, э, омон бўлгур, бундан ортиқ ақлдан озиш, номардлик бўладими, прокурор!

– Ақлдан бўлса-бўлмаса, мен унчалигини ўйлаб кўрмабман... аёл кишининг рашки-да бу... сиз айтмоқчи, бу ерда ҳақиқатан, аёлнинг рашки орага қўшилса... ҳа, рост, бу ерда шунга ўхшашроқ бир нарса, – илжайди прокурор.

– Аммо бу шунчалар қўланса бир нарса бўлардики, – деб қутуриб столни муштлади Митя, – бунинг шунчалар сассиғи чиқардики, мен бил-

майман буни! Э, сиз биласизми, у менга пул бериши мумкин эди, берарди, ҳа, берарди ҳам, мендан аламини олиш учун берган бўларди, ўч олиб аламидан чиқарди, бутун нафратини шунда ифодаларди, нега деганда, бу хилқатнинг ҳам бир қайнови ичида ва қаҳри ғазаби чексиз! Мен-ку пулни олардим, ундан кейин бир умр... о, худойим! Узр, жаноблар, мен буни шунинг учун бақириб айтяпманки, бошимга бу фикр яқингинада келди, бор-йўғи уч кун бўлди, Тепонғичнинг устида кечаси гиргиттон бўлиб турганимда бошимга келди, кейин кеча, ҳа, кеча, кеча кун бўйи, менинг эсимда, то ўша воқеа рўй бергунча...

– Қайси воқеа? – қизиқиб сўраб қолди Николай Парфенович, аммо Митя эшитмади.

– Мен сизларга жуда даҳшатли бир иқрор қилдим, – тумшайиб деди у. – Унга ўзингиз баҳо берингиз, жаноблар. У ҳам етмайди, камлик қилади, баҳо берманг, майли, аммо қадрига етинг, агар етмасангиз, бу ҳам мабодо сизнинг юрагингизга таъсир қилмаса, унда сиз, жаноблар, мени умуман ҳурмат қилмас экансиз, сизга айтадиган гапим шу, унда мен сизга ўхшаган одамлар олдида юрагимни бекор очдим, деб шармисор бўлиб ўламан! О, мен ўзимни отаман! Энди кўриб турибман, кўриб турибман, сиз менга ишонмайсиз! Нима, сиз ҳали буни ҳам ёзмоқчимисиз? – деб қичқирди у қўрқиб.

– Мана шу сизнинг ҳозир айтган гапингиз, – ҳайрон бўлиб қараб тураради унга Николай Парфенович, – сиз шу энг сўнгги дақиқаларгача Верховцева ойимқизнинг олдига пул сўраб бормоқчи бўлганингиз... Сизни чин дилдан ишонтириб айтаманки, Дмитрий Федорович, бу биз учун ниҳоятда муҳим кўрсатма, яъни шу воқеанинг ҳаммаси... айниқса, сиз учун, айниқса, сизга муҳим.

– Раҳмингиз келсин, жаноблар, – қўлларини қарс урди Митя, – жиллақурса ана шуни ёзманг, инсоф қилинг! Ахир мен сизга юрагимни қоқ иккига ёриб кўрсатдим-а, сиз эса бундан фойдаланиб, панжаларингизни тиқиб ярамни кавлайсиз... О, худойим!

У изтиробга тушиб юзини қўллари билан беркитди.

– Бундан изтиробга тушманг, Дмитрий Федорович, – сипориш қилди прокурор тўра, – ёзиб олганларимизни ҳаммасини сиз кейин ўзингиз кўрасиз, қўшилмаган жойингиз бўлса, сизнинг сўзингиз бўйича ўзгартирамиз, ана энди, мен бир кичкина саволимни учинчи марта сизга бераман: наҳотки, ҳеч ким, ҳақиқатан ҳам ҳеч ким сиздан ўша халтачага тиқиб яширилган пул ҳақида эшитмаган бўлса? Мен сизга айтсам, буни ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин.

– Ҳеч ким, ҳеч ким, дедим, акс ҳолда сиз ҳеч нарсани тушунмабсиз! Бас, мени тинч қўйинг.

– Майли, бу иш ўз изоҳини топади, унга олдинда ҳали кўп вақт бор, аммо ҳозирча ўзингиз мулоҳаза қилиб кўринг: бизнинг балки ўнларча гувоҳликларимиз бордир, илло, сиз ўзингиз ҳамма вақт сарф қилган уч минг ҳақида бақириб юргансиз, яъни бир ярим минг эмас, айни уч минг. Мана энди ҳам кечаги пул муносабати билан бир қанча кишиларга уч минг олиб келган эдим, деб маълум қилгансиз...

– Ўнлаб эмас, сизнинг қўлингизда юзлаб, икки юзлаб гувоҳликлар мавжуд, икки юзта одам эшитган, минглаб эшитган! – хитоб қилди Митя.

– Ана кўрдингизми, ҳамма, ҳамма гувоҳ. Ҳамма деган сўз ахир бир нарсани билдирса керак?

– Ҳеч вақони билдирмайди, мен алдадим, менга эргашиб ҳамма алдайди.

– Сизга нима ҳожати бор эди бу "алдашнинг"?

– Қайдан билай. Мақтангим келгандир балки... шунча... шунча кўп пул совурдим деб... Балки халтачага яширганимни унутгим келгандир... ҳа, шундай бўлса керак... шайтон... нечинчи марта менга шу саволни беряпсиз? Алдаганман, тамом, бас, алдадимми, кейин тўғрилагим келмайди. Нега одам баъзан алдайди?

– Одам нега алдашини билиш жуда қийин, Дмитрий Федорович, – салмоқланиб деди прокурор тўра. – Айтинг-чи, ўша бўйнингиздаги халтачанинг катталиги қандай эди?

– Йўқ, катта эмас.

– Мисол учун, қандоқ катталикда?

– Юз рубль қоғоз пулни икки букса, шундай катталикда.

– Бизга бир парчасини кўрсатсангиз, яхши бўлармиди? Балки улар ёнингиздадир.

– Эҳ, шайтон... савил... билмайман қаерда улар.

– Унда қаранг-да: сиз қачон, қаерда уни бўйнингиздан олдингиз? Сиз ахир, ўзингиз айтмоқчи, уйга кирмадингиз-ку?

– Фенянинг олдидан чиқиб Перхотинникига бораётганда бўйнимдан суғуриб пулни олдим.

– Қоронғида-я?

– Шамга ҳожат йўқ эди. Бармоғимда дарров тортиб олдим.

– Кўчада, қайчисиз-а?

– Майдонда эди чоғи, қайчи нимага керак? Чириган латта дарров узилди.

– Кейин уни қаёққа қўйдингиз?

– Ўша ерга ташладим.

– Аниқ қаерга?

– Майдонда дедим-ку, умуман майдонда! Қаёқдан билай қаерда? Бу сизга нимага керак?

– Бу жудаям керак, Дмитрий Федорович, ашёвий далиллар сизнинг фойдангизга, нега сиз буни тушунишни истамайсиз? Бир ой олдин ким сизга ёрдам берди халтачани тақишга?

– Ҳеч ким ёрдам бермади, ўзим тақдим.

– Сиз тикишни биласизми?

– Аскар тикишни билиши керак, бу ерда буни билишнинг ҳам ҳожати йўқ.

– Сиз халтачага матони қаердан олдингиз, тикишга демоқчиман?

– Сиз кулмаяпсизми?

– Асло, кулгининг ўрни эмас, Дмитрий Федорович.

– Билмадим латтани қаердан олдим, бирон жойдан олгандирман.

– Буни эсдан чиқариш мумкинми?

– Худо ҳақи, ёдимда йўқ, балки кўйлак-пўйлак йиртгандирман.

– Бу жуда қизиқ, эртага уйингиздан йиртилган бу кўйлак чиқиши мумкин. Латта қандай матодан эди, калинми, юпқами?

– Худо билади нимадан. Шошманг... Мен ҳеч нарсани йиртганим йўқ. У коленкордан эди... Мен уй бекасининг латтасини олиб ўшанга тикдим.

– Уй бекасининг дейсизми?

– Ҳа, мен уни олиб кетувдим.

– Қандай олиб кетдингиз?

– Эсимда, ҳақиқатда қандайдир латтани олиб кетдим, перони артаман деб ўйладим, шекилли, арзимаган бир латта-путта, қўлимга тушиб қолди, ана шунга бир ярим мингни ўраб тикиб қўйдим... Ана шу латтага тикдим. Ювилавериб титиғи чиқиб кетган коленкор мато.

– Сиз буни яхши эслайсизми?

– Билмадим. Бир латта-да. Нимаси бор!

– Унда уй бекаси латта йўқолганини эсласа керак?

– Билмайди, эсида йўқ. Эски латта деяпман-ку сизга, бир пақирга қиммат.

– Игна билан ипни қаердан олдингиз?

– Мен тўхтатдим. Бошқа гипирмайман. Етар! – аччиғи чиқди ниҳоят Митянинг.

– Ўша халтачани қаерга ташлаганингиз эсингиздан чиққани ғалатироқ-да...

– Э, эртага майдонни супуртиринг, балки топилиб қолар, – иршайди Митя. – Етар, жаноблар, етар, – хаста овоз билан деди у. – Аниқ кўриб турибман, менга ишонмаяпсиз! Заррача, зиғирча ишонмадингиз! Айб менда, сизда эмас, нима қилардим бурнимни тиқиб. Нима қилардим сиримни очиб ўзимни расво қилиб! Сиз эса бундан куласиз, кўзингиздан кўриб турибман. Сиз сабабчисиз бунга, прокурор! Майли, ўзингизга ҳамду сано ўқинг, хоҳласангиз... Лаънат бўлсин сизга, тошбағирлар!

У бошини қуйи солди ва юзини қўллари билан ёпди. Прокурор ва терговчи жим бўлишди. Бирор дақиқадан сўнг Митя бошини кўтарди ва уларга қандайдир паришон қаради. Чеҳрасида юз берган аҳвол, тиклаб бўлмас ноумидлик акс этарди, у алланечук сукутга ғарқ бўлди, бутунлай ўзини унутгандай эди. Ҳолбуки, ишни якунлаш керак эди: дарҳол гувоҳларни сўраш лозим эди. Вақт эрталабки саккиз бўлиб қолганди. Шамлар аллақачон ўчирилганди. Сўроқ пайтида доим хонага кириб-чиқиб турган Михаил Макарович билан Калганов ҳозир бу ердан ғойиб бўлишди. Прокурор тўра билан терговчи ҳам ҳаддан ортиқ ҳорғин кўринишарди. Эрталабдан ҳавонинг авзойи бузуқ, кўк юзини булут босган, ёмғир челакдан қуйгандек ёғарди. Митя хаёл оғушида деразага нохуш тикиларди.

– Мен ойнага қараб ўтирсам бўладими? – деб сўради у кутилмаганда Николай Парфеновичдан.

– О, истаганча, – деб жавоб берди у.

Митя ўрнидан туриб ойна олдига келди. Ёмғир деразанинг майда кўк кўзли ойналарига шатирлаб уриларди. Деразадан лой-балчиқ кўча кўринар, нари-нарироқларда қатор қорайган, кўримсиз, қашшоқ ёғоч уйлар ёмғир селобаси оралаб янада қорайиброқ ва ғариброқ бўлиб кўзга ташланарди. Митя "олтин сочли Фебни" ва унинг илк шуълаларида ўзини отмоқчи бўлганини эслади. "Эсиз, манавунақа пайтда яхшироқ бўларкан" деб иршайди ва бирдан қўлини юқоридан пастга қулоч кўтариб ташлаб, "бўғмагарларига" бурилди:

– Жаноблар! – деб хитоб қилди у, – мен тамом бўлганимни кўриб турибман. Аммо қиз-чи? Менга айтинглар, ёлвораман, наҳот у ҳам мен би-

лан бирга хароб бўлса? Ахир у мутлақо айбсиз, кеча "ҳаммасига мен айбдор" дегани бекор, ҳуши ўзида эмасди. Унинг сира, сира айби йўқ! Тун бўйи юрагим қон бўлди сиз билан ўтириб... Менга айтолмайсизми ахир, унга нима бўлади?

– Бундан асло хавотир олманг, Дмитрий Федорович, – дарҳол шошапиша жавоб қилди прокурор, – сизни қизиқтираётган хонимга бизнинг қарийб ҳеч қандай бир даъвойимиз йўқ. Умид қиламанки, бундан кейин ҳам шундай бўлса керак. Бу томондан қўлимиздан келганча ҳаракат қилишга тайёрмиз. Асло хавотир олманг.

– Жаноблар, миннатдорман, ҳеч нарсага қарамасдан ҳарқалай, сиз адолатли, ҳалол одамлар эканингизни билардим. Елкамдан оғир тош тушди... Хўп, энди биз нима қиламиз? Мен тайёрман.

– Ҳа, тезлатамиз. Гувоҳларни сўраймиз. Ҳаммасида, албатта, сиз қатнашасиз, шунинг учун...

– Аввал чой-пой ичиб олсакмикин? – орага қўшилди Николай Парфенович, – хазилакам иш қилдикми!

Агар пастда чой тайёр бўлса (Михаил Макарович "чой ичгани" бекор пастга тушмагандир), унда бир стакандан чой ичиб, сўнг яна тўхтовсиз ишни давом эттиришга келишдилар. Ҳақиқий маънодаги нонуштани кейинроққа, бўшаганларидан кейинга қолдирдилар. Чой, ҳақиқатан, пастда тайёр экан, уни тезда юқорига олиб чиқишди. Николай Парфенович илтифот билан чойга таклиф қилган эди, Митя аввал рад қилди, аммо кейин ўзи сўраб олди-да, ютоқиб-ютоқиб ичди. Умуман, кўриниши қандайдир бениҳоя абгор ҳолда эди. Шундай азамат йигитга бир кечалик айшу ишрат, сўроқ-суриштириш шунчалар ҳам қаттиқ таъсир қилармиди дерсиз. Аммо унинг ўзи базўр оёқда турганини сезар, кўз ўнгида ҳамма нарсалар чир айланаётгандек бўлиб кўринарди... "Тағин бирпасдан сўнг сўроқ қилинсам керак", деб ўйлади у ичида.

VIII

ГУВОҲЛАР СЎЗИ. БОЛАКАЙ

Гувоҳлардан сўраш бошланди. Бироқ биз ҳикоямизни аввалгидек жуда батафсил баён қилиб ўтирмаймиз. Шунинг учун ҳам, Николай Парфенович ҳар бир гувоҳга ҳақиқатни виждонан баён қилиши, зотан кейин бу кўрсатмаларини қасам ичган ҳолда такрорлашига тўғри келишини қайта-қайта таъкидлаб айтаркан, биз бу тафсилотларни ҳикоямиздан тушириб қолдирамиз. Бунинг устига гувоҳлар ўз сўзлари ёзилган баённомага имзоларини чекишлари ҳам талаб қилинар экан. Бир нарсани яна қайд этиб ўтайликки, терговчиларнинг асосий эътибори ҳамон ўша уч мингнинг устига қаратилганди, яъни биринчи базм чоғида бир ярим минг сарфланган эдими ёки биратўла уч мингнинг бари. Ундан ўтиб Дмитрий Федорович яна Мокрое қишлоғига ташриф буюриб, иккинчи мартаба базм қилганида ҳам пули уч мингмиди ё бир ярим минг. Афсус, гувоҳликларнинг биронтаси Митянинг фойдасига бўлмади, аксинча, айрим гувоҳлар ҳатто Митянинг айтганларини ҳайратомуз тарзда ин-

кор этувчи янги кўрсатмалар беришди. Биринчи бўлиб Трифон Борисич сўроқ қилинди. У терговчилар рўпарасида дадил турди, авзойида гумон қилинаётган кимсага нисбатан жуда жиддий қаҳру ғазаб ифодаланарди ва бу билан ўзини алламбало ҳақиқатчи қилиб, иззат-нафсини биладиган тўрсайган кимса каби кўрсатди. Ўзини босиб кам гапирди, саволларни тоқат билан кутиб турди, аниқ, ўйлаб, ўлчаб жавоб берди. Бундан бир ой илгари бу ерда асло уч мингдан кам сарфланмаганди деган сўзида қаттиқ туриб олди, бу ердаги барча мужиклар "Митрий Федорович"нинг ўз оғзидан уч минг деган сўзни эшитганларини тасдиқлайдилар деди: "Лўли хотинларнинг ўзига қанчадан-қанча пулларни сочиб юбордилар-у. Уларнинг ўзига худо билади мингдан ортиқ кетгандир".

– Беш юзга ҳам бормайди берганим, – деб жавоб берди Митя қовоғини солиб, – аммо афсус, ўшанда санамаганман, маст эдим...

Митя энди дарпардаларга орқа қилиб ён томонда абгор бўлиб ўтирар, қовоғини солиб эшитар, "Э, борларинг, нима қилсаларинг қил, менга барибир!" – дегандай бўлиб эзиларди.

– Уларга мингдан ортиқ совурдингиз, Митрий Федорович, – қатъият билан деди Трифон Борисович, – бекор қилдингиз, улар талашиб оларади. Ўғри ва муттаҳам халқ, от ўғриси, бу ердан ҳайдаб юбордик, бўлмаса ўзингизга кўрсатишарди сиздан қанча олганларини. Мен ўзим ўшанда қўлингизда анча пул кўрдим, санашга санамадим, рост, аммо эсимда, қараган кўзга бир ярим мингдан анча ортиқ кўринарди... Қайда бир ярим минг! Биз ҳам пул кўрганмиз, чамасини биламиз...

Кечаги пулнинг қанчалигини айтиб, Дмитрий Федрович аравадан тушган пайтларидаёқ менга уч минг олиб келдим, деб қўйдилар, деди.

– Қўйинг-е, наҳот шундай бўлса, Трифон Борисич, – эътироз билдирди Митя, – наҳот росмана уч минг келтирдим, деб айтдим?

– Айтдингиз, Митрий Федорович. Андрейнинг олдида айтдингиз. Ана, Андрейнинг ўзи шу ерда, кетгани йўқ ҳали, чақиринг. Тепада ашулачиларни роса сийладингиз, бу ерда олти мингни сочиб кетяпман деб гулладингиз, ҳаммасини бир ҳисоб қилиб айтдингиз чоғи. Степану Семен эшитишган, Петр Фомич Калганов ҳам ёнгинангизда турувдилар, балки у кишининг ҳам эсида қолгандир...

Олти мингни эшитиб, терговчилар бироз ҳаяжонга тушишди. Уларга янги ҳисоб ёқди: уч мингу яна уч минг, қўшилса, олти минг бўлади-да, тўққиз пулдек аниқ.

Трифон Борисич номларини санаган Семену Степан, арвакаш Андрей ва Петр Фомич Калганов, барчалари сўроққа тутилди. Мужиклар билан аравакаш қилт этмай Трифон Борисичнинг кўрсатмасини тасдиқлашди, шу билан бирга аравакаш Андрейнинг оғзидан унинг Митя билан сўйлашганини ҳам дарров ёзиб олишди, ўшанда у аравакашдан: "Мен, Дмитрий Федорович, қаерга тушаман, дўзахгами, осмонгами ва нариги дунёда менинг гуноҳларимни кечиришадими ёки йўқми?" деб сўраганди. "Руҳшунос" Ипполит Кириллович буларнинг ҳаммасини нимтабассум билан эшитди ва Дмитрий Федорович охир-оқибат қаерга тушишини "баённомага тиркаб қўйишни" буюрди.

Сўроққа чақирилган Калганов истар-истамай, қовоқ уйиб, тажанглиги тутиб кириб келди ва прокурор ҳамда терговчи эски таниш-билиш-

лари бўлса ҳам, худди уларни биринчи марта кўраётгандай сўйлашди. У гапни "ҳеч нарсани билмайман ва билишни истамайман" деб бошлади. Аммо олти минг ҳақидаги гапдан хабари бор экан, ҳа, ўшанда унинг ёнида турувдим, деб тан олди. Митянинг қўлидаги пуллар қанча эди, билмайман, деди. Поляклар карта ўйинида ғирромлик қилишганини тасдиқлади. Қайта-қайта сўралгандан кейин, ниҳоят, у, ҳа, поляклар қувиб чиқарилгандан сўнг, ҳақиқатан, Митя билан Аграфена Александровнанинг ишлари юришиб кетди ва қиз ўз оғзи билан уни яхши кўришини айтди, деди. Қиз борасида вазминлик ва ҳурмат билан гапирди, гўё у энг кибор ойимқиздай ва уни "Грушенька" деб аташдан ўзини қаттиқ тийди. Ёш йигит кўрсатма беришдан ғоятда ижирғанаётган бўлса-да, Ипполит Кириллович уни узоқ сўроққа тутди ва фақат ундан бу кеча Митя қиз билан бирга кечирган "ошиқ-маъшуқликнинг" барча тафсилотларини аниқ билиб олди. Митя Калгановнинг гапларини ҳеч бўлмади. Ниҳоят, ёш йигитга кетишга ижозат берилди ва у қаҳру ғазаби ошганча чиқиб кетди.

Поляклари ҳам сўроқ қилишди. Улар ўз хонасида ухламоқчи бўлиб ётишар, аммо тун бўйи уйқулари қочди, маъмурлар келгач эса, бизни ҳам, албатта, чақиришади деб, отланиб туришди. Улар ўзларини тутиб, бироз кўрққан ҳолда кириб келишди. Бўйи пакана пан уларнинг ёши улуғроғи бўлиб, 12-даражали маъмурлар қаторида турар, ҳозир истеъфога чиққан, Сибирда мол дўхтири бўлиб хизмат қилган, исми-шарифи пан Муссялович эди. Иккинчилари пан Врублевский эса тиш дўхтири экан. Ҳар икковлари хонага қадам қўйишлари билан Николай Парфеновичнинг саволларига негадир чеккароқда турган Михаил Макаровичга қараб жавоб айта бошлашди, чамаси, уни бу ердаги энг катта бошлиқ деб ўйлашди ва ҳар сўзларида "пан полковнику" деб мурожаат қилишди. Фақат Михаил Макаровичнинг ўзи бир неча бор огоҳлантиргандан сўнггина жавобларини Николай Парфеновичга ҳавола қилишлари кераклигини тушунишди. Маълум бўлдики, улар рус тилида жуда ҳам қоидасини келтириб тўғри сўзлашар эканлар, фақат айрим сўзлар талаффузидагина қийналардилар. Грушенькага нисбатан ўзининг аввалги ҳамда ҳозирги муносабатларига пан Муссялович юраги тошиб ғурур билан тўхталаркан, Митя дарҳол жаҳли чиқиб кетиб, ўзининг олдида "аблаҳ"га бундай гапиришига йўл қўймайман, деб қичқирди. Пан Муссялович дарҳол "аблаҳ" деган сўзга эътибор қаратди ва уни баённомага киритиб қўйишни сўради. Митянинг ғазаби қайнаб тошди.

– Аблаҳ дедимми, аблаҳ! Шуни ҳам киритинг, яна баённомага ҳам қарамай, мен барибир аблаҳ дейман! – деб қичқирарди у.

Николай Парфенович буни баённомага киритди ҳамда ушбу нохуш вазиятда ўзини ғоятда тадбиркор ва ишчан кўрсатди: у Митяга жиддий танбеҳ берди-да, сўнг ошиқ-маъшуқлик билан боғлиқ савол-сўроқни бутунлай тўхтатди, тезликда асосий масалага ўтди. Чунончи, асосий масалада панларнинг бир кўрсатмаси терговчиларнинг дарров эътиборини тортди. Бу Митя пан Муссяловични қўшни хонага олиб чиқиб, у ерда уни пулга сотиб олмоқчи бўлиб уринган, уч минг бераман, ҳозирча фақат етти юзини қўлингга тутқазаман, қолган икки минг уч юзини эртага эрталаб шаҳарга борганда оласан, шарт шуки, қиздан қўлингни ювиб қўлтиғингга урасан, ҳеч нарсани даъво қилмайсан, деган гапи бўлди.

Яна ҳозирча бу ерда пулнинг ҳаммаси ёнимда эмас, пул шаҳарда дегани ҳам қизиқ чиқди. Митя қизишиб, мен бундай деганим йўқ деб туриб олди, бироқ пан Врублевский кўрсатмасини тасдиқлади, алоҳа Митянинг ўзи ҳам бироз ўйлаб туриб, тумтайган ҳолда балки шундай бўлгандир, деб тан олди, ўша пайтда ҳушим жойида эмасди, айтсам айтгандирман, деди. Прокурор тўра бу кўрсатмага қаттиқ ёпишди: терговга шу нарса аниқ бўлиб қолдики (кейинчалик шундай бўлиб чиқди ҳам), Митянинг қўлидаги уч мингнинг бир қисми, ҳақиқатан, шаҳарда қаердадир яшириб қўйилган, балким, ҳатто шу Мокроеда ҳам беркитилган бўлиши мумкин эди, хуллас, терговга Митянинг қўлида аниқ саккиз юз рубль бўлганлиги равшан бўлди, ҳолбуки, бу ҳам мубҳам осилиб турганди – мана шу ҳол шу пайтгача Митянинг ҳақлигини тасдиқлайдиган бирдан-бир ғоят арзимас бир далил бўлиб келаётганди. Эндиликда эса унинг ёнини оладиган мана шу ягона далил ҳам чиппакка чиқмоқда эди. Прокурор тўра Митядан панга бермоқчи бўлган қолган икки минг уч юз рублни қаердан олмоқчи эдингиз, деб сўради, Митя бунга қатъият билан пан полякка ўзимнинг Чермашняга бўлган мулкий ҳуқуқимни таклиф қилмоқчи эдим, деб жавоб берди. Прокурор бу "оҳанжаманинг" анойилигига иржайиб қўйди.

– Нақд икки минг уч юз ўрнига сизнинг ҳуқуқий актингизни олади, деб ишондингизми?

– Олганда қандоқ, – қизғин деди Митя. – Ўзингиз кўринг, бунда икки, уч, тўрт эмас, нақ олти мингни чўнтакка уриши мумкин эди! У дарров ўзининг қаланғи-қасанғи поляк ёки жуҳуд адвокатларини ишга солиб, уч минггина эмас, чолдан бутун Чермашняни ўмариб оларди.

Турган гапки, пан Муссяловичнинг кўрсатмасини тўлалигича баённомага киритишди. Кейин панларга жавоб беришди. Қарта ўйинидаги ғирромлик тилга ҳам олинмади; Николай Парфенович улардан миннатдор бўлди ва майда-чуйдалар билан ташвишга қўйишни истамади, нари борса, бадмаст одамларнинг карта устидаги талашиб-тортишувлари-да, бошқа нима бўларди. Базмларда нималар бўлмайди дейсиз... Шунинг учун ғирром ютилган икки юз рубль полякларнинг киссасида қолиб кетди.

Кейин қария Максимовни чақиришди. У қўрқа-писа, қадамларини майда ташлаб кирди, аҳволи жуда паришон ва маъюс эди. Бунгача у доим Грушеньканинг ёнида миқ этмай ўтирганди, ҳарқалай, Михаил Макаровичнинг гапига қараганда, "қизнинг елкасига бошини қўйиб ҳиқиллар ва кўз ёшларини кўк катак рўмолча билан артарди". Қиз эса уни овутар ва таскин берарди. Қария дарров Дмитрий Федоровичдан қарзга ўн рубль олиб хато қилгани, камбағаллик курсин деб ёзғиргани, пулни қайтариб бермоқчилигини дийдиё қилиб айтди...

Николай Парфеновичнинг, сиз унинг қўлидаги пулларни ҳаммадан кўра яқинроқдан кўргансиз, қарз сўраган пайтингизда пули қанчалигига диққат қилмадингизми, деган тўғридан-тўғри саволига, Максимов дадил: "Йигирма минг", – деди.

– Э, сиз илгари ҳеч йигирма мингни бирон ерда кўрганмисиз? – деб сўради кулиб Николай Парфенович.

– Кўрмай ўлибманми, фақат унда йигирма минг эмас, етти минг эди, завжаи муҳтарамам менинг мулкимни гаровга қўювди. Менга пулни

узоқдан кўрсатди, менинг олдимда мақтанди. Каттакон бир даста эди, ҳаммаси шалдироқ. Дмитрий Федоровичнинг пуллари ҳам шалдироқ эди...

Уни тезда чиқариб юборишди. Охири, Грушенькага ҳам навбат келди. Терговчилар Дмитрий Федрович уни кўрса жунбушга тушади, деб хавотир олишганди, ҳатто Николай Парфенович унга тасалли бериб бир неча сўз айтди, лекин Митя унга жавобан индамай бошини қуйи солди ва шу билан "ғалва-тўполон бўлмайди", дегандай қилди. Грушенька ичкарига Михаил Макарович билан кирди. Қиз ғоят осуда кўринар, чеҳраси жиддий, тумшайган, у Николай Парфеновичнинг рўпарасига, кўрсатилган курсига жимгина ўтирди. Унинг юзи оппоқ оқарган, жуда совқотаётганга ўхшар, ўзининг чиройли қора шол рўмолига маҳкам ўранганди. Уни бамисоли иситма тутаётган, вужуди увишаётгандек эди – шу касал билан у кейин узоқ оғриб ётди. Унинг вазмин кўриниши, тўғри ва жиддий боқиши, ўзини хотиржам тутиши ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Николай Парфенович дарровгина "илиқди". У кейинчалик буларни ҳикоя қиларкан, бу аёл қанчалик "сўлимлигини" ўшанда англадим, дея тан олиб айтди. Илгари кўзим тушган бўлса ҳам, бир вилоят таннозидир-да деб қўйганман. "Бу қизнинг хатти-ҳаракатлари энг юксак кибор даврага муносиб", – деб оғзидан чиқиб кетган экан бир олий аёллар мажлисида. Унинг бу гапларини асаблари қақшаб, энсалари қотиб эшитишдида, дарҳол унга "ўйинқароқ" деб ном беришди, бундан у ғоятда мамнун бўлиб юрди. Грушенька хонага кириб келаркан, Митяга фақат кўз қирини ташлаб қўйди, холос, ўз навбатида Митя унга хавотир олиб қаради, аммо қизнинг қиёфасидан шу заҳоти кўнгли тинчланди. Дастлабки панду насиҳатлардан сўнг Николай Парфенович бирозгина тутилиб, аммо ўзига ғоятда назокатли ва илтифотли тус бериб, одоб билан сўради: "Поручик Дмитрий Федорович Карамазов билан муносабатларингиз қандай эди?" Грушенька мулойим қатъият билан шундай жавоб берди:

– Таниш эдик, охирги ойда танишим деб учрашиб турганман.

Ундан яна қизиқиб сўралган барча саволларга тўғри ва очиқ, тўла жавоб берди, бу йигит "гоҳи пайтлар" менга ёқарди, аммо яхши кўрмасдим, лекин кўнглимнинг ярамаслиги тутиб, уни ўзимга оғдирдим, худди шунингдек, анов чолни ҳам шу қўйга солардим, Митя мени Федор Павловичга қаттиқ рашк қиларди, ҳаммага рашк қиларди, бу менга эрмак эди. Федор Павловичнинг олдига ҳеч боргим келмасди, нуқул устидан кулардим. "Ўша пайтда тўла бир ой улар билан ишим-ҳушим йўқ эди, мен олдимда айбдор бўлган бошқа бир одамни кутаётгандим... Фақат менимча, – деб гапига хулоса ясади у, – бу гапларнинг сизга сира алоқаси йўқ, гапириб ўтиришим ҳам ортиқча, чунки бу ўз шахсий ишим".

Николай Парфенович ҳаяллamай буни адо этди: ошиқ-маъшуқлик можароларини четлаб ўтди ва тўғри, яна ўша уч минг масаласига асосий эътиборни қаратди. Грушенька, ҳақиқатан ҳам, бир ой илгари Мокроеда уч минг рубль сарфланганини тасдиқлади, пулни ўзим санамаган бўлсам ҳам, лекин Дмитрий Федоровичнинг ўзидан уч минг деб эшитгандим, деди.

– Буни сиз билан ёлғиз қолганда айтдими ёки орада биров бор эдими, ё сизнинг ҳузурингизда бошқалар билан гаплашувдими? – дарҳол аниқлашга тушди прокурор тўра.

Бунга Грушенька одамлар орасида ҳам, одамлар билан сўйлашганда ҳам, ёлғиз ўзлари қолиб гаплашганларида ҳам эшитганман, деди.

– У билан ёлғиз қолганда бир марта эшиттингизми ёки бир неча марта? – яна аниқлашга уринди прокурор ва шундан сўнг Грушенькадан "бир неча марта" деган жавобни олди.

Ипполит Кириллович бу кўрсатмалардан ғоят мамнун бўлди. Кейинги саволлардан маълум бўлишича, Грушенька бу пуллар қаердан пайдо бўлганини биларкан. Дмитрий Федорович уларни Катерина Ивановнадан олган экан, деди.

– Сиз бир ой илгари сарфланган пул уч минг эмас, балки камроқ бўлгани ва Дмитрий Федорович тенг ярмини олиб қолганини эшитмаганмидингиз, бир марта бўлсаям қулоғингизга чалинмаганмиди?

– Йўқ, буни ҳеч эшитмаганман, – деб жавоб берди Грушенька.

Кейинги гап-сўзлардан шу ҳам маълум бўлдики, Митя бир ой давомида бир неча марта бир тийин ҳам пулим йўқ, "балки отамдан ўзимга тегишлисини оларман", деганини Грушенька тасдиқлади.

– Сизнинг олдингизда... йўл-йўлакайми ёки жаҳли чиқибми, – гапни бурди Николай Парфенович, – отамни ўлдираман демаганмиди?

– Вой, айтган! – хўрсинди Грушенька.

– Бир мартами ё бир неча марта?

– Жаҳли чиқиб бир неча марта айтган.

– Шундай қилишига сиз ишонармидингиз?

– Йўқ, ҳеч қачон ишонмаганман! – қатъий деди қиз, – уни олийжаноб йигит деб билардим.

– Жаноблар, гапирсам майлими, – қичқирди бирдан Митя, – сизнинг ҳузурингизда Аграфена Александровнага бир оғиз сўз айтишимга рухсат беринг.

– Айтинг, – рухсат берди Николай Парфенович.

– Аграфена Александровна, – ўрнидан турди Митя, – худойимга ва менга ишонинг: кеча ўлдирилган отамнинг қонини мен тўккан эмасман!

Шуларни айтгач, Митя яна жойига ўтирди. Грушенька ўрнидан туриб, санамга қараб художўйлик билан чўқинди.

– Худойим, ўзингга шукур! – юраги тўлиқиб-тошиб деди у ва ҳали ўрнига ўтирмай Николай Парфеновичга қарата қўшиб қўйди: – У ҳозир нима деган бўлса, унга ишонинглар! Уни биламан: ўйламай гапириб юборади, кулгига айлантиради ё ўжарлиги тутади, аммо виждонга келганда ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Тўғрисини айтади, ана шунга ишонинглар!

– Раҳмат, Аграфена Александровна, юрагимга мадор бўлдингиз! – товуши қалтираб ютинди Митя.

Грушенька кеча сарфланган пуллар ҳақидаги саволга қанчалигини билмайман, лекин одамларга бир неча марта уч минг деганини эшитдим. Пулни эса Катерина Ивановнадан "ўғирладим" деганди, мен пулни эгасига дарҳол қайтариш кераклигини айтдим, деди. Прокурор тўра яна гап қайси пул ҳақида кетди, Катерина Ивановнадан "ўғирлаб олингани" устидами ёки кеча бу қишлоққа совурилганими, деб суриштирганда, Грушенька, бир ой илгари сарфланганини сўйлади, мен уни шундай тушундим, деб жавоб берди.

Ниҳоят, Грушенькага рухсат беришди, Николай Парфенович апил-тапил тилга кириб, истасангиз ҳозироқ, шаҳарга қайтишингиз мумкин,

деди ва яна шуни ҳам қўшиб қўйдики, мабодо мен томондан от-арава топишдами, қандай ёрдам керак бўлса, ё ҳамроҳми, унда бажонидил ёрдам беришга тайёрман... деб илтифот қилди.

– Тасаддуғингиз бўлай, раҳмат, – таъзим қилди унга Грушенька, – мен анави қария помешчик билан кетаман, уни элтиб қўяман, агар изн берсангиз, пастда кутиб тураман, Дмитрий Федоровичнинг иши нима бўлишини билиб, сўнг жўнайман.

У хонадан чиқди. Митя тинчгина ўтирар, юзидан ҳатто тетиклашганга ўхшар, аммо бу бир зумгина давом этди. Уни қандайдир ғалати жисмоний сустлик борган сари енгиб, ўз комига тортарди. Кўзлари ҳорғинликдан юмилиб-юмилиб кетарди. Гувоҳларни сўраш ниҳоят тугади. Баённомани охирги таҳрирдан чиқаришди. Митя ўрнидан туриб дарпарда томонга, бурчакка ўтди-да, пояндоз ташлаб қўйилган катта сандиқ устига чўзилди ва дарҳол қотиб уйқуга кетди. У қандайдир ғалати бир туш кўрди, ҳолбуки, ўрни ҳам эмас, вақти ҳам эмасди бу тушнинг. Мана, у қандайдир бир чўлда кетяпти, қачонлардир ҳарбий хизматда юрган жойлар, уни икки от қўшилган аравада бир мужик олиб боряпти. Митя жуда совқотган, ноябрь ойи бошлари, парча-парча ҳўл қор лап-лап ёғади, ерга тушган заҳоти эриб кетади. Аравакаш бардам, қамчисини дам-бадам шўх силкитади, соқоли шунақа узун ва сарғиш, ҳали жуда қари ҳам эмас, ёши элликларда, устида кенг бўз чакмон. Бир қишлоққа яқинлаб қолишди, қоп-қорайиб кетган яланг уйлар кўринади, ёғоч уйларнинг ярми ёниб кетган, олов ялаган тўсин харилар яланғоч. Қишлоққа кираверишда, йўл бўйида хотин-халаж, улар кўп, қатор-қатор, ҳаммаси озғин, ориқ, ичкиликдан зўриққан, бўғриққан чеҳралар. Мана, бирови чеккада турибди, коқ суяк, бўйдор, чамаси, ёши қирқларда, балки йигирмага ҳам кирмагандир, башараси узун, ориқ, қўлида гўдаги йиғлайди, кўкраги куриган, бир томчи ҳам сут йўқ. Гўдак чириллаб йиғлайди, дод солади, қўлчаларини чўзади, муштчалари яланғоч, совуқдан кўкарган.

– Нега йиғлайди улар? Нега йиғлайди? – деб сўрайди уларнинг ёнидан шитоб билан ўтиб бораётган Митя.

– Болакай йиғлаяпти, – дейди аравакаш, – болакай. – Митяни соддача айтилган "болакай" сўзи ҳайратга солади. Унга "болакай" сўзи ёқади: раҳмингни келтиради.

– Э, нимага йиғлайди? – сўрашини қўймайди Митя тентакка ўхшаб. – Нега қўлчалари очиқ, нега ўраб қўйишмаган?

– Болакай дилдираб қолган, кийими музлаган, уни иситмайди.

– Нега ахир бундай? Нега? – сўрашини қўймайди тентак Митя.

– Ҳеч вақоси йўқ, оч, уйи куйган, куйган уйларига чақиришяпти.

– Йўқ, йўқ, – ҳалиям тушунмагандай дейди Митя, – сен айт, нега бу оналарнинг уйлари куйган, нега одамлар оч-юпун, нега бу бола яланғоч, нега чўл ҳувиллаган, нега улар қучоқлашмайдилар, ўпишмайдилар, нега қувноқ қўшиқлар айтмайдилар, нега улар қора кулфатдан қорайиб кетдилар, нега болакайга овқат беришмайди?

Нега бундай бемаъни ўринсиз савол бераётганини у ўзича ҳис қилади, бироқ барибир худди айнан мана шундай сўрашни хоҳлайди ва худди мана шундай сўрайди. У яна шуни ҳам ҳис қиладики, юрагида шу пайтгача ҳеч қачон бўлмаган аллақандай масаррат туғён уради, унинг йиғлагиси

келади, ҳамма учун шундай бир нарса қилсаки, токай болакай йиғламаса, унинг куйиб сўхта бўлган онаси ҳам кўз ёши тўкмаса, умуман, айни шу дамдан бошлаб ҳеч ким йиғи нималигини билмаса, буни ҳозир, ҳозирнинг ўзидаёқ асло кечиктирмай адо этилса ва енгиб бўлмас, тўхтатиб бўлмас карамазовчасига олға сурилса.

– Мен-да сен билан биргаман, мен сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман, бир умрга сен билан бирга бораман, – жаранглайди қулоқлари остида Грушеньканинг лазиз, мафтункор, ҳиссиёт тўла сўзлари. Ва мана унинг юраги алангаи оташ бўлиб ёнди, аллақандай ёруғлик сари отланди, энди унинг фақат яшагиси ва яшагиси келади, фақат тинмай бир йўлдан юрсам дейди, уни янги нурафшонликлар чорлайди, тезроқ, тезроқ, ҳозироқ, ҳозироқ!

– Нима, қаёққа! – хитоб қилади у кўзларини очиб, сандиқ устига ўтириб, худди ҳуши ўзига келгандай бахтиёр жилмайди. Тепасида Николай Парфенович баённомани эшитиш ва имзо чекишга ундаяпти. Митя бир соатча ё ундан ортиқроқ вақт ухлаб қолганини фаҳмлади, аммо Николай Парфеновичнинг сўзлари унинг қулоғига кирмасди. Уни бирдан боши тагида болиш пайдо бўлиб қолгани ҳайратга солди, ҳолбуки, у сандиққа ҳолсиз чўзилганда йўқ эди.

– Ким бошимга ёстиқ қўйди? Шундай яхши одам ҳам бор эканми? – нидо қилди у қандайдир чин миннатдорчилик туйғуси билан худди йиғлагиси келгандай бўлиб, Худонинг карами кенглигидан юраги тўлиқди. Карам қилгучи барибир номаълум бўлиб қолди, балки вакиллардан бири, балки Николай Парфеновичнинг котиби раҳм қилиб, юраги ачиб бошига болиш қўйишгандир, ҳарқалай, бутун юрагидан ҳўнграган бир нарса отилиб чиқди. У стол яқинига келди-да, нима лозим эса ҳаммасига имзо чекишини билдирди.

– Мен яхши туш кўрдим, жаноблар, – қандайдир ғалати қилиб деди у, юзида алланечук янги бахтиёр бир шуъла ўйнарди.

IX

МИТЯНИ ОЛИБ КЕТИШДИ

Баённомага қўл қўйилгач, Николай Парфенович гумондорга тантанали мурожаат қилиб, унга "Қарор"ни ўқиди. Унга кўра палон йил, палон ойда, палон жойда палон вилоят судининг палон терговчиси палончини (яъни Митяни) палон-пистон (барча айблар аниқ қайд этилганди) ишларда айбдор деб топди, гумондор ўзига қўйилаётган айбларнинг биронтасини тан олмади, лекин ўзини оқлайдиган биронта ҳам ишончли далил келтирмади, ваҳоланки, гувоҳлар (палончи-пистончилар) маълум ҳолларда (палон-пистон) айбини бўйнига қўйдилар, "Жазолар ҳақидаги низом"нинг палон-палон моддаларига биноан қарор қилади: гумондор палонча (яъни Митя) тергов, таҳқиқ ва суддан ўзини олиб қочмаслигининг олди олиниб, у палон қамоқхонага қамалсин, бу гумондорга эълон қилинсин, ушбу қарор нусхаси прокурор ёрдамчисига тақдим қилинсин ва ҳоказо ва ҳ.к. Бир сўз билан айтганда, Митяга қамоққа олингани ва ушбу дақиқадан эътиборан

тутқун эканлиги, ҳозир шаҳарга олиб кетиб унча яхши бўлмаган бир жойга жойлаштиришларини маълум қилишди. Митя диққат билан эшитгач, елкасини қисиб қўйди.

– Нима ҳам қилардик, жаноблар, айб сизда эмас, мен тайёрман... Сиз бошқа нима ҳам қила олардингиз.

Николай Парфенович Митяга мулойимлик билан даҳа полис бошлиғи Маврикий Маврикаевич ҳозир айни шу ерда эканлиги ва уни дарҳол шаҳарга элтажагини айтди...

– Тўхтанглар, – деб тўхтатди бирдан Митя ва хонада турганларга қандайдир тийиб бўлмас ҳиссиёт билан мурожаат этди, – жаноблар, биз ҳаммамиз шафқатсизмиз, ҳаммамиз золим, ваҳшиймиз, ҳаммамиз одамларни хўрлаймиз, йиғлатамиз, оналар ва гўдакларга жабр қиламиз, аммо буларнинг ҳаммасидан ҳам – майлига, энди шундай ҳукм бўла қолсин – ҳаммасидан мен ўзим тубан, разилман! Майлига! Мен ушбу ҳаётимнинг ҳар бир кунида кўкрагимга уриб, ўзимни тузатаман, деб ваъда бердим ва ҳар куни яна ўша разилликларни такрорладим. Энди тушундим, менга ўхшаганлар зарба ейиши, тақдир зарбасини тотиши керак экан, уни арқон билан қимирламайдиган қилиб чандиб ташлаш керак экан, ташқаридан куч қўллаш керак экан. Ҳеч қачон, ҳеч қачон мен ўзўзимдан кўтарилмасдим! Аммо чақмоқ чақди. Гуноҳ азоби ва умумхалқ олдида шармандаликни бўйнимга олдим, азоб чекай, азоб билан ўзўзимни поклай! Балки, эҳтимол, покланарман ҳам, тўғрими, жаноблар, а? Аммо сўнгги бора қулоқ тутинг: отам ўлимида айбдор эмасман! Уни ўлдирмоқчи бўлганим учун ҳар қандай жазога лойиқман. Балки ўлдирган бўлардим ҳам... Мен барибир сизлар билан курашаман, буни сизга баралла айтаман. Сиз билан охиригача курашаман, у ёғига худо ҳоким! Хайр сизга энди, жаноблар, хафа бўлманг, сўроқ пайтларида сизга бақирдим, мен унда жуда ҳам тентак эканман... Бир дақиқадан сўнг мен қамоқдаман, энди эса мен, Дмитрий Карамазов, озод инсон сифатида охирги марта сизга қўлимни узатаман. Сиз билан одамлардек хайрлашаман!..

Унинг товуши қалтиради ва у ҳақиқатан ҳам, қўлини узатганда, унга ҳаммадан кўра яқин турган Николай Парфенович бирдан титраб кетиб, қўлини орқасига яширди. Митя дарҳол буни сезди ва сесканди. Узатилган қўлини дарров туширди.

– Тергов ҳали якунига етгани йўқ, – бидирлади Николай Парфенович бироз хижолат чекиб, – ҳали шаҳарда давом эттирамиз ва мен ўз томонимдан сизга омад ёр бўлишини тилайман... оқланиб кетинг. Очиғини айтганда, мен сизни кўпроқ айбдор деб эмас, бахтсиз кимса деб биламан. Биз бу ерда сизни асос-эътибори билан олганда, олийжаноб бир йигит деб қарашга тайёрмиз, аммо афсус! Баъзан ортиқча эҳтиросларга берилиб кетгансиз...

Нутқнинг охирига бориб Николай Парфеновичнинг мўъжаз комати мансабдорларга хос бир салобат касб этди. Митянинг хаёлидан шундай бир ҳолат лип этиб ўтди, мана, ҳозир шу "бола" уни қўлидан тутиб, хонанинг бошқа бурчагига олиб боради-ю, у ерда яна ўша "жононлар" ҳақидаги гапни давом эттиради. Лекин баъзан қатлга олиб кетилаётган жиноятчининг хаёлида ҳам бутунлай бошқа, ишга ҳеч дахли бўлмаган тасаввурлар ғужғон ўйнаса, не тонг!

– Жаноблар, сиз одамгарчиликни биласиз – мен ойимқизни кўрсам, у билан хайрлашсам бўладими? – сўради Митя.

– Албатта, бўлади... аммо ёлғиз эмас...

– Бемалол, қатнашаверинг!

Грушенькани олиб киришди, бироқ хайрлашув қисқа бўлди, кам сўз айтилди, бу Николай Парфеновични қаноатлантирмади. Грушенька тиззагача эгилиб Митяга қуллуқ қилди.

– Сеникиман, деб айтдим, сеники бўламан, қаерга бўлмасин сен билан бирга бораман. Хайр, ўзини беайб абгор қилган йигит!

Лаблари титради, кўзидан ёшлар оқди.

– Кечир мени, муҳаббатимни, Груша, муҳаббатим билан сени бахтсиз қилдим!

Митя яна нимадир демоқчи бўлди, аммо бирдан овози ўчди ва чиқиб кетди. Атрофини дарров ундан кўзларини узмаган кимсалар қуршаб олди. У кеча Андрейнинг уч отли аравасида гулдираб келган остона олдида иккита арава тайёр турарди. Паст бўйли, гирдиғум Маврикий Маврикиевич башараси салқиган, аллақандай тартибсизлик туфайли жаҳли чиқиб тутақиб бақирарди. У Митяни қандайдир тажанг бўлиб қаҳр қилиб аравага чиқарди. "Илгари қовоқхонада бирга ичганимизда башараси бутунлай бошқача бўларди", хаёлидан ўтказди Митя аравага ўтираркан. Ичкаридан Трифон Борисович ҳам пастга тушди. Дарвоза олдида эркак-аёллар, аравакашлар тўпланган, ҳамманинг кўзи Митяда эди.

– Эй, худойимнинг бандалари, ҳаммангизга хайр-хўш энди! – деб бирдан қичқирди Митя аравадан туриб.

– Бизни ҳам афв эт, – уч-тўрт овоз чиқди тўдадан.

– Яхши қол, Трифон Борисич!

Аммо Трифон Борисич ҳатто қарамади, балки жудаям банд бўлгандир. У ҳам куймаланар ва нималардир деб қичқирарди. Маълум бўлишича, иккинчи аравада Маврикий Маврикиевични кузатиб борувчи икки полиснинг иши ҳали аниқ эмас экан. Иккинчи аравада бориши керак бўлган полис йигитча чакмонини кияр ва бу аравада мен эмас, Аким боради, деб бўғилиб тортишарди. Аммо Аким кўринмасди, уни қидириб кетишди; бериги йигитча ялиниб-ёлворар ва бирпас кутишни сўрарди.

– Бу халқ денг, Маврикий Маврикиевич, бутун уятини йўқотди! – ҳовликарди Трифон Борисич. – Сенга Аким ўтган куни йигирма беш тийин берди, олиб ичдинг, энди дод-вой қиляпсан. Шу паст авом билан чидаб ишлайсиз, Маврикий Маврикиевич, отангизга балли, отахон!

– Иккинчи аравани нима кераги бор? – орага қўшилди Митя, – биттасида кетаверамиз, Маврикий Маврикич, қочиб кетмасман ахир, соқчи нимага керак?

– Афандим, агар билмасангиз, мен билан қандай гаплашишни билиб қўйинг, мен сизга *сен* эмасман, сенламанг, маслаҳатларингизни ҳам бошқа жойда қиларсиз... – Митяни жаҳли чиқиб қоқиб ташлади кутилмаганда Маврикий Маврикиевич, худди юрагини бўшатиб олмоқчидай.

Митя жим бўлди. У қип-қизариб кетди. Сал ўтмай бирдан жуда совқотди. Ёмғир тўхтади, осмонни қора булут қоплаганди, аччиқ шамол юзга урарди. "Этим увишяпти", ўйлади Митя елкаларини силкитиб. Ниҳоят, аравага Маврикий Маврикиевич ҳам чиқиб, оғир ўтирди ва худди

пайқамагандай Митяни четга сиқиб қўйди. Рост, унинг кайфияти дуруст эмас, бўйнига юкланган топшириқ малол келмоқда эди.

– Хайр-хўш, Трифон Борисич! – деб қичқирди яна Митя ва бу сафар самимий эмаслигини, жаҳли чиққанини ўзи ҳам сезди. Аммо Трифон Борисич мағрур гердайиб турар, икки қўлини орқасига қилиб, Митяга тик қараб, жиддий ва зардали боқар, унга жавоб ҳам бермади.

– Хайр-хўш, Дмитрий Федорович, хайр-хўш! – бирдан Калгановнинг овози эшитилди, у қаердандир сакраб чиқди. Югуриб арава олдига келиб, Митяга қўл чўзди. У бошяланг эди. Митя унинг қўлидан ушлаб сиқиб улгурди.

– Хайр, хуш қол, азизим, яхшилингни асло унутмайман! – жўшиб деди Митя. Бироқ арава қўзғалди ва қўллар узилди. Жом чалинди ва Митяни олиб кетишди.

Калганов эса ичкарига чопиб кирди, бурчакка ўтирди, бошини эгди, қўллари билан юзини беркитди ва йиғлаб юборди, – шундай узоқ ўтириб йиғладики, худди йигирмага кирган йигитча эмас, ёш болакайдай бўлиб йиғлади. О, у Митянинг айбдор эканига тўла ишонди! "Қандай одамлар экан-а, булар ўзи, шундан кейин яна қандай одамлар бўлиши мумкин!" – у аччиқ алам оғушида ҳиқиллаб шундай хитоб қилар, уни умидсизик чулғарди. Ўша дамда унинг ёруғ дунёда яшагиси ҳам келмасди. "Арзирмиди, арзирмиди!" – дерди ўртанган йигитча.

(Давоми келгуси сонларда)

Александр ФАЙНБЕРГ

(1939–2009)

Рус тилидан
Абдулла ОРИПОВ
таржимаси

ЭСКИ ФОНУС

Куйлама у эски фонусни менга,
Пушкин ё Блок деб чекмагил фироқ.
Уларнинг шуъласи мендан кўп йироқ,
Куйлама у эски фонусни менга.

Куйлама менга Русь қаҳрамонини,
Қишнинг замҳарири ер узра оқар.
Бестужев изиллаб қаёнга боқар,
Куйлама менга Русь қаҳрамонини.

Менга у йўлларни куйламагин сен,
Шамол ҳам тополмас қорли сарҳадлар.
Навжувон Радишчев, овлоқ бекатлар,
Менга у йўлларни куйламагин сен.

Куйлама у сирли юртлар ҳақида,
Куйлама мафтункор олис гўшани.
Куйлама, куйлама фақат ўшани,
Куйлама у сирли юртлар ҳақида.

Ўзи йўқ севгини куйлама, жоним,
Овозинг, бардошинг етмагай бу дам.
Ўчгай у фонуснинг шуълалари ҳам,
Ўзи йўқ севгини куйлама, жоним.

Рус тилидан
Сирожиддин САЙИД
таржималари

* * *

Тақдир – ҳақдир.
Чиранма унга,
Бор қилар, ҳам йўқ қилар тақдир.
Бошқа ёзмиш берилмас сенга,
Ҳаёт янглиғ тақдир ҳам ҳақдир.

Эҳтиёт қил руҳи жонингни,
Дунё кенгдир доимо кенгга.
Сотма фақат руҳ, имонингни,
Бошқа руҳ ҳам берилмас сенга.

ОНАМГА

Яшил дала, ям-яшил очун,
Фақат онам камлик қилади.
Меҳрин ҳақин қайтармоқ учун
Мангулик ҳам камлик қилади.

* * *

Бу дунёда бир ажиб уй бор,
Дўстлар унда жамдир, бахтиёр.

Унда – баҳор, гул ҳам настарин,
Кимдир куйлар ҳаёт рангларин.

Унда руҳни зулмат қопламас,
Мени ҳам бир эсласалар бас.

* * *

Икки дунё аро шундоқ яшайман –
Дилдорим, сен агар назар солурсан:
Бари ортиқчасин олиб ташлайман,
Бир ўзинг қолурсан. Ўзинг қолурсан.

Юлдуз кўзларингни, ой жамолингни
Ою юлдузлардан ўзим қилдим жам.
Мен ўзим туздим-ку бу камолингни,
Энди ортиқчаман ўзим, жонгинам.

* * *

Хайр.
Хуш қол.
Бахтли бўл доим,
Ёлғонинг ҳам гўзалдир, дилдор.
"Кечир" деган аччиқ, мулойим
Сўзни очиқ айтмагил зинҳор.
Айрилиқ ҳам бор гапдир, билсанг,
Айтилмаган сўзлар ҳам бекор.
Гуноҳгача ўсмаган бўлсанг,
Кечирмоғим сенга на даркор?

* * *

Нима бўлди менга, билмадим,
Не савдолар сарсон бошимда.
Ўттиз ёшни писанд қилмадим,
Ёш йигитман эллик ёшимда.

Гоҳ қирдаги бир лоладайман,
Яратганнинг иноятиман не?
Борган сайин ёш боладайман,
Бунинг сирру синоати не?

ЁПИҚ ЭШИККА ЁЗИЛГАН БИТИК

Тақиллатма эшикни дилхун.
Бас қил энди, бир нафас қўй-да.
Мен уйимда бўлмайман бугун,
Эртага ҳам бўлмайман уйда.

Сен шоирсан, Сен зўрсан минг бор,
Нечун яна кўнглинг тўлмайди?
Мени тинч қўй.
Авлодларга бор,
Авлодлар ҳам уйда бўлмайди.

Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

ЯПОНИЯ

Тонг иероглиф мен учун.
Муҳаббатим уфқда самовий.
Сенинг нафис шамсиянг нечун
Осмон каби яшнайди мовий?

Нечун орол ўлканг устида
Ағиллаб чарх урар чағалай?
Нечун сенинг елканг устидан
Маъюс боқар икки ҳилол ой?

Балки олам зар уқасига
Олмос тошни тикканидир бу.
Океан ва тонг ёқасидан
Қуёш бошнинг чиққанидир бу?

Балки бу юрт рамзидир шундай:
Телба ботир тушмаган асир –
Кўтаргайдир қайсар самурай
Башар узра оташ ва шамшир?

...Сарв куйлайди шамсия узра
Токубоку китобин севиб

Ўқигани сингари япон
океаннинг тўлқинларини
Варақлайди бу кўҳна макон.

ЎН БИР МЕТРЛИК ЖАРИМА ТЎПИ

Тепдим бутси билан
штангани мен.
Туш – унмадим,
нечун ҳимоячимиз
бекорга йиқитди "тўққизинчи"ни ?!
Дарвозага қулф каби осилдим.
Ҳар тепилган тўпга ўқдек отилдим.
Иккала таймда
зўр қалқон бўлдим.
Энди "ўн бир метр".
Энди мен ўлдим.

Стадион тўла томошабин, боқ.
Мен сени нақадар севардим, Омад.
Бироқ тренерим нақадар нўноқ –
Кўзини чирт юмиб олди валломат.
Қўл-елкаларимга тоб бераман хўб.
Қайираман кўзга тушган сочимни.
Мана, энди
менинг пешанамдан ўп,
Футбол – тақдиримсан,
сила бошимни.

"Тўққизинчи" билан чиқдим бирга-бир.
У югуриб келди...
Тўп тепди оғир!
Оҳ, унинг зарбида бунча қаҳр-ғам!
Мен тўпни осмонга ўйнаб юбордим.
Темир штангага тегиб, қобирғам
зафар бургусидек куйлаб юборди.

Тирсакни чиқарди тўп зарби – кучлик.
Гўё одам эмас, айғир тепди-ёв.
Фахр эт, абжирлигим!
Фахр эт, эпчиллик!
Кафтларимда ёнди ловв этиб олов.

Яшил майдонимда қурбон бўлай ман!
Бурчакдан тўпни теп, рақиб, бўла қол!
Осмонга сакрайман,
ерга қулайман...

Мен тўсдим,
Ҳужумчи уролмади гол.
Қалқиди, ҳайқирди бутун стадион,
Ҳайвондай бўкирди, сўкди чангитиб.
Мен эса
ер тишлаб ётардим нолон,
Юзимни майсага босиб,
чанг ютиб.
Шамол ҳилпиратиб эркалар тўрни,
Майсалар устида ўйнар беармон.
Юрак дукуллатиб уради ерни,
Ям-яшил майдонни севиб ўпарман,
Ҳужумчи шуҳрати менга не даркор,
Ҳеч қачон урмасман дарвозага гол.
Ўзимни нишонга қўйиб фидокор,
Жамоа шаънини асрайман ҳалол.

Алдаб ўйнасинлар гирром ҳар онда,
Қўполлик қилсинлар уларга ҳакам
Боплаб ҳуштак чалсин, мард бўл майдонда,
Бутун бўл!
Талофат кўрма, жамоам!

Тўп юмалаб кетди четга шошқалоқ.
Фалакдан юлдузлар боқди, лол қолдим.
Таблода ноль ёнди тўпдек юмалоқ.
"Тўққизинчи"ни мен биру ноль қилдим.

NASR



Рут ЖАБВАЛИ

ҲАЛОКАТ ТЎЗОНИ

Роман

Рус тилидан
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
таржимаси

Оливия шаҳзода Навоб билан қочиб кетганидан кейин, кўп ўтмай, 1923 йилнинг сентябрь ойида Бет Кроуфорд Симладан қайтиб келди. У соя-салқин мавсумни Кроуфордлар билан бирга ўтказиш учун пароходда келаётган синглиси Тессини кутиб олгани Бомбейга бориши керак эди. Меҳмон учун турли учрашув ва саёҳатларни режалаштириб қўйишган бўлса-да, Тесси кўп вақтини Сатипурда ўтказди. Дуглас шу шаҳарда эди-да. Иккови отда сайр қилишди, крокет ва теннис ўйнашди. Тесси Дугласга муносиб ҳамроҳ бўлишга интилди. Дугласнинг бўлса бўш вақти кам, округдаги иши бошидан ошиб ётарди. Ишда ўзини троялик жангчилар каби хотиржам ва вазмин тутар, шу боис, шериклари ва ҳиндлар ҳурматини жойига қўярди.

Дуглас тўғрисўз ва адолатли эди. Тесси салқин мавсумни у билан бирга ўтказди, кейинги мавсумда ҳам шу ерда бўлди, сўнг пароходда уйига жўнаб кетди. Орадан бир йил ўтди, Дуглас таътил олгач, улар Англияда кўришишди. Дуглас оиласи билан никоҳини бекор қилиб бўлган, иккови тўйга тайёргарлик кўришмоқда эди. Шу мақсадда Тесси Дуглас билан Ҳиндистонга жўнади, у ерда опаси Бет каби бахтли яшай бошлади. Орадан кўп йиллар ўтгач, у менинг бувим бўлди. Бу вақтда улар аллақачон Англияга қайтиб келишган эди.

Дугласни тасаввур қилишим қийин, у вафот этганида мен уч ёшда эдим, аммо Тесси бувим ва Бет холамни яхши эслайман. Улар қувноқ, ҳаётга онгли ва замонавий кўз билан қарайдиган аёллар эди. Шунга қарамай, ота-онамнинг айтишларича, улар узоқ вақт қочоқ Оливиянинг тақдири билан қизиқишмаган, унинг номини тилга олишни ҳам хоҳлашмаган. Ўша пайтлардаги ота-оналар опа-сингилларнинг бу ишини маъқул кўришмаган, аксинча, бобомнинг эрини ташлаб, ҳинд навоби билан қочиб кетган биринчи хотини тўғрисида кўпроқ нарса билишга қизиқишган. Йиллар ўтиб, ҳар иккиси бева қолишгач, ўз-ўзидан Оливия мавзусига қайтишди.

Улар эски танишлари Гарри билан яна учрашишди. Авваллари рождество байрамларида бир-бирларини табриклаб туришарди, холос. Дуглас вафот этганидан кейин Гарри опа-сингилларни кўргани келди ва улар-

га Оливия ҳамда унинг синглиси Марсия ҳақида сўзлаб берди. Марсия Гарри билан танишгач, унга Оливиянинг ҳамма хатларини берган экан. Хатлар опа-сингиллардан кейин менинг қўлимга ўтди ва мен уларни Ҳиндистонга ўзим билан олиб келдим.

Ҳиндистондаги ҳаётимнинг дастлабки пайтларида кундалик тутганман. Шу боис жуда кўп хотиралар ёдимда муҳрланиб қолган. Менга таъсир қилган воқеаларни қоғозга тушириб қўймаганимда, уларни ҳозир эслашим қийин бўларди. Хотираларимнинг кўпи моҳиятини йўқотган десам бўлади, негаки, ўзим ҳам ҳозир ўша пайтдаги ҳолатимга мутлақо ўхшамайман. Ҳиндистон одамларни ўзгартириб юборади. Мен бугун ўзимни эмас, Оливияни эсламоқчиман.

Мана, ўша кундаликларим.

2 февраль. Бомбейга етиб келдик. Тасаввуримдагидан бутунлай бошқача шаҳар. Кўпроқ пароходда сузишни ўйлаган эдим. Самолётда учсангиз, бутунлай бошқача бўларкан. Бу ерда ўқиган жамики хотира асарлар, томоша қилган суратларимни унутиш мумкин. Ҳозир тамоман бошқача ҳолатдаман. Тўйиб ухлашим керак.

Кечаси уйғониб кетдим. Кроватим остидаги жомадонимнинг бир четига қўйган соатимни қидираман. Қаёққадир гумдон бўлибди. Бошланди қидир-қидир. Ёнимдаги кроватдан овоз келди: "Жонгинам, мана, соатингиз, эҳтиёткорроқ бўлинг". Вақт тунги ўн икки ярим. Роса тўрт соат ухлабман. Лондон вақти бўйича, ҳозир соат етти. Кўзимни бошқа юмолмадим. Аёлларнинг миссионерлар жамиятига қарашли умумий ётоқхонасида кроватнинг бир четида чўққайиб ўтирибман. Жами етти кровать, хонанинг бир томонида тўрттаси, иккинчи томонида учтаси. Ҳаммаси банд, ҳамма ухлаётгандай. Аммо ташқарида – бедор шаҳар. Қаердандир мусиқа овози эшитилади. Кўча чироқлари хонанинг яланғоч деразаларини хира ёритади, шу боис кроватларда ухлаётганлар дафнга тайёрлаб қўйилган мурдаларга ўхшаб кетади. Соатимни топиб берган аёлнинг ҳам уйқуси қочган чоғи, мен билан суҳбатлашмоқчи бўлади.

– Сиз бу ерга янги келганлардансиз-да, эҳтиёткор эмассиз. Ҳечқиси йўқ, ҳадемай ўрганиб кетасиз. Ҳамма ўрганади. Эҳтиёт бўлиб овқатланинг. Қайнатилган сув ичинг. Кўчада ҳеч нарса сотиб олманг. Ошқозонингиз мосланиб олганидан кейин, менга ўхшаб хоҳлаган нарсангизни еяверасиз. Овқатларини кўрсам кўнглим айнийди, бошқа жойда лабимга ҳам теккизмас эдим. Миссионерлар жамиятида овқат еса бўлади. Тайс хоним ошхонада ҳамма нарсани кузатиб туради. Бу ерда рагуни яхши тайёрлашади. Қовурдоқ, қайнатилган крем жуда мазали. Бомбейга бораётиб, ҳамиша шу ерда тўхтаб ўтаман. Тайс хоним билан йигирма йилдан бери танишман. Швейцариялик. Христиан аёллар билан бирга келган. Ўн йилдан бери жамиятни бошқаради. Аёлларнинг жону дили.

Хира ёруғда менга қараб гапираётган аёл, чиндан ҳам мурдага ўхшаб кетади – бошдан оёғигача тунги оқ кийимга ўралиб олган. Сочи битта қилиб ўрилган. Хира нурга илашиб, бир зумда кўздан йўқоладиган арвоҳнинг ўзгинаси. Айтишича, бу ерда яшаётганига ўттиз йилдан ошибди. Яратган эгамнинг иродаси билан шу ерда бандаликни бажаришга ҳам тайёр. Аммо тақдирида ўз юртига бориб ўлиш бўлса, бунга ҳам рози.

Нима бўлса ҳам майли, мана ўттиз йилдирки, Яратганнинг иродаси билан яшамоқда.

Нотаниш қўшним шу сўзларни айтар экан, овози тобора қатъийлашиб борар, фикрларидан қандайдир масъулият ҳисси англашиларди.

– Хафаробдда чоққина ибодатхонамиз бўларди. Шаҳар каттайиб кетди, тўқимачилик фабрикалари ишлаб турибди. Аммо савоб иш қиламан деган одамнинг ўзи йўқ. Бундан ўттиз йил аввал бир нимага умид қилса бўларди, энди бўлса ҳаммаси пучга чиқди. Қаёққа қарама – эски ҳаммом, эски тос. Одам қанча кўп пул топгани сари ҳудбинлашиб, емиш-ичишини, ҳузур-ҳаловатини ўйлар экан. Хотинлар аввалларидек оддий, ип ўтказилган иштон кийишарди, энди бўлса ялтир-юлтир нарсаларга ружу қилишди. Ич кийим билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бизникилар ҳам шундай қилиб турибди, кейин камбағал бечоралардан нимани ҳам кутиш мумкин. Кўчанинг нариги томонига бир қаранг, ё Худойим...

Ойнанинг олдига келиб, ташқарига қарайман. Ҳаммаёқ кундузгидай ёруғ, дўкончаларда мойчироқ липиллаб ёниб турибди. Кўча одам билан тўла. Иссиқ ерга узала тушиб ухлаётганлар қанча. Кўрпа-тўшакнинг ҳожати йўқ. Ногирон болалар кун бўйи тиланчилик қилишади, кечаси дам олишади, кайфиятлари ёмон эмас. Одамлар дўкончалардан сотиб олган нарсаларини шу ернинг ўзида истеъмол қилишади, пули йўқлар эса ташлаб юборилган нарсалар орасидан бирор егулик ахтаришади.

Ҳамроҳим менга бошқа ойнани кўрсатади. У ердан "А" меҳмонхонаси кўриниб турибди. Менга миссионерлар жамиятининг ётоқхонаси нечоғли бемаъни бўлмасин, бу меҳмонхонага кирмасликни аввалдан айтиб қўйишган эди.

– Кўряпсизми? – сўрайди ҳамроҳим.

Кўриб турибман. Бу ер ҳам фонарлар ва магазинларнинг чироқларидан ёп-ёруғ. Йўлаклар маҳаллий аҳоли билан эмас, европаликлар билан тўла. Юқоридан қараганда худди қочоқларга ўхшаб кетади.

Ҳамроҳим менга тушунтиради: меҳмонхонанинг ҳар хонасига саккиз-тўққиз киши қўйилади. Пули йўқлар кўчада ухлашади. Бир-бирларига қўл чўзиб, тиланчилик қилишади, пулларини ўғирлашади. Баъзилари жуда ёш, бола дейсиз. Уларда ҳали умид бор, Худо хоҳласа, уйларига кеч бўлмай туриб, омон-эсон етиб олишлари мумкин. Катталар бўлса, эркак дейсизми, аёлми, шу ерда йиллаб сарсон-саргардон бўлишади, аҳвол борган сари ёмонлашиб боради. Аҳволлари қандайлигини кўряпсизми? Ҳаммаси касал, баъзиларининг умри деярли тугаган. Кимлар улар, бу ерга қаердан келиб қолишди – ҳеч ким билмайди.

Бир куни жуда хунук воқеага гувоҳ бўлганман. Бир йигит, ёши ўттизларда, немис бўлса керак. Балким Скандинавия томонлардандир. Баланд бўйли оқ-сариқ. Кийими йиртилиб кетган, бадани оппоқ. Узун сочи бир-бирига ёпишиб кетган. Ёнида – маймун боласи, сочлари орасидан бит теряпти. Мен сизга айтсам, унга қараб, кўзим кўзларига тушиб юрагим эзилиб кетди. Ҳиндистонда бундан-да даҳшатли воқеаларни кўрдим. Индуслар билан мусулмонлар урушига гувоҳ бўлдим. Очарчиликни, чечак эпидемиясини кўрдим. Бу дунёда нимани кўриш мумкин бўлса, ҳаммасини кўрдим ва тушундимки, бу ерда Исо Масиҳсиз яшаб бўлмайди. Агар у ҳар сонияда, куну тун сен билан бирга бўлмаса, бутун вужудинг билан ибодат қилмасанг, маймунча битини тераётган бечора

йигитнинг ҳолига тушасан. Кўряпсанки, бу ерда инсонга хос кўп нарсаларнинг қадри бир пул. Индус ҳам, буддага сиғинувчи ҳам шундай дейиши мумкин. Бу дунёда бўлаётган кўп ишлардан нафратланиб, шундай дейишлари ҳеч гап эмас.

У ётган ўрнидан турмасдан гапирарди. Вужуди чоккина бўлса-да, гапларида, яна айтаманки, қатъият, курашчанликни сезиш қийин эмасди. Ўзига хос характерга эга арвоҳнинг нақд ўзгинаси. Мен кўчада бирбирига қалашиб ётган одамларга яна бир бор қарадим: улар, ҳамхонам айтганидек, дўзахга тушганларнинг руҳларига ўхшаб кетарди.

16 февраль. Сатипур. Омадим келди – ётоқхона топдим. Ғоят мамнунман. Бўм-бўш бўлса-да, жуда ғаройиб, кенг, муҳими – ҳаво мўл. Деразаси бор, у ердан гоҳ-гоҳ газмол магазинининг тепасида жойлашган бозорчага қарайман. Уни ҳукуматда ишлайдиган Индер Лал исмли киши ижарага қўйган. У хотини, онаси ва уч фарзанди билан магазиннинг орқасида жойлашган ҳовлининг бир четидаги пастқам хоналарда яшайди. Ҳовли ва магазиннинг эгаси бошқа одам. Ҳамма нарса бўлиб олинган. Менга тепадаги хоналардан бири тегди. Умумий ҳожатхона коридорнинг охирида. Ҳаммамиз учун ёш фаррош қизча хизмат қилади.

Фикримча, уй эгаси Индер Лал мендан хурсанд эмас. Чунки мен жойлашган хонада менга тегишли бирор жиҳоз йўқ. Қуруқ полда ўтираман, кечқурун уйқу қопига жойлашаман. Ягона жиҳоз – бўйи табуретка билан тенг кичкина ёзув столи. Унинг устига қоғозларимни ёйиб қўйганман: шу кундалигим, ҳинд тилидаги дарслик, луғат ҳамда Оливиянинг мактублари. Магазинларнинг эгалари худди шундай столчаларда ҳисоб-китоб билан шуғулланишади.

Индер Лал хонамнинг шип-шийдам деворларига қарайди. У мени хона деворларига картина ва суратларни илиб қўяди, деб ўйлаган бўлса керак. Бундай қилишнинг менга сира кераги йўқ, ойнадан пастга – бозорчага қараб турсам бўлгани. Шунинг ўзи мен учун етарли. Ойнага парда осмаганимнинг сабаби ҳам шу.

Индер Лалнинг ҳафсаласи пир бўлгани кўриниб турибди, Аммо у мулойимлик билан: “Бу ер сиз учун кўпам қулай эмас”, деди-ю, бу гапидан ноқулай аҳволга тушиб қолишимдан истиҳола қилиб, кўзини мендан узди. Бу ерга келган биринчи кунимда ҳам шундай воқеа юз берганди. Ҳаммол ёлламай, кичкинагина сандиқчам билан кўрпа-тўшагимни елкамга ортиб, ўзим иккинчи қаватга кўтарилдим. У менга ҳайрономуз қарагани ва дарҳол юзини бошқа томонга бургани ёдимда.

Агар мен Оливия бўлганимда, бундай бўлмасди. Бу аниқ. Чунки у жуда бошқача, менга сира ўхшамайди. Борди-ю Оливия бу ерга (солиқлар бўйича инспекторнинг ўринбосари уйига) келганида борми, энг аввало, хонани гилам, картина ва гуллар билан тўлдирарди. Унинг Марсияга ёзган хати: “Биз аста замонавийлашиб бормоқдамиз”. Бошқа бир хатида шундай жумлалар бор: “Миссис Кроуфорд (инспекторнинг хотини) бугун менинг кулбамни текширгани келди. Кулбам унда яхши таассурот қолдирди, дея олмайман. Лекин у одамнинг кўнглига қараб иш тутадиган аёллардан. Биринчи йили ҳамма учун ҳам қийин бўлишини яхши билади. Агар у менинг аҳволимни бироз бўлса-да яхшилаш учун ёрдам бериши мумкин бўлса, бундай аёлнинг шу ердалигини асло унутмаслигим ке-

рак. Шу боис унга ўзимни тутган ҳолда, ҳаяжонга берилмай миннатдорлик билдирдим. Аммо, очиғини айтсам, миссис Кроуфорднинг бу ерда туришининг ўзи мен учун жиддий муаммо. Бошқа муаммоларга чидаса бўлади. Қани энди буни унга айта олсам..."

Дуглас ва Оливия яшайдиган уйни кўрдим. Бахтли тасодифни қарангки, Индер Лал ишлайдиган идора "Фуқаролик линиялари" деб аталадиган собиқ Британия кварталида экан. Идоранинг мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими эса 1923 йили солиқ инспектори мистер Кроуфордга тегишли бўлган уйда жойлашган. Дуглас билан Оливия яшайдиган уйда сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамда почта фаолият юритади. Бу икки уй турли бўлмаларга бўлинган, уларда турлича хизматлар иш олиб боради. Биргина бош врачнинг уйи бундай бўлинишлардан мустасно. Бу ғаройиб маскан саёҳатчиларнинг дам олишлари учун ҳам мўлжалланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

20 февраль. Бугун эрталаб Индер Лал оиласидаги икки аёл – хотини Риту ва онаси ҳузурида бўлдим. Тўсатдан борганим боисми ёки улар шундай яшашадими – билмадим, аммо уй мутлақо йиғиштирилмаган, ҳамма нарса пала-партиш ҳолда эди. Хоналар тор, ёш болалар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборишгани кўриниб турарди. Риту ерда қалашиб ётган кийим-кечак ва ўйинчоқларни тез йиғиштириб олди. Мен уй соҳибалари каби ерга ўтирмоқчи бўлдим, аммо шу оннинг ўзида меҳмонлик даражамдан келиб чиқиб, бу ерда амал қилинадиган қоидаларга риоя қилишим лозимлигини тушуниб, бу ниятимдан қайтдим. Қайнона нигоҳи билан келинига бир нимани буюрди, тушунишимча, у менга чанқоқбости ичимлик олиб келиши керак. Риту иккаламиз ёлғиз қолиб, ўзаро суҳбат асносида бир-биримизни яхши тушуниб олишимиз учун хурсанд ҳолда хонадан ташқарига отилди. Унинг бу ҳаракатидан иккимиз ҳам кулимсирадик, мен Индер Лалнинг онаси билан ҳинд тилида сўзлашмоқчи бўлдим, аммо ўхшамади (кўпроқ машқ қилишим керак). Биз имо-ишора билан бир-биримизга қуллуқ қилгандай бўлдик ва... жим туриб қолдик. У менга ўта жиддий, кузатувчан нигоҳ билан боқар, мен эса, бу аёл ўғлига келин қидирганда, Ритуни топгунича кўп қизларга ҳам худди шундай боққанини тасаввур қилиб турардим. Фикримча, у мени ҳар жиҳатдан баҳолаётган эди, аммо натижа қандай бўлиши менга аён бўлиб турарди.

Вақт ўтиши билан мен бир нарсага ишонч ҳосил қилдим: Ҳиндистонда ҳамма сенга у ёки бу жиҳатдан баҳолаш назари билан қарайди. Кўчада, автобусда, поезд вагонларида очиқдан очиқ шу иш билан шуғулланишади. Аёллару эркаклар. Бирор жиҳатдан уларни қониқтирмай қолсанг ёки бирор камчилигингни сезиб қолишса, ажабланаётганлари ёки афсусда эканликларини яшириб ўтиришмайди. Назаримда, улар бизга чиндан ҳам ажабланиб қарашади: бирга яшаяпмиз, овқатларини тановул қиламиз, кўп ҳолларда баданни ҳамиша нисбатан совуқ тутиб турадиган, анча арзон кийимларини киямиз. Буларнинг ҳаммаси улар учун ажабланарли-да!

Сатипурда жойлашиб олганимдан кейин, биринчи бўлиб ҳиндча кийим сотиб олдим. Биринчи қаватдаги матолар дўконига кирдим, кейин кафтдеккина жойга тикув машинаси билан ўрнашиб олган тикувчининг олдига келдим. У ҳамманинг кўз ўнгида номига бўлса-да, қўлини бирор

жойимга теккизмасдан бўй-бастимни ўлчади ва шу заҳотиёқ ишга киришди.

Тайёр кийим эгнимда осилиб турибди, аммо ўзининг вазифасини тўла бажаришга яроқли. Хурсанд бўлдим. Мана энди, панжоблик аёлларга ўхшаб, бир жуфт, қопни эслатадиган, липасига ип ўтказиладиган иккита иштонга, белимгача тушиб турадиган кўйлакка эгаман. Сандал дарахтидан қилинган оёқ кийимим ҳам бор. Қаерга борсам, ҳамма қатори остонада қолдираман. Деярли ҳинд аёлларидай кийинсам-да, кўча болалари орқамдан чувиллашиб менга эргашишади. Майли, тез орада улар менга ўрганиб қолишади.

Бу ерда мени бир сўз билан аташади: хижра. Бу сўзнинг маъносини Ҳиндистонга келмасимдан аввал Оливиядан эшитган эдим (паст табақали киши). Шаҳзода Навоб Кроуфорд хонимни хижрага ўхшайди, деб айтган экан. Оливия бунинг маъносини сўраганида, Навоб хохолаб кулибди. Кейин, хижранинг нималигини сизларга кўрсатаман, дебди-да, кафтини кафтига уриб, хизматкорларига қандайдир топшириқ берибди. Орадан бироз вақт ўтгач, хизматкорлар кўча-кўйларда тентираб юрадиган бешолтита хижраларни олиб келишибди. Навобнинг буйруғига биноан, улар Оливия учун рақсга тушиб, қўшиқ куйлаб беришибди.

Мен уларнинг қандай қўшиқ куйлаши, рақсга тушишларини кўрганман. Бу воқеа Индер Лал менга ўзининг ишхонасини кўрсатмоқчи бўлиб, ёнма-ён юриб бораётганимизда бўлди. Манзилга етиб борганимиз йўқ эди, якин кўчаларнинг биридан ноғораларнинг овози эшитилиб қолди. Ҳамроҳим бунга аҳамият бермади, аммо мен нима бўлаётганига қизиқиб, овоз келаётган тор кўчага бурилдим. Индер Лал ноилож орқамдан кела бошлади. Биз эгри-бугри йўлаклардан ўтдик, аркадан ичкари ҳовлига кирдик. Бу ерда бичилган қуллар концерт намойиш этишаётганди. Биттаси ноғорани гумбурлатиб чалмоқда, қолганлари кафтларини кафтларига уриб, аллақандай рақс ҳаракатларини бажармоқда. Бир гуруҳ одамлар уларни томоша қилиб туришибди. Хижралар қўллари узун, кўкраклари кенг, аммо эгниларига аёлларга ўхшаб зар ип билан безатилган сари кийиб олишган. Рақсга тушишар экан, аёлларнинг нозик ҳаракатларини такрорлашади ва шу билан томошабинларни хурсанд қилишади. Аммо томошабинларнинг кулгиларига майин табассум билан жавоб қайтарганларида ҳам юзларидаги тушкунлик, балки ғариблик азоби йўқолмас, диққат билан қараган киши буни сезмаслиги мумкин эмасди. Улар рақсларига қанча ҳақ беришларини ўйлаб, вазифаларини жон-жаҳдлари билан бажаришга ҳаракат қилишарди. Индер Лал бўлса менинг бу ердан тезроқ кетишимни хоҳларди.

24 февраль. Бугун якшанба бўлгани учун Индер Лал мурувват кўрсатиб, Навоблар саройини кўрсатиш учун мени Хатмга олиб боришга розилигини айтди. Дам олиш куни унинг оиласидан узоклашишини хоҳламадим, аммо ҳеч ким Хатмга боришимизга қаршилик қилмади. Иккита тор хонада учта боласи ва қайнонаси билан кун бўйи бикиниб ўтириш хотинининг жонига тегмаганига ҳайронман. Бу аёлни кийиниб бирор жойга бораётганини, онда-сонда қайнонаси билан мева-чева харид қилгани бозорга боришини айтмаса, кўрган эмасман.

Ҳиндистонни билиш учун ичи одамлар билан тўла, қўлларидаги катта-кичик тугунлари бошингизга тегиб турадиган автобусда "сайр" қилиш керак... Автобус шу қадар эскики, ҳар қадамга бирор мурватидан ишкал чиқиб турмаса бўлмайди. Унинг ичи билан очиқ ойналаридан кўриниб турадиган манзаранинг деярли фарқи йўқ. Автобусда шаҳардан ташқарига чиқишингиз билан то навбатдаги бекатга етгунингизча охири кўринмайдиган чанг-тўзонли, қинғир-қийшиқ йўл, жазирама офтоб ва қаровсиз ётган далалардан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз. Енгил шамол автобус ичига иссиқ ҳаво билан бирга қум-тўзон ҳам олиб киради, қулоқ ва бурнингиз тўлади, тишларингиз орасига жойлашган қум ғижирлай бошлайди.

Хатм жуда афтодаҳол шаҳар экан. Сатипур ҳам деярли шундай, аммо унда ўзи хоҳлаган томонга қараб ўсиш эркинлиги бор. Хатм бўлса ҳукмдорнинг саройи панасида қаровсиз қолиб кетган. Назаримда шаҳар шаҳзоданинг эҳтиёжлари учун қурилган, аммо эндиликда – саройда ҳеч ким қолмагач, нима иш билан шуғулланишни билмай қолган тадбиркорга ўхшаб кетади. Кўчалар одамлар, ахлат ва турли чиқиндилар билан тўла. Гадойларнинг сон-саноғи йўқ.

Деворлари сарғиш марварид билан безатилган саройнинг кенг ҳовлисини узун бўйли дарахтлар ўраб олган. Бу ерда фавворалар, каналлар, боғ-роғларни кўриш мумкин. Қуббаси тилла нақшлар билан ишланган масжид ҳам бор. Назоратчи ходим калитни топиб келгунича Индер Лал билан дарахт ёнига жойлашдик. Мен ундан Навобнинг оиласи тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қиламан. Аммо унинг бу тўғридаги билганлари менинг билганларимдан фарқ қилмайди.

1953 йили шаҳзода оламдан ўтгач, унинг жамики мулки, жумладан ушбу сарой ҳам, ёш жияни Каримга мерос бўлиб қолган. Меросхўр жиян бу ерда бир кун ҳам бўлмаган, Лондонда яшайди. Бу ерга келишдан олдин мен у билан Лондонда танишдим (Бу тўғрида кейинроқ ёзаман). Шаҳзоданинг қариндошлари ҳинд маъмурлари билан саройни сотиш тўғрисида тинимсиз музокара олиб борадилар, аммо шу чоққача мулкнинг баҳоси аниқланмаган. Бундай қараганда, Хатм деган овлоқ жойда сақланиб қолган эски саройнинг кимга ҳам кераги бор?!

Индер Лал Навоб тўғрисида гапиришни хоҳламади. Ишончим комилки, у кўп нарсаларни билади, қулоғига ҳар хил шивир-шивир, жумладан, қачонлардир бўлиб ўтган шармандали воқеаларнинг тафсилотларигача етиб келган. Аммо эндиликда бу миш-мишларнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Гувоҳлар ҳам аллақачон оламдан ўтишган, бирор жойда кимдир қолган бўлса-да, ҳеч кимда на қизиқиш, на маълумот бор. Шу боис, Индер Лал кўпроқ ўзининг муаммолари тўғрисида гапиришга мойил. Буни аниқ сезиб турибман. Назоратчи ходим калитни топиб келгач, биз жамики зал, хона ва галереяларни, менинг тасаввуримда нималар бўлса – ҳаммасини бирма-бир айланиб чиқдик. Ҳафсалам пир бўлди – бу ер мармар билан безатилган ҳайҳотдай, аммо йиллар давомида талон-тарож қилинган бўмбўш тухум пўчоғига ўхшаб кетади. Ёғоч жиҳозлар Европа аукционларида сотиб бўлинган. Қолган нарсалар – у ер-бу ерда кўзга ташланадиган синиқ викториан диванлари-ю, матодан тикилган, чанг босганча хона шифтида осилиб турган бир-иккита елпиғич, холос. Улар бамисоли ке-

малар ҳалокатидан сўнг денгиз юзига қалқиб чиқадиган буюмларни эслатади.

Индер Лал мен билан ёнма-ён юрар экан, конторасининг ишлари тўғрисида гапиради. Ҳасадгўйларнинг бир-бирларига нисбатан пинҳона қилмишлари ҳақида сўзлайди. "Уларнинг бундай нопок "ўйин"ларига қўшилмайман, ишимни бажаришимга халақит бермасалар бўлди", дейди. Аммо рақобатчилар уни бир зум бўлсин, тинч қўйишмайди. Ҳасад ва душманлик унга ҳам тобора яқинлашиб келмоқда экан. Бўлим бошлиғининг садоқати нима қилиб бўлса-да, ўрнини эгаллашга ҳаракат қилаётган (бу иш уларнинг қон-қонига сингиб кетган) ҳамкасбларига ёқмайди.

Биз асосий меҳмонхона орқали ўтиладиган галереяда турар эдик. Назоратчи ходимнинг айтишича, бир вақтлар аёллар бу ерда парда ортидан юқорида бўлаётган ишратбозликларга ўғринча кўз ташлаб туришган. У кунлардан бир парча чанг ва кир босган парда сақланиб қолган.

Мен пардага қўл теккизиб, у қандай матодан тикилганини билмоқчи бўлдим, аммо қўлим тегиши билан билдимки, у эскириб, пуф деса сочилиб кетадиган аҳволда экан. Ўзининг ғаламис ишлари билан турли мишмишларга, рақобатчиларнинг нафратига сабабчи бўлаётган бошлиғи тўғрисида сўзлаётган Индер Лал ҳам пардани ушлаб кўрди. "Булар қаёққа гумдон бўлишди?" деган норозилигини эшитиб, назоратчи ходим шу ондаёқ ёнимизда пайдо бўлди. Иккалалари мен томоша қиладиган жойларимни кўриб бўлганимни айтишгач, боққа чиқдик. Ям-яшил боғ ва саройнинг оқиш деворларига ҳайрат билан боқиб турганимда, ходим Индер Лал билан гаплашиб, буларни кўриш меҳмон (яъни мен) учун унча ҳам қизиқарли эмаслигини, бунинг ўрнига у ўзи учун қурган индусча кичик ибодатхонани кўрсатиши мумкинлигини айтди.

Бу хона авваллари нимага хизмат қилганини тасаввур қилиш қийин. Эҳтимол, омборхона бўлгандир, шунақа пастқамки, ичкарига кириш учун астойдил эгилиш керак бўлади. Биз билан бирга яна уч-тўрт киши киришди. Ходим чироқни ёқди: кўз ўнгимизда иботхона деворлари намоён бўлди. Бош Худо Хануман ўзининг маймунларникига ўхшаш узун думи билан ойна орқасида турар, яна иккита шунақа бюст ҳам ойнали алоҳида хоначаларга жойлаштирилган эди. Ҳамма фигуралар гипсдан ишланган бўлиб, устларига ёпилган қийиқим ипак мато парчалари ва марварид мунчоқлар кўзга ташланади. Ходим менга умидвор кўзлари билан тикилади, унинг ниятини тушуниб, ҳаммаси жуда чиройли, дейман ва беш рупий узатаман. Хона шамоллатилмаслиги учун бир зумда дим бўлиб кетди, тезроқ ташқарига чиқишим керак, дейман ўзимга ўзим. Индер Лал кулимсираб турган учала Худога эгилиб таъзим қилди, кўзлари юмуқ, лаблари эса дуо ўқиётгани учун билинар-билинмас қимирлаб турарди. Менга уч-тўрт бўлак қанд, бир нечта гул шохчаларини беришди. Ташлаб юборишим одобдан эмас, Сатипургa қайтар эканмиз, уларни авайлаб қўлимда ушлаб келдим. Кейин, Индер Лал бошқа ёққа қараб турганидан фойдаланиб, уларни автобус ойнасидан ташқарига сочиб юбордим, аммо кафтимда ширинликнинг ҳиди ва изи қолди. Ушбу сатрларни қоғозга тушираяр эканман, шу ҳид ҳамон димоғимга урилиб турарди.

1923

Оливия Навоб ўзининг Хатмдаги саройида уюштирган кечки базмда у билан биринчи марта кўришган. Ўша пайтда у Сатипурда яшар, ёлғизлик азоби вужудини чулғаб олган эди. Одатда, улар Дуглас билан Кроуфордлар, Сондерслар (бош врач ва унинг хотини), майор ва Миннз хоним билан оқшомлари ва якшанба кунлари кўришиб туришарди. Бошқа пайтлари Оливия деразалари чанг ва иссиқдан сақланиш учун ҳамиша ёпиқ турадиган ҳайҳотдай уйда бир ўзи қолар, китоб ўқиш, пианино чалиш билан вақтини ўтказарди. Вақт эса имиллаб ўтарди. Дуглас округдаги ишлари билан ҳамиша банд эди.

Навоб кечки базм уюштирган куни Дуглас ва Оливия Хатмга Кроуфордларнинг машинасида боришди. Сондерслар ҳам таклиф этилганди, аммо Сондерс хонимнинг тоби қочиб, улар зиёфатга келишмади. Тахминан 15 мил йўл босиш керак. Навобнинг уйидаги кечки базмлар қандай ўтишини билган Дуглас ва Кроуфордлар йўлдаги қийинчиликларга эътибор бермай, бўлажак сархушликлар ҳақида ўйлашарди. Оливияни бўлса ҳаяжон ўз оғушига олганди. Унинг эгнида зиғир толасидан тикилган оқсариқ йўлли костюм, жомадонида бундай оқшомлар учун махсус тикилган кўйлак, атлас туфли ва қимматбаҳо тақинчоқлари жойлашган қутича бўлиб, тез орада бутунлай бошқача кўринишда бўлиши ва ҳамманинг эътиборини ўзига қаратишини ўйлаб мамнун борарди.

Бошқа кўплаб ҳинд ҳукмдорлари каби Навоб ҳам европаликларни хурсанд қилишдан завқланарди. Аммо унинг ҳозирги аҳволи унча яхши эмасди: унга қарашли ерларда меҳмонларни завқлантирадиган қадимий харобалар, ов қилса бўладиган жойлар йўқ эди. 1820-йилларда қурилган маҳобатли сарой демаса, бор-бисоти қуриб, қақшаб ётган ерлар-у, қашшоқлашган қишлоқлар эди, холос.

Оливияни ошхонага олиб киришганида, у ерга осилган қандиллар, узун стол устига ясатиб қўйилган чинни, кумуш ва хрусталдан ишланган идишлар, гуллар, кўриниши кўзни қувонтирадиган тилла суви югуртирилган кичик идишчалару турли ширинликлар билан безатилган меволарни кўриб қувониб кетди. Кўнглидан, мана энди Ҳиндистоннинг керакли жойида бўлдим, деган хаёл ўтди. Аммо... таклиф этилган меҳмонлар, ҳурмат билан айтганда, ажабтовур эди: Сатипурдаги компания вакиллари билан бирга бошқа бир компаниядан Хатмга якин жойда яшайдиган майор ва Миннз хоним, Навобнинг уйида меҳмонда бўлган нотаниш, сочи тўкилиб бўлаёзган Гарри исмли инглиз кимса. Майор ва унинг хоними Кроуфордларга деярли ўхшаб кетарди. Майорнинг вазифаси Навоб ҳамда қўшни штатларнинг ҳукмдорларига сиёсий масалаларда маслаҳат бериб туриш эди. Улар Ҳиндистонда йигирма йилдан ортиқ вақт яшаётганлари сабабли, бу ерга хос жамики нарсалардан яхши хабардор эдилар. Кроуфордлар тўғрисида ҳам деярли шундай дейиш мумкин. Ҳар икки жуфт кўзғолонга қадар турли ҳинд полкларида хизмат қилган ҳарбий оилаларга мансуб эдилар.

Оливия бундай "эски"лар билан таниш, уларнинг Қобул ёки Мултонда нималар бўлгани ҳақидаги узундан-узоқ хотиралари жонига тегиб ҳам бўлган эди. Аммо ўзига "Бутун бошли вилоятларни бошқариш, ҳудудларни кенгайтириш, ҳукмдорларга маслаҳат бериш каби катта вако-

латга эга, ҳаётлари қизиқарли бундай кишилар билан мулоқотда бўлиш нега энди бу қадар зерикарли?" деган саволни ҳам берарди. У стол атрофида ўтирган меҳмонларга разм солди: Кроуфорд хоним ва Минниз хонимнинг эгнида Англиянинг марказдан узоқ овлоқ бир жойидаги курортлардан бирида кийиб юрса бўладиган урфдан аллақачон қолган кўйлак. Улар бу кийимлари билан қирол ҳузуридаги зиёфатга эмас, айни бугунги базмга жуда мос деса бўлади. Майор Минниз ва мистер Кроуфорд ҳашамдор кийимда ўзларини мағрур ва ишончли тутиб, меҳмонлар уларнинг сўзларига қулоқ тутишаётганидан беҳад хурсанд эдилар. Оливияга уларнинг сўзлари каби ўзлари ҳам зерикарли эди.

Дугласга гап йўқ. Оливия унга ўгринча назар солди: келишган қаддиқоматини тўғри тутган ҳолда ўтирибди. Фрак ҳаммага ҳам бу қадар ярашмайди. Мағрурликнинг ўзига хос кўриниши.

Дугласга эътибор берган фақат Оливия эмасди. Меҳмонлар орасидаги Гарри исмли инглиз Оливиянинг ёнида ўтирар экан, аёлнинг қулоғига аста шивирлади: "Эрингиз менга маъқул кўринади". – "Наҳотки? У менга ҳам ёқади", деди Оливия. Гарри тиззалари устига ёпилган салфеткани оғзига яқинлаштириб, бошқалар эшитмайдиган даражада кулди ва давом этди: "Бошқа дўстларимизга сира ҳам ўхшамайди". У шу сўзларни айтар экан, Кроуфорд ва Минниз томонга юз бурди. Кейин Оливияга ўгирилди.

Оливия ўзини ноқулай ҳолатга тушиб қолгандай сеза бошлади. Шундай бўлса-да, Гарриннг табассумига баҳоликудрат жавоб қайтарарди. Сенга ёқадиган инсон ҳақида бошқалардан яхши фикр эшитиш ёмон эмас. Тўғриси, у Ҳиндистонда Дугласдан бошқа ҳурмат қилса арзийдиган кишини учратмагани аниқ. Оливия ўзини тутиб, Миннизнинг сўзларини эътибор билан тинглаётган Дугласга яна нигоҳ ташлади.

Столнинг тўрида ўтирган Навоб ҳам меҳмоннинг сўзларига қулоқ тутаётгандай, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётгандай эди. У ҳатто олд томонга бироз энгашиб, майор Миннизнинг сўзларини янада тиниқроқ эшитишга ҳаракат қилаётгандай кўринарди. Майор бир вақтлар Патна шаҳрида ўта муғомбир, пихи қайрилиб кетган судхўр уни боплаб лақиллатмоқчи бўлганини (у пайтда майор ёш ва тажрибасиз бўлган эди-да) ҳикоя қилар экан, Навоб бошини кўтариб, юморни яхши тушунишини намойиш этиш мақсадида бармоқлари билан столни бир-икки уриб қўйди. Бу билан у бошқа меҳмонларни ҳам майорнинг ҳангомаларидан баҳраманд бўлишга таклиф этмоқчи бўлди. Аммо... гарчи Навоб ўзини инглиз меҳмонни эътибор билан тинглаётгандай қилиб кўрсатса ҳам, аслида стол атрофида ўтирганларнинг барчасини жиддий кузатиб турарди. Бунга Оливиянинг ишончи комил эди. Чунки у таомдан бўшаган ликопча ёки бўш рюмкани биринчи бўлиб кўрар, шу заҳотиёқ хизматкорларга юз ифодаси билан ишора қилар, баъзида эса урду тилида ярим овозда буйруқ берарди. Шубҳасиз, у ҳар бир меҳмон ҳақида маълум тасаввурга эга бўлаётганди. Оливияга бу жуда қизиқ туюлиб кетди, мезбон меҳмонлар хусусида қандай фикрга келди экан-а? Навобнинг чеҳраси, хатти-ҳаракатлари ва, айниқса, мулозаматларидан буни билишнинг мутлақо иложи йўқ, чунки у тасаввурларини усталик билан яширарди.

Яна шуни ёзишим керакки, Навоб тез-тез Оливия томонга кўз ташлар, бу ҳолат бироз чўзилса ҳам, Оливия, худди ҳеч нарсани сезмаётгандек, Навобга ўзини яхшироқ кўриб олиши учун имкон берарди. Чунки, би-

ринчи учрашувларида бўлганидек, Навобнинг бугунги эътибори ҳам унга ёқаётган эди. Ўшанда Навобнинг кузатувчан кўзлари бирданига чақнаб кетган, у буни сездирмаслик учун дарҳол бошқа томонга қараган бўлсада, Оливия, ниҳоят, Ҳиндистонда ўзига қизиқиш билан қараётган кишига дуч келганини англаган эди.

Ушбу зиёфатдан кейин Оливия уйда бир ўзи ёлғиз қолса ҳам, аввалгидек зерикмай қўйди. У Навоб албатта бу ерга ташриф буюради деб ўйлар ва шу мақсадда ҳар куни янги юпқа либосларини кийиб, ўзини бўлажак учрашувга ҳозирларди. Дуглас бўлса эрта тонгда Оливияни уйғотиб юбормаслик учун аста ўрнидан турар, қуёш жазирамаси бошланмасидан аввал керакли жойларни инспекция қилиш учун жўнаб кетарди. Кейин кун бўйи суд маҳкамасига, у ердан хизмат хонасига бориб, кечгача қоғозга кўмилиб ишлар, кечқурун бир қучоқ ҳужжатлар билан уйга қайтарди. Бу ердаги турли лавозимли мансабдорларнинг ҳаммаси ҳам шундай қилишарди.

Оливия ўрнидан тургунича, хизматкорлар хонани йиғиштириб бўлишар, ойна пардаларини ёпиб, шторларни суриб, хона ичини ортиқча исиб кетмаслигига ҳаракат қилишарди. Оливия шу хонада кун бўйи бир ўзи қоларди. Лондонда яшаганида бутун кунни бевосита ўзига бағишлар, инсон сифатида бу оламда мавжуд бўлган жамики имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳақлиман, деб ҳисобларди. Бу ерда бўлса эшик-дераза лари ҳамиша ёпиқ хонада бир ўзи, товуш чиқармаслик учун ялангоёқ юрадиган, бирор иш буюришини кутадиган хизматкорлар билан ўтаётган ҳаёти жон-жонига теккан эди.

Навоб кечки зиёфатнинг тўртинчи куни келди. Оливия Шопеннинг асарини чалмоқда эди. Машина овозини эшитгач, мусиқани янада берилиб чала бошлади. Хизматкор меҳмонлар келганини маълум қилди. Навоб хонага киргач, ўтирган жойидан аста қўзғалиб, унга ўгирилди, кўзларини катта очганча, ҳайрат билан: "Навоб соҳиб, наҳотки, кутилмаган сюрприз бўлди-ку", деди ва иккала қўлини меҳмонга узатди.

Навоб бир ўзи келмаганди (Оливия кейинчалик у ҳеч қачон бирор жойга бир ўзи бормаслигини билиб олди). Навоб билан бирга инглиз Гарри, саройнинг бир неча ёш ходимлари ҳам келишганди. Улар Оливиянинг меҳмонхонасидаги диван ва гиламларга худди ўз уйларида ўтиргандек бемалол, қўл-оёқларини ёзиб жойлашиб олишди. Гарри Оливиянинг меҳмонхонаси деворларига осиб қўйилган оқ-кора суратларни, япон пардаларини, сарғиш стул ва абажурларни мақташга тушди. Кейин, худди узоқ вақт йўл юриб, беаёв саҳрони кесиб ўтган ва, ниҳоят, водийга етиб келган сайёҳдай ўзини креслога ташлади. Хона Навобга ҳам маъқул келди. Меҳмонлар кечгача шу ерда қолишди.

Вақт жуда тез ўтди. Кейинчалик Оливия меҳмонлар билан нима тўғрисида сўзлашганини эслай олмади. Гарри кун бўйи гапирди, назарида. Оливия Навобнинг ичакузди ҳангомаларини тинглаб роса кулди. Ёш меҳмонлар инглиз тилини яхши билмасликлари учун суҳбатга аралашмай, Навобнинг рецепти асосида коктейл тайёрлаш билан машғул бўлишди. Навоб Оливияга инглиз ароғи, оддий ароқ ва бошқа ичимликлардан тайёрланган ғаройиб коктейлдан татиб кўришни маслаҳат берди. Коктейл Оливияга ўткирлик қилди. Навоб хонанинг ўртасидаги дивани бир ўзи эгаллаб, қўл-оёқларини узатган ҳолда, бамисоли бу ернинг

ҳақиқий эгасидай ўтирарди. Аслида ҳам шундай эди. Навоб Оливияга коктейлдан ичиб кўришнигина таклиф этгани йўқ, ўзи ўтирган диванга яқинроқ ўтиришни ва Гарриниг ҳангомаларини бирга тинглашни ҳам айтди.

Ўша куни Дуглас кечқурун уйига қайтар экан, Оливиянинг кўзларида ёлғизлик меваси бўлмиш ёшларини эмас, бутунлай бошқача нарсани кўриб, аввалига хотинимнинг иситмаси кўтарилмадимикин, дея қўрқиб кетди: қўлини хотинининг лабларига теккизди, бу ерда безгак касаллиги тез-тез учраб туришини эслаб, ёмон хаёлларга ҳам борди. Кўзлари ғайриоддий порлаб турган Оливия бўлса кулиб юборди. Уйига келган меҳмонлар тўғрисида айтиб бергач, Дуглас аввалиги бирор тараддудланиб турди, аммо хотинининг кайфияти чоғлигини кўриб, бошқа хаёлга бормади. Бечора кун бўйи ёлғиз ўтиради, Навоб меҳмонга келиб, марҳамат кўрсатибди, деб ўйлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, саройдан икковининг номига таклифнома келди. Унга илова қилинган мактубчада, агар таклифни қабул қилиб, уни бахтиёр қилишни истасалар, улар учун машина юбориши мумкинлиги айтилган эди. Дуглас бироз ўйланиб туриб, машина юбориш шарт эмас, Кроуфордлар билан бирга уларнинг машиналарида боришлари мумкинлигини айтди. "Эй худойим-ей, жонгинам, нима, сен улар ҳам таклиф этилган деб ўйлайсанми?" деди Оливия шошинқираб. Дуглас хотинига билинар-билинмас ҳайрат билан қаради. Ҳар сафар шундай ҳолат юз берганида, унинг кўзлари катталашиб, тили тутила бошларди.

Кейинчалик зиёфатга Кроуфордлар таклиф этилмагани маълум бўлгач, Дуглас иккиланиб қолди: таклифга рози бўлишлари шартми? Аммо хотини борамиз деб туриб олди. Оливия эрига: "Жонгинам, ишон, бу ердаги ҳаёт мен учун жуда зерикарли, бироз кўнгилхушлик қилиш учун шундай имкониятни бой бермаслигимиз керак", деди қатъий оҳангда.

Дуглас тилини тишлагандай жим туриб қолди. Хотини ҳақлигини билса-да, кўнглида аллақандай хавотир уйғонди. Бир жойга иккинчи марта бориш одобдан эмаслигини тушунтирмоқчи бўлди, аммо Оливия уни эшитмади. Улар кўп баҳслашишди. Хотини эрини кўндириш учун уйқудан эрта уйғонадиган бўлди. Айтилмаган гап қолмади... Дугласнинг хаёлига "Оливияга нисбатан жуда бемеҳрман-да" деган хаёл келди. Аммо... кейинроқ Навобга зиёфатга бора олмасликларидан таассуфда эканликлари ёзилган мактуб жўнатди.

28 февраль. Британияга қарашли фуқаролар линияларидаги эски бинолардан бири, одатдагидек, маҳаллий бошқарув идораларига берилмай, саёҳатчилар ҳордиқ чиқариши учун ажратилган бўлиб, унинг ҳовлиси ва хоналарини саёҳатчиларга очиб бериш, тозаликни сақлаш бу иш учун махсус ёлланган қоровул зиммасида эди. Аммо у бу ишни қўл учида бажарар, кўнглига нима хуш келса, шу иш билан машғул эди. Саёҳатчилар келса, шошилмай ҳовли эшигини очиб, ичкарига кириш учун келувчиларда рухсатнома бор-йўқлигини сўрарди. Йўқ бўлса, бир сўз ҳам демай, орқасига қайтиб, чоққина кулбасига кириб кетар ва шу билан зиммасидаги вазифани бажарган бўларди.

Кеча шу уйда кимлигини билиш қийин бўлган уч киши турганини кўриб қолдим. Қоровул уларни ичкари хоналарга жойлаштиришдан бош

тортгач, улар қўлларидаги бор лаш-лушлари билан айвонга жойлашишди. Улар – ёш инглиз йигит ўзига ҳамроҳ қиз билан, инглиз тилида қийналиб гапирадиган, лаҳжаси Англиядаги марказий графликда яшайдиган одамларнинг лаҳжасини эслатадиган, аммо буни асло тан олишни истамайдиган яна бир йигит эди. Ўзининг эътирофича, у ўзига хос бўлган индивидуалликдан воз кечибди. Шугина эмас, кийимларини ечиб, эгнига тарки дунё қилган кишилар киядиган рўдапо чакмонни илиб олибди. Сочини бутунлай қирдириб, индуслар каби бошининг қоқ тепасида бир тутам соч қолдирибди. Дунёдан юз ўгирган бўлса-да, қоровулнинг иши унинг ҳам жаҳлини чиқарди. Қиз бўлса, нафақат қоровулдан, Ҳиндистонда яшайдиган жамики одамлардан хафа бўлди. Унинг фикрича, бу ердагиларнинг ҳаммаси кир-чир ва алдоқчи одамлар экан. Унинг очиқ хушрўй юзи инглиз эканини эслатиб турарди, аммо бу сўзларни айтганида афти бутунлай ўзгариб, қаҳрли тус олди. Фикримча, у Ҳиндистонда қанча кўп вақт бўлса, юзи шунча қаҳрли бўлиб боради.

– Бу томонларга нега келдингиз? – сўрайман ундан.

– Дунёни забт этгани. Ҳозирча ичкеттидан бошқа ҳеч нарса топганим йўқ, – дейди у кулиб. Унинг ҳамроҳи бўлган йигит қўшимча қилади:

– Бу ерда фақат шунга эришиш мумкин, холос.

Суҳбатлашиб қолдик. Ҳар иккиси бошига тушган кулфатларни санай кетишди. Амритсардаги ибодатхонада соатларини ўғирлашибди, Кашмир йўлида битта муттаҳам арзон-гаровга баржа ваъда қилиб, бор-будларини шилиб олибди. Кашмирда эса қиз ичкетти касалини юқтирибди. Деҳлида муттаҳам савдогар пулларини алмаштириб бераман, дебди-да, келишилган жойдаги кафенинг орқа эшигидан чиқиб, қочиб қолибди. Фатехпур-Сикрида ёш сикхлар қизга тегажоғлиқ қилишибди. Поездда Гоага бораётганларида киссавурлар ҳамроҳ йигитнинг чўнтагини қоқлашибди. Гоага келганида йигит қўлида пискаси бор даниялик бир телба билан муштлашиб кетиб, шу ерда сариқ касалини юқтириб олибди, қизга бўлса темиратки тошибди.

Шу пайт қоровул қулбасидан чиқиб қолди. Афтидан у ўзи учун бирор егулик тайёрлаётган бўлса керак. Кутилмаган меҳмонларнинг олдига келиб, айвонда қолиш таъқиқланишини айтганди, ёш инглизнинг жон-пони чиқиб кетди-да, қўрқинчли бир овозда: “Шундайми, қани бизни бу ердан чиқариб кўрчи”, деди. У бир эмас, икки марта оғир касалликка чалинган бўлса-да, нисбатан соғлом эди. Қоровул ўйланиб туриб қолди. Бироздан кейин, агар улар айвонда қоладиган бўлишса, бунинг учун ва яна қудуқ сувидан ичишлари учун беш рупий тўлашлари кераклигини айтди. Инглиз йигит қаҳрли тарзда қўли билан берк эшикларни кўрсатиб, “Қани оч”, деган эди, қоровул уларга нима жавоб бериш кераклигини ўйлаб олиш учунми, индамай қулбасига қараб йўл олди.

Ёш йигитнинг менга айтишича, Лондонда сайёҳ сваминнинг[1] маърузасини тинглаганидан кейин ҳиндуизм билан қизиқиб қолибди. Маъруза умумжаҳоний Муҳаббат тўғрисида экан. Свами юмшоқ ва ўта таъсирчан овозда бу улуғ Муҳаббат тўғрисида шундай сўзлаб берибдики, тингловчилар кўз ўнгида океандай улуғвор, бахт-саодатга тўла, лаззатлари беҳисоб, бутун инсониятни асал тўлқинлари билан қоплайдиган ҳаёт намоён

[1] Свами – ҳиндуизмда расмий титул: ўзини ўзи бошқара оладиган, туйғуларига эрк бермайдиган киши.

бўлибди. Маъруза шундай ташкил этилган эканки, даъватчининг мафтункор табассуми, анвойи гуллар, банан барглари, маросим қатнашчиларидан бирининг флейтада чалаётган ёқимли куйи, бошқасининг мис тарелкаларни чертиб, ғаройиб овоз чиқариши, свами шогирдларининг саҳнада тўлқинланиб ўтиришлари – буларнинг барчаси ҳар қандай кишини ўзига асир қилиб олар экан.

Устоз даъватчининг саҳнадаги шогирдлари европаликлар бўлиб, улар эгниларига қора-тўқсариқ кийим кийиб олишган экан. Нигоҳларига тикилган киши улар қилган гуноҳлари ва орзу-ҳавасларидан фориғ бўлиб, эндиликда озод қушдек учишга тайёр эканликларини тасаввур қилиши мумкин экан. Кейин улар ҳинд тилида улуғ Муҳаббат тўғрисидаги қўшиқларни куйлашибди. Йигит билан қиз ушбу маросимдан шундай тасаввурда чиқишибдики, анчагача бир-бирларига, худди сеҳрлаб қўйилгандай, бир сўз ҳам дейишмабди. Ўзларига келишгач, ҳамма ишларни бир четга суриб, руҳий камолотга эришиш учун Ҳиндистонга – улуғ Муҳаббат оғушига отланишга қарор қилишибди.

Иккинчи зоҳид ҳам бу ерга руҳий зарурат учун келганлигини айтибди. Уни кўпроқ ҳинд тилидаги ёзилган, кўринишидан сирли туюладиган қадимги қўлёзмалар қизиқтирган экан. Ҳиндистонга келгач, бу ердаги аҳволни кўриб, унча ажабланмабди ҳам. Унинг фикрича, мамлакатнинг жанубида жойлашган улуғ ибодатхоналарда улуғ руҳлар ҳамон яшамоқда экан. У ибодатхоналарда маҳаллий ҳинд зиёратчилари каби ойлаб қолиб кетар, турли ўй-хаёллардан покланиб, бошқа бир хаёлларга чўмган ҳолда яшар экан. Ташқи дунё билан алоқаси аста-секин узила бошлабди. У ҳам ичкетти касалига чалинибди, темиратки тошибди. Аммо у руҳий жиҳатдан шу даражага кўтарилган эканки, бу касалликларга парво ҳам қилмабди. Ўзи ибодат қилаётган жойдаги анча-мунча нарсалар ғойиб бўлаётганини ҳам сезмабди. У ўзини бу дунёнинг жамики ташвишларидан, ўй-хаёлларидан ва, ҳатто ўзининг исми-ю, характерига хос хусусиятлардан батамом халос этадиган кишини топиб, унга ўзини ўқиттирибди. Чидананда деган янги исм олибди (ҳамроҳлари уни Чид деб атайдиган бўлишибди). Ўшандан бери қўлига ликопча ушлаб, раҳмдил одамлар берадиган егуликларни тўплашдан бошқа иш қилмабди. Баъзи кунлари ликопчаси бўшлигича қолар, шу боис, вақти-вақти билан уйидагилардан телеграф орқали пул жўнатишларини сўрар экан. Ўзи эътиқод қилган руҳонийнинг тавсиясига кўра, Ҳиндистон орқали муқаддас Амарнатх ғорига етиб бориш учун зиёрат сафарига отланибди. Мана, бир неча ойдирки, у йўлда экан. Йўлда учраган одамлар уни ҳақоратлашар, айниқса, болалар қўлларига нима тушса, башарасига қараб отиб, мазах қилишар экан.

Руҳоний тайинлаганидек, дарахтларнинг остида ухлашнинг иложи бўлмабди, арзон-гаров меҳмонхоналарни қидириб, уларнинг хўжайинлари билан савдолашишдан бошқа иложи йўқ экан.

Қоровул учта бармоғини кўтарган ҳолда қайтиб келди. Бунинг маъноси – айвонда қолишнинг баҳоси уч рупийдан кам бўлмас экан. Инглиз йигит ёпиқ эшикларни кўрсатиб, қоровулга яна дағдаға қилди. Анча вақт ади-бади айтишганидан кейин қоровул, ниҳоят, хоналарнинг калитини олиб келди. Айвонда қолаверишса бўлар экан. Уйнинг ичидан моғор ва ўлим ҳиди анқир, эски ошхона полида олмахоннинг ўлиги ётарди. Ойнали буфетда Георг бешинчининг рамкага солинган суратига кўзи тушди.

Уйнинг деворлари қорамтир рангда, гўё оғир хаёлларга ботгандай эди. Орқа томондаги айвондан христианларнинг қабристони кўриниб турарди: анча баланд қилиб курилган қабрда мармардан ишланган фариштанинг ҳайкалини кўриб эладим: уни Сондерслар ёш ўғилчалари қабрига Италияда тайёрлатишган. Кутилмаганда хаёлимга бош врач, мистер Сондерс айни шу димиққан уйда яшаган бўлса керак, деган фикр келди. У бевакт вафот этган фарзанди қабрига шу айвондан қараб турган бўлиши мумкинку. Ўшанда қабр устидаги ҳайкалча қанотларини кенг ёзган ҳолда, қўлида ўғилча билан бус-бутун турарди. Энди эса фариштанинг қанотлари-ю, боши, боланинг эса бурни билан бир оёғи жойида эмас. Қабрлар аянчли бир аҳволга келиб қолган, бу ерда ёввойи ўт-ўланлардан бошқа қўлга илинадиган ҳеч нарса, ҳатто мармар тош синиқлари ҳам қолмаган эди. Ғаройиб бир манзара: қабрлар бутунлай ташландиқ ҳолатига келган жойларда бу ерда чиндан ҳам ўликлар ётгандай бўлади, қабристоннинг олд томонидаги христианларга тегишли қабрлар топ-тоза, қаровли, супуриб-сидирилган, улар остидаги марҳумлар эса худди тирикдай.

1923

Қабристонлар Оливияга кучли таъсир кўрсатарди. Англияда яшаб турганида танаси оғриқли йиғига айланган мажнунтоллар соясидаги қабртошлар ёнига чўкиб, турли ёзувларни ўқир, хаёл уммонига ғарқ бўларди. Сатипурдаги қабристонлар эса унинг руҳиятида янада чуқур таассурот қолдирди. Сатипурда инглизлар оз бўлса-да, узоқ йиллар давомида уларнинг кўпи оламдан ўтди, христиан қабристони бўлмаган жойларда вафот этганларни бу ерга олиб келиб кўма бошлаганларидан кейин қабристон кенгая бошлади. Кўп қабрларга чақалоқ ва ёш болалар дафн этилганди. Қўзғолон пайтида аёллар ва болаларни ҳимоя қилган Британия армиясининг ҳалок бўлган офицерлари қабрлари яхши сақлангани учун ҳам эътиборни тортарди. Янги қазилган қабрга Сондерсларнинг гўдаги кўмилган бўлиб, итальянча фариштa бу ердаги топ-тоза ёдгорликлардан бири эди.

Оливия гўдакнинг қабрини биринчи марта кўрганида ўзини йўқотиб қўяёзди. Ўша оқшом Дуглас хотинини каравотда оғир бемордай ётганини кўриб, уни юпатишга ҳаракат қилди. Оливия хизматкорларга ичкарига киришни таъқиқлаган, эшик кун бўйи ёпиқ тургани учун хона ичи дим бўлиб, Оливия йиғлаган ҳолда иссиқдан терлаб-пишиб ётарди.

– Дуглас, балким бизнинг ҳам боламиз бўлар, аммо у... ўлиб қолса-я, – деди-ю, йиғлаб юборди.

Дуглас уни узоқ юпатди. Бу оқшом иш қоғозларига қарамай, бутун тунни хотинига бағишлади. Кўнглини кўтариш учун айтмаган-демагани қолмади. Гўдаклар энди камдан-кам ҳолларда нобуд бўлишади, деди. Унинг ўзи Ҳиндистонда туғилган, онаси яна иккита фарзанд кўрган, иккови ҳам соғ-саломат эди. Авваллари, чиндан ҳам гўдакларнинг ўлими жуда кўп эди. Катта бувисининг тўққизта боласидан бештаси нобуд бўлган, аммо бу воқеа кўп йиллар бурун содир бўлганди.

– Сондерсларнинг боласи ўлди-ку?

– Ҳа, шундай. Бундай кўргулик ҳамма билан бўлиши мумкин. Сондерс хонимнинг соғлиғи яхши эмасди.

– Бу кулфат менинг бошимга ҳам тушиши мумкин. Ўзим ҳам, болам ҳам ўламиз.

Дуглас уни юпатмоқчи бўлди, аммо Оливия гапини такрорлашдан тўхтамасди:

– Йўқ, шу ерда қоладиган бўлсак, ҳаммамиз ўламиз. Мен аниқ сезиб турибман, кўрасан. – У шу сўзларни айтар экан, эрининг юзига разм солди-ю, ўзини кўлга олиб, жилмайишга ҳаракат қилди. Қўлини кўтариб Дугласнинг юзини силаб қўйди.– Сен ўзинг бу ерда қолмоқчисан-ку.

Дуглас дарҳол жавоб қайтарди:

– Сен ҳали бу ерга яхши ўрганганинг йўқ. Биз анчадан бери яшаётганимиз учун ҳамма нарсани олдиндан кўра оламиз, сен эса бундай тажрибага эга эмассан менинг бечорагинам. – Дуглас хотинини астойдил кучди.– Биласанми, мен айни шу тўғрида Бет Кроуфорд билан гаплашдим. Жонгинам, Бут ёмон аёл эмас, агар билсанг, кўпгина яхши фазилатлари бор. У сен ҳали бу ерга келмай туриб қийин бўлишини айтган эди. Энди бўлса, биласанми, Бет хоним нималар демоқда? Унинги фикрича, сендек чидамли оқила аёл ҳамма қийинчиликларни енга олади. Шунинг учун ҳам у сени яхши кўриб қолган. Бунга ишончим комил. Ҳиндистон қалбингга кира бошлаганидан кейин, ҳаммаси яхши томонга қараб ўзгаради. Жонгинам, ухлаб қолдинг, чоғи?

Оливия ухламаётган эди. Юзидаги чивиндан асровчи тўр билан эрининг бағрига сингиб ётишдан лаззат оларди. Ой шафтоли дарахтининг бошига қўниб, уй ичига очиқ деразадан нур кирди. Дуглас уни ухлаётган деб ўйлаб, қаттиқ қучоқлади, ҳинд диёрининг уй ичига тўлган нурига қўшиб, Оливияни бағрига босаётганидан кўзларига қувонч ёшлари келди.

Кейинги куни Оливия Сондерс хонимни кўргани борди. У боласини йўқотган бу аёлга гул, мева ва самимий ҳамдардлигини ҳам олиб келганди. Оливиянинг фикри бироз ўзгарган бўлса-да, Сондерс хоним аввалари қандай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай – дим хона ичидаги кроватда вақтини ўтказадиган кўримсиз аёл эди. Оливия бу фикрини Сондерс хонимга сездирмасликка ҳаракат қилди. У уйдаги палапартишликни ёқтирмасди. Бу ерда эса Сондерс хоним ҳам, хизматкорлар ҳам жуда беғам эканликлари кўриниб турарди. Оливия олиб келган гулларни бирортаси гулдонга қўйишни ўйламади ҳам. Балки гулдоннинг ўзи йўқдир? Уйда чанг босган эски, алмисоқдан қолган мебелдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

Оливия кроватнинг бир четига енгилгина ўтирди, Сондерс хоним бачадони билан боғлиқ касаллиги ҳақида сўзлар экан, уни диққат билан эшитди. Боласи нобуд бўлганидан кейин ҳамон ўзига келмагани шундоқ кўриниб турарди. У кўпроқ ўлган фарзанди тўғрисида эмас, касаллигининг ножўя аломатлари ҳақида гапирди. Уни тинглар экан, Оливиянинг хаёлига ёмон фикр келди: Сондерслар, гарчи бундай деб ҳозиргача ҳеч ким айтмаган бўлса-да, аслида Ҳиндистонга келиб хизмат қиладиган даражадаги одамлар эмас. Оливия одамлар тақдирини башорат қилишга қодир бўлмаса-да, ички ҳис билан бу фикрининг тўғрилигига ишончи комил бўлди: Сондерс хоним касаллиги тўғрисида ошкора, бунинг устига дидсизларча, ўқимишли кишиларга хос бўлмаган тарзда батафсил гапирди, талаффузи бўлса ғайриоддий. Наҳотки бунга ҳеч ким эътибор бермаган? Ҳа-ҳа, улар бундай мартабага мутлақо муносиб эмаслар.

Оливиянинг тобора чалкашиб бораётган ўй-хаёлларини Сондерс хонимнинг кутилмаганда бақириб юбориши тўзғитди. Ўгирилиб қараса, кийим-бошига қараб бўлмайдиган бир хизматкор пойафзалини ечмай уй ичига кирибди. Сондерс хонимнинг жаҳли шунга чиққан экан. Дуглас ҳам хизматкорларнинг бундай қилишларига асло йўл бермасди. Оливияга бошқа нарса таъсир қилди: Сондерс хоним кроватига ўтирган ҳолда телбалардай бақира бошлади, хизматкорни аёвсиз ҳақорат қилди. У қўрққанидан қочиб кетди. Уй соҳибаси бақиришдан чарчаб, бошини ёстиққа қўйди, аммо у ҳали ҳам ўзига келмаган эди. Оливия ўзича, Сондерс хоним бу кутилмаган вазиятни тушунтириб бермоқчи ёки оғзидан чиқиб кетган ҳақоратли сўзлари учун уялди деб ҳам ўйлади. У эса бутундай бошқача нарсалар ҳақида гапирди: хизматкорларнинг ҳаммаси мана шундай бефаросат, кўнгилларига нима келса шуни қилишади, хоҳлаган кишиларини ақлдан оздиришлари мумкин. Ҳаммаси гўл, аҳмоқ эмас, атайлаб, хўжайинларнинг жиғига тегиш учун шундай қилишади.

Сондерс хоним хизматкорларнинг ўғриликлари, ичкилик ичишлари ва яна шунга ўхшаш ярамас қилиқлари тўғрисида, яшаётган хоналаридаги ифлосликлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ҳаммаёқ – уйлари, кўчалари, бозорлари ифлос. Худоларидан бошқа ҳеч нарса қолмаган, ҳаммасини талаб кетишган бўм-бўш ибодатхоналарини кўрган бўлсангиз керак, деб сўради Оливиядан.

Ҳамон ғазаб ўтида ёнаётган Сондерс хонимнинг кўзларидан тинимсиз ёш оқар, кўкси титрар, "Уилли, бу ердан кетайлик, кета қолайлик, деб минг бор ялиндим", дерди тинимсиз. Оливиянинг унга раҳми келиб кетди, қўллари билан ёстиқни силади ва... ўзи ҳам Сондерс хоним каби бахтсиз эканини ҳис этди.

Мана шундай кўнгилсиз учрашувдан сўнг доно ва қувноқ Бет Кроуфорд хоним билан суҳбатлашиш нақадар ёқимли. У Оливияни Навобнинг онасини кўриб келиш учун Хатмга таклиф этгани келган эди. Оливия яна ўша муҳташам саройда бўлишдан бахтиёр эди, аммо уларни бу гал аввал бошдаёқ аёллар бўлмасига олиб киришди. Шарқона услубда безатилган хоналарни чиройли мато билан ўралган пастқам диванлар, эмал рамкали ойналар безаб турарди. Хонанинг ўртасида Бет Кроуфорд, Оливия ва уй соҳибаси учун қўйилган учта европача стул эътиборни тортарди. Хонада ёши улуғ аёллар ҳам бўлиб, улар хона четларидаги диванларда ўтиришар, хизматкорлар олиб кирган шарбат ва чанқоқбости ичимликларни патнислардан олиб, меҳмонларга узатишарди.

Оливия стулда омонатгина ўтирар, урду тилини билмагани учун, суҳбатга қўшила олмасди. Навобнинг онаси у билан инглиз тилида сўзлашмоқчи бўлди, аммо талаффузидан ўзи кулиб юборди. Ёши элликлар атрофида, бўйнидаги бақбақаси бўлмаса, чиройли кўриниши ҳам мумкин эди. Мундштукда бир-бирига улаб сигарета чекарди. Ўзини оддий тутар, гоҳ бир оёғини, гоҳ иккинчисини ўзига тортиб, стулда ўтириш ноқулайлигини яширмасди. Оливия полда ўтириб, ёнбошлаган ҳолда суҳбатлашишни ёқтирарди, аммо ҳозир бу ерда унга бундай имконият берилиши этикетга тўғри келмасди.

Миссис Кроуфорд стулда каддини тўғри тутган ҳолда ўтирар, оппоқ қўлқопли қўллари сумкачасининг устида, тиззаларини таранг пайпоқлари ёпиб турарди. Хонада асосий фигура, шубҳасиз у, келиши-

нинг муваффақияти фақат унга боғлиқлигини сезиш қийин эмасди. Зиммасига бундай масъулият юкланганини ҳис этган ҳолда ўтирарди. У сарой одатига кўра урду тилида, жуда тез бўлмаса-да, ишонч билан сўзлашар, бошқа аёллар билан хоҳлаган масалани муҳокама қилишга тайёрлигини кўрсатмоқчи бўларди.

Кроуфорд хоним бу учрашувга жиддий тайёргарлик кўрганди, шу боис, суҳбат чоғи бир мавзудан иккинчи мавзуга енгил ўтиб, муҳокама ёки баҳсни қийинчиликсиз давом эттирарди. Сарой бегими ва полда ўтирган аёллар, афтидан хурсанд эдилар, гоҳ-гоҳ бараварига кулиб, кафтларини кафтларига уриб, меҳмонларни олқишлаб туришарди. Саройнинг кўпни кўрган тажрибали аёллари ва миссис Кроуфорд ўз ролларини юксак даражада бажаришаётган эди. Оливия бўлса бегонасирар, суҳбатга қўшила олмас, зеркиш ҳисси акс этган нигоҳи кўпроқ эшик томонда бўлиб, ҳаёлан ҳозир Навоб кириб келади-ю, суҳбатга қўшилади, деган фикрда эди. Лекин бундай бўлмади. Меҳмонлар учун ажратилган вақт тугаётганини аниқ сезган Кроуфорд хоним ўрнидан туриб, кетишга розилик сўради. Аёллар яна бироз ўтиришларини сўрашди, аммо ҳурмат юзасидан уларни ҳовли эшигигача кузатиб қўйишди.

Оливия Кроуфорд хонимнинг қулоғига аста шивирлади: "Навоб соҳибни кўрсак бўлармиди". Жавоб қисқа ва қатъий бўлди: "Бунга мутлақо эҳтиёж йўқ". У шу сўзларни айтар экан, ўз вазифасини аъло даражада бажарган масъул ходимдай каддини янада ғоз тутиб, одимлади. Ранги бироз оқарган Оливия бу гапни ҳеч ким эшитмаганига ишонч ҳосил қилиш учун икки ёнига худди Навоб саройининг чиройли гулларини томоша қилаётгандай қараб қўйди ва Кроуфордга эргашди.

Бу икки аёл орадан бир неча кун ўтгач, Миннизларнинг Хатмдан сал узоқроқда жойлашган уйига боришди. Минниз хоним рассомларнинг дастгоҳи ёнида ишлаб ўтирган экан, ўрнидан даст туриб, сурати чизилаётган сабрли кекса деҳқонга жавоб берди, эгнидаги халатини ечиб, болалардек уни бир чеккага отди ва меҳмонларни қутлаш учун улар истиқболига пешвоз чиқди.

Миссис Кроуфорд дугоналари даврасида мактаб ўқувчисидай бўлиб қолди: у кўзини қисиб, Оливия билан бирга қаерда бўлганини айтиб берганида, Минниз хоним: "Сенга чиндан ҳам қойил қолса бўлади", деди. – "Йўқ, ҳаммаси жойида бўлди", деди Кроуфорд ва Оливияга ўгирилиб, сўзида давом этди: "Шундай бўлди-а, тўғрими?!" У бундай дейиш билан бу ерга ўзи билан бирга келган дугонасини ҳам суҳбатга тортмоқчи эди.

Оливия саройда бўлганидек, бу ерда ҳам ўзини ёлғиз ҳис эта бошлади. Миссис Кроуфорд ва миссис Минниз қадрдон дугоналар бўлиб, Ҳиндистонда анча йиллардан бери яшашар, ўта қувноқ эдилар. Иккалалари бугун астойдил кўнгил ёзмоқчи бўлишганди, аммо ўзлари ҳам билмаган ҳолда Оливияга эътибор бера бошладилар. Икки дугона унга жуда кўп маслаҳат беришди, жумладан, иссиқдан сақлайдиган пардани қандай ўрнатиш, ипак газламали кофтасини эркак кирювгичларга эмас, хизматкор аёлларга беришни ва ҳоказоларни ўргатишди. Оливия уларни эътибор билан тинглади, маслаҳатларини ёдида сақлаб қолишга уринди, аммо фойдаси бўлмади, биринчи имконият туғилиши биланоқ: "Нима, жаноб Навоб уйланган эмасми?" деб сўрашга жазм этди.

Орага жимлик чўкди. Икки дугона туйқусдан берилган бу савол сабаб, бир-бирларига ҳатто қараб қўйишга ҳам ботинмадилар. Оливия тушундики, бундай савол беришнинг ўрни эмас экан.

Ниҳоят Кроуфорд хоним тилга кирди:

– Уйланган, аммо хотини у билан бирга яшамайди. – Ноқулай вазиятнинг янада чуқурлашиб кетишини хоҳламаган кишининг қисқа, аммо кескин жавоби эди бу.

– Соғлиғи яхши эмас,– қўшимча қилди Кроуфорд, – руҳий касал.

– Бет, қулоқ сол, – кутилмаганда Минниз хоним қувноқ оҳангда гап бошлаб қолди. – Симладан менга хабар қилишди. "Учқат" коттежи бу йил бўш экан. Қандай ажойиб-а?! Оливия, сиз ёзни қандай ўтказмоқчисиз, бирор режангиз бўлса керак?

Оливиянинг ўрнига Кроуфорд хоним жавоб берди:

– Дуглас биз ёзда нима қилишимизга қизиққан эди.

– "Учқат"да Оливия учун бирор бўлма, албатта, топилади, – деди Минниз хоним. – Чунки бу йил Артур биз билан бора олмаслиги аниқ.

– Оҳ, Мэри!

– Ҳозирча умид қилса бўлади, аммо бу режамиз амалга ошмаслиги ҳам мумкин. Менинг боришим аниқ. Мен ҳали Проспект-хиллни ёзиб тугаллаганим йўқ, бу йил, у ерда Навоб қандай бемазагарчилик қилганига қарамай, албатта, уни охирига етказишим керак.

– Навоб дедингизми? – ҳайратомуз сўради Оливия.

Бироз жимликдан сўнг Минниз хоним Кроуфордга тушунтирди:

– Нимадир бўлган. Назаримда, унинг айби бор.

– Босқинчиликми? Мэри, ё Худо. Шундай кунларда-я.

– Нима ҳам қила олардик. Бундай ишларга ҳам кўникиб бўлдик, ёки кўникишимиз зарур, – деди Минниз хоним бамайлихотир. – Уч йил аввал ҳам худди шундай бўлган эди. Бизнинг жонажон дўстимиз томоша кўрсатиш учун Артурнинг меҳнат таътили пайти яқинлашишини кутиб туради, назаримда. Одат бўлиб қолди-я.

– Уч йил аввал нима бўлганди ўзи? – сўради Оливия.

Кроуфорд бироз жим турди, кейин эса худди бу ҳақида Оливия билиши лозимдай истар-истамас жавоб қайтарди:

– Бу воқеа унинг оиласи барбод бўла бошлагани боис юз берган эди. – У чуқур нафас олиб гапирар, нималарнингдир ошкор бўлишини хоҳламаётгани шундоққина кўриниб турарди. – Мендан кўра Мэри кўпроқ билади.

– Жуда ҳам кўп эмас, – эътироз билдирди Минниз хоним. – Аслида нима бўлганини ҳеч қачон била олмайсан...

Минниз хоним бу мавзуда гапиришни хоҳламаётганди, аммо Оливия нима бўлганидан хабардор бўлиши керак, деб ҳисобларди. – Артур, бечора, бу ишга Кабобпурдаги Сэндилар оиласига қарашли ерларда ҳамкасби полковник Моррис билан аралашиб қолди. Сэнди – Навобнинг хотини. Уни шундай деб аташади, асли исми Заҳира.

– Артур билан полковник Моррис бўлмаганида борми, аҳвол жуда мушкуллашарди, – деди Кроуфорд хоним. – Негаки Кабобпурда ҳамма Навобга қарши тишини қайраб турганди ўшанда.

– Нега энди? – ҳайрон бўлиб сўради Оливия. – Яъни, мен демоқчиманки, у айбдор бўлмаса керак, хотини руҳий касал бўлса...

Кроуфорд хоним яна ўртага тушди.

– Мэри айтди-ку, нима бўлганини ҳеч ким ҳеч қачон била олмайди, деб. Улар ўртасида қалинга берилган нарсаларни қайтариш хусусида ҳам тортишув бўлган. Жуда оғир масала... Оливия, – гапни бошқа томонга бура бошлади Кроуфорд хоним, – сиз биз билан Симлага борасиз-а? Шундайми?

Оливия ҳаяжонланганидан ингичка билакузугини ўйнар экан, аста деди:

– Биз буни Дуглас билан муҳокама қилганмиз.

– Ҳа, шундай. У сизнинг биз билан Симлага боришингизни жуда-жуда хоҳлайди. – Кроуфорд хоним шундай дея Оливияга қаради. Унинг нигоҳида Дугласни эслатувчи нимадир бор эди.

– Мен Дугласни ёлғиз қолдириб кетишни хоҳламайман. Тўрт ой – жуда узоқ муддат. – У бироз жим тургач, билакузугини ўйнаган ҳолда ийманибгина қўшимча қилди:

– Яқиндан бери биргамиз. – У "Яқинда никоҳдан ўтганмиз" демоқчи эди, аммо "биргамиз" дейиш таъсирчанроқ чиқди.

Икки дугона Оливиянинг бу сўзларини эшитиб, бараварига кулиб юборишди.

– Унда биз қари, шалвираган товуқлар эканмиз-да.

– Агар Артур сафимизга қўшилмаса, қари товуқнинг ҳам мазаси қочади, – деди Минниз хоним.

– Нега энди қўшила олмайди? – сўради Оливия.

– Сиз бизга кераксиз, – деди Кроуфорд хоним хотиржам овозда, – Симлада сиз бўлмасангиз зерикиб ўламиз.

Минниз хоним унинг жавобини тўлдирди: "Симла аллеяларида бизга ким ҳамроҳлик қилади, "Учқат"да биздан ким хабар олади?

– Оливия бормаса, бизга ўхшаш бошқа қари товуқлар-да, – деди Минниз хоним.

Иккалалари худди мактаб ўқувчиларидай мириқиб кулишди.

Оливия яхши тушуниб турарди: Симлада бу икки аёл бошқаларсиз, кексаларга хос юмушлар билан бемалол шуғулланишлари, бир-бирларига ҳасратларини айтиб кўнгилларини ёзишлари мумкин-ку! Нега энди нуқул "Сиз бормасангиз бўлмайди, суҳбатимиз қовушмайди" дейишмоқда? Бунинг тагида бирор сир йўқмикин?

Оливия шу ҳақда ўйлар экан, Симла сафарига миссис Сондернинг бориш-бормаслигига қизиқди.

– Йўқ, Жоан бора олмайди. Борса яхши бўларди, баҳонада бу димиққан уйидан ташқарига чиқиб, бироз эркин нафас олган бўларди. Сиз ҳам, Оливия.

Кроуфорд хоним шундай дея Оливияга қаради, унинг нигоҳида яна Дуглас кўрингандай бўлди.

– Майор Миннизнинг бора олмаслигини тушуна олмаяпман. Ахир у таътилда-ку? – ажабланиб сўради Оливия.

Икки дугона бу саволни эшитмаган бўлишди. Яна муҳокама бошланди: хизматкорлардан қайсиларини олиш керак, қайсиларини қора терга ботиб ишлайдиган бечора соҳибларга қараб туришлари учун қолдириш лозим...

* * *

Оливия ўзини қизиқтираётган керакли маълумотларни бошқа манбадан олди. Ўта зерикарли кунлардан бирида (Оливия ҳатто пианинони ҳам бир четга суриб қўйган кезлари) Гарри уни кўргани келди. Навобнинг ҳайдовчиси автомашинада олиб келибди. Соя-салқин "воҳа"га келиб, бироз салқинламасам бўлмасди", деди у. Оливия бу дўмбоқ, камсуқум йигитчани кўриб, Гарри ўзи учун соя-салқин "воҳа" эканини тушунди.

Меҳмон кун бўйи шу ерда қолди, Оливияни қизиқтираётган жамики нарсаларни бир бошдан гапириб берди. Гап Навобнинг хотинига бориб тақалганда:

– Бечора Сэнди. Бечорагина. Буларнинг ҳаммасини эплаш, у билан тиллашиш қўлидан келмасди, деди.

– Ким билан? – қизиқиб сўради Оливия ва Гарринг рюмкасини тўлдирди. Улар кучли таъсир қилувчи "Херес" виносини ичишаётганди. Гарри шаҳд билан Оливияга қаради, аммо кўзларини тез олиб қочиб, гап бошлади:

– У жуда кучли одам. Айтган-деганидан қайтмайдиган эркак. Бир нарсага қарор қилдими, бу йўлдан уни ҳеч ким қайтара олмайди. Ҳеч қачон. Отаси кутилмаганда вафот этиб қолгач, ўн беш ёшида шаҳзода бўлди. Шундан бери фақат буйруқ бериш билан машғул, ҳамма ишнинг бошида туради. – У шу сўзларни айтар экан, овозида фахрланиш билан бирга оғир хўрсиниқ ҳам борлигини сезиш мумкин эди. – Кабобпурлар Сэндининг у билан турмуш қуришига қарши эдилар. Чунки улар йирикроқ ҳукмдорлар эди, Навоб каби юқори мақомга эга бўлишмаган кабобпурликларни молмулки ҳамин қадар кишиларни қизиқтирмасди.

– Назаримда, Навобнинг бойлиги етарли бўлиши керак, – сўз қотди Оливия.

– Мен у билан Лондонда, улар "Клариже" меҳмонхонасида тўхташганда танишганман. Навоб бу ерга ўзига маъқул хизматкорлари билан, масалан, коктейл тайёрлайдиган Шафтани ҳам олиб келган эди. Пастки қаватда Кабобпурлар яшашарди, уларнинг ҳам бир неча хизматкорлари шу ерда эди. Орадан бир ҳафта ўтгач, пастги қаватдагилар Парижга жўнаб қолишди. Бунинг сабаби, Сэнди Навоб билан жуда жиддий қизиқиб қолди. Кабобпурлар Навобдан қочиб қутулиш мумкин деб ўйлашган бўлишса керак. Кейинги куни у ҳам Парижга етиб келди. Мен унга маъқул келдим, шекилли, "Гарри, биз билан сен ҳам кетасан", деди.

– Демак, сиз ҳам Парижга жўнагансиз, шундайми?

Гарри кўзлари билан тасдиқ ишорасини қилди.

– Мен сизга айтдим-ку, бундай кишиларга эътироз билдириш қийин. Дарвоқе, миссис Риверс, сизни оддийгина қилиб Оливия десам бўладими? Биз, ахир, дўстлармиз-ку? Баъзан шундай бўладики, ким биландир жуда тез дўстлашиб кетасан. Фикримга қўшилсангиз керак? Сизга маълум қилмоқчиманки, у кечки зиёфат уюштирмоқчи.

Ўртага жимлик тушди. Оливия рюмкасини тўлдирди.

– У зиёфатда сизнинг шахсан иштирок этишингизни талаб қилмоқда. Машина келади.

– Дуглас жуда банд.

– У ҳар иккингизни кутади. Жуда ҳам хоҳлаяпти. Қизиқ, дўстлари сонсаноқсиз, аммо...

– Дўстлари орасида сиз ҳам борсиз-ку.

Оливия Дугласдан Гарри ҳақида: "Бу йигит Навобнинг саройида нима иш қилади, расмий мансаби борми ёки шунчаки оддий котибми? – деб сўраганди. Дуглас бир нималар дегандай бўлди, аммо унинг айтганлари Оливияни қониқтирмади. Шунда у "Навоб кабилар аторифида ҳамиша мана шунақа кимсалар ўралашиб юришади", деди-қўйди.

Гарри ўзини янада эркин тутиб, суҳбат оҳангини ўзгартирди:

– Мен сизнинг ушбу сиёфатга боришингиз учун нималар қилиш лозим бўлса, ҳаммасига тайёрман. Буни жуда ҳам хоҳлайман, билсангиз. Навобнинг менга ёқиши учунгина эмас, албатта, у менга нисбатан жуда оққўнгил. Оливия, унинг саҳоватпешалигини билсангиз эди. У дўстларининг ҳам ўзи каби бўлишларини хоҳлайди. Ҳеч нарсасини улардан аямайди. Шунақа одам. Бирор нарса ҳадя қилса-ю, уни олишмаса, қаттиқ хафа бўлади. Аммо... берган нарсасини олаверишнинг ҳам чекчегараси бўлиши керак-ку? Йўқ, у бу тўғрида сира ўйламайди. Шу боисдан ҳам бу ерга келдим. Такрор айтаман, у дўстларига ҳадя улашиш учун яратилган инсон. Ҳадя. Марҳамат, олинг, қўлимни қайтарманг...

Унинг сўнгги сўзлари соғинчга ўхшаб кетди.

– Демакки, сиз ҳам унга маъқулсиз, кўнглига ўтиришиб қолгансиз.

– Ким билади, дейсиз. Аниқ билиш қийин. Баъзан: "Ҳа, мен унга керакман, у билан яқинман", деб ўйлайсан, кейин шундай ҳолат юз берадики, сен шунчаки оддий, арзимас буюм эканлигингни билиб қоласан. Уч йилдан бери биргамиз. Уч йилдан бери Хатмдаман, тасаввур қиласизми? Шу чоққача ҳатто "Тож Маҳал"ни ҳам кўрмаганман. Доимо қаёққадир сафар қилишга тайёргарлик кўрамиз, аммо охирги дақиқаларда нимадир содир бўлади. Кўпинча бизни бегойим рўйхатдан чиқаради. Ишончим комилки, бу дунёда у бефарқ бўлмаган ягона инсон – унинг Онаси. Навоб онаси билан ҳамиша бирга бўлишни хоҳлайди. Мен эса уч йилдан бери бетоб онамни кўрганим йўқ. Доимо хавотирдаман. Бир ўзи Кенгсингтондаги тор хонада яшайди. У ёнига қайтишимни хоҳлайди. Бу тўғрида оғиз очишим биланоқ, Навоб онамга қимматбаҳо совға жўнатади. Бир гал онам Навобга мактуб ёзган. "Юборган совғаларингиз учун раҳмат. Миннатдорман. Аммо мен учун энг катта совға – ўғлим Гарри", деган. Навобнинг қаттиқ жаҳли чиққанди ўшанда.

– Шунда ҳам жавоб бермадими?

Гарри Оливияга ажабланиб қаради. Бир сўз ҳам демай, лабини тишлаб туриб қолди. Кейин эса худди ранжигандай, ҳаяжон билан деди:

– Сиз мени Навоб устидан шикоят қилмоқда, деб ўйламанг.

Оқшом қўна бошлади, кун жуда имиллаб якунланмоқда эди. Дастурхонга таом тортилди. Гарри унга қўлини ҳам теккизгани йўқ. Ошқозони касаллиги учун кечки таомни ҳазм қила олмас экан. Хона ичи дим ва намиқиб кетди. Ойналарни очишга ҳали бироз вақт бор. Вино бироз иссиқ, аммо гул ҳидидай ёпишқоқ эди. Хона ичидаги вазаларга солинган анвойи гуллар Оливия гулсиз туролмаслигини билдирарди.

Оливия Гарринг тезрок кетишини хоҳлаб қолди. Кун тугаб, оқшом тезроқ қўнса-ю, Дуглас келиб, ёзув столида жиддий ва талабчан қиёфада ишхонасидан олиб келган қоғозларини варақлаб ўтирса.

Дуглас ҳинд тилида жуда тез гапирарди. У эртадан кечгача маҳаллий аҳоли вакиллари билан ишлагани учун, жуда кўп муаммоларни ҳал қилишига тўғри келарди. У кун бўйи ишхонасида ўтирар, судларда қатнашар, жойларда тегишли кишилар билан учрашарди. Оливия эрини ишхонасида камдан-кам кўрарди, баъзан, масалан, байрам кунлари айрим маҳаллий бойлар уларнинг уйига ташриф буюришарди. Улар Дуглас соҳиб учун олиб келган совғалари – янги узилган ёки шакар сурилган мева ва пистали саватлари билан айвонга жойлашишади. Ҳаммалари бир-бирларига ўхшаб кетишади: қорин қўйган, юзларига мой сурилган, қимматбаҳо тақинчоқлари мўл, оқ рангли кийимлари енгил ва кенг. Дуглас уларни қаршилаш учун айвонга чиққанида, ҳаммалари табассум билан, қўлларини кўкракларига қўйиб, бирлаштиришар, шундай одам, яъни Дуглас соҳиб уларни ҳурмат билан кутиб олаётганидан бениҳоя хурсанд эдилар. Бу нарса сўзларидан эмас, ўзларини тутишларидан, юз-кўзларидан шундоққина кўриниб турарди.

Оливия айвонда бўлаётган гап-сўзларни ичкарида туриб эшитарди. Дугласнинг қатъиятли овози бошқаларникидан ажралиб туриши унга маълум эди. У гапирганида, бошқалар эрининг фикрини маъқуллашиб, "шундай-шундай, тўғри, ҳа-ҳа, албатта" деб туришарди. Дуглас баъзида ҳазил-ҳузул гапларни ҳам гапиради шекилли, меҳмонлар бир-бирларига жўр бўлиб кулишарди. Гап оҳанги жиддийлашганида эса, ҳаммалари Дугласни эътибор билан тинглашар, навбатдаги ҳазилгача айвондан кулги эшитилмай турарди. Дуглас худди пуфлама чолғу асбобида куй чалаётгандай эди: клапанлар унга сўзсиз бўйсунади. У мусиқани қандай якунлашни яхши билади: финал яқинлашгани сари меҳмонларнинг овози бир-бирига уйғунлашиб борар, баъзилар ҳаддан ташқари ҳаяжонланиб кетарди...

Дуглас хурсанд ҳолда ичкарига кирди. Афтидан унга меҳмонлар билан шу тарзда суҳбатлашиш жуда ёқарди. "Вой муттаҳамлар-ей", деди у бошини сарак-сарак қилган ҳолда.

Яқиндан бери Оливия матога бир нималарни тўқишга қизиқиб қолганди. Ҳозир ҳам шу иш билан машғул эди. Оқшомлари боққа олиб чиқиладиган скамейка устига ёпиладиган гулли сўзана ўзига ҳам маъқул бўлди. Дуглас унинг ёнига келиб ўтирди.

– Мени каллаларида нима фикр борлигини тушунмайди, деб ўйлашади улар.

– Нима экан, ўша фикр?

– Ҳар бало. Бугун биттаси, эртага бошқаси бир нималар деб бошимни қотиради. Ўзларини жуда ақлли деб билишади. Аслида эса болага ўхшаб кетишади.

– Шундай дегин? – жиддий сўради Оливия.

– Узр, жонгинам, – деди Дуглас Оливиянинг жаҳли нега чиқаётганини тушунган ҳолда. Яқиндан бери у пала-партиш чека бошлади. Тамакининг кули ерга сочилди.

– Менга улар жиддий одамлар бўлиб туюлишди.

– Қани энди шундай бўлса. Мутлақо тескариси. Аммо, тил топишсанг, бемалол ишлаш мумкин. Чув тушириб кетишларига йўл қўймасанг бўлди. Тушунарсиз ишлари жуда кўп.

Дуглас ёнгинасида матога бир нималарни тўқиётган хотинининг тилларанг бошига, оппоқ бўйнига худди биринчи марта кўраётгандек тики-

либ қаради. У аёлларнинг кийими хусусида бирор малакага эга эмасди. Оливиянинг эгнидаги майин, оқ-сариқ кийим унга маъқул келди, шекилли:

– Янги кийим кийибсанми? – деб сўради хотинидан.

– Э, Худойим-ей, бу кўйлакни юз йилдан бери кияман-ку, – деди Оливия. – Меҳмонлар нега хохолаб кулишди? Сен уларга нима дегандинг?

– Мен, жуда очиқ бўлмаса-да, улар учига чиққан муттаҳамлар тўдаси эканликларини айтдим.

– Бу гапинг уларга маъқул келдими?

– Ҳиндча айтганда, ҳа, эътироз билдиришмади.

– Мен ҳинд тилини, албатта, ўрганишим керак.

– Ҳа, албатта, – деди Дуглас хотиржам. – Бу шундай ғаройиб тилки, уни билган киши ғоят гўзал ифода билан рақиби ёки душманига ҳалокатли зарба бера олади. Гап сен ҳақингда кетаётгани йўқ. – Бу фикр Оливиянинг кулгисини қистатди. – Ўзлаштириб олсанг борми, кўпларнинг адабини берган бўлардинг-да.

– Тўғри айтаяпсан. Миссис Кроуфорд ҳинд тилида бемалол гаплаша олади. Миссис Минниз ҳам. Нима, мен улардан камманми?!

– Ҳа, шундай, Аммо улар бу тилда эркаклар билан гаплашмайдилар. Бировни ҳақорат ҳам қилишмайди. Бу – эркакларнинг иши.

– Бундан бошқа нарсалар ҳам, – дея кулди Оливия.

Дуглас трубкани роҳат қилаётгандай сўриб, тутунни ичига ютди-да, бирданига ҳайқириб юборди:

– Бас кил, Оливия. Шунақа ҳитмир гапларингга тоқатим йўқ.

Дуглас сабабини тушунмаси ҳам, Оливиянинг нимадандир жаҳли чиқаётганини сезиб турарди. Трубкани оғзидан олиб, бир четга суриб қўйди ва ғўнғиллади:

– Тўғрисини айтсам, бунақа ишлар менга ҳам ёқмайди.

Иккови бир зум жим қолишди.

Оливия тўқишдан тўхтаб, бошини кўтарди, пастки лаблари билинар-билинмас титраб турарди.

– Бу ернинг жазирамаси сени қийнаб юборди. Жонгинам, тоққа борсанг, ҳаммаси ўтиб кетади,– деди Дуглас.

– Ҳа, иссиқдан қийналиб кетдим. Сен қачон бора оласан?

– Мендан ташвиш қилма. Ҳозир биз сен ҳақингда ўйлашимиз керак. Бугун Бет хоним билан гаплашдим. Улар ойнинг ўн еттинчи куни йўлга чиқишмоқчи. Сен учун ҳам битта хонага буюртма беришларини илтимос қилдим. Поезд Калкидан жўнайди, ёмон поезд эмас.

Дуглас ҳамма иш ўзи ўйлаганидек бораётганидан хурсанд эди. Аммо Оливия унинг режасига эътироз билдиришини хаёлига ҳам келтирмаганди.

– Тўрт соат юрилгандан кейин тоғлар кўзга ташланади. Ажойиб саёҳат. Манзарадан ташқари, об-ҳавонинг ўзгаришини айтмайсанми...

– Саёҳатга сенсиз боришим мумкин деб ўйламаётган бўлсанг керак?

– У ерда сен билан Бет Кроуфорд ва Мэри Минниз бўлади. Улар сени зериктириб қўйишмайди. – Дуглас хотинининг ўзгараётган юзига қаради ва давом этди:

– Жаҳлинг чиқмасин, Оливия. Онам ҳар йили, апрелдан сентябргача отамдан узоқда бўларди. Биласанми, ҳар йили. Албатта, бундай ҳордиқ онамга ёқмасди. Аммо вилоятда ишлаганингдан кейин бундан бошқача йўл тута олмайсан.

– Сенсиз ҳеч каёққа бормайман, – деди Оливия эрининг юзига тик боқиб. – Шаҳзода Навоб бизни меҳмонга чақирмоқчи.

– Ажойиб саховат, – деди Дуглас қуруққина, трубкасининг кулини каминнинг темир панжарасига қоқар экан.

– Ҳа, саховатли одам экан. Таклифномани бизга етказиш учун Гарриии махсус жўнатибди. Бундай зотлар кичик зобитлар учун ҳар куни ҳам зиёфат беришмайди.

– Қани энди Навоб катта зобитларни ҳам таклиф этса, улар жон-жон деб боришган бўларди.

Оливия ҳамон эрига тик қарар, аммо кўзларида аввалгидек аччиқланиш эмас, меҳр жилваланарди. Бунинг боиси, Дуглас ҳам унга айнан шундай боқиб турарди-да.

Оливия эрининг кўзларига мафтун эди. Дугласнинг кўзлари саргузашт китобларни ўқиб, хаёл ва эзгуликлар оламига ғарқ бўлган, улардаги қаҳрамонликлар, ор-номус, ғурур учун курашга ҳаваси келаётган боланинг кўзларига ўхшаб кетарди.

– Нега биз бир-биримизни тушунмаймиз? – кутилмаганда сўраб қолди Оливия. Дуглас ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қайтарди:

– Бунинг боиси шуки, жазирама иссиқ сенинг кайфиятингга ёмон таъсир қилмоқда. Бу ҳамма билан ҳам содир бўладиган табиий ҳол. Уйда бирор юмуш билан банд бўлмай ўтириш бундан-да ёмон. – Бир зум жим туриб, яна давом этди:

– Шунинг учун ҳам сен, албатта, боришинг керак. Нима, саёҳатга бориш менга ёқмайди, деб ўйлайсанми?! Имконим бўлганида, сўзсиз борардим.

Оливиянинг томоғига бир нима тиқилгандай бўлди. Ўзини ушлай олмади, эрининг кучли қўллари бўлмаса, ерга қулаши аниқ эди. "Майли, – деди ўзига ўзи Дуглас, – иссиқ бўлсин, уйда ёлғиз ўтириш жонига тегсин, ҳар куни мен билан жанжаллашсин. Фақат... уни бу сафарга жўнатмасалар бўлди.

* * *

"Меҳмонсиз уй – бахтсиз уй", деди Навоб. Гарчи бу сўзларни у урду тилида айтган бўлса ҳам, Оливия гап нима ҳақида бораётганини фаҳмлаб, хурсанд ҳам бўлди, жаҳли ҳам чиқди.

– Мен шу ердаман, – Навоб қўлларини кенг ёзган ҳолда шу сўзларни айтар экан, бу ерга алоҳида виқор билан кириб келганини намойиш қилди. У бу гал ҳам бир неча хизматкорлари билан келган эди. Аммо уйга кириб, меҳмон бўлишга рози бўлмади, Оливиянинг меҳмондўстлигини суиистеъмол қилмоқчи эмасди. Унинг бу қарори Оливияга унча маъқул келмади, чунки у шусиз ҳам саёҳатга бориш таклифига нега рози бўлмаётганини Навобга қандай тушунтирсам экан, дея иккиланиб турарди. Навоб бўлса, одамларнинг нигоҳига қарабоқ ҳамма нарсани тушуниб олиш имкониятидан фойдаланиб, вазиятни шундай ўзгартирдики, Оливияга ундан узр сўрашга ҳожат қолмади. У Оливияни автомобилда сайр қилишга, бирор соя-салқин жойда дам олишга таклиф этиш учун узоқ йўлни босиб ўтганини маълум қилди. Ҳеч қандай баҳона қабул қилинмайди. Бу сайр нари борса ярим соат ёки ўн беш дақиқа давом этиши мумкин.

Навоб ўзини Оливияга маълум бўлмаган ҳиндларнинг қайсидир муқаддас қонун-қоидасини бузган ҳисоблар ва бунинг учун шу сайр баҳона Оливиядан узр сўраши керак экан. Оливия бўлса Симлага боришни жон-дилидан хоҳлаб турганди.

Навоб иккита машинада келди: "роллс-ройс" ва "алфа-ромео". Ўзи билан бирга келган ёш йигитчалар "алфа-ромео"га жойлашишди. Навоб, Оливия ва Гарри "роллс-ройс"га ўтиришди. Гарри ҳайдовчи билан ёнма-ён ўтирди. Машиналар Кроуфордлар, Сондерслар уйи олдидан, черков ва қабристон ёнидан ўтиб, кенг ялангликка чиқишди. Узоқ юришди. Навоб оёқларини чалиштирган ҳолда, бир қўлини юқори кўтариб, хўжайинлардай салобат билан борар, аммо бир оғиз сўз демай, устмауст сигарета чекарди. Қуёшнинг шафқатсиз нурида жизғанак бўлган далалар кўзга ойнадек ташланар, адоғи йўқдек туюларди. Бир вақт Навоб Оливия томонга энгашиб, қўли билан машина ойнасининг пардасини туширди, афтидан у Оливиянинг бу яйдоқ жойларни кўришини хоҳламасди ёки меҳмонини қуёш жазирамасидан асрамоқчи бўлди. Сатипур ортда қолган, бу жойлар Хатмга, демакки Навобга қарашли эди. Ҳеч ким қаерга бораётганларини айтмади, Оливия бўлса сўрашга ийманди. Уни Навобнинг жим бораётгани ташвишлантира бошлади.

Йўлнинг зерикарлигиданми бу ёки кайфияти яхши эмасми? Шундай бўлса, нега энди сайрга чиқамиз деб қатъий туриб олди? Рози бўлиб машинасига ўтирган экан, ихтиёри унинг қўлида, ҳар қандай инжиқлигига кўнишга мажбур. Бунинг устига узун кўйлаги оёқларига ёпишиб қолгандай бўлди, машинадан тушаётганларида ғижимланган жойлари кўриниб қолиши мумкин. Ноқулай бўлади.

Машиналар катта йўлдан эгри-бугри сўқмоққа бурилди. Юриш оғир, автомобиллар чайқалиб борар, уларга қўшилиб, йўловчилар ҳам тинимсиз чайқаларди. Оливия Навобнинг устига қуламаслиги учун ўзини қайиш билан маҳкам боғлаб олди. У шундай бўлишидан хавотирда эди.

Орадан бироз ўтгач, машинада юриш азобга айланди. Ҳаммалари пиёда юришга қарор қилишди. Сўқмоқ йўл аста-секин тепалик томон юқорилаб борарди. Навоб ҳамон жим, ахён-ахёнда шох-шаббалар халақит бермаслиги учун уларни ушлаб, Оливияни ўтказиб юборарди. Шунга қарамай, тиконли буталар бир-икки жойини тирнади, чивинлар беаёв чақа бошлади. Бошидаги шляпаси бир томонга қийшайиб, юз-кўзи жиққа тер, йиғлаб юбориш даражасига етган эди. Орқасига ўгирилиб, бир нималарни ғўнғиллаб келаётган Гаррига кўзи тушди, у ҳам аранг келаётганди. Бошқалар эса бироз орқароқда келардилар. Саёҳатчилар тўдасини оқ шим, оқ туфлили Навоб бошқариб борарди.

Навоб маймунжон бутасини кўтариб, Оливияни олдинга ўтказди. Яна бироз юришгач, соя-салқин дарахтзор олдидан чиқишди, кўзлари майдон ўртасидаги тош ибодатхонага тушди. Бу ер анча салқин, чор-атроф ям-яшил, қаердандир сувнинг шилдираши эшитиларди. Сарой хизматкорлари меҳмонлар дам олишлари учун ҳамма нарсани аллақачон тайёрлаб қўйишганди. Ерга гилам тўшаб, пар ёстиқчалар қўйишгач, Оливияни ўтиришга таклиф этишди. Навоб билан Гарри ҳам шу ерга чўкишди, бошқаларни эса сал нарироққа, ўзлари хоҳлагандай дам олиш учун жўнатишди. Хизматкорлар саватлардаги егуликларни дастурхонга қўйишар, вино шишаларини совутиш билан банд эдилар.

Навоб ўзига хос виқор билан узр сўрамоқчи бўлди.

– Сизга жуда қийин бўлди, тўғрими? Бизнинг табиатимиз жуда расвода. Минг бор узр сўрайман.

– Бу ер жуда хушҳаво экан,– деди Оливия енгил нафас олиб. У бу сўзларни йўлда кўп ҳам қийналмагани учунгина эмас, Навоб ўзига нисбатан яна меҳрибон бўлиб қолгани учун айтди.

– Бу ер жуда ажойиб,– деди Навоб.– Мана бу йигитчани ҳушига келтириб олайлик, ҳаммасини айтиб бераман. Аҳволига қаранглар. – У шундай деб гиламга узала тушиб ётган, оғир-оғир нафас олаётган Гаррини кўрсатди ва кулиб юборди. – Бўларича бўпти-ку. Жуда нимжон-да. Семизликнинг оқибати шу. Ҳақиқий инглиз бу қадар қорин қўймайди. Очиқроқ айтсам, ҳеч нимага қодир бўлмаган инглиз.

Навоб гиламда чўзилиб ётган Гаррининг устидан маржондай тишларини кўрсатиб кулса-да, меҳрибонлик қилиб, ёстиқни боши тагига суриб қўйди. Гарри бўлса ётган жойида кўзларини очмай, "Э Худо, ҳозир ўлиб қоламан" дерди.

– Нега энди ўлар экансан? Бобокалонларим учун муқаддас бўлган бу жойда наҳотки ўлиш мумкин бўлса? – Навоб Оливияга кулиб қараб сўради:

– Бу ер сизга ёқдими? Шундай жойга олиб келганимдан хафа бўлмасангиз керак? Афсуски, мистер Риверс биз билан бирга кела олмади. Ишончим комилки, у иш билан банд. – Навоб тили билан лабини ялади-да, яна Оливияга қаради ва "Мистер Риверс ҳақиқий инглиз" деди.

– Қаранг-а. У сизга маъқулми? – сўради Гарри ётган ҳолда.

– Ухлайверинг, Гарри. Биз дўстона гаплашиб ўтирибмиз... Ўйлашимча, мистер Риверс хусусий мактабда ўқиган бўлса керак. Итон ёки Рагбида. Таассуфки, менга бундай жойларда ўқиш насиб қилмади. Ўғил фарзандли бўлсам, уни, албатта, ўқишга жўнатаман. Сиз қандай фикрдасиз? Менимча, яхши таълим қатъий интизом каби зарур. Гаррига бўлса, у ерда ўқиш ёқмади. Унинг айтишича... Гарри, нима эди?

– Ваҳшийлик, – маънодор қилиб деди Гарри.

– Бўлмаган гап. Сизга ўхшаган ҳеч нарсага қодир эмаслар учун ваҳшийлик. Келинг, бу бечорага бироз ёрдам берайлик, нима дедингиз, мистер Риверс? – деди Навоб Оливияга қараб кулишда давом этаркан. Унинг ишораси билан хизматкорлар келиб, биттаси Гарринг оёқларини, иккинчиси бўйнини, учинчиси товонини уқалай бошлади. Бу муолажа хизматкорларга ҳам, Гаррига ҳам маъқул келди. Навоб хизматкорларнинг ишини кузатиб турди, бу ёқда Оливия ўзи билан ўзи қолаётганини сезиб, унга ўгирилди ва уйидаги зиёфат чоғи ўзини ўта марҳаматли ва ёқимтой мақомда тутгани ёдига тушдими, дарҳол шу қиёфага кирди. Оливия ягона ҳурматли меҳмонга айланганидан хурсанд бўлди.

Навоб Оливияни ибодат қилинадиган жойни кўришга таклиф этди. Бу жой унча катта эмас, оддий оқ конструкцияли йўл-йўл гумбаздан иборат эди. Ибодат қилувчилар ойналарнинг панжараларига ниятлари ижобат бўлиши учун қизил мато бўлакларини илиб қўйишибди. Ибодатхонанинг ўртасидаги баланд жойда бир вақтлар қўйилган гулчамбар кўзга ташланади. Навоб бу жойни катта бобоси шу ерда яшаган бир художўй кишига атаб қурганини, Фирдавс бобо исмли бу одам бутун умрини ибодат билан ўтказиб, одамларга ёлғизлигидан асло шикоят қилмаганини сўзлаб берди.

Бобоси Омонуллахон бўлса қароқчилик билан шуғулланиб, ўзининг жангари тўдаси билан мамлакатни кезиб, индуслар, афғонлар, маратха ва бошқалар билан жиққамушт бўлиб юрар экан. У ҳаёти давомида кўп нарсаларга эришибди, бошига кўп кулфатлар тушибди. Бир гал у оғир ярадор ҳолда шу ерга яшириниб, омон қолибди, ёнидаги қароқчиларнинг ҳаммаси нобуд бўлибди. Фирдавс бобо уни қасос олувчилардан яширибди, аҳволидан хабардор бўлиб турибди. Йиллар ўтгач, Омонулла хон бу жойга қайтиб келса, халоскоридан ном-нишон ҳам йўқ эмиш, ўликми, тирикми – ҳеч ким билмасмиш. Кекса қароқчи ёнида қолган пулларини ишлатиб, шу ибодатхонани қурдирган экан.

– У дўстларини ҳам, душманларини ҳам унутмаган, – деди Навоб бобосини кўзда тутиб. Ким биландир ҳисоб-китоб қилиш керак бўлса, яхши маънода ҳам, ёмон маънода ҳам бу ишни пайсалга солмаган. У жуда қўпол, аммо очиқ ва ростгўй одам бўлган. Яхши жангчи бўлган ҳам. Британияликлар уни ёқтиришган. Бундай одамлар сизларга ёқади, шундай эмасми? – Навоб Оливияга сўроқ аломати билан қаради. Оливия кулиб юборди, унга жамики британияликлар номидан гапириш эриш туюлиб кетди. Навоб ҳам кулди. – Ҳа, сизларга яхши жанг қиладиган ва от минишни ўрнига қўядиганлар ёқади. Отларни бўлса жуда севасизлар. Бошқалар бўлса сизларга маъқул келмайди, шундайми?

– Бошқалар деб кимларни назарда тутаяпсиз? – сўради Оливия сирли кулимсираб.

– Ўзимни-да, – деди Навоб табассум билан. Аммо дарҳол ўзини тутиб жиддийлашди ва Оливияга қараб:

– Сиз эса бутунлай бошқачасиз, – деди. – Отларни ёктирмасангиз керак. Албатта. Марҳамат қилиб, буёққа келинг, мен сизга баъзи нарсаларни кўрсатаман.

Навоб Оливияни ибодатхонадан ташқарига олиб чиқди. Тошлар орасидаги ёриқдан сув шариллаб оқар, унинг шилдираши булбулнинг овозидай ёқимли эди. Навоб энгашиб, қўлларини сувга чайди, Оливияга ҳам шундай қилишни таклиф этди.

– Муздеклигини кўринг. Ҳамиша шундай. Одамлар саҳро ўртасидаги бу кичкина жойдан оқиб чиқаётган сувни мўъжиза дейишади. Бу булоқ қаердан пайдо бўлиб қолди экан-а? Баъзилар бу булоқ Худонинг мустаҳкам эътиқодли Фирдавс бобога марҳамати десалар, баъзилар Омонуллахонга боғлашади. Шундай бўлиши мумкинми? Ҳақиқий мўъжиза-я!

Улар ёнма-ён турардилар. Навоб Оливияга тикилиб қарар, аёл бўлса сувдаги қўлларига разм соларди. Муздек сув бирор жойга ошиқаётгандай эди.

– Бу сув, чиндан ҳам, кичик мўъжиза, – деди Оливия.

Навоб қўлларини тиззаларига уриб кулди.

– Миссис Риверс, сизда юмор туйғуси кучли экан. – У ўрнидан туриб, қўлини Оливияга узатди, аммо аёлга ёрдам зарур бўлмади.

– Биласизми, – Навоб жиддий оҳангда давом этди, – сизни биринчи марта кўрганимдаёқ ҳаётда худди шундайлигингизни билганман. Сизга бир нималарни айтайми? Бу жуда қизиқ. Ўйлашимча, мен сизга кўп нарсаларни айтишим мумкин, сиз мени тушунасиз Бошқа бир инсонга нисбатан бундай туйғуни камдан-кам ҳоллардагина ҳис этиш мумкин. Сиз билан бўлса гапларим қовушмоқда. Тўғрисини айтсам, мен мўъжиза

дейиладиган нарсаларга ишонмайман. Мутлақо. Мен кўпроқ илмий мушоҳадаларга бериламан. Аммо, баъзан мўъжизага ўхшаш нарсалар ҳам учраб туради. Сиз ҳам мўъжизаларнинг борлигига ишонмасангиз керак. Ана кўрдингизми, мен буни билгандим. Сиз... нима десам экан, ҳалиги... миссис Кроуфордга нисбатан менга кўпроқ ўхшайсиз...

Иккалалари беихтиёр кулиб юборишди. Навоб яна аёлнинг кўзларига тикилди.

– Сиз миссис Кроуфорддан бутундай бошқачасиз. – Навоб бу сўзлари Оливияга ёқмаётганини сезиб, нигоҳини бошқа ёққа бурди. Аёлнинг елкаларига тегай-тегай деган ҳолда уни бошқалар ўтирган жойга олиб келди.

Навобнинг кайфияти кўтарилди. Хурсандчилик, хушчақчақлик бошланди. Хизматкорлар дастурхонни янги-янги ноз-неъматлар билан тўлдиришди, атрофни қовурилган жўжа, бедана, креветка консервасининг ёқимли ҳиди тутди. Ёш йигитчалар бир-бирларига ҳазил-ҳузул қилиб, гоҳ урду тилида қўшиқ куйлаб, даврадагилар кайфиятини кўтаришди. Улардан бири қадимги мусиқа асбобида ҳазин куй чалди. Бу асбоб ғаройиб ўйин ўйнашганида керак бўлди.

Куй чалиниб турди, ўйинчилар ерга териб қўйилган митти ёстиқчалар атрофида айлана бошладилар. Куй бирданига тўхтади. Ҳамма ёстиқчаларга чанг солди. Тасодифми ёки бошқами, ўйин тугашига оз қолганида даврада Оливия билан Навоб қолди, холос. Улар сўнгги ёстиқча атрофида аста айлана бошладилар. Иккови ҳам ҳушёрликни йўқотмай, рақибини кузатиб турарди. Бошқалар бу ўйин қандай тугашини кутиб туришарди. Оливиянинг хаёлига Навоб унга имкон бериши мумкин деган ўй келди. Аммо у куйнинг тўхтаганини биринчи бўлиб эшитди ва шахд билан энгашиб, ёстиқчани қўлга киритди. Ютуқ Навобда кетди. Қувончдан қўлларини баланд кўтариб кулди. У чиндан ҳам омадли эди.

* * *

8 март. Оливия шу кундан бошлаб Марсияга мактублар ёза бошлади. У бунгача ҳам аҳён-аҳёнда ёзган, аммо бу қадар муфассал эмасди улар. Мўъжиза булоқ ёнидаги зиёфатдан кейин Оливия туйғуларини бошқа бир одамга ошкор қилгани боисми, ҳаловатини йўқотгандай эди.

Оливия Навоб билан бўлган зиёфат тўғрисида Дугласга ҳеч нима демади. Уйга келиши билан айтмоқчи эди, аммо ўша куни бозорда кимнидир сўйиб кетишган экан, Дуглас кеч қайтди. Оливия бозорда нима бўлганини билиш учун уни саволга кўмиб ташлади. Дуглас ишхонасидаги воқеалар тўғрисида гапириб беришни ёқтирадиганлар хилидан эмасми, ҳаммасини батафсил айтиб берди.

Оливияга бунақа тафсилотларнинг қизиғи йўқ бўлса-да, ўша куни эрини эътибор билан тинглади. Шу билан вақт ўтди, бир нарса дейишга улгурмади. Эрталаб Дуглас ишга отланаётганида эса ўрнидан турмаган эди. Ўша куни Оливия эри билан гаплашиш ўрнига Марсияга ўзининг биринчи жуда узун мактубини ёзди. Қизиқ, Оливиянинг мактуби Марсияга қандай таъсир қилди экан? Ўша кезлари у Францияда бир ўзи ёлғиз яшар (француз йигитга турмушга чиқиб, кейинчалик у билан ажрашган эди), меҳмонхонадан меҳмонхонага ўтиб, қандайдир бетайин кишилар билан

вақтини ўтказарди. Оливиянинг Ҳиндистондаги ёввойиларга ўхшаш ҳаёти тўғрисида ўқиб, сочлари тикка бўлгани аниқ.

Мен столим устига Оливиянинг мактубларини қўйиб, уларни ўргана бошлайман. Ушбу кундалик устида эрталабгача ишлайман. Менинг Сатипурдаги кунларим қатъий кун тартибига асосланади. Иш куним эрта бошланади, чунки шаҳар эрта уйғонади. Дастлаб ибодатхоналардаги қўнғироқларнинг овози эшитилади (мен уларни ўрнимдан турмай эшитаман), кейин уйимиз ёнидаги чойхонада олов ёқиб чой қайнатишади. Эрталаб ҳаво тоза, осмон тиниқ ва бегубор бўлади. Ҳамма нарса қўнғироқларнинг овозидай тартибли. Бозорга бориб, озроқ сузма, мевачева сотиб оламан, уларни жой-жойига қўйгач, оёқларимни букиб, полга ўтираман ва қоғозларимни кўлимга оламан.

Баъзи кунлари кечга яқин бир вақтлар Оливия нонушта қилган бир хонали почтага бораман. Идораларда иш тамом бўлаётган бўлса, Кроуфордларнинг уйига бориб, Индер Лал бўшашини кутиб тураман. Кроуфордлар ва Оливия яшайдиган уйлар бир вақтлар ички кўринишидан бир-бирига ўхшамаган бўлиши мумкин, энди бўлса уларни эски уй жиҳозлари бир-бирига яқинлаштириб туради, деворларида бўлса қизил сақич излари кўзга ташланади. Боғлари ҳам бир хил. Боғ эмас, хизматкорлар яккамдуккам дарахтлар соясида дам оладиган майдонча. Савдогарларга ёнғоқ ва ширин нўхот сотишга рухсат беришган. Бир-бирига қапишиб кетган велосипедлар кўзга ташланади.

Индер Лал менинг кутиб турганимни кўриб, бироз ўнғайсизланди. Балки у икковимизни бирга кўришларини хоҳламаётгандир. Биз чиндан ҳам бир-биримизга мос эмасдик: менинг бўйим баланд, катта-катта қадам ташлайман, менга етиб юриш учун қийналиши хаёлимга ҳам келмайди. Кейин-кейин бунга у ўрганиб кетди, эндиликда кўпчиликнинг кўз ўнгида инглиз аёл билан бирга юриш ёқимли машғулотга айланган бўлса ҳам ажаб эмас. Назаримда ёнига келишимдан хурсанд ҳам.

Аввалари бирга юрганимизда у мен билан суҳбатлашиб, инглиз тили бўйича машқ ҳам қилиб оларди (бундай имкониятни яна қаердан топиши мумкин), энди бўлса ўзаро суҳбатларимиз ҳам фойдали бўлиб қолди. Мен учун ҳам. У жуда самимий суҳбатдош, кундалик нарсалардан ташқари дилида борини ҳам баён қилади. У менга чин дилдан эркин гаплашиш мумкин бўлган яна бир киши борлиги тўғрисида айтди. Бу – унинг онаси. Аммо аёл киши билан эркин мулоқот қила олмайсан.

Бир куни ундан:

– Рафиқангиз яхши юрибдиларми? – деб сўрадим. У кутилмаган жавоб қилди:

– Хотиним ақлли аёл эмас. Маълумоти ҳамин қадар (Онаси ўқиган қизга уйланишини хоҳламаган, бундайлардан бошингга кўп балолар келади, деб ўйлаган). Ритуни танлашгани сабаби, у ўзларига мос оқ танли оиланинг қизи. Онаси Риту тўғрисида яхши гаплар айтарди, эри бўлса ҳануз бир тўхтамга келмаган: Риту баъзида яхши таассурот қолдиради, баъзида эса тамомила акси. Ёшлигида чиройли бўлган кўринади. Энди эса ориқлаб кетган, юзи Индер Лалнинг юзидай ғамгин, кўрган кишини ташвишга солади.

Эрининг айтишича, Риту турмушларининг дастлабки йилларида уйини соғиниб, тинимсиз йиғлар экан.

– Йиғлайверганидан соғлиғи ёмонлашди, ҳомиладорлигида аҳволи янада танг бўлди, – деди у кунларнинг бирида. – Онам иккимиз унга келин деган бундай ҳолатда яхши овқатланиши, кайфиятини кўтариб юриши лозимлигини кўп бор уқдирдик, аммо у бизни тушунмади. Натижа шу бўлдики, бола нимжон туғилди. Бунга у айбдор, ақлли она нима қилиш кераклигини дарҳол тушунар эди.

Индер Лалнинг юзи буришиб кетди. Бу пайтда биз кўлга яқинлашиб қолган эдик. Оливия ёнимизда бўлганида, шу ерда тўхтаган бўларди, чунки шаҳарнинг ҳиндлар яшайдиган (ҳозир мен ҳам яшайдиган) қисми бошланиб, тор йўлаклар, бозор шовқин-сурони оромингизни бузарди.

Индер Лал хотини ҳақида гап бошлаб қолди:

– Мен у билан сиз билан гаплашгандай гаплаша олмайман. Бунинг иложи йўқ. У кўп нарсани тушунмайди. Соғлиғи ҳали ҳам яхши эмас.

Кўлда болалар қий-чув қилиб чўмилишар, бир-бирларига сув сачратишарди. Сувга калла ташлаётганларида тўлқин ва оқ кўпик пайдо бўлганини кўриб турардик. Индер Лал уларга ҳавас билан, балки ёшлигини эслаб, бориб қўшилгиси келгандай турарди. Бир вақтлар ўзи ҳам ёз ойларида мириқиб чўмилгани ёдида.

Бир вақтлар деганим жуда узоқ тарих эмас, Индер Лал мендан ёш, энди йигирма беш-йигирма олтига чиққан йигит. Тикилиб қаралса, юзи ўспиринларникидай тиниқ, фақат бир нималарни ўйлаб, доимо афтини жиддийлаштириб юриши ёшини сал каттароқ қилиб кўрсатади. Биз биринчи марта учрашганимизда, у менда майда-чуйда ташвишларга кўмилган оддий ҳинд мулозимидай таассурот қолдирган эди. Кейинроқ адашганимни билдим, илк таассуротим нотўғри бўлган, у четдан қараганда шундай кўринади, аслида ҳаётга интилувчан, амалга ошиши қийин бўлган режаларни мақсад қилган йигит. Буни унинг соғинч тўла кўзларидан ҳам билса бўлади.

10 март. Маҳаллий тилда одамлар билан бемалол сўзлашадиган бўлиб қолдим. Бу – жуда катта имконият. Таассуфки, Индер Лалнинг рафиқаси Риту билан гаплаша олмаяпман. У тортинчоқ аёл, ҳинд тилида гаплаша олишим ҳам мулоқот қилишимизга ёрдам бераётгани йўқ. Аслида ўзим тортинчоқман, иккаламиз ўртамиздаги пардани олиб ташлашимиз керак. Бунинг учун, ёшим бироз катта, унга нисбатан кучли аёл бўлганим боис, биринчи қадамни мен қўйишим зарур.

Ритуда нимжон-нозиклик, бўйсинувчанлик бор. Жуда ҳам озғин, билакузуклари қўлида уёқдан-буёққа бориб келаверади. Жисмоний жиҳатдангина эмас, руҳан ҳам заиф. Иродаси бўш, бундайлар доимо ютқазиб юришади. Баъзан у бу ҳолатидан чиқиш мақсадида бизникига келади, ҳинд тилида у билан суҳбатлашишга, билганларимни тўкиб солишга ҳаракат қиламан, у бўлса тезда кетиб қолади. Ундан хабар олгани борганимда ҳам шундай бўлади: мени кўриб, жуда тоза бўлмаса ҳам (фаррош қизлар вазифаларини яхши бажаришмайди) ҳожатхонага яширинади, кетмагунимча ўша ерда ўтираверади.

Кечаси-ю кундузи жазирама. Уй ичида ухлаб бўлмайди, кўплар кўрпа-тўшакларини қўлтиқлаб ташқарига чиқишади. Шаҳар улкан ётоқхонага айланади. Каравотлар ҳовлида, киоскаларнинг ёнида, томда – қаерда

жой бўлса, шу ерда туради. Мен бўлсам тортинчоқлик қилиб, уй ичида қоламан, хамманинг олдида ухлай олмайман.

Йўқ, бўлмади, чидаш қийин, мен ҳам ташқарига чиқаман, Индер Лалнинг оиласи жойлашган ерга ўрнашаман. Пастдаги магазин сотувчисининг оиласи, хизматкор бола, бир неча нотаниш кишилар ҳам шу ерда ухлашмоқда. Ҳаммамиз катта тўдага айланамиз. Тунги кўйлагимни киймайман, ҳинд аёллари каби сарига ўралиб ётаман.

Тун ҳайрон қоларли даражада сукунатли. Ҳиндлар ухлашни ўрнига қўйишади. Катталарга ҳам, болаларга ҳам уйқу чақириш керак эмас. Чарчашдими, бас, ечинмай, кўрпагами, куруқ ергами таппа ташлашади-да, эрталабгача қимирламай ухлашади. Кимнингдир уйқусираб йиғлаётгани, ит ёки шоқолларнинг ойга қараб улишлари эшитилади, холос.

Соатлаб ухламай ётаман, бахтиёрлигимдан бўлса керак. Ҳеч қачон одамларга бундай яқин бўлмаган эдим. Осмонга қараб ётасан, ҳадсиз-ҳудудсиз бўшлиққа сингиб кетаётгандай бўласан. Йўқ, бўшлиқ деб бўлмайди – атрофингда қанчадан-қанча одам, бутун шаҳар. Сен уларнинг бир қисмисан. Лондондаги бир хонали, деворга қараб ётиладиган, китоб ўқишдан бошқа юмуши йўқ уй эмас бу жой.

Яқинда бир воқеа юз берди: кечаси, одатдагидек, ухламай ётган эдим, қулоғимга аллақандай овоз эшитилди. Одамнинг овозига ўхшамайди, баданингга тиғдек санчилади. Бирор жонзотнинг увиллашига ўхшайди. Шундай деб, ўрнимда ётавердим, аммо у одамнинг овози экан.

Кўрпага ўтиришим билан кўзим тушди: Индер Лалнинг онаси Ритунинг ёнига келиб, қўли билан унинг оғзини ёпаётган экан. Риту қаршилик қилар, аммо онага кучи етмасди. Ҳеч ким ўрнидан қўзғалиб ҳам қўйгани йўқ. Она уни қўли билан аранг ушлаб турибди. Ритуни уйга олиб боришига ёрдам бердим. Ичкарига кириб, чироқни ёққанимизда унинг кўзларини кўрдим: қўрқувдан янада каттариб кетибди. Индер Лалнинг онаси ҳали ҳам кафти билан оғзини ёпиб турарди. Риту бироз тинчигач, аёл уни ўз ҳолига қўйди. Риту онанинг қўлидан сирғалиб чиқди-да, ўзини ерга ташлади. Узала тушиб ётди, кейин юзини букилган тиззаларига қўйди. У тинчиган эди, фақат ушоққина гавдаси жон бераётган қушларнинг танасидай титраб-титраб кўярди.

Индер Лалнинг онаси гуруч сақланадиган токчага бориб, бир сиқим гуруч олди-да, Ритунинг боши узра сочди. Гуруч доналари унинг сочлари орасига тушди, ерга тўкилди, аммо Риту қимирламади ҳам. Она кафтини қисиб, мушт ҳолига келтирди-да, Ритунинг боши узра айлантириб, қандайдир афсунни ўқий бошлади. Орадан бироз ўтгач, Риту гўёки ҳеч нима бўлмагандай, юзида кўз ёшлари қотиб қолган ҳолда ўрнидан турди. Учовлон ташқарига чиқдик ва у ерда ухлаётганларнинг ёнидан жой олдик. Ҳеч ким қимирлаб ҳам қўйгани йўқ.

Эртасига эрталаб на Индер Лалнинг онаси ва на Ритунинг ўзи кечаси бўлиб ўтган воқеа хусусида бир оғиз гапиришмади. Ритунинг сочлари орасидаги гуруч доналарини демаса, чиндан ҳам, ҳеч нима бўлмагандай эди.

* * *

20 март. Ўша тундан кейин Индер Лалнинг онаси билан бир-биримизга анча яқин бўлиб қолдик. Шундан бери у мен билан бозорга боради, сотувчиларга сабзавотларнинг янгисини бер, деб дўқ ҳам қилади. Нархини оширишларига йўл қўймайди. Мен унинг ҳинд тилида айтаётган сўзларини яхшироқ тушуна бошладим, у ҳам мени, гарчи ҳиндча гапиришимдан унинг кулгиси қистаса ҳам, тушуна бошлади.

Суҳбатимизни у бошлайди, менга эса унинг ўзи ҳақида гапиришлари кўпроқ ёқади. У бева бўлиб қолган, аммо, назаримда, ҳаётидаги энг яхши дамлар бошланаётган эди. Эри тириклиги пайтидаги ҳаёти ҳақида гапиришни хуш кўрмайди. Унинг сўзларига қараганда, турмуш қурганингдан кейинги йиллар жуда оғир кечади: ота уйини соғиниш, янги тартиб-қоидаларга, қайнонанинг хоҳиш-истакларига ўрганиш осон эмас. Марҳум эрини деярли ёдга олмайди, афтидан, у бунга арзимаса керак. Ўғли билан бўлса муносабатлари яхши. Келини Риту эмас, ўзи у тўғрида ғамхўрлик қилади, овқатини беради, эрталаб кийимларини узатади. У Индер Лалнинг идорада ишлашидан жуда фахрланади, ишламай, бирор дўконда отаси (баққол) каби ўтирса нима бўларди. Бу – ўзи учун ҳам, ўғлининг келажаги учун ҳам яхши. Ўғли билан шаҳар оралаганида ҳеч нарсадан ғам емайди, ўғилмисан ўғил.

Беванинг ёши элликларга бориб қолган бўлса-да, ҳамон соғлом, тетик, аёлларга хос назокатини йўқотмаган. У Ритуга ўхшаб, кун бўйи уйида ўтирмайди, ўзига ўхшаган бева, аммо ҳаракатчан дугоналари билан у ер-бу ерга бориб туради. Улар шаҳар кўчаларида ўзларини эркин тутишади, сарилари бошларидан, баъзида кўкракларидан тушиб кетса ҳам, парво қилишмайди. Ғийбатни боплашади, бир-бирларига ҳазил-ҳузул қилишади, мактаб ўқувчиларидай қиқирлаб кулишади. Чодрага ўралиб, ортларидан худди маҳкумалардай бошларини қуйи солиб келаётган келинларига эътибор ҳам қилишмайди.

Бир-биримиз билан яқинлашиб олганимиздан кейин, Индер Лалнинг онаси мени гоҳ-гоҳ бирга сайр қилишга таклиф этиб турадиган бўлди. У мени ҳамма дўстларига, давраларининг бош аъзоси бўлган бева аёлга ҳам таништириб бўлди. Бу аёл ўзларидан бир-икки ёш катта бўлса ҳам, ҳурмат юзасидан унга Мажи (Онажон) дея мурожаат қилишарди. Унда менга маълум бўлмаган, аммо ҳаммалари эътироф этадиган қандайдир хусусият, балким шунчаки қатъият ёки шижоатдир бор деган гап-сўзлар юрарди. Бу ерлик аёлларнинг кўпини шундай дейиш мумкин.

Мажи бир ўзи, дарахт остидаги чоққина кулбада яшарди. Аммо... бу кулба болалар мириқиб чўмиладиган кўл билан қиролларнинг қадимги ётоқхоналари ўртасида жойлашган эди. Мени биринчи марта бу аёлнинг олдига олиб келишганида, кулбанинг ичига кириб, ҳаммамиз ерга ўтириб олганимиз ёдимда. Бева аёллар билан бирга бўлиш менга ёқарди, улар шунақа қувноқ, ҳаётсевар аёллар эдики, суҳбатларига қўшила олмасамда, гапларини тинглаб, гоҳ-гоҳ кулиб, бошимни қимирлатиб қўярдим. Суҳбат охирида ҳаммалари Мажига эргашиб қўшиқ куйлашарди. Баъзида мен ҳам қўшилиб кетардим, бу уларга жуда ёқарди.

Шундан кейин онам мени эҳромларга олиб борди. Биз бозорнинг нариги томонига ўтдик, кичик йўлакча орқали ташқарига чиқиб, чанг

йўлдан юриб, йўл ёқасидаги бассейн деса ҳам бўладиган, кўпроқ кўлга ўхшаб кетадиган жойга келдик. Онам менга дарахтлар остидаги бир неча ибодатхоналарни кўрсатди. Бу қурилмалар кичик дўнчаларни эслатсада, айримларининг томи гумбаз шаклида ёпилган эди. Тошларга жўн расмлар ўйиб ишланган: вафодор аёл эрининг мурдасига қўшиб, ўзини ҳам ёқмоқда. Буни кўриб, аъзои баданим жимирлаб кетди, онам бўлса эътиқод билан тошга қўлларини қўйди. Ибодатхоналардан бирини ўзи билан олиб келган гулчамбар билан безади. Айтишича, маълум кунлари у бу ерга дугонаси билан келиб, эри учун ўзини қурбон қилган бу вафодор аёл руҳига гул, сут, ширинликлар олиб келар экан. Онамнинг сўзларида бу қадимий одатга ҳурмат-эҳтиромни сезиш қийин эмасди. "Энди бўлса бундай қилишнинг иложи йўқ", деди у афсуслангандай бўлиб (Бу одат мамлакатда 1829 йили расман таъқиқланган экан-да).

Шундан кейин биз бошқа бир ибодатхонага – Оливия шу ердалигида содир этилган сўнгги ўз-ўзини ёқиб юбориш одати бажарилган жойга бордик. Бундан мен хабардор эдим. Ибодатхона 1923 йили қурилган бўлса-да, бошқалари каби афтодаҳол кўринишда эди.

1923

Бу воқеа мистер Кроуфорд вилоятдан ташқарида, ҳамма ишлар Дугласга қолганида юз берди. Ғалла сотадиган савдогар оламдан ўтиб, унинг қариндошлари хотинини дафн оловида марҳум эрига қўшилиб ёнишга мажбур этишди. Бундан хабар топган Дуглас дарҳол воқеа юз бериши мумкин бўлган жойга етиб келди, аммо улгурмади. Қўлидан келгани – бош айбдорлар: марҳум савдогарнинг ўғиллари, куёвлари ва руҳонийни қамоққа олди. Вазиятни тезлик билан қўлга олгани учун уни мақтай кетишди. Ҳатто Навоб ҳам келиб, Дугласни табриклади, аммо у табрикни совуққонлик билан қарши олди. Навоб бунга аҳамият бермади, аҳамият берган бўлса ҳам, деярли парво қилгани йўқ.

Оливия Навобнинг уйига меҳмон бўлиб келгани, ундан кейинги (ҳар икки кунда хизматкорлари билан) келаётгани тўғрисида гапирмади. Буни у эридан яширмоқчи эмасди, айтиб бермоқчи эди, аммо Дуглас уйга жуда кеч қайтар, фикри-зикри иш билан боғлиқ ташвишларда бўлиб, Оливия оғиз очишга ҳам фурсат топмасди. Бир куни Навоб Оливиянинг олдида Дуглас ишдан келгунича қолиб кетди. Эҳтимол атайлаб шундай қилгандир, чунки ўша куни Навоб хизматкорларини қолдириб, бир ўзи келганди.

Оливия ноқулай вазият юзага келади, деб ўйлаганди. Аммо бундай бўлмади: Дуглас кўриниши билан Навоб ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди, расмий тусда қўл узатиб, соф инглиз тилида уни муборакбод этди. Ўзини шундай тутдики, гўё уйнинг эгаси – у, Дуглас эса ўзини эркин тутиши зарур бўлган меҳмондек эди.

Навоб Дугласни юзага келган мураккаб муаммони ғоят тез ҳал қилгани билан табриклаш учун атай келганини айтди. Дуглас одатига кўра, бепарво жавоб қайтарди, жиноятнинг олдини ололмагани, мана энди Навобнинг ташрифига ҳам кеч келганидан афсусда эканини билдирганида, Навоб совуққонлик билан елкаларини қисди.

– Нима ҳам қила олардик, мистер Риверс, бу одамларни ҳеч нимага ўргатиб бўлмайди, – деди Навоб. – Биз нималар қилмайлик, улар

жоҳил анъаналаридан воз кечишмайди. Сизни бўлса ҳаммалари мақтаб юришибди. Кўрган чора-тадбирларингизни якдиллик билан қўллаб-қувватлашмоқда.

– Сизнинг ҳамма гапдан хабарингиз йўқ, – жавоб қайтарди Дуглас, – фикрлар бир хил эмас. Назаримда, баъзи бировларнинг фикрича, мен қамоққа олган қариндошлар жабрдийда эмиш. Бугун қамоқхонада бироз тартибсизлик юзага келди. – У нигоҳини бир зум Оливияга қаратди. – Ташвиш қилишга ҳожат йўқ. Биз тезлик билан тартиб ўрнатдик.

– Албатта, ташвиш қилишга ҳожат йўқ, миссис Риверс! – гапга қўшилди Навоб Оливияга қисқа нигоҳ ташлаб, – ҳаммасини жой-жойига қўйишади. Шундай бўлиши керак. У ердагиларнинг қўлларидан келмасди бу иш. Ҳаммалари қатъий чоралар кўрганингиз учун сизга раҳмат дейишлари зарур, мистер Риверс. – У шундай дея Дугласга рақобатчисидай қаради, аммо Дуглас ўзига бутунлай бошқача маънода тикилиб турганини сезмади.

Мистер Кроуфорд сафардан қайтиши билан кечки зиёфат уюштирилди, ўша машъум воқеа мунозара мавзуси бўлди. Ҳамма яна бир бор Дугласни мақташди. У бундан бироз ўнғайсизланса-да (оғзида бир бўлак қовурилган нонни чайнаётган эди), юқори мартабали раҳбариятни ҳурмат қилгани учун, уларнинг ўзи тўғрисидаги фикридан мамнун эди. Маросимда Дуглас ва Оливиядан ташқари, Миннизлар оиласи ва доктор Сондерс ҳам бор эди (миссис Сондерс бетоблиги учун қатнаша олмади).

Ҳаммаси таниш одамлар, округда бошқа инглиз офицерлари йўқ эди. Овқат ҳам ўша-ўша: Кроуфордлар уйларида тановул қилишга ўрганган тиниқ сувли таомлар. Ҳинд ошпаз бугун уларни янада серсув қилиб тайёрлабди. Бошларига салла, эгниларига кенг чалвор кийиб олган хизматкорлар уларни дастурхонга миссис Кроуфордга катта бувисидан қолган кумуш суви юритилган идишларда ўзига хос ҳашамат билан тортишарди. Айтишларича, бувиси уларни Калкуттада, қандайдир банкирнинг сингани сабаб ўтказилган аукциондан сотиб олган экан).

Нохуш воқеа хусусида батафсил фикрлашиб олишгач, меҳмонлар аввалларги, анча узоқ вақтларда бўлиб ўтган худди шундай воқеаларни эслай кетишди. Хотиралар уммони шу қадар кенг, унда баъзилари шахсан гувоҳ бўлган ёки ишончли оғизлардан эшитган янада аянчли мисоллар кўп бўлиб, тинглашнинг ўзи азоб эди. Даврада ўтирганлардан фақат Оливия ва доктор Сондерсгина бундай мудҳиш азобларни кўришмаган, шу боис, бир-биридан оғир хотираларни титраб-қақшаб эшитишарди.

Доктор таом тановул қилиш билан банд, аммо ҳар замон-ҳар замонда изтиробли "оҳ, уҳ" деган овоз чиқарарди. Бошқалар бўлса ўзларининг ўта азобли, ҳеч қандай маънавий мазмунга эга бўлмаган хотираларини бемалол, баъзи ўринларда ҳатто бироз кулимсираб айтишар, бошқаларни ҳам худди шундай эшитишарди. Оливия бу ҳикоялардан англашиладиган бир ҳақиқатни аллақачон билиб олган: ҳиндлар Ҳиндистонни, бу ерда нечоғли нохуш, ақл бовар қилмайдиган машъум воқеалар содир бўлмасин, барибир севишади.

– Шуни ҳам эътиборда тутайликки, – дея гап бошлади майор Минниз, – бу ерда баъзи ҳолларда хотинлар эрларига қўшиб ёқишларини ўзлари хоҳлашади.

– Бунга мутлако ишонмайман, – эътироз билдирди доктор Сондерс.

– Ўзларича оловга интилган бўлишмаса керак, – мистер Кроуфорд шундай деб Дугласга кўзини қисиб қўйди.

– Ҳа, тўғри, – деди Дуглас хотиржам бўлишга ҳаракат қилиб. Оливия эрига ҳайратомуз боқиб деди:

– Сен қаердан биласан?

Бу шунчаки савол эмас, очиқ танбеҳ эди. Дуглас беваларни оловда ёқишлари тўғрисида Оливияга ҳеч қачон айтиб бермаганди, чунки уни бу удумнинг ваҳшиёна талабларидан хабардор қилишни истамасди. Оловда ёнаётган тирик аёлларнинг дод-фарёдлари қулоқларига шу қадар ўрнашиб қолганки, умрининг охиригача улардан қутула олмаса керак.

Оливия баҳсдан четда қолишни хоҳламади.

– Бу удум улар динининг қатъий талаби, шундай эмасми? Фикримча, бу ишга аралашишимиз керак эмас. – У шундай дея Дугласга эмас, олдидаги шўрвага қаради ва фикрини давом эттирди:

– Борди-ю диний эътиқодларини ҳурмат қилмасак яхши бўлмас. Уларнинг ички маданияти бу. Биз ким бўлибмизки, бурнимизни ўзга бир халқнинг маданиятига тиқамиз. Қадимий маданиятга-я!

– Ҳа-ҳа, қадимий маданиятга! – хитоб қилди доктор Сондерс Оливияга юзланиб. – Сиз тутуруксиз Хоршам билан жуда тўғри баҳслашгансиз.

Оливия ҳозир айтган сўзлари бу ердагиларга ўтган йили округни айланиб, бир нималар деб валдираб, ҳаммани ўзига қарши қилиб қўйган парламент аъзосини эслатади, деб сира ўйламаган эди.

Сондерс ва Дуглас Оливиянинг фикрига қўшилишмади. Бошқалар бўлса унинг ёнини олишди, фикрларини жиддий қабул қилишди. Улар диний удумларнинг муқаддаслигини эътироф этган ҳолда, агар аёл мархум эри билан бирга оловда ёнишни ихтиёр этса, уни тушуниш мумкин деган хулосага келишди. Аммо баҳс якунида ўзини ўзи оловда ёқиш ўзини ўзи ўлдириш эканлигини тан олишди.

– Сизларни тушунаман, – деди Оливия чуқур хўрсиниқ билан. Унда беваларнинг оловда ёқилишини қўллаб-қувватловчиларга қарши бирор нарса айтишга тоқати қолмаганди. Чунки улар хотиржам фикр юритиб, баъзан кулиб, кулимсираб, ўзларининг ҳақликларини намойиш қилмоқда эдилар. Оливия баҳсни давом эттирмоқчи бўлди.

– Ўзини оловда ёқиш назарий жиҳатдан садоқат намойиши, дейлик, – ялингансимон оҳангда деди Оливия Дугласга қарамасликка ҳаракат қилиб. У эри юпқа лабларини қимтиб, совуққон ҳолда ўзига қараб тургани билиб турарди. Шундай бўлса-да, фикридан қайтмай деди:

– Мен бу ёруғ оламни ўзлари севган кишилари билан бирга тарк этишни ихтиёр қилган, маҳрамсиз яшаш мумкин эмас, бундай турмушнинг маъноси йўқ, деб ҳисоблайдиган аёллар тўғрисида гапирдим.

– Бундай қилиш ушбу мамлакатдаги бошқа кўп нарсалар каби жоҳиллик, ёввойилик, – эътироз билдирди доктор Сондерс. – Мен касалхоналарда аёлларнинг олдида мутлақо айтиб бўлмайдиган нарсаларни кўрганман. Хотинларнинг ғажиб ташлангандан баттар баданларига кўзим тушган. Майли, динни ҳурмат қилишимиз керак. Аммо, агар бу жоҳилликлар дин билан боғлиқ бўлса, жин урсин дейишдан бошқа чорам йўқ, худосиз бўлишга ҳам розиман.

У бу сўзларни баланд овозда айтар экан, соқолини қизғиш рангга бўяб олган бош хизматкор отахон қўрқувдан қалтираб кетди.

Майор Миннис олийжаноблик қилибми, Оливиянинг ёнини олди ва маълум маънода унинг фикрига мос келадиган бир воқеани сўзлаб берди. Бу воқеа бундан роса юз йил аввал, Жабалпурда полковник Слиман округ бошлиғи бўлиб ишлаётган кезлари бўлиб ўтган экан. Ўшанда у кўп уринса ҳам жиноятнинг олдини ололмай, эри билан бирга бу дунёни тарк этишга аҳд қилган аёлнинг қатъияти олдида таслим бўлишдан бошқа чора топа олмаган экан.

– Буни чиндан ҳам ўзини ўлдириш деса бўлади, – деди Минниз Оливияга қараб. – Марҳумнинг ўғиллари, бошқа қариндошлар бева аёлни бу ниятидан қайтаришга кўп уринишган, аммо фойдаси бўлмаган. Аёл тўрт кун дарё қирғоғидаги тошда ўтирибди, эрим билан ёнишга рухсат бермасанглар очлик эълон қиламан, барибир ўламан, дебди. Оҳир-оқибат Слиман бу "жанг"да ютқизибди. У бу вафодор аёл ҳақида ҳурмат билан гапирган экан. Унинг айтишича, аёл диний фанатизмга берилган ҳам эмас, хатти-ҳаракатларида сохталик аломатлари йўқ, тош устига ўтириб, тўрт кунгача рухсат беришларини кутибди, қарори қатъий экан.

– Аёлнинг бу қарорида ўзига хос садоқат, олийҳимматлиликни ҳам кўриш мумкин эди, – деб якунлади ҳикоясини майор Минниз. Унинг сўзларида заррача бўлсин жабрдийда бева устидан кулиш аломатлари йўқ эди.

– Ҳа, чиндан ҳам олийҳимматлилик, – деди Бэт Кроуфорд. – Уй соҳибаси суҳбат мавзусини ўзгартириш лозимлигини англаган эди. – Мен сени жонимдан ҳам ортиқ севаман, аммо бу ишни ҳеч қачон қила олмасдим, – деди у эрига қараб.

– Мен эса қила олардим, – деди хитоб билан Оливия. – У бу сўзларни ғоят самимий, дил тубидан чиқариб айтдики, ҳамма, жумладан, Дуглас ҳам унга қараганча жим туриб қолишди. Бу гал Оливия эрининг кўзларига, гарчи унинг ўзига нисбатан жаҳли чиқаётганини сезиб турса ҳам, тик қарай олди. – Мен ҳам шундай қилган бўлардим. Яъни, ёлғиз яшашни хоҳламасдим. Мен бундай удум борлиги учун миннатдор бўлардим.

Уларнинг кўзлари ўзаро тўқнаш келди. Оливия эрининг қатъий нигоҳи аста эриб бораётганини сезди. Шундай ҳолат унинг ўзида ҳам юз бераётган эди. Туйғулари шу қадар кучли эдики, эрининг кўзларига бошқа қарай олмади. Стол устига энгашиб, ортиқча даражада қовурилган балиқ бўлагидан сўнг дастурхонга тортилган товуқ гўштини (бу ҳам қаттиқ эди) пичоқ билан майдалай бошлади. Хаёлидан ўтган фикр шу бўлдики, агар Дуглас иккови ҳамфикр бўлсалар, бундан-да оғир вазиятлардан енгил чиқиб кетиш мумкин, ҳар қандай муаммони тинчгина ҳал қилса бўларди.

* * *

30 март. Бугун почтага киришим, кейин Индер Лал билан уйга бирга қайтишимиз керак эди. Кўл ва Мажининг кулбаси ўртасидаги қироллар дафн этилган жойга яқинлашганимизда, у ердан кимнингдир қийноқ азобими ё бошқами, "оҳ-воҳ" эшитила бошлади. Индер Лал тезроқ уйга қайтайлик деди. Аммо навбатдаги қабр олдидан ўтаётганимизда (бу ерда бир неча шундай жойлар бўлиб, айтишларича, уларга ўн тўртинчи асрда яшаган бир оила аъзолари кўмилган экан), овозлар орқамиздан эшитилиб турарди. Одамнинг овози эканлиги аниқ эди.

Ҳамроҳимнинг қаршилигига қарамай, нима гаплигини билиш учун орқамга қайтдим. Пиллапоядан пастга тушишга тўғри келди. Бундай жойларнинг, одатда, девори йўқ – чор-атроф арка ва панжаралар билан ўраб қўйилган, ичкари қоронғи эди. Дастлаб қабристон ўртасида бир неча тоштобутлар кўзга ташланди. Номаълум овоз яна такрорлангач, уларнинг бир бурчагида қандайдир гавдани кўргандай бўлдим. Тикилиб қарасам, тўқсариқ кийимли одам. Мен аста унинг ёнига келдим. Юқоридан Индер Лалнинг эҳтиёт бўл, деган овози келди. Мен энгашиб, бурчакда қунишиб ўтирган одамни яқинроқдан кўрмоқчи бўлдим. У оқ танли зиёратчи эди. Исми Чид, бир вақтлар мен у билан саёҳатчилар дам оладиган уйда танишган эдим.

Чиднинг олдида тиланчилик қилишда керак бўладиган нарсалар ёйилиб ётарди, газета устида бир-иккита қотиб қолган нон бўлаклари турибди. Чид бу ерга қачон келиб қолганини эслай олмади. Чиднинг ҳамроҳлари саёҳатни давом эттириш учун йўлга тушганларидан кейин, уни дам олиш уйидан чиқариб юборишибди. Ҳамроҳларининг орқасидан бормоқчи бўлибди, аммо касалланиб, зўрға Сатипурга етиб келибди. Ҳалигача касал экан. Бу ерда бир ўзи яшар, ҳеч ким уни безовта қилмас экан. Бир куни дайди итлардан бири унга яқинлашиб, бир-икки ҳидлабди-да, орқасига қайтиб кетибди.

Индер Лал юқорида эҳтиёт бўлиб турганча, мени тинимсиз огоҳлантирарди. "Қўрқманг, мен уни биламан", дейман жойимда туриб.

Чиднинг лаблари иситмадан ёрилиб кетган эди. У тинимсиз ўнтар, сув ичгиси келарди. Ўтган-кетганлар эшитсин, дея қорнига ҳинд тиланчилари каби қаттиқ ура бошлади. Индер Лал аста пастга тушиб, унинг ёнига келди. Чадни кўргач, кийимига эътибор бериб, сўради:

– Нега у бундай кийиниб олган?

– У садху, шунинг учун тўқсариқ кийимда, – дедим. – Индуизмда роҳат-фароғатдан, бойлик орттиришдан воз кечган кишиларни шундай деб аташади, улар ҳамиша бир хил кийим кийишади.

– Оқ танли бу одам қандай қилиб садху бўлиб қолди? – ҳайрон бўлиб сўради Индер Лал.

– Чид ҳиндларнинг динини ўрганмоқчи, – дедим унга жавобан.

Бино ичида ҳаво шу қадар оғир эдики, Чид ташқарига чиқмай, шу ернинг ўзида... ҳожат чиқарган бўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Уни шу ҳолда ташлаб кетиш оғир, аммо қаерга олиб бориш мумкин?

– Хўш, у нимани ўрганибди? – сўради Индер Лал қизиқиш билан. – Сиз ўрганган нарсаларними? Сиз ҳиндларнинг санскритда ёзилган эски қўлёзмаларини, брахманликни биласизми?

Чид бу саволларни эшитмади. Аммо у менга умидворлик кўзлари билан тикилиб турарди.

– Сиз шу яқин орада турсангиз керак, яқин бўлса, етиб боришим мумкин, – деди у.

Мен бир қарорга келмай туриб, Индер Лал Чидни олиб кетишимиз кераклигини айтиб қолди.

* * *

10 апрель. Орадан бир неча кун ўтгач, Чид анча ўзига келди, аммо бирор ёққа кетиш ҳақида ўйламасди. Назаримда у Ҳиндистонда шунча вақт

тентираб юрганидан кейин, адашган кема кирғоққа келганидай, тинч, дам оладиган жойни топгандай эди. Менинг бўлса ҳаловатим бузилди. Ҳамма нарсаларимни (Оливиянинг хатлари ва ушбу кундаликни ҳам) яшириб қўйишимга тўғри келди. Чид уларни ўқишини хоҳламаслигим учунгина эмас, у ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлар, қоғозларни кир қўллари билан ушларди. Уйининг ҳаммаёғида қўлларининг изини кўриш мумкин бўлиб қолди. У менинг нарсаларимни ҳеч тортинмай титиб чиқар, ёққанларини ўзиники қилиб оларди. У менга моддиятни жинидан ҳам ёмон кўришини, одамлар моддий нарсаларга берилиб қолмасликлари зарурлигини тушунтира бошлади. “Бу жуда хавфли”, деди.

Чидга овқат берсам бўлди, нима тайёрласам, бир нима демай ерди. Кўп вақтини шаҳарни айланиб ўтказар, унга деярли ўрганиб қолишган, болалар ҳам, аввалгидай, орқасидан тўда-тўда бўлиб эргашишмасди. Баъзи сотувчилар Чидга дўкончалари олдида оёқларини йиғиб ўтиришига рухсат беришар, у бўлса атрофига йиғилган одамларга инсон ҳаёти тўғрисидаги фалсафасини сўзлаб берарди.

Айтишим зарурки, Чидни хонамга олиб келиб, баъзи афзалликларга эга бўлдим ҳам. Бу ишим билан, яъни художўй одамга эҳтиром кўрсатиб, атрофимдаги одамлар кўз ўнгида бир мунча юқориладим. Чид муқаддас роҳибми ёки йўқми, буни айтиш қийин, аммо, шаҳар аҳлининг фикрича, у бу мақомга эришиш йўлида жиддий қадам қўйди: сочини устарада қирдирди, кийимдан воз кечди. Шу боисдан ҳам улар Чиднинг айтганларига қулоқ солишади, ҳатто амал ҳам қилишади.

Мен худди шундай воқеани маҳаллий муқаддас ҳиндулар билан бўлганини кўп бора кўрганман. Улар қўлларида тиланчилик асбоблари, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ дайдиб юришади, тўпланган одамларга ғоят таъсирчан маъруза ўқишади. Гиёҳванд моддалар ёки бошқа бир нарса таъсирида одамларни лақиллатиб юрган учига чиққан муттаҳамлар бўлиши мумкин, деб ҳам ўйлайман. Чунки ҳаммаларининг юзларида муғомбирлик ва очкўзлик аломатлари бўлади. Шундай дейман-у, улар Худонинг номини айтиб, қўлларидаги асоларини ерга уриб, ярим яланғоч, шир яланғоч, сотмоқчи бўлган маҳсулотини қичқириб мақтаётган савдогарлардай кўчалардан ўтиб боришар экан, одамлар уйларидан чиқиб, қўлларидаги идишни егуликлар билан тўлдиришар эди. Чид ҳам қўлида идиши билан шаҳар оралар, ихлосмандлар унга банан ёки бошқа мева беришарди. Чид уйга келгач, топган-тутганини бир ўзи еб тугатар, мева пўчоқларини эса полга отарди. Уларни йиғиштир, десам, бир нима демай, йиғиштирарди.

Чид Индер Лалда жиддий таассурот қолдирди. Ишхонасидан уйга қайтгач, юқорига кўтарилиб, Чиднинг суҳбатларини соатлаб эшитиб ўтирарди. Чид унга инсон танасидаги зарарли энергия ва ундан қутулиш йўллари ҳақида сўзлаб беради. У қўлларини бош суягига қўйган ҳолда олдинга энгашар, кейин эса шу ҳолда турганча қўлларини ёзиб, руҳларни чақиришга ҳаракат қиларди. Унинг бу иши жонимга тегиб кетди. Тўғрисини айтсам, Чид ўта ақлли эмасди, билими нари-бери орасида, диний ақидаларга берилиб, улар билан онгини заҳарлаган, энди эса бу заҳар алмойи-алжойи маъруза кўринишида ташқарига ўрмалаб чиқмоқда эди. Балким, эс-ҳуши ҳам жойида эмасдир?

Чид тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасман. Баъзан у ўзи ҳақида гапириб қолар, аммо ҳикоялари қовушмас, мантиқан бир-бирига боғланмас эди. Айтган-деганлари диний руҳда бўлиб, уларда абстракт тушунчалардан ташқари, ўзига, яъни шахсиятига тааллуқли ҳеч нарса йўқ эди. Индер Лал бунинг ёмон жойи йўқ, чунки Чидда шахсий ҳаётнинг ўзи йўқ, дея мени ишонтиришга уринарди. Унинг айтишича, ҳиндча диний таълимотга кўра, бу йўлга кирганларнинг ўзлиги, шахсий ҳаёти, хотираси, қилган яхши-ёмон ишлари, орзу-умидлари – ҳамма-ҳаммаси ёниб кулга айланади, ҳеч нарса қолмайди. Улар сочларини қиртириб, дафн маросими оловига ташлашади. Чид ҳам шундай қилди. Энди у, Индер Лалнинг фикрича, ҳинд садхуси, бошқа ҳеч ким эмас. Ёқимсиз талаффузи эса маърузаларини янада ёқимсиз қилади.

Чид ҳамиша оч, аммо фақат овқат ейиш билан қаноатланмайди. Кўнгли ишқий муносабатларни тусайди. Бу табиий ҳол дейди, бу ҳам майли, ишқий эҳтиёжини, иштаҳаси каби мен қондиришим керак эмиш. Ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаган эдим. У бўлса ниятини яширмайди – биз иккимиз қовушмасак у ҳеч қачон олий мақсадга – онг ва билишнинг олий даражасига ета олмас экан. Унга рози бўлишни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман. Бўйи-бастим, кучим ўзимга яраша, уни бир ҳамла билан ўзимдан нари қилишим мумкин. Аммо...

Унинг ўзидан эмас, атрофидаги кучлардан қандайдир нур таралиб туриши рост бўлиши мумкин. Ўзи бўлса урғочи мижозга ўхшаб кетади: юзи текис, узоқ вақт касалланган бола каби нимжон. Шундай бўлсада, шаҳвати тиним билмайди. Шу маънода у менга Шивани эслатади. Ҳиндистонда Худодан қўрққан кўплаб аёллар Шиванинг кучли жинсий аъзосига сиғинадилар. Чид менинг хонамда оёқларини букиб ўтирар экан, у жинсий аъзосини махсус машқлар ҳисобига кучли қилган деган фикр хаёлимга келади.

* * *

15 апрель. Ҳиндистонда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетганига Фирдавс бобога бағишлаб қурилган ибодатхона ҳақидаги ривоят мисол бўлиши мумкин. Навоб Оливияга тушунтирганидек, уни Навобнинг бобоси Омонулла хон ҳаётини сақлаб қолган мусулмон сеҳргарга бағишлаб қурган экан. Кейин-кейин бу жой фарзандсиз аёллар учун бу қусурдан қутуладиган муқаддас зиёратгоҳга айланибди. Бунинг учун улар ибодатхонага турли ҳадялар олиб келишлари керак бўларкан. Аммо ибодатхона бир йилда фақат бир марта муқаддаслик мақомида бўлар экан. Бу тўғрида турлича айтимлар юради. Улардан бирида айтилишича, фарзанд кўрмаган бир аёлни қариндошлари, эри бошқа аёлга уйланиши учун, қизлик уйига қайтариб олиб келишибди. Эри уйланаётган куни бечора аёл ибодатхонага келибди. Бу ерда унга тўққиз ойдан кейин фарзандли бўлиши аён бўлибди. Шундай бўлибди ҳам. Шундан бери бу ерда ўша бола туғилган кун шарафига байрам ўтказилар экан. Аммо ибодатхона тўғрисида бундан бошқа, бир-бирига мантиқан зид ривоятлар ҳам бор.

Кеча айни шу байрам куни эди. Индер Лал, онаси ва дўстлари билан бирга ибодатхонада бўлдик. Зиёратга ошиқаётган аёллар билан тўла автобусда бу ерга келдик. Кўплари катта ёшли аёллар бўлиб, улар учун

ушбу саёҳатдан мақсад дам олиш эди. Ҳаммалари бир-бирларини турли егуликлар билан сийлашарди. Баъзи аёллар туғмас келинларини ўзлари билан бирга олиб келишган бўлиб, улар орқа қаторда жимгина келишарди. Болалик бўлгани учун Ритуни уйда қолдиришди.

Фирдавс бобонинг қабрини зиёрат қилмоқчи бўлиб юргандим. Аммо кеча бунинг иложи бўлмади. Навоб ғаройиб меҳмондорчилик уюштирадиган бу жойни бутунлай бошқача тасаввур қилгандим. Эндиликда бу ер эски каруселлар, атрофни томоша қилдирувчи ёғоч айлана, устига пашша қўнган таомлар сотиладиган дўкончалар билан тўла эди. Дарахтларга боғлаб қўйилган овоз кучайтиргичлардан диний қўшиқлар тараларди. Ибодатхонанинг ўзи кўринмас, унинг олдига тўпланган оломон олдинга ўтишга ҳаракат қиларди. Биз ҳам улар сафига қўшилдик. Бамисоли жангда ғолиб келгандай, терлаб-пишиб, урина-сурина ибодатхонага яқинлашдик. Кўнглимизда тезроқ бу жараёнга бевосита дахлдор бўлиш истаги пайдо бўлди, аммо нима жараёнлигини тушунмадим.

Ерда ўтирган роҳиб ҳадяларни қабул қиларди. Ёши катта аёллар, яъни бу муқаддас жой уларни фарзанд кўриш бахтига муяссар қила олмайдиганлари зикр ҳолатига тушиб, Худонинг номини бор овозлари билан айтган ҳолда ибодат қилардилар. Баъзилари ўзларини ерга отмоқчи бўлардилар, аммо бунга жой етишмасди. Яна бирлари бу ерга келишнинг ўзини етарли деб ҳисоблашарди.

Бизнинг кичик гуруҳимиз дарахт остидан бўш жой топди. Ҳалқа бўлиб жойлашиб олгач, уйимиздан чиққандан бери қилаётган ишимиз – ебичмокни давом эттирдик.

Кампирлардан бири қизиқ ҳикоя айтиб берди. Ёш аёл фарзанд кўрмабди, шифокорлар мураккаб операция қилиш кераклигини айтишибди. Қайнонаси келинини операцияга эмас, шу ерга олиб келибди. Орадан маълум вақт ўтиб, келиннинг бўйида бўлибди. Аммо, бу ҳикоянинг якуни яхши эмас экан: бошқа бир аёл ҳомиладор келиннинг эрига жодугарлик ишлатиб, ақл-ҳушидан айирибди. Эр шу ҳолатда хотинини ҳали туғилмаган боласи билан уйидан ҳайдаб юборибди.

Бундай ҳикоялар ҳаддан ташқари кўп бўлиб, уларни тинглаб, дўстларим билан маросим иштирокчилари сафида ўтиришни ёқтирардим. Ишончим комилки, мен бу ерда бўлаётган ишларнинг чин маънодаги иштирокчиси эдим. Ичкарига ошиқаётган оломон сингари ўзимни шу туйғуларга кўмилгандек ҳисоблардим.

Дўстларим мендан: "Қандай ибодат қилдинг, нима дуолар ўқидинг?" деб сўраб қолишди. Улар, очиғи, жаҳлимни чиқармоқчи бўлишди. "Мен ибодатхона ичида эмасман, у ерга киргандан кейин бола кўриш учун эмас, эркакларнинг соғлиғи тўғрисида ибодат қилиш керак", дедим. Мириқиб кулишди, лекин ҳаммалари жуда жиддий эдилар (бу энди бошқа мавзу). Мен эса тамомила бошқа туйғулар оғушида эдим.

1923

Турмуш қуриш байрами майор Миннизга кўп ташвиш олиб келарди. Фирдавс бобо ибодатхонаси Навобга тегишли жойда бўлгани боис, у байрамни қандай ўтказиш хусусида фақат маслаҳат бериши мумкин эди, холос. Бу байрам яқинлашгани сари иши жуда кўпайиб кетарди. Навоб

унинг жиғига тегиб, “Муҳтарам майор, албатта, албатта, сиз қандай айтсангиз худди шундай бўлади, бошқача бўлиши мумкин эмас, аммо нега энди ҳаяжонланаяпсиз?” дея киноя қилса ҳам парво қилмасди. Шундай эдику-я, аммо майор бекорга ҳаяжонланмаётган эди.

Ўша пайтлар Хатмда мусулмонлар кўп эди. 47-йилдан кейин уларнинг кўпини ўлдиришди, омон қолганлари Покистонга кўчиб кетди. Навоб атрофидаги мулозимларининг ярми мусулмон эди. Мулозимларга Фирдавс бобо ибодатхонаси ҳиндлар тасарруфига ўтгани ёқмасди, чунки улар бу ерда ҳар байрамда тўс-тўполон кўтаришарди. Жанжал ибодатхонадагина эмас, бозорда, арзимаган сабаб билан савдодаги олди-берди боис ҳам кўтарилиб, тез орада икки динга эътиқод қилувчилар ўртасидаги аёвсиз қирғинга айланарди.

Ёз бошланиб, кунлар қизий бошлаган бир пайтда бундай жанжалнинг олдини олиш мушкул эди. Одамлар ҳаво ҳарорати тинкаларини қурита бошлаганида ҳис-ҳаяжонга берилишдан ўзларини тийишга ҳаракат қилишарди, аммо, барибир байрам жанжалсиз ўтмасди. Майор Минниз байрам куни яқинлашган сари, ҳаммани огоҳ бўлишга чақирарди, Навоб бўлса уни мазах қилиб, кулиб қўярди, холос.

Кутилганидек, Оливия биринчи бор гувоҳ бўлаётган байрам ҳам тинч ўтмади. Хатмда тўполон кўтарилди. Оливия ўзининг Фуқаролар линиясидаги уйида пианино ёнига ўтириб Шуман асарларини ижро этар экан, кўп нарсадан бехабар эди. Аммо Хатмда бошланган можароларнинг аксадоси унинг уйигача етиб келди. Ташқарида кучли шамол кўтарилган, чанг-тўзон кўз очирмасди. Эшик-дераза ларни икки томондан беркитишга тўғри келди. У ичкарида Шуман асарлари таъсирида хаёл сурар, аммо негадир фикрини жамлай олмасди. Дуглас ҳақида ўйларди. Эри унга бир нарса демаса-да, унинг нимадандир хавотирда эканини ҳис қиларди.

Сатипур Хатм билан чегарадош бўлгани учун можаро тезда икки тарафга қараб, ўрмондаги ёнғиндай ёйилиб кетарди. Хизматкорлар нима қилишни билмай гарангсиб қолишар, жанжал кўтаришарди. Битта хизматкор тўйиб ичиб, бир аёлни талашиб бошқа хизматкорнинг ёқасидан олибди.

Эрталаб миссис Кроуфорд ва миссис Минниз Оливиядан хабар олгани келишди. Иккалалари унинг кайфиятини кўтармоқчи эдилар. Шу мақсадда гапни ташвишга тушиш керак эмаслиги, мистер Кроуфорд ва Дуглас Сатипурда зарур эҳтиёт чораларини кўриб қўйишганидан бошлашди

Аслида ҳам шундай эди. Қани энди Хатмда Навоб майор Миннизнинг гапларига қулоқ солса.

– Ўтган йили ҳам тўполон бўлган эди, – деди Минниз хоним. – Артур Навобга эҳтиёт бўлишимиз керак, деб кўп марта айтди, аммо у қулоқ солмади. Нима бўлгани ҳаммага маълум: ўн икки киши ўлди, етмиш беш киши ярадор бўлди. Кийим-кечак бозори талон-тарож қилинди. Ўзим кўрдим, бир ҳафтадан кейин ҳам бурқсаб ётди. Артурнинг фикрича, бу йил бундан ҳам ёмон бўлади.

– Жиноят, – деди миссис Кроуфорд ҳаяжон билан, – Навоб хоҳласа, вазиятни бемалол қўлдан чиқармаслиги мумкин.

– Навоб дейсизми? – сўради Оливия. – Ҳа-ҳа, агар у буни хоҳласа...

– Навоб – мусулмон, буни ёдингиздан чиқарманг, – дейишди бошқалар.

– Ҳа, у мусулмон, аммо фанатизм тарафдори эмас. Худойимга шукур. – Оливия шу сўзларни айтар экан, кўнглига келган фикридан ўзи ҳам кулиб юборди. Аммо фикрида давом этди:

– Навоб замонавий киши. Шу маънода у бизларнинг сафдошимиз. Демоқчиманки, у ўз қобиғига ўралиб олган, тор фикрлайдиган одамлардан эмас, бағри кенг инсон.

– Сиз уни чиндан ҳам шундай деб ўйлайсизми? – беихтиёр сўради миссис Кроуфорд.

– Албатта, – дадил жавоб қайтради Оливия. – Мен унинг беваларни оловда ёқиш удумига нисбатан биз инглизлар каби фикрлаганини эшитдим. Навоб бу удумни ваҳшийлик деб ҳисоблайди.

– Ҳа, мен ҳам эшитганман. Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ. Сати – ҳиндларнинг неча минг йиллик удуми. Мусулмонлар ҳам шундай қилишганида борми, бу энди бошқа масала.

Оливия бу гапларга ишонмади. Аммо улар билан баҳслашишни хоҳламади. Бунинг сабаби, у ҳеч қачон ўзининг фикрини айтмасди, аниқроғи, айта олмасди, унда бундай ҳуқуқ йўқ эди. Бунинг устига улар Ҳиндистонни яхши билишар, у эса ҳали ҳеч нарса билмасди. Лекин... Навобни улардан кўра яхши билишига ишончи комил эди. Навоб улар учун гоҳ-гоҳ расмий маросимларда учрашиб туриладиган одам, ҳинд ҳукмдори, унга бўлса... дўст, ҳақиқий дўст.

Оливия ҳамроҳлари тезроқ кетишса яхши бўларди, деган фикрга келди. Аслида эса, кетишадими ёки йўқми, барибир, қандайдир оғирлик ўзи томон бостириб келаётгандек эди. Ҳаммасига шулар айбдор – бу ерга келиб ҳар балоларни гапиришади, Навобни ғийбат қилишдан ҳам тийилишмайди. Кайфияти бир аҳволда меҳмонхонанинг у бурчагидан бу бурчагига бориб келар, гулдонларни тўғрилаб қўяр (йилнинг бу фаслида гиёҳванд ўсимлик каби ўткир ҳид таратадиган олеандр ва ясмин гуллаган эди), мусиқа чалишга ўтирса, бармоқлари қовушмасди. Пианинонинг қопқоғини ёпишдан бошқа иложи қолмаганди. Қўлига қоғоз-қалам олиб, Марсияга хат ёзмоқчи бўлди, аммо бу ҳолатида ҳозир Парижда бўлган дугонасига нимани ҳам тушунтириб бера оларди, дейсиз.

Ташқаридан эшик олдига келиб тўхтаган машинанинг овози эшитилди. Навоб! Юраги ўзига таниш бўлмаган ҳис-туйғулар билан ура бошлади. Шу алпозда айвонга чиқиладиган эшикни очиб, хизматкорларга кўзи тушди. Улар бошларини қуйи солганча маъюс ўтирардилар. Оливияни кўриб, ҳаммалари ўринларидан туришди. Чанг бир зумда юз-кўзига урилди, тишлари, бурун тешикларига кириб, уй ичига ҳам кира бошлади.

– Мен келдим, – деган овоз эшитилди машинадан. Бу – Навоб эмас, Гарри эди. У Оливиянинг орқасидан шошилиб уй ичига кирди. Эшик ёпилди. Аммо шу бир неча дақиқа ичида пианино ва креслога ёпилган шойининг усти чанг билан қопланганини кўрмаслик мумкин эмасди.

– Бир ўзингизми? – сўради Оливия.

Гарри бош қимирлатиб, тасдиқ ишорасини қилди. У бу ерга келганидан хурсанд, бошини орқага ташлаган ҳолда кўзларини юмиб ўтирарди.

– Бу ерга келишим керак эди. Жуда ҳам...

Иккита хизматкор кириб, сўзи бўлиниб қолди. Улар уй жиҳозларини артиб тозалагандек бўлишди. Оливия иккови хизматкорлар чиқиб кет-

гунча мик этмай ўтиришди. Сўнг Гарри аввалги фикрини ўзгартирмоқчи бўлибми:

– Иссиқда қоврилиб кетдим, менга хушҳаво Водий керак бўлиб қолди,– деди.

– Хатмда нималар бўлмоқда? – сўради Оливия.

Гарри жавоб қайтармади, кўзларини юмган ҳолда жим тураверди.

– У ерда тўпалонлар бўлаётганини эшитдим. Нима гап ўзи? Гапиринг, ахир. Менга айтиб беришингиз керак.

Гарри яна бир-икки дақиқа жим турди-да, эринчоқлик билан гап бошлади:

– Мен қаёқдан ҳам билай. Кеча оқшомдан тонггача, бугун эрталабдан бери хонамдан чиқмаган бўлсам. Отни ҳам ўлдирадиган бундай саратонда нима иш қила олардинг?! Деразадан ташқарига қарадингизми? Нималар бўлаётганини кўрдингизми? Қум бўрони бошландими, тамом, қачон тугашини ҳеч ким билмайди. Ҳамма эс-ҳушини йўқотиб бўлди. – У кераксиз гапларни гапириб қўймадимми, дея бироз тўхтади, аммо кўп ўтмай яна тилга кирди:

– Нима бўлаётганини билолмай ақлдан озай дедим. Уйда эшикларни ёпиб, бир ўзим ўтирибман-у, ҳамма нарсани билгим келади. Нималигини билмайман, сиз сўраманг. Ўтган йили ҳам шундай бўлган эди, ундан аввалги йили ҳам. Хайрият, бу йил бир амаллаб ўзимни четга олдим. Хўжайиндан машина сўраган эдим, у одатига кўра "Албатта, албатта дўстгинам" деди. Иши бошидан ошиб ётган бўлса-да, мен ҳақимда ўйлади ва бунга вақт топди. Ҳайдовчига йўлда тўқнашиб кетмаслик учун машинани қандай ҳайдаш кераклигини тушунтирди. Хайрият, ҳаммаси жойида бўлди. Бозор ёнидан ўтаётганимизда қандайдир шовқинни эшитдик, у ерда бунақа бақир-чақир бўлиб туради деб эътибор бермадик. Ҳайдовчидан бу йўлда юриш хавфсизми? – деб сўраган эдим, у менга: "Ҳа, менинг машинамда фақат", деб жавоб берди. У мени ҳазиллашяпти, деб ўйлади. Оливия, бирор нарса чалиб беринг.

Оливия пианино ёнига ўтириб, Шуман асарларидан чала бошлаганди, Гарри худди шу ҳолатида унга кимдир муздек сув тутгандек, "ажойиб" деди. Оливия бироздан кейин Гарри мусиқани тингламаётганини сезиб, қўлларини аста тиззаларига туширди. Гарри мусиқа тўхтаганини сезмади.

– Тўғрисини айтганда, саройда аҳвол чатоқ, – деди Гарри. – Ҳаммасига анави ҳаммаёқда изғиб юрадиган дайди каллакесарлар айбдор. Одатда, улар саройга киришмасди, мана энди бўлса, бу ерни эгаллаб, ўзларини хўжайинлардек тутишмоқда, ҳамма жойга бурунларини тиқишмоқда, худди бунга ҳуқуқлари бордек. Хўжайин бўлса улар билан, эски қадрдонлардек, апоқ-чапоқ бўлиб олди. Уларнинг келишидан хурсанд бўлганини кўрсангиз эди. Башараларига қараб бўлмайди... Оливия, бу ерда яна кимлар бор?

– Менимча, фақат хизматкорлар.

Оливия ойна олдига келиб, ташқарига қаради. Тахмин қилганидек, хизматкорлар уй олдида тўп бўлиб ўтиришарди, кўзлари уй соҳибасига тушиб, ўринларидан туришди-да, тарқалишди. Оливия Гарри паст овозда гапириши учун унинг ёнига келиб ўтирди.

– Хўжайин ўзини тушунарсиз ҳолда тутмоқда. Мен уни бу ҳолатда мутлақо кўрган эмасман. Жуда ҳаяжонда, бир жойда тинч ўтира олмайди,

худди кимнидир ёки ниманидир кутаётгандай. Нималигини билмайди. Кўзлари чақнаб кетган. Ҳамма нарса унга кулгили туюлади. Товонини ерга уриб у ёқ-бу ёққа юради-да, кулади. Барибир яхши одам...

У бу сўзларни чин юракдан эмас, чарчаганидан айтди.

Ўша куни Дуглас одатдан кўра уйга кеч қайтди. Гарри шу ерда эди. Гарри Дугласга ёқмаслигини Оливия биларди, аммо эри муносабатини билдирмай, ўзини унинг келганидан хурсанд бўлгандай тутди. Бунинг устига, вақт алламаҳал бўлиб қолгани учун Гаррини шу ерда тунаб қолишга таклиф этди, Навобнинг ҳайдовчисига жавоб бериб юборди. Гарри хурсанд бўлиб, Оливия гуллар билан безаган столга уй соҳиблари билан бирга ўтирди.

Гарри ўша куни, эртасига ва индинига ҳам шу ерда қолди. Оливия билан вақтларини жуда яхши ўтказишди. Ташқарида тўзонли довул давом этар, икковлари эшик-деразаларни маҳкам ёпиб, бир-бирига яқин қўйилган креслоларда ўтиришарди. Оливия пианинода юмористик асарлардан парча ижро этар, Гарри бўлса қўлларини кўксига қўйиб, дўриллаган овозда қўшиқ куйларди. Улар бу ишга шу қадар берилиб кетишгандики, хонага миссис Кроуфорд кириб келганини сезмай ҳам қолишди. Сезишганида эса Кроуфорд хоним тўхтамасликларини илтимос қилиб, ўзи ҳам уларга қўшилиб куйлай бошлади.

– Жуда ажойиб, яшанглар, – деди Кроуфорд хоним. У Оливия билан Симла ҳақида гаплашиб олиш учун келганди. Аммо астойдил зўрлагиси йўқ, негаки, назарида, Оливия Навобнинг ушбу таклифи замиридаги мақсадни тушунмаётгандай эди. Шундай бўлса-да, вазиятдан келиб чиқиб, Гаррини ёрдамга чорлади. Гарри дарҳол ишга киришди:

– Оливия, ёз бўйи бу ерда ўтиришингиз қийин. Бу ернинг шароитига чидаб бўлмайди.

– Сизлар чидаяпсизлар-ку? – Оливия бўш келмади.

– Ҳа, бир амаллаяпмиз. – Гарри энсаси қотиб жавоб қилди. Вазиятни чигаллаштирмаслик учун ҳазил-ҳузулга ўтди:

– Бизда Массурига боришдек ғоят буюк режа бор. Икки марта юкларимизни машинага жойлаштирдик, икки марта туширдик. – У яна гап оҳангини ўзгартирди. – Ўтган йили бугунгидай тўс-тўполон бўлиб, бора олмадик, ундан олдинги йили ҳам. Шундай бўлдики, ҳеч қаёққа бора олмадик. Бегойимга у жой ёқмайди, сафаримиз орқага сурилгани сурилган. Бир гал тоби қочиб қолади, бошқа гал юлдузларнинг жойлашиши сафарга чиқиш учун изн бермайди, яна бошқа гал укки бошқача сайраб қўяди. Ҳар сафар, уйдан чиқиб, юк халталаримизни машиналарга ортиб турганимизда мана шунақанги нағмалар чиқади-да, ҳафсаламиз пир бўлади. Бошқалар каби мен ҳам бунга ўрганиб кетганман. Бир гал, ниҳоят, йўлга тушдик. Ўшанда бу ерда биринчи йил яшашим эди. Хўжайиннинг тоғда швейцарча услубда қурилган ажойиб уйи бор. Кўринишига гап йўқ. У ердан ҳалиги... нима эди номи, ҳа, Шива абадий музликлар устида ўтирган тоғ кўриниб туради. Аммо, роҳатланиб дам олиш насиб қилмади. Бегойимга ажратилган хонадан, бошқа жой қуриб қолганидек, шу хонада... ўлган кўршапалакнинг жасади чиқиб қолса бўладими. Бу жуда ёмон нарсага ишора деб тушуниб, дарҳол орқамизга қайтдик.Уйга қайтар эканмиз, уч ҳафта тинимсиз турли ибодатларни бажаришимизга тўғри келди.

Гарри кутилмаганда Кроуфорд хонимга ўгирилиб деди:

– Онам бечора мени қачон қайтиб келади, деб кўзлари тўрт бўлди. Жуда ташвишдаман, аҳволлари яхши эмас эди. Бир ўзи торгина хонада яшайди, кўрмаганимга уч йил бўлди-я.

– Жуда кўп бўлибди, – деди Кроуфорд хоним.

– Дастлаб олти ойга келишган эдик. Уйга қайтишим кераклиги ҳақида оғиз очдим дегунча хўжайиннинг жаҳли чиқиб кетади. Бирор яқинининг кетишини ёқтирмайди. Чунки у яхши одамларга ўрганиб қолади, уларни ҳурмат қилади. Юраги тоза одам.

Гарри шуларни айтар экан, кўзларини ерга тикди. Ўртада юзага келган жимликдан сўнг Кроуфорд хоним тиниқ ва жарангдор овозда сўради:

– Росс-Милбанклар сулоласи билан танишмисиз? У Коунпурда туман вакили эди. Улар дам олгани Бомбейга жўнашмоқда. Пароходда тўртинчи куни сузиб кетишади. Йўл-йўлакай бизникида икки кун туришади. Меҳмонларни сабрсизлик билан кутиб турибмиз. Ҳиндистонинг ўзига хос энг яхши хусусиятларидан бири шуки, бу ерда меҳмонлар мамлакатнинг турли бурчакларидан келишади.

– Пароходда дейсизми, улар бир ой олдин буютма қилиб қўйилган бўлиши керак-ку? – сўради Гарри.

– Ҳа, шундай, аммо бир кишилик каютани ҳамиша топса бўлади. Жуда зарур бўлиб қолса, бомбейлик Гиббонсларга телеграмма жўнатиш мумкин.

– Ростданми? – Гарри хурсанд бўлиб кетди. Буни кўрган Кроуфорл хоним кулиб юборди.

– Рост бўлганда қандоқ, – деди Кроуфорд хоним.

Кечаси чивинлардан сақланиш учун москитли тўр остида бирга ётганларида Оливия Гаррини кўзда тутиб, Дугласдан сўради:

– У Навобнинг меҳмони.

– Нима бўлибди меҳмони бўлса?

– Навоб унинг бориш-келиш харажатларини тўлади. Шунча йиллар унга меҳрибонлик қилди. Нима, миссис Кроуфорднинг дўстлари билан Навобга бир оғиз айтмай қочиб кетаверадими?

– Жонгинам, ахир у кетмоқчи-да, – деди Дуглас.

– Ҳа, баъзида кетмоқчи бўлади, баъзида эса йўқ.

– Буниси энди менга тушунарсиз. Ҳар ҳолда, кетмоқчи бўлгани тўғри.

– У сенинг ғашингга тегаяпти-а?

– Йўқ, аксинча, бизникига келганидан хурсандман.

– Навоб унга жуда ғамхўр. Ҳаддан ташқари марҳамат кўрсатади.

– Эртага унинг юкларини олиб келиш учун бирор кишини жўнатаман.

– Ишончинг комилми?

Эртасига Навобнинг ўзи келди. Оливия эри билан черковга кетишганди, қайтиб келишса, эшик олдида Навобнинг "ролсс-ройс" машинаси турибди, ўзи бўлса меҳмонхонада уй кийимида бўлган Гарри билан суҳбатлашиб ўтиришган экан. Юз кўринишларидан улар ўртадаги ҳамма масалани муҳокама қилиб бўлишганга ўхшарди.

Навоб Гаррини олиб кетгани келганини айтганида Дугласнинг ранги оқарди. Навоб гапни жуда майин бошлади:

– Уни ҳимоянгга олганинг учун раҳмат. Хатмда тинчлик-хотиржамлик, кўркадиган жойи йўқ. – У шундай деб, Гаррига кулимсираб қаради.

Дуглас тишини-тишига қўйиб, аранг турарди. Навоб давом этди:

– Бизда озроқ тўпалон бўлганини эшитган бўлсангиз керак?

Навоб ва Дуглас бир-бирларига яқин туришарди. Бўйлари, тана тузилишлари ҳам ўхшаб кетади. Диванда ўтирган Оливия билан Гарри уларга зимдан разм солишарди.

– Бизда ҳар йили шундай бўлади. Ҳечқиси йўқ. Қизиққон одамлар-да. Об-ҳаво каби сал вақт ўтиб ўзларига келиб қолишади, – деди Навоб хотиржамлик билан.

– Ярадор бўлганлар тўғрисидаги маълумотингизни кўрдик, – деди Дуглас эътиборсизлик билан. Оливиянинг: "Нега энди тикка турибсизлар?" деган овози янгради, аммо уни ҳеч ким эшитмади.

– Ҳар йилги ғалва. Ҳеч нима қилиб бўлмайди, – деди Навоб.

Дуглас бошқа томонга ўгирилди. У ўзини тутиб туришга мажбур эди. Чунки Навоб мустақил ҳукмдор бўлиб, у билан бемалол гаплашиш ҳуқуқи фақат майор Миннизга берилган эди, холос. Аммо бугунги ҳолатда унинг жим туриши гапирганидан кўра таъсирлироқ кўринарди. Шундай эди ҳам.

Навоб Гаррига ўгирилди:

– Қани, кийин, вақтимиз бўди. Кетишимиз керак.

Гарри ўрнидан туриб, хонадан чиқар экан, Дуглас гап бошлади:

– Билишимча, эртага бу ерда мистер ва миссис Росс-Милбанклар бўлишади.

Гарри эшик олдида тўхтаб қолди. Навоб ёқинқирамаган ҳолда ундан сўради:

– Кимлар улар? Сизнинг дўстларингизми?

– Улар пайшанба куни жўнаб кетишади, – деди Дуглас.

– Бомбейгами? – Навоб ажабланиб деди. – Ҳа, Гарри менга айтган эди. Аммо бу сафарни қолдиришга тўғри келди. Қария, тезроқ кийин, сени бу кўринишда уйга олиб бора олмайман-ку. – У Оливияга кулимсираб қараб қўйди.

– Мистер Кроуфордга Бомбейдан хабар қилишибди, битта бўш ўрин бор экан.

Навоб бу гапни эшитиб, креслога чўкди. Бошини орқага ташлаб оёқларини чалиштирди-да, Дугласга деди:

– Биз Гарри билан ҳаммасини гаплашиб олдик. Англашилмовчилик юз берибди. Мен мистер ва миссис Росс-Милбанклардан узр сўрайман, Гарри номидан эса уларга миннатдорлик билдираман.

Дуглас картани очиқ ўйнай бошлади:

– Гарри, сиз кетмоқчи бўлгандингиз, онангиз бетоб...

Гарриниг ўрнига Навоб жавоб қилди:

– Худога шукурки, онасининг аҳволи анча яхши. Тузалди деса ҳам бўлади. Биз унинг бу ерга келишини интизорлик билан кутмоқдамиз. Онам Гарриниг онасига урду тилида ўз қўли билан таклиф ёзди. Мен уни инглиз тилига таржима қилдим ва ўзимдан: "Энди сизнинг бир эмас, иккита ўғлингиз бор, ҳар иккимиз сизни кўришдан мамнунмиз", деган сўзларни қўшиб қўйдим.

Дуглас креслога янада ўрнашиброқ ўтирди, оёқлари ҳолатини ўзгартирди, қаддини тик тутди. Мунозара ўзининг фойдасига оғаётганидан хурсанд эди. Гарри чуқур хўрсинди ва Дугласга деди:

– Меҳмондорчилик учун миннатдорман. Тўғрисини айтсам, мен... чиндан ҳам саройга қайтмоқчиман. Биз сизлар келгунча ҳаммасини гаплашиб олдик. Чин сўзим: саройга қайтмоқчиман.

– Қайтишга мажбур эмассиз, – деди Дуглас хонанинг бир четида туриб.

– Қайтмоқчиман, – такрорлади Гарри.

Навоб кулиб юборди.

– Мистер, миссис Риверс, кўрмаяпсизларми, у ҳали бола, нима қилишини билмайди. Унинг тўғрисида биз қайғуришимиз керак. Қаранглар, мендек одам унга: "Қани, кийин", деб айтаяпман. Гарри, шу ҳолатда ҳурматли аёл олдида туриш мумкинми? Қани, болажоним, бориб ўзингизни бир тузатинг-чи. – Навоб кулиб, Гарриннинг сочларини силаб қўйди. Икковлари, худди бу ҳазил авваллари ҳам бўлгандай, бир-бирларига қараб кулишди. Гарри хонадан чиқиб кетгач, Оливия ва Дугласга ўгирилиб, "Биласизларми, Гарри шунақа худбинки, асти қўяверасиз. Аммо, нима қилай, мен унга ўрганиб қолганман, у менинг мана бу еримда, – деди кўкрагини кўрсатиб.

Оливия ялт этиб, Дугласга қаради. Эри ҳамон тик турарди. Шунга бироз жаҳли чиқди. Навобнинг сўзлари самимий эканлигига эса ишончи комил эди. У Навобнинг ҳурмат-эҳтиромига бу қадар сазовор бўлганидан Гаррига ҳасад ҳам қилди.

* * *

25 апрель. Чид иккимиз бу ердаги манзарага қўшилиб кетдик – шаҳар ҳаётининг бир қисмига айландик. Муҳими, бизга энди ётсираб қарашаётгани йўқ. Шаҳар ҳамма нарсани қабул қилади: бир томонда таниқли мусулмон алломаларининг қабрлари, иккинчи томонда чоққина, кулранг тошлардан ишланган сати удумини эслатувчи ибодатхоналар. Бунга қўшимча, қўлсиз, оёқсиз ногиронлар, маҳаллий ва бошқа шаҳарлардан келган тиланчилар. Улар бир кўчадан иккинчи кўчага кўчиб юришади, қаердадир бирор воқеа юз бергудек бўлса, оломонга қўшилиш учун ўша ёққа жаҳд қилишади. Бошқалар каби, мен бунга (улар эса менга) кўникдик.

Бошида бундай дайдиликка кўника олмадим. Оғир касалланиб, сўнг тузалиб кетганлар шунақа кўринишда эдиларки, умрларининг охиригача шу ерда – бадбашараликнинг тирик тимсоллари каби яшашга маҳкум эдилар. Улардан бири – мохов касалига мубтало бўлиб, сўнг тузалиб кетган одам бурни, қўл ва оёқларининг панжалари ириб кетган бўлиб, шаҳар чеккасидаги кулбада бир ўзи яшар, бу ерга келиб, маълум масофада турганча тиланчилик қилишига рухсат берилган эди. Бошқа бир кекса кишининг рақс тушиши муқаддас Виттанинг ўйинларига ўхшаб кетади. Қўлидаги узун таёқча билан сакраб-сакраб, диконг-диконг қилиб томоша кўрсатади. Касалликлар тиланчилар билан бирга сармоядор кишиларни ҳам тинка-мадорини қуритади. Шаҳар савдо расталаридан бирида судхўрлик билан шуғулланадиган, фил касалига чалинган бир савдогар футбол тўпидай бўлиб кетган мояк халтасини ёнидаги ёстиққа қўйиб ўтиради.

Тўзон кечасию кундузи тиним билмайди. Иссиқ шамол ҳуштак чалганча, чанг-тўзонли гирдобни саҳродан шаҳарга суради. Ҳаво қум билан аралашиб кетган. Кечагина ям-яшил бўлиб турган барглар сарғайиб, гир-

доб ичида рақсга тушаётган дарвешлардай пилдираб айланади. Одамлар нима қилишни билмай қолишган, сабр косалари тўлган. Ўтирсанг ҳам, тик турсанг ёки ётсанг ҳам бу балодан қутула олмайсан.

Назаримда Чидни об-ҳавонинг қандай бўлиши қизиқтирмайди. Соатлаб бир жойда ҳаракатсиз, лабларини қимирлатганча тасбеҳ ўгириб ўтиради. Унинг бу иши ҳеч қачон тугамайди, менга самарасиз бир юмушдек туюлади. Ақл-идрок деганлари ҳавода муаллақ қолиб кетгандай. Бу ҳам майли, унинг эрекцияси тез-тез хуруж қилиб туради, шундай жазирамада мен ундан ҳимояланишим керак. У унча пок эмас, ҳиндларнинг чўмилиш удумига амал қилмайди. Моддий нарсаларга қизиқмагани учун, бошқалар ҳам шундай бўлишлари керак деб ўйлайди. Мен пулларимни доимо яшириб юраман, аммо у ҳар гал уларни топиб олади.

Бугун у шундай жонимга тегдики, уйдан ҳайдаб юборишдан бошқа чорам қолмади. Лаш-лушларини тугиб, нарвондан пастга ташлаб юбордим. Унинг мис кружкаси зинапоядан тарақа-туруқ қилиб тушаётган эди, Риту ушлаб олди. У шу пайтда мени кўргани келаётган экан. Чид нарсаларини қўлига олиб, юқорига чиқди-да, қайта жойига қўя бошлади.

– Ҳозироқ бу ердан кет, – дедим.

Риту келиб қолгани учун унга бошқа ҳеч нарса дея олмадим. Бу аёл ғалатироқ эди. Бир оғиз сўз демай уй бурчагига келиб ўтирди. Жуда кучли аёл бўлмасам-да, ўзимни қўлга олиб, Риту билан гаплашгим келди. Лекин Риту мени деярли эшитмади. У кўзлари билан хона ичини кузатаётгандай эди, аммо ҳеч нарсани кўрмасди. Чид оёқларини чалиштириб, хонанинг қарама-қарши бурчагига бориб ўтирди. Кўзларини юмди ва ичида бир нималарни ўқий бошлади. Жон-поним чиқиб кетди.

– Жўна бу ердан, – деб қичқирдим.

Ўқиётган дуолари уни бошқа бир ҳолатга кўчирди – совуққон, тиниқ ва чиройли кўриниб кетди кўзимга. Енгил тебранган ҳолда лабларини билинар-билинмас қимирлатиб, қандайдир ҳузур-ҳаловат руҳига кираётгандай эди. Риту ҳув ўша тундаги каби қичқира бошлади. Чид кўзини очиб унга қаради ва кўзларини юмиб, бамайлихотир дуо ўқишда давом этди. Овози баландлашди. Иккови бараварига қичқиришар, худди нифоқлашаётган икки секта вакиллари ким зўрлигини ёки ҳақиқатга ким яқинлигини аниқлаш учун кураш олиб бораётган эдилар.

* * *

30 апрель. Чанг-тўзон, қум кўчиши тўхтагани йўқ, Ритунинг аҳволи ёмонлашди. Уни хонада ушлаб туришар, ҳар замон-ҳар замонда ичкаридан кўрқинчли қичқириқ овозлари эшитиларди. Биз яшаётган уйда турувчилар бунга кўникиб кетишган, овозларни эшитмагандай, кундалик юмушлари билан машғул эдилар.

Қўшнилар Чидга ҳам эътибор беришмасди. Чунки, уларнинг фикрича, Чид Ҳиндистонда анча йиллардан бери яшайди, хавотирга тушадиган жойи йўқ. Мен бўлсам Ритунинг қичқиришларига кўника олмадим, нуқул "Уни даволатиш керак, даволаш керак", деб такрорлайман.

Бир куни Чид менга: "Бугун уни даволашади", деб қолди.

– Кимни? – ҳайрон бўлиб сўрадим.

– Уларнинг одамларидан бири келади, – деди Чид бамайлихотир.

Кимларнинг одамлари, деб сўрашга журъат этмадим. Ўша куни ичкаридан янада кўрқинчли, аввалгиларига ўхшамаган овозлар эшитилди.

Кимдир бирорта ҳайвонни бўғизлаётгандай эди. Бунга қўшнилар ҳам эътибор беришди. Чид хотиржам ўтиришарди. – “Уни даволашмоқда”, деди тўмтоқкина қилиб. Кейин менга тушунтирди: “Ритунинг ичига ёвуз руҳ жойлашиб олган. Баданига, оёқ-қўлларига, товонига чўғ босиб ҳайдаб чиқариш керак”.

Эртасига Индер Лал билан кечаги даволаш усули, умуман, психотерапия тўғрисида сўзлашмоқчи бўлдим. Мен уни идораси эшиги олдида кутиб турдим, бирга уйга қайтар эканмиз, кечаги даволаш усулининг онг ҳақидаги фан эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдим. У хурсанд бўлди, айни чоғда, бу фанга қизиқиб қолди. Индер Лал илмни тараққиёт билан, умуман олганда, жамики замонавий ўзгаришлар билан боғларди. Шу боис, бирор киши бирор жойда қандайдир ихтиро ёки илмий фараз тўғрисида гапириб қолса, дарҳол уни ўрганишга киришарди. Аммо “даволаш” сўзини эшитиши билан, ранги ўзгарди, маҳзун ҳолга кириб:

– Мен бу масхарабозликка ишонмайман, – деди.

– Сиз ўзингиз уюштирдингиз-ку бу ишни, – эътироз билдирдим мен.

– Онам шуни хоҳлади, – деди у истар-истамас.

Индер Лал ўзини ҳам, рафиқасини ҳам ҳимоя қиларди. Айтишича, жамики дўстлари Ритуни шундай усул билан даволашни маслаҳат беришибди, даво топганлар ҳақида мисоллар келтиришибди. Онаси аввалига бироз иккиланибди, сўнг: “Майли, чиқмаган жондан умид, қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик, аммо аҳволи яхши бўлмади”, деб рози бўлибди.

Шу пайт Индер Лал билан ишлайдиган ходимлардан бири ёнимиздан ўтиб қолди. Уларнинг кўпи менга таниш, учрашиб қолганимизда инглиз тилида бироз бўлса-да сўзлашиш имкони туғилганидан фойдаланиб қолишарди.

Ходим мен билан жуда мулойим саломлашди. Мен ҳам унга самимий жавоб қайтардим. Индер Лал бўлса саломлашишни ўзига эп кўрмади. Юзи жиддийлашди, ходим биздан анча нари кетгач:

– Бу ярамас ўзини жуда мулойим қилиб кўрсатмоқда, – деди.

– У жуда мулойим, – дедим мен.

Индер Лал жавоб қайтармади, нималарнидир ўйлаб, юзи янада ёқимсиз тусга кирди.

– Саломлашишнинг нимаси ёмон, – дедим ўзимга ўзим.

Индер Лал менга илтижоли қараб, “Секинроқ гапиринг”, деди ва елкаси оша уёқ-буёққа ўгирилиб, кулгимни қистатди.

– Сиз билмайсиз, мутлақо хабарингиз йўқ, – деганди у ўшанда менга номаълум қўрқувдан кўкара бошлаган юзини юзимга яқинлаштириб. – Бу одамлар, гарчи жуда мулойим, меҳрибон, одамшинаванда бўлишса ҳам, учрашиб қолганда кулимсираб, ишончингизни қозонишса ҳам қўлларидан қандай ифлос ишлар келишини, ичларида нималарни сақлаб туришганини билмайсиз. Кеча... имзосиз хат келди. – Бу сўзларни у жуда паст овозда айтди. Зўрға англадим.

– Сиз тўғрингиздами?

У ҳеч нарса демади. Оғир қадамлар билан юришда давом этди. Мен уни бундай сўниқ, ғариб ва нотавон ҳолда авваллари сира кўрмаган эдим. Бутун вужудини одамларга, ён-атрофидагиларга ишончсизлик, нафрат қоплаб олган эди.

* * *

2 май. Мен Индер Лалга Ритуни руҳий усул билан даволашни маслаҳат берган эдим, Мажи – муқаддас аёл ва Лалнинг дўсти бўлса уни зиёрат сафарига олиб бориш зарурлигини айтибди. Қайнона ва келин яна икки кундан кейин жўнашар экан, қувончлиси шуки, улар билан бирга Чид ҳам бораркан. Тушунишимча, Чидни зиёратга боришга Мажи кўндирган, гарчи мен унга Чид тўғрисида ҳасрат қилмаган бўлсам-да, фаҳм-фаросати билан уйимизда бўлаётган ишларнинг ҳаммасини билиб тургани аниқ.

Кеча унинг уйига меҳмонга борганимда, ўзи ҳаммасини гапириб берди. Аввалига унинг капасида ўтирдик, ичкари исиб, нафас олиш қийинлашганида, иссиқ ва чангга қарамай, ташқарига чиқдик. Кум тўзони қироллар дафн этилган жой атрофида айлана ҳосил қилиб, кўл юзига қўнарди. Чид ҳам биз билан бирга эди. У Мажининг олдига тез-тез келиб турар, айтишича, у билан суҳбатлашиб ҳаловат топарди.

Иккови жуда ғалати, тушунарсиз жуфтлик эди. Мажи оддий деҳқон оиласидан чиққан, хўппасемиз, қувноқ аёл. Ҳар гал Чидга кўзи тушганида, ғалати кулимсираб, инглизча "Яхши бола" деб қўяди. Бу – у биладиган ягона инглизча ибора бўлиши мумкин. Чид Мажи билан ўтирганида, чиндан ҳам, яхши болага ўхшаб кетади: оёқларини букиб, фикрини бир жойга жамлаб ўтиради, юзидаги ҳаяжонли, аммо ёқимли ифода ўзгалар диққатини осонгина торта олади.

Мажи менга зиёрат қилишнинг моҳиятини тушунтирди: "Кимдир ўзини бахтсиз деб ҳисобласа, ақл-ҳуши ўзида бўлмаса, орзу-умиди амалга ошмаётган ёки кимнидир ўта соғинган бўлса – зиёратга борсин. Бу – жуда узоқ йўл, Ҳимолай тоғининг баланд чўққисигача кўтарилиш лозим бўлади. Бағоят гўзал ва муқаддас жой. Риту бориб келса, юраги енгил тортади".

Мажи одатига кўра тиззамга шапатилаб (у шундай қилишни ёқтирарди), мендан аста сўради:

– Балким сен ҳам борарсан? – дея Мажи Чидга қаради. – Бу яхши болага зиёрат маъқул келади. – У шу сўзларни айтиб, хохолаб кулди ва Чиднинг юзини меҳрибонлик билан силаб қўйди.

– Сен борасанми? – сўрадим мен Чиддан. У кўзларини юмди ва "ҳм-м" деб қўйди. Мажи давом этди:

– Эҳ, бутун Ҳиндистондан боришади-я. Одамлар у жойга етиб бориш учун ҳафталаб, ойлаб йўл босишади. Йўл-йўлакай ибодатхоналарнинг зиёратчилар учун мўлжалланган хоналарида тунашади, дарёлар, кўллар ёнидан ўтаётганларида чўмилишади. Шошилишмайди, бирор жой ёқиб қолгудек бўлса, у ерда маълум вақт туриб дам олишади. Тоққа етиб боришгач, юқорига кўтарила бошлайдилар. У жойларни таърифлашга тил ожиз. – Мажи ҳайқириб юборди. – Худди осмону фалакка кўтарилаётгандек бўласан. Совуқ мусаффо ҳаво, шамол, булутлар, қушлар, дарахтлар. Кейин оппоқ қор бошланади, ҳаммаёқ оппоқ, ҳатто қуёшнинг нури ҳам оқ. Жилғанинг муздек сувида ювиниб, ғор ичига киришади. Кўплар бу бахтдан ўзларини йўқотиб қўйишади. Бошқалар ҳаяжонларини боса олмай, унинг номини қичқириб тилга олишади – "Жай Шива Шанкар"[1] деб.

– Жай Шива Шанкар, – баланд овозда қайтарди Чид.

[1] Худо Шивага дарддан халос қилишини сўраб илтижо қилиш.

– Барака топ, яхши бола, – Мажи уни илҳомлантириб турди. Иккови бу иборани бир неча бор такрорлашди. Уларнинг овози қорли тоғлар чўққисида акс-садо бераётгандек туюлиб кетди менга. Бу ерда чанг-тўзонга беланиб ўтиргандан кўра ўша жойларга борганим маъқул эмасми, деган фикр келди кўнглимга.

1923

Миссис Кроуфорд ва миссис Минниз Симлага кетишди. Дуглас Оливияни уларга қўшилиб Симлага боришга жуда қаттиқ ундади, аммо Оливия шу ерда қолишни ихтиёр қилганида, бундан хурсанд бўлди. Икковлари кун ва оқшомларни ғоят мазмунли ўтказишди. Оливия эрининг олдида ўзини ҳаракатчан ва қувноқ тутишга ҳаракат қиларди. Дуглас идорадаги ишида кун бўйи узлуксиз давом этадиган ташвишлардан сўнг, чарчаб-ҳориб уйига қайтганида унинг ёнида бўлиши зарурлигини Оливия яхши тушунарди. Навобга ўхшаб эрининг ғашига тегадиган, жаҳлини чиқарадиган муаммолардан гап очмасди. Дуч келган ҳар хил майда-чуйдалар тўғрисида гапирар, аммо Ҳиндистон мавзусини четлаб ўтарди. Ўша кунлари Дуглас Оливияни янада қаттиқ севиб қолди. Асли камгап эмасми, туйғуларини ифода қилиш учун сўз топа олмас, ҳаяжонланганидан тили тутилиб қоларди.

Гарри, одатда, ҳар куни эрталаб, Дуглас ишга кетиши билан Навобнинг машинасида келар, Оливия билан машинага ўтириб, йўл нотекис, бунинг устига иссиқ ҳаддан ортиқ бўлишига қарамай Хатмга – Навобнинг саройига йўл олишарди. Оливия бундай эрталабки саёҳатлардан роҳатланишни ўрганиб олди. У машина ойнасидан ташқарига қарар экан, кўнглида ҳар ҳолда ёмон жойлар эмас-ку, яхши томонлари ҳам бор-ку, деган фикр туғиларди. Бепоён кенглик, бепоён осмон, чанг ва қуёш, баъзи жойларда бузилиб ётган форт, масжид ёки қаровсиз қолган қабрлар... Буларга ҳам ўрганиш мумкин-ку. Бу манзаралар ўзига шу чоққача аён бўлган нарсаларга мутлақо ўхшамас, бу ерга келиб, худди бу оламга эмас, бошқа бир оламга, бошқача тартиб-қоидалар маконига бориб қолгандек бўларди.

Улар кунни саройнинг кенг меҳмонхонасида ўтказишарди. Хона тепаси галерея бўлиб, хизматкор аёллар у ердан меҳмонларни кузатиб туришади. Оливия юқорига асло қарамасди. Навоб ва Гарридан ташқари, бу ерда ёш, аммо қадди-қоматидан от ҳуркадиган басавлат йигитлар ҳам бўлишар, тинимсиз тамаки тутатишар, ичкилик ичишар, карта ўйнашар ва бу машғулотлар Навоб: “Бас энди” демагунча давом этаверарди.

Бир куни Навоб Оливияга эътироз билдириб қолди:

– Оливия (Навоб шундай дейишга ўтганди), Оливияжон, сиз жуда маҳоратли созандасиз, аммо шу чоққача менинг пианиномда куй чалганингиз йўқ.

– Қаерда у пианино? – қизиқиб сўради Оливия.

Мармар билан ишланган узун, муздеккина хона. Колонналар орасига кўп бўлмаса-да, европача мебеллар қўйилган. Ёғочдан ишланган ўймакор диван ва столлар, коктейл тайёрланадиган бар кўзга ташланади. Барни Навобнинг буюртмасига биноан филнинг оёқ суягидан ясашган экан. Пианино эса бу ерда кўринмади. Навоб кулиб, “Юринг, сизга кўрсатаман”, деди Оливияга.

Хизматкорларини чақирмади, Оливияни бир-бирига туташ хона ва йўлаклар орқали янада ичкарига бошлади. Бир ўзи бўлганида, Оливия, шубҳасиз, адашиб қолган бўларди. Бу ердаги бир-бирига ўхшамаган қанчадан-қанча хоналарни шу чоққача кўрмаган, нимага мўлжалланганини билмас ҳам.

Навоб Оливияни кўринишидан омборхонага ўхшаб кетадиган ертўлага олиб тушди. Қанақа омбор денг: ҳали очиб кўрилмаган, баъзилари, эҳтимол онда-сонда ишлатилгандир, аммо усти қалин чанг қоплаган суратга олиш аппаратлари. Замонавий сантехника жиҳозлари. Бу ерда кўп нарсани – турли ўйинлар учун мўлжалланган махсус жиҳозларни, масалан, пинбол ўйнайдиган автомат қурилмаларни, кичик ҳажмли тирни, хоккей командаси ўйинчиларининг кийим-бошларини кўриш мумкин эди. Ҳаммаси айқаш-уйқаш. Буларнинг бари Европадан буюртма асосида олиб келинган, аммо Ҳиндистонга етиб келгунича уларга бўлган қизиқиш сўнганидан далолат эди, дейиш мумкин. Бир четда пианино турарди.

Навоб пианинонинг устига ёпиб қўйилган матога қўл теккизиши билан унинг ичидан олмахонга ўхшаш бир жонзот югуриб чиқди-да, қочиб қолди. Навоб бунга эътибор бермади, аксинча, Оливияга қараб:

– Пианино сизга ёқдими? – деди ва афсуслангандай қўшиб қўйди: – Уни чаладиган одам йўқ.

Оливия қўлларини клавишлар узра қўйиб, бир нима чалмоқчи бўлди, аммо улардан бўғиқ, хаста овоздан бошқа ҳеч нарса чиқмади.

– Афсус, – деди у пианинонинг ҳолатига ачиниб.

– Ҳа, афсус, – Навоб Оливияни маъқуллаган ҳолда ичи бир нималар билан тўла яшикнинг устига ўтирди ва кўнглини очди:

– Буни хотиним учун олиб келгандим...

Оливия яна бир бор ҳаракат қилиб кўрди, аммо натижа чиқмади. Клавишлар бўртиб, бир-бирига қовушиб кетган эди.

– Тузатса бўлар? – деди Навоб хижолат тортиб.

– Яхши уста топилса, бўлади, – деди Оливия.

– Ҳа, албатта. Мен ҳозироқ уста топиш учун одам жўнатаман.

– Уста менга ҳам керак, аммо... Дугласнинг айтишича, бундай одамни фақат Бомбейдан топиш мумкин эмиш, – деди Оливия.

– Нега менга аввалроқ айтмадингиз, яхши дўстлар учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, – деди Навоб. – Дарвоқе, менинг бир вақтлар оилали бўлганимдан хабарингиз бордир?

– Ҳа, эшитгандим, – деди Оливия унча хушламай. Навоб унга энгашди:

– Нимани эшитгансиз? – Навоб аёлнинг юзида қандай ўзгариш юз бераётганини билиш учун ҳам шундай қилди, Оливия эса ўзини одатдагидан кўра ҳам хотиржам тутишга ҳаракат қилмоқда эди. Шунда ҳам у бир нималарни сезгандек бўлди. – Сиз ҳали мен тўғримда жуда кўп нарсаларни эшитасиз. Мени ёқтирмайдиганлар шу қадар кўпки, мен нима иш қилмайин, уни қоралашга уринадиган одам, албатта, топилади. Дарвоқе, Муродни танийсизми?

Оливия шу яқин атрофда ўралашиб юрадиган бу йигитни биларди, аммо у билан яхши таниш эмасди. Навоб бир зум тўхтагач давом этди:

– Мурод – жосус. Унинг жосуслигини аниқ биламан. Менинг билишимни у ҳам билади. Биз бир-биримизни жуда яхши биламиз. Бундай-

лар битта эмас, кўпчилик. Хизматкорлар, қариндош-уруғлар орасида ҳам бор. Буни ҳам биламан. – Навобнинг бироз совуқ нигоҳи Оливияга жуда қаттиқ қадалдики, кўнглидан Навоб мендан ҳам хавотирланаяпти, шекилли, шундай бўлса (шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмасди), бунга жавоб қилиш осон бўлмайди, деган фикр ўтди. Навоб усталик билан гапни яна пианинога бурди:

– Усталар уни созлаб, юқорига олиб чиқишса, келиб, менга куй чалиб берасиз-а, Оливия? Жуда хурсанд бўлардим-да. Сэнди ситара чалишни ўрганаётган эди. Аммо машғулотлардан зерикиб кетди, мен унга пианино олиб бердим. Пианинони олиб келишганида, у бу ерда эмасди. Қани, бирор нарса чалинг-чи...

– Созланмаган-ку, – деди Оливия.

– Илтимос, мен учун, нима бўлса ҳам...

Оливия Бах асарининг кириш қисмини чалишга уринди. Навоб унинг ортида турарди. Аммо... бўлмади, бўғиқ товушлар тингловчининг асабига тегадиган даражада ёқимсиз эди. Шундай бўлса ҳам, Навоб бошини қимирлатиб, гўё Оливиянинг ижроси унга ёқаётгандай, тебраниб турарди. У аёлга жуда яқин келди.

– Афсуски, Сэнди сиз каби маҳоратли эмас. Усиз менга қийин. Хонаси юқорида эди, аммо у мен билан бирга бўлиш учун тез-тез парда орқасига яшириниб оларди. Биласизми, у замонавий аёл эди, Швейцарияда ўқиган-а. У ҳинд аёлларидан кўра кўпроқ сизга ўхшарди, қуйиб қўйган ўзингиз эди. Чиройи ҳам.

Оливиянинг кўнглида хавотирми ё бошқами, ҳарқалай, нимадир пайдо бўлди. Бармоқлари қанча ҳаракат қилмасин, чалаётган мусиқаси ўзига ҳам ёқмаётганди. Навоб бўлса мусиқа қолиб, бошқа нарсалар ҳақида хаёл суришга ўтди. У каддини тик тутиб, чуқур нафас олди-да, кетишга чоғланаётгандек, бошқа томонга бурилди. Оливия ижрони тўхтатиб, унга эргашди, чунки бу ердан бир ўзи чиқа олмасди.

(Давоми келгуси сонда)

ХИТОЙ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИДАН

Ма ЧЖИЮАНЬ

(1250–1321)

Рус тилидан
Турсун АЛИ
таржимаси

Мумтоз хитой шоири ва драматурги. Пойтахтда таввалуд топган. Фаолиятининг илк даврида Юаньчжэнь китоб жамиятининг фахрли аъзоси ва Чзянчжэ вилоятининг масъул лавозимларида хизмат қилган. Кейинчалик узлатга чекиниб бадиий ижод билан шуғулланган.

КУЗ ХАЁЛЛАРИ

Қора қарға
ва бутоқлари қуриган
кекса дарахт.
Кўприк
оқим узра эгмиш букри вужудин.
Ҳориган от.
Кишлоқ йўли ва ғарб шамоли.
Офтоб ботиб борар
дунёнинг бир четида
ёлғиз қалб пора бўлмиш.

* * *

Тоғ қушлари йиғлар
тонг чоғи дераза тагида,
тоғлик қарияни уйғотар
уйқудан.
"Қайтсанг-чи!"
Новдалардан менга эшитилар сас.
"Етолмайсан!" –
Яна юксаклардан садо келур.
Тополсайдим ором учун
илиқ гўша,
сокин бошпана!

ОДДИЙ ҚУВОНЧЛАР

1

Ўрмон каърида маконим,
Йироқдаман кўзлардан.
Фақат менинг чайламга
бош суқади аҳён-аҳёнда
саррин шабада.
Биз – икков унутдик дунё ишларин
бойлигу
шуҳрат,
қолган барча пуч хаёлларни.

2

Қишлоқ кунлари беҳудуд, олис.
Йироқлардан келар чорлоқлар саси,
кўзин очаётган нилуфар нафис
Япроклар узра оқ қуртлар ғимирлар.
Гўё мен капалак каби учаман...
Худди шундай тушлар кўраман.

ШАФФОФ ТОҒ ЧЎҚҚИСИ

Қишлоқ.
Оқшом гулга кирган,
майсали том пештоқида
булутлар сузар.
Ёмғир тинган,
ярқирайди шаффоф осмон.
Отаётган тонгда,
тоғ этакларида теранлик.
О, баҳорги майсалар
юзига
фируза ранг тепчиган.

ДАРЁ УЗРА ОҚШОМГИ ҚОРЛАР

Қуёш ботаётир,
қор ҳам учқунлар –
ёхуд мэйхуа гулбаргимикин,
ё кўктерак момиғи?!
Бу хушманзара тун
сокин дарё узра тўшалар.
Овларин йиғар-да
балиқчи ҳам кетар уйига.

ЕЛКАНЛАР ОЛИС СОҲИЛДАН ҚАЙТДИ

Уфққа бош қўяди офтоб,
шароб тўла хум ҳам бўшаган.
Кечиккан қайиқлар
уйга томон ошиқар.
Кулбамнинг ортидан
учар бир хушбўй.
Букри кўприк ёнида эса
ҳувуллаб қолгандир
балиқ бозори.

* * *

Уйларда ухлаб қолдик,
сепилади Ой нури мўл-мўл.
Гўзал гулгунчалар сояси
пардаларда тўқийди жилва.
Новдалар тебранар –
Кулгидир улар учун инсон қайғуси.
Ой беркиниб олди,
тағин ёлғиз қолдим мен.

* * *

Гоҳ шамол эсар,
гоҳ ёғар жала.
Тўкилади гуллар,
ер бағирлаб терак учар момиғи.
Соғинч-ла боқаман деразадан,
оҳ, сайрайдир какку.
У йиғлайдир.
Бизга қайтиб келсанг-чи, баҳор.

* * *

Нилуфар юзида
ёмғир томчиси,
девор ёнидаги атиргулда – шабнам.
Ҳовли узра
куртаклаган хризантемалар атри ҳукмрон.
Қанчалик ёлғиз Соя ҳам!
Олхўри новдаларига осила-осила
Ой борадир қиялаб.
Бас, тўрт соат беҳуда кутдим.
Бағритош, бешафқат,
кўзим йўқдир сени кўргали!

* * *

Дарё соҳилида ўлтириб
тўлқинларни кузатаман:
мавж урадир, чайқаладир,
қошимдан кечадир асов.
Ғарб томонда собит турар
қўзғалмас тоғлар.
Жайдари қармоқ ила
Сой бўйига тушаман –
бу кез инар қалбимга ором.

* * *

Чўққида турибман
тўзғиганча сочларим.
Оқ қайинлар кўланкаси
офтоб нури билан тоғ этакларига тўшалган.
Тайе кўли тинган осуда,
сўлим Ойнинг ҳуснига бўлиб маҳлиё.
Булутлар югурар.
Болаларнинг шовқини тинган.
Уфқ ҳам қораяр...
Шундоқ кечар, шаксиз, серзавқ онларим.

ЎН ИККИ ОЙ

Биринчи ой

Бари сеҳрли –
баҳор,
шаҳар,
зулумот.
Юлдузлардан қурилмиш кўприк,
бор дарахтлар оловдек гуллар,
таралади ғаройиб қўшиқ,
Бу ўша – тошбақа,
тоғу тош ва шох-шаббалардан
топгандир у пинҳона макон.

Иккинчи ой

Қишлоқ остонасида –
Гуллар мэйхуа дарахти.
Ноку шафтолиларда
баҳор гуркираб кезгай.

Чопар арғумоқ,
чанг кўтариб кўринар аранг.
Ва шошилган йўловчилар йўлаги бўйлаб
Цинмина[1] куни-да келмоқда тўлиб.

Учинчи ой

Кутар бизни покланиш куни.
Мунир лаҳза!
Яшил қирғоқларда нозанинлар кўп!

Тентирайман бу гулзор ичра
қирмизи ранглар элитар,
қадрдондек шоҳона чаман!
Шундай чорлаб борадир баҳор.

Тўртинчи ой

О, оқшомги майин шаббода
бошлаб борар Баҳорни
булбулларнинг чаҳ-чаҳи ила.
Олхўри майин симириб
аганадик хандаққа.
Уйда кутар бир соҳибжамол
шеър каби тин олиб жимгина.

Бешинчи ой

Жилмаяди гулхайри сокин,
Анор гули айлар табассум!
Сархуш Сяньшен "Лисао"
достонин ўқир.
Қалдирғочлар қандоқ бўғотга
ин қурганин кузатаман жим.
Чорлов келар "чуҳ" деган яна
товланади "Орхидеялар",
Дарё бўйлаб қайиқлар
сузар шошиб мавжларни йўниб.

Олтинчи ой

Осмон – кенглик,
кўл – нефрит,
жом муздир.

[1] Цинмина – баҳор арафасида нишонланадиган Хитой миллий байрами.

Чангдан қочма
дим ҳаводан қочгандек худди.
Ғам ташвишсиз
қўргон қўйнида...
Авлиё чол ила,
ахир, биз келишгандик,
сал очилса нилуфар
шодланамиз, деб.

Еттинчи ой

Учиб ўтар олтинранг чинор...
Ёлғизликда
завқланган гўзал ойдан.
Ой кўзгусидан
кўз узмай ёш бир сиймо боқар.
Осмон дарёсида
иккига ажралган юлдузлар сари.
афсус,
менга бораргa йўл йўқ.

Саккизинчи ой

Тиниқ кадаҳ бўм-бўш,
майга мўлтирар
худди Чанг Э чопари
руҳи каби югурар
мусаффо осмон.
Ой нуридан ясалган минор,
қачонлардир йўқдан яралган
чидаб бўлмас бу гўзалликка.

Тўққизинчи ой

Қайиқни эслайман – совуқ наҳрда,
хризантема
ва деразам тагидаги оқ елканларни.
Улар тарк этилган излардир гўё,
ваъдалар берилган
данаянадан хат жўнатмоққа...
Мен соғинчда
кутиб яшайман.

Ўнинчи ой

Сюанъ Мин бизларни эслар, баҳор –
нозик ғунчаларни уради совуқ.
Яна
уй устида йиғилар қор булути.
Лекин мен баҳорнинг
заррин чимилдиғи остида исинаман...
Оҳангларга тортар мени у.

Ўн биринчи ой

Ҳоким бўлиб мени севгансиз...
Қачонлардир.
Баҳорда йўқладингиз
мени саганамда.
Кўнгилларни очмасдан
келтирдингиз совғалар,
бизларни мафтун этган
барча ялла айтилди,
унутдингиз ўйинчоғингизни.

Ўн иккинчи ой

Шимол шамоллари эсмоқда.
Совуқ ўтиб борадир жондан.
Олисда ҳали
бизнинг жафокаш ёзлар.
Балки қорлар остида
осонмас мэйхуа гулларига ҳам
ва лекин,
Эй, шарқ ҳукмдори,
қордан қўш озроқ –
мўл бўлади ҳосил, мўл!

ЛОЛАХОН САЙФУЛЛИНА КИМ БЎЛГАН?

1926 йили Ўзбекистон давлат нашриёти Лолахон Сайфуллина – Арслонова деган номаълум адибанинг “Ичкари” деб номланган китобини нашрдан чиқарди. Китобнинг унвон варағида “Ўзбек хотин-қизлари турмушидан олинган сочма шеърлар” деган сўзлар ёзилган эди.

Тўплам Ўзбекистонда “Ҳужум” кампанияси кетаётган, паранжи ташлаган ўнлаб ўзбек хотин-қизлари эрлари томонидан чавақланаётган бир даврда дунёга келган эди. Шунинг учун бўлса керак “Ичкари” нафақат адабий жамоатчиликда, балки кенг халқ оммасида қизиқиш уйғотди. Айниқса, адабий жамоатчилик томонидан “Ичкари” қизғин кутиб олинди. Бунинг боиси ушбу тўпламга кирган қисса ва ҳикояларнинг номаълум аёл – муаллиф Лолахон Сайфуллина томонидан ёзилгани, ўзбек тилига Чўлпондек машҳур ўзбек шоири таржима қилгани, қолаверса, тўпламнинг адибага бағишланган куйидаги гўзал шеър билан бошланган:

Лолалар дардини англаган Лола,
Лолалар тилидан қилибсан нола.

Лолалар ноласи аччиқ бўлса ҳам,
То қалбдан келгувчи сачиқ бўлса ҳам,

Тинглаб келган эди каркулоқ девор,
Эркакнинг ўзидек у нўноқ девор.

Энди бу нолангни жаҳон тингласин,
Дилларда бор эса виждон тингласин,

Виждонга ишонган имон тингласин,
Яъни у муҳтарам Инсон тингласин.

Мен ҳам қаламимни аламга солиб,
Шеърий қувватимни қаламга солиб,

Нолангни қалбимга кўчирдим, Лола,
Эй лола тилидан қилгувчи нола…

Бу самимий сатрлар 1925 йил 15 ноябрь куни Москвада ёзилган. Тахмин қилиш мумкинки, Чўлпон шу куни таржимани ниҳоялаб, ўзбек хотин-қизларининг Лола Сайфуллина тасвиридаги мунгли ҳаёти лавҳаларидан таъсирланган туфайли асар муаллифига бўлган ҳурматини шундай чўлпонона ҳаяжон билан ифодалаган.

Ўзбек кино санъати тарихи 1924 йилда "Бухкино" кино ташкилотининг тузилиши билан бошланади. Шу йилиёқ москвалик ва ленинградлик кино ходимлари иштирокида "Мусулмон қизи" деган илк ўзбек кинофильми суратга олиниб, ўша йилнинг 29 сентябрида экранга чиқарилади. Ўша йили "Ўлим минораси", 1925–1926 йилларда эса "Пахтаорол", "Бахт қуёши", "Иккинчи хотин" ва "Равот қашқирлари" кинофильмлари майдонга келади. Агар айрим роль ижрочиларини инобатга олмасак, бу кинофильмларнинг ижодкорлари орасида миллий кадрлар йўқ ҳисоби эди. Шунинг учун ҳам "Иккинчи хотин" кинофильми сценарийсининг Лолахон Сайфуллина (Арслонова) билан В.Собберей томонидан ҳамкорликда ёзилганлиги куни кеча "Ичкари"ни ўқиган китобхонлардаги Лолахонга бўлган қизиқишни ўн чандон орттириб юборди.

Ҳар бир жамиятнинг илғорлик даражаси аёлларнинг шу жамият ҳаётидаги ўрни билан белгиланади. Қайси бир донишманд томонидан айтилган бу сўзлар 20-йиллар аввалидаёқ ижод аҳлининг фикр-зикрини банд эта бошлаган. Чўлпон ва Ҳамза сингари "кекса" авлод вакиллари ҳам, шу йилларда шеърият тулпорини жиловламоқчи бўлган Ойбек ва Ҳамид Олимжон сингари ёш шоирлар ҳам ўз асарлари билан жамият эътиборини "тўрт девор" орасида яшаб келаётган хотин-қизлар мавзусига бежиз қаратмаганлар. Зеро, тарихий давр хотин-қизлар тақдирида кескин ўзгариш юз беришини тақозо этарди. Шунинг учун ўзбек киноси илк қадамларидан бошлаб диққат-эътиборини айнан шу муаммоларнинг муаммосига қаратди. "Мусулмон қизи"дан кейин "Иккинчи хотин" кинофильмининг яратилиши ҳам ижодкор зиёлиларнинг ўзбек хотин-қизлари тақдирида бурилиш ясаш орзуси билан бевосита боғлиқ.

Ўтган асрнинг 20-йилларида дастлаб Туркистон К(б)П Марказий Қўмитаси, сўнгра РК(б)П Марказий Қўмитасининг Ўрта Осиё бюроси қошида хотин-қизлар билан ишлаш бўлимлари мавжуд бўлган. Юқорида номи тилга олинган ҳар иккала фильм шу бўлимнинг ташаббуси билан суратга олинган, десак янглишмаган бўламиз. Мазкур бўлим мудири С.Т.Любимова иттифоқо Лолахон Сайфуллина билан танишиб, уни ўзи раҳбарлик қилган бўлимга ишга таклиф қилган. "Ичкари" тўпламидаги "Иккинчи хотин" ҳикояси асосида шу номдаги киносценарийнинг ёзилиши ва фильмнинг суратга олинишида ҳам унинг ҳиссаси йўқ эмас.

Ўзбек аёлларининг яқин ўтмишдаги фожиали тақдирига назар ташлаган киши уларнинг эрлари томонидан назар-писанд қилинмагани, инсон ўрнида кўрилмагани, шу боис хотин устига хотин олиб, уларни кундошлар можаросига гирифтор этганларини кўради. "Иккинчи хотин" фильми ана шу муҳим ижтимоий-маиший мавзуга бағишланган. Л.Сайфуллина ўзбек халқи ҳаётини, "ичкари"ни яхши билганлиги сабабли бу мавзуни "Мусулмон қизи" фильмига қараганда анча ҳаққоний ва таъсирли ёритишга эришган. Фильмдаги иккинчи хотин – Адолат ролини машҳур рус раққосаси Майя Плисецкаянинг онаси Раиса Мессерер маҳорат билан ижро этган. Кези келганда айтиш жоизки, куни кеча Москвадаги кинотехникумни тугатган ва "Андозиянинг кўзлари" фильмида эпизодик ролни ижро этган актриса Тошкентга икки ойлик қизи Майяни бағрига босиб келган эди.

1925 йилда "Ўзбекдавкино" ташкилоти тузилиб, унинг тасарруфидаги "Шарқ юлдузи" кинофабрикаси Шайхонтаҳурдаги Эшонқули мас-

жидига, “Қизил Ўзбекистон” кинотеатри эса Кўкалдош масжидига жойлашган эди. Камина бу фактни келтириш билан масжидларнинг оёқости қилинишини эмас, балки 20-йиллардаги томошабинларнинг кино санъатига бўлган муносабатини қуйидаги иқтибос ёрдамида кўрсатмоқчиман. “Ўзбекфильм” киностудиясининг кекса операторларидан бири А.Саидов таниқли киношунос Ханжара Абулқосимованинг илтимоси билан ёзилган хотираларида Кўкалдош масжидидаги кино сеансларини бундай тасвирлаган:

“Залда чойхона ишлар, ёпган нон ва турли-туман ширинликлар сотиларди. Томошабинлар учта катта гуруҳга ажралиб ўтиришарди. Театрда бўлганидек, бу ерда ҳам ўзининг ”партер”и, ўзининг “амфитеатри” ва ҳатто “галёрка”си бўлган. “Партер”дагилар ерга ёзилган гилам устида, “амфитеатр”дагилар скамейкаларда, “галёрка”дагилар эса узун оёқли катларда ўтиришарди. Сеансга чойхоначи қўмондонлик қиларди. У хоҳловчиларни нон-чой ва ширинликлар билан таъминлаб бўлгач, механикка ишора қилар ва фильм намойиши бошланарди. Аммо фильмнинг ўрталари яқинлашганда намойиш бирдан тўхтар эди. Механик билан келишиб қўйган чойхоначи чойнак-пиёлаларни йиғиб олиб, яна бошқатдан тарқатиб чиқар ва яна механикка ишора қилганидан сўнг фильм намойиши давом этарди. Шундай қилиб, ҳар бир сеанс бир неча маротаба бўлинарди...”

Мазкур фильм томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонди. бундан илҳомланган Л.Сайфуллина “Соябон арава” киноқиссасини ёзади ва кинорежиссёр О.Фрейлих раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ суратга олган бу киноасар 1928 йилнинг 31 январида экранга йўлланма олади. Агар М.Доронин экранлаштирган “Иккинчи хотин”даги фақат иккинчи даражали ролларни Ў.Мирзабоева, З.Йўлдошбоева, Ш.Маъзумова сингари ўзбек артистлари ижро этган бўлсалар, бу фильмдаги бош ролларга Рустам Тўрахўжаев, Ойша Туманбоева, Раҳим Пирмуҳамедов, Наби Ғаниев сингари дастлабки ўзбек кино артистлари жалб этилган. Қирғиз халқи ҳаётидан олинган бу фильм гарчанд камбағал йигит билан қизнинг муҳаббати тасвири билан бошланган бўлса-да, инқилобий давр воқеалари севги ва муҳаббат мавзуини бошқа ўзанга буриб юборган.

Ушбу фильм рус кинематографчиларининг Шарқ ҳақидаги киноасарларидан реалистик лавҳалари ва ғоявийлиги билан қанчалик фарқ қилмасин, “Ўздавкино” томошабоп кинофильмлар яратиш зарурлигини сезиб, Л.Сайфуллинага француз адиби Ф.Дюшеннинг “Ўн тўрт кунлик ой” романи асосида киносценарий ёзишни топширади. Л.Сайфуллина француз офицерининг жазойирлик мохов қизга бўлган муҳаббатини тасвирловчи асар воқеаларини ўтган аср бошларидаги Ўзбекистонга кўчириб, араб қизини Адолат (ўзбек қизи), мустамлакачи француз офицерини Коронин (рус йигити) деб атайди. “Мохов” фильми воқеалари томошабинларда қанчалик қизиқиш уйғотмасин, асар, кинотанқидчилар назарида, “Ўздавкино”га шон-шуҳрат олиб келмаган.

Л.Сайфуллина Ўзбекистонда яшаган қисқа даврида нафақат кино, балки театр учун ҳам асар ёзишга улгурди. Унинг “Қон ҳам сув...” номли драмаси Москвадаги ўзбек драма студиясини тугатиб келган собиқ талабалар ижросида 1930 йили Самарқанд театри саҳнасида намойиш этил-

ган. Афсуски, бу асар ҳақидаги хабар бизга Ҳамид Олимжоннинг 1930 йил 29 июль куни "Қизил Ўзбекистон" газетасида босилган тақризи орқалигина етиб келган. Шунинг учун ҳам мазкур асар ҳақда етарли маълумотга эга эмасмиз. Аммо Ҳамид Олимжоннинг "Қон ҳам сув..." деб номланган тақризидан шу нарса маълум бўладики, тўрт пардали бу асар ўша йиллардаги Ўзбекистон учун ҳаёт-мамот масалаларидан бири – сув муаммосига бағишланган.

Ҳамид Олимжон ушбу тақризида асар ва унинг муаллифи ҳақида бундай самимий сўзларни ёзган:

"Ўқувчиларимизга "Лолахон дардини англаб" билан танилган Лолахон бугун саҳнамиз саҳифаларида "Қон ҳам сув..." билан кўринадир. Ўзбекистон ҳаётини, бошқа қўшни жумҳуриятлар ёзувчиларига қараганда, мукаммал ўрганган Лолахон ўзининг "Қон ҳам сув..." отли драмасида… сув масаласини она чизиғи қилиб олади. У "ўзининг ўткир ва санъаткор қалами" билан ёзилган бу асарида деҳқонларда, батракларда бўлган инқилобий ғайрат ва самимиятни, социализм қурилишига бўлган интилиш ва шу интилишнинг йўлида бўлган тўсқинликлар ва бу тўсқинликларнинг тақдирини жуда ҳам муваффақиятли кўрсатади..."

Тақризчининг бу сўзларидан "Қон ҳам сув..." драмаси ўша даврда юртимиз қишлокларида кечган синфий кураш "манзаралари"ни ёритишга қаратилганлиги маълум бўлади. Ҳамид Олимжон гарчанд Лолахон Сайфуллинанинг бу саҳна асарига илиқ муносабат билдирган бўлса-да, унинг давлат театри саҳнасида қўйилмаганлиги "Қон ҳам сув..."нинг томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонмаганидан дарак беради.

Адабий ижоди Шарқ хотин-қизлари ҳаётидан олинган қисса ва ҳикоялар ёзиш билан бошланган Л.Сайфуллина 20-йилларда киносценарий жанрида ижод қилиш билангина кифояланиб қолмади. У "Ичкари"дан ташқари, "Қулаётган минора" ва "Лолалар чаман-чаман" деган романлар ҳам ёзган. Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, унинг бу асарлари шу йилларда Ўзбекистонга келиб, ўзбек халқи ҳаётига мурожаат этган Пётр Скосирев сингари рус ёзувчиларига нисбатан миллий руҳни ёркин ва ҳаққоний ифодалагани билан ажралади.

"Рус миллатига мансуб Сайфуллина, – деб ёзган эди адабиётшунос И.Я.Тёмкина, – муваффақият билан ўзини ўзбек адибаси сифатида намоён қилган. Бу мистификация фавқулодда катта қизиқиш уйғотди – Сайфуллинанинг китоби босмадан чиқиши биланоқ танқидчилар эътиборини ўзига жалб этиб, катта шуҳрат қозонди...

Сайфуллинанинг романларидаги Ўзбекистоннинг "Ҳужум" ва ер ислоҳоти давридаги ҳаётига бағишланган кенг ижтимоий полотнони яратишга уриниш диққат-эътиборга сазовор".[1]

Агар адибанинг "Қулаётган минора" ва "Лолалар чаман-чаман" романларини варақласак, жамоалаштириш ва ер ислоҳоти давридаги қишлоқ ҳаёти манзаралари, ўзбек хотин-қизларининг шу даврдаги мураккаб ва машаққатли ҳаёти, янги ўзбек зиёлиларининг туғилиш жараёни кўз олдимизда ёркин гавдалана бошлайди. Бу асарлар ўз даврида фақат танқидчилар эътиборини қозонибгина қолмай, Максим Горький сингари атоқли ёзувчиларнинг ҳам назарига тушган. Чунончи, у улкан француз адиби Ромен Ролланга йўллаган хатида шу борада бундай сўзларни ёз-

[1] Очерки истории русской литературы Узбекистана. Том 1. – Ташкент: "Фан", 1967. – Б.1 24.

ган: “Ўзбек қизи Лолахон “Қулаётган минора” деган фавқулодда марокли романини ёзди – бу асарнинг яқинда 10 000 нусхада иккинчи нашри босилиб чиқди – бу аёлларида эркак зотига ўз чехрасини кўрсатиш ҳуқуқи бўлмаган қабила ҳаётидаги воқеадир”.[1]

Шубҳасиз, М.Горький ўзбек халқининг жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган халқлардан бири эканлигини яхши билган. Аммо у эҳтимол Л.Сайфуллина қаламига мансуб романнинг қадр-қимматини янада кўтариш истаги ёки сиёсий саводсизлиги биланмикан, ўзбек халқини “қабила” деб атаган. Беруний ва ибн Сино, Навоий ва Улуғбек сингари жаҳоншумул улуғ сиймоларни берган халқни қандай ният билан “қабила” деб атаган бўлмасин, бу Горькийдек машҳур адибга обрў келтирмайдиган ифодадир.

Кўрамизки, юқорида исм-шарифи қайд этилган адабиётшунослардан бири Л.Сайфуллинанинг миллатини рус, “пролетар адабиётининг отаси” эса ўзбек, деб аташган. Модомики, адиба асарлари дастлаб Москва ва Ленинградда нашр этилган, Чўлпон эса бу асарлардан бирини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган экан, уни ўзбек адабиётининг намояндаси деб ҳисоблаш ўринли бўлмаса керак. Шундай экан, Л.Сайфуллина аслида ким бўлган?

20-йилларда нашр этилган “Кино” журналида “Ўздавкинода нима рўй бермоқда?” деган мақола босилган. Ушбу мақола гарчанд Ўздавкино ташкилоти фаолиятидаги камчиликларни фош этишга қаратилган бўлса-да, мақола муаллифи Д.Малори танқид найзасини асосан Л.Сайфуллинага қаратган. Унинг фикрича, бу “Шарқ адибаси” “Ўзбекдавлаткино” муассасасини тамомила эгаллаб олиб, бошқа сценарий муаллифларини мазкур корхонага яқинлаштирмай келган. Д.Малорининг бу мулоҳазасига қараганда, Л.Сайфуллина шу йилларда С.Т.Любимова мудирлик қилган бўлимда эмас, балки “Ўзбекдавкино” муассасасида хизмат қилган кўринади.

Д.Малори адиба шаънига тош отишда давом этиб, яна бундай сўзларни ёзган: “Шубҳасиз, миллий мавзулардаги асарларни у ёки бу мамлакатнинг ерли аҳолиси ёзганига нима етсин. Паранжисини ташлаган ва озод Шарқнинг киноёзувчиси бўлиб олган Лолахон Сайфуллина, сирасини айтганда, Шарқ қизи эмас. У польшалик бўлиб, 1924 йилга қадар Лидия Осиповна Сивицкая деб атаб келинган. У 1924 йили Муҳаммад таълимотига мойиллик билдириб, мусулмонликни қабул қилган ва Шарқдаги хотин-қизлар ҳаракатига раҳбар бўлиб олган”.[2]

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек маданиятига чақмоқ ўлароқ кириб келган, Чўлпон сингари атоқли шоир ва ёзувчиларни мафтун қила олган Лолахон Сайфуллина 30-йилларнинг бошларида, кутилмаганда, ғойиб бўлиб қолади. Унинг иттифоқо вафот этгани ҳам, бошқа бирор ўлкага кетиб қолгани ҳам ҳамон сир бўлиб қолмоқда.

Лолахон Сайфуллина ким бўлган? Унинг кейинги тақдири ҳақида Сизда бирор маълумот борми, ҳурматли журналхон?..

Наим КАРИМОВ,
академик

[1] Ўша жой.

[2] Абул-Касимова Х. Рождение узбекского кино. – Ташкент, 1965. – Б. 66.

NASR



Ранко МАРИНКОВИЧ

(1913–2001)

ГАРД

Ҳикоя

Рус тилидан
Рисолат ҲАЙДАРОВА
таржимаси

Оҳ, у дарров, дарров таниди! Бу лотинча, думалоқ, худди чағалай қанотларидек тўғри “n” ҳарфи. У ўша пайтдаёқ бу кулоксиз қизни огоҳлантирган, “исмимни тўғри ёз, “n” ни “u” га ўхшатиб ёзма”, деган эди. У ахир Touko эмас, япон Jaukin эмас. Унинг исми-шарифи Тонко Янкин, Жин Шохи Устида деган хитойча вилоятни забт этган аллақандай Тоуко Яу Киу, Киу Шиу ёки Шиу Мицу эмас, у зодагон, оқсуяк Янкин. Ушбу “n” ҳарфининг ёзилишида қандайдир таъкид айтилган, аммо ошкор этилмаган нимадир бор. О, бу “n” қанчадан-қанча хотираларни уйғотмайди?

Мен сизни таниб турибман, хоним, сиз ёзган мана шу “n” боис таниб турибман! Энди мендан, эски калитларни йиғиб юрадиган калвакдан нима истайсиз? Бундан ўн йил аввал, ўн бир йил аввал мени ғалати одам, калвак деб атаган эдингиз, эсингиздами? Ўн бир йил муқаддам бирданига жазавангиз тутди, йиғлаб, оёқчаларингиз билан шағални тепиб (ўша пайтда, ўн бир йил олдин бу йўлкаларга оқ шағал тўкилган эди) “Шу эски калитларинг жонга тегди, нима истайсан мендан?” деб қичқирган эдингиз (Оҳ, худойим, бирам кўҳлик эди-я бу қиз!). Кекса Люция юқори қаватда ивирсиб юраркан, бизнинг қичқириқларимизни эшитиб, кейин мендан: “Шьор Тонко, синьорина Аннага нима бўлди?” – деб сўраганди.

“Синьорина Аннами? – дедим мен. – У бармоғига пальма баргини санчиб олибди...” “Менинг сўраётганим, у калитлар дегандай бўлди-да”, – минғирлади Люция.

Кекса Люция гап нимадалигини англаган, пальма ҳам, ҳатто калитлар ҳам шунчаки тилга келиб қолганини тушунган эди. Мен ҳам калитларнинг бунга алоқаси йўқлигини билардим. Сиз илгарилари мени калитлар йиғиб юришимни билардингиз, буни ҳамма, бутун шаҳар биларди, лекин шунга қарамай, менга унаштирилдингиз. Бутун шаҳар менга қадимий калитларни сотарди, ҳатто сиз ҳам, ойимқиз, готика услубида ясалган венецияча калит совға қилгансиз. У тенги йўқ, нодир калит эди, коллекциямнинг фахрига, безагига айланган эди. (Оҳ, Анна!)

Йўқ, йўқ, гап калитларда эмас эди, менинг гўзал маликам, ҳамма гап ер ўлчаб юрадиган анов танобчида эди. Худди ўша танобчи, бизникига ерни ўлчаб, кесиб бериш учун келган танобчида. Жаҳлингизнинг, кўз ёшларингизнинг сабаби шунда эди, шунинг учун сиз боғда ер тепинган эдингиз! Ўшанда пошнангизни синдирган эдингиз, биз туфличангизни тузаттириш учун Люцияни этикдўзникига жўнатгандик, агар шундай қилмасак, уйингизга ҳам кетолмасдингиз. Люция туфличангизни олиб келгунча ялангоёқ ("миттигина яланг оёқлар!") самбитгуллар орасидаги ўриндиққа ўтириб олиб, жаҳлингиз чиқиб сукут сақлардингиз, менга бир оғиз ҳам сўз айтишни истамадингиз. Мен ўзимни айбдор сезардим, ахир мен бадбахт, танобчини хаёлимга келтирибмидим? Бошингиз узра самбитгуллар ифор сочар, лекин сиз бу исга парво қилмасдингиз. Мен эса сиз шу маст қилувчи севги ҳидини, кўксимдан чиқаётган хўрсиниқни ҳис қилмаганингиз учун ўзимни айбдор деб билардим, сизнинг зардали сукутингиз, ўзимнинг мавжуд бўлмаган айбим боис хўрсинардим (бунча бағритош бўлмасанг, Анна!), охири қаршингизда тиз чўкдим, узр сўрадим, калитларимдан воз кечдим, ваъдалар бердимки... оёқларингизни ўпмоқчи эдим, сиз эса ўпилмаган оёғингиз билан менинг кўксимга тепиб юбордингиз, йўлкадаги шағал устига йиқитиб юбордингиз. Мен чин маънода ташланган, танобчига жой бўшатиш учун қувиб юборилган эдим.

Бу танобчи сизга қачон кўз ташлади, қачон сизни маҳлиё қилиб, ер ўлчаб юрадиган тасмасига боғлаб олди, ҳозир ҳам ақлим бовар қилмайди. Лекин сиз уни деб эс-ҳушдан айрилдингиз, уни пойлашдан, атайлаб унга дуч келишдан уялмадингиз (ўшанда ҳамма шуни гап-сўз қиларди, мен эса уятдан ёнар эдим, Анна). Унинг сафари ниҳоясига етиб, кетганда, сиз ҳар қандай уятни йиғиштириб қўйиб, ортидан югурдингиз... Кейинроқ, уруш[1] бошланганда, ҳатто унинг орқасидан ўрмонга кетишга[2] ҳам аҳд қилибсиз! Шим кийиб, қўлингизга қурол олиб!

Мана, Люция туфличангизни олиб келди, сиз менга бир сўз демай, ҳатто қўл бермай кетдингиз. Шундан кейин сизни қайтиб кўрмадим. Уруш тугагач, Люция менга сизнинг ўша танобчига турмушга чиққанингизни айтди. Оч, кир, бит босиб келган танобчини ювиб, тараб, унга хотин бўлибсиз (оҳ, Анна, Анна, ўшанда бетиним йиғлаган эдим), у сиз билан никоҳдан ҳам ўтибди, сиз билан... сиз билан...

Энди мендан нима истайсиз, бу хатингиз билан нималарга уриняпсиз? Чағалайнинг қанотига ўхшаган шу "n" билан бошлаган хатингиз! Балки устимдан кулиш хаёлидадирсиз, танобчининг хотини!

У боғдаги худди ўша, бир вақтлар оппоқ, тоза шағал тўкилган, энди эса ифлос тупроғи қорайиб ётган йўлка четидаги ўриндиқда ўтирарди. Самбитгуллар ҳамон ўн бир йил аввал, қиз ўриндиқда ўтирган маҳалдагидек муаттар ҳид таратарди. У хотираларга берилар экан, ўзича хўрсинди.

Сиз, хоним, кетганингиздан кейин бетобланиб қолганимни билмайсиз, мен иситма ичида ёниб, алаҳладим, сизни чақирдим... Мен сиз совға қилган калитдан бошқа ҳамма калитларни ташлаб юбораман, дея бақирардим. Назаримда сиз берган калит жаннатнинг эшигини очар эди... Кейинчалик Люция айтиб берди, мен яккаш жаннат эшигининг калитини эслаган эмишман... Бечора кампир мени жон таслим қиляпти, руҳи нариги

[1] II жаҳон уруши назарда тутиляпти (тарж.).

[2] Мамлакатда 1941–1945 йилларда олиб борилган халқ-озодлик уруши (Югославия партизанлари ҳаракати) назарда тутиляпти. (тарж.).

дунёда, жаннат дарвозаси олдида муқаддас Пётр билан суҳбат қуряпти, деб ўйлаган экан. Мен бўлсам жаннат калитини (сен жаннат эдинг, Анна, менинг жаннатим) сўрардим, шу калит билан сизнинг шафқатсиз, тош қалбингизни очиб, унга назар ташлашни хоҳлардим. Тузалгач, уни дўзах эшигининг калити деб атаб, дераза остидаги, бир вақтлар канарейкали қафас осиғлиқ турган михга илиб қўйдим. Хаста ётган кунларим ҳамма унутганидан, қуш ҳам нобуд бўлибди. Шундай қилиб, тунларнинг бирида дўзах эшигининг калитини қалбингизга ўрнашиб олган иблис олиб кетади, деган умидда дераза тагига илдим. Ҳар кун эрталаб мен калит жойидами йўқлигини текширардим, тунларнинг бирида иблис калитни олиб кетди.

Калитни сенга қайтарган киши мен эмас, иблис, сенинг ичингдаги иблис, деб ёзмоқчи ҳам бўлдим, Анна... Кечир, нима қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Кейинчалик Люция айтдики, гўё калитни сенга мен жўнатиб юборган эмишман, унинг ўзи калитни почтага элтиб берган эмиш, аммо буни эслолмайман, ҳеч нимани эслолмайман. Мен ғамдан эсимни йўқотиб қўйгандим.

Хоним, сизни роппа-роса икки йил кутдим. "J'attendrai toujours..."[1] номли пластинкани сотиб олиб, уни туну кун эшитардим, қўшиқни тинглаётиб, сизни кутиб, кўз ёши тўкардим. Сиз келмадингиз. Ўн бир йил ўтди, келмадингизу, энди бу мактубингизда нималарни ёздингиз?

У қўлида очилмаган хатни ушлаб ўтирарди. Қоғоз енгил, майин, оппоқ эди, гўё кафтига Аннанинг оппоқ, майин, худди эндигина севишган пайтларидагидек меҳрибон қўллари тегар эди. Кафтидаги хат хотиржам, мулойим, ройишли жилмаяётгандай, ўзини бутун софлиги, маъюслиги, умидсизлиги билан унга бағишлаётгандай, ушбу ҳорғин, сўлғин ёзувда битилган "n" ҳарфи пушаймонлик ичра "кечир" деб шивирлаётгандай... У ҳамон хатни очиш учун ўзида куч топа олмаётганди. Самбитуллар унинг дилини шубҳаларга тўлдириб, эски азобларини қўзғар, ўриндиқдаги ўша жаҳл қилишини эслатарди. Кафтида тутиб турган шу арши аълони, қўлидаги шу дўзахни, шу маккор мубҳамлик эшигини очадиган жаннат калити ҳам йўқ эди... Дераза тагида илиғлиқ турган калитни тунларнинг бирида иблис олиб кетганди...

У ҳаяжондан дир-дир титраркан: "Кулгили-я! Менга мактуб битганини! Анна менга хат ёзибди! Қизиг-а!" – дея ғўлдирарди. У аёлнинг умидсизлигини, омадсиз турмушини, собиқ ошиғини соғиниб ёлворишини, ўзини ерга уриб, қайтишга изн сўраб ёлворишини тасаввур қилишга уринди. Лекин кўз олдидан ушбу хушбаҳра орзулар, титроқ ва бахт умидларига тўла орзулар, ғалаба сезгиси боис янада тўлган, улканлашгандек туюлган орзулар сузиб ўтиши биланоқ қарши шамол эсиб, мазкур тантананинг маст қилувчи дудини қувиб юборди. Фақат кафтдаги мактуб, номаълум хабар элчиси, юрагида рўй берган барча алғов-далғовларга сабаб бўлган, уни тақдирга тан бериш деб аталувчи чодир остида ўн бир йил давом этган осуда ҳаёт номлик уйқудан тортиб чиқарган арзимас қоғозча қолди.

Люция йўлакда шиппакларини шапиллатиб юрганини эшитди-ю, хатни кўйлаги тагига тиқди. Қатъийлик билан ўриндиқдан турди. Конвертнинг қаттиқ бурчаги унинг юраги устига санчилди-ю, кўксидан чуқур хўрсиниқ узилди. Хонасига қамалиб, ўзининг ўтмишига мотам тутиш

[1] Мен доимо сени кутаман... (франц.).

учун уйига йўл олди. Ўтмиш гўё бирон марта ҳам кийилмай, хотиралар сандиғига ташланган қимматбаҳо байрам либоси эди-ю, уни ўн бир йил давомида унутилиш куялари кемирган, кейин либос бирданига куёшга чиқарилганда ҳайратомуз тарзда эскириб, илма-тешик бўлиб кетгани кўриниб қолганди. Ҳар ҳолда, ўтмишнинг азоблагувчи сўқмоғи, вақт барча оқликни ювиб юборган сўқмоғи атрофини ўраган самбиттуллар иси таралган ҳавода бу хотиралардан аччиқ ҳид тараларди.

Бир вақтлар софдил Анна бор эди. Қор ва қанддан, булутлардан яралган оппоқ илоҳа, унинг босинқирашларида, хомхаёлларида оқарган, унинг чин ихлосидан оқарган соф илоҳа. Кейин сиз тўсатдан, кўз ўнгимда эриб кетдингиз, хоним. Фақат оппоқ доғлар, оппоқ бўшлиқлар, олисларда айрилиқнинг оқ рўмолчаларини силкитаётган ҳаяжонли оппоқ хотиралар қолди.

Сиз кетган ўша тонгда ҳам мен айвончадан туриб сизга сочиқча силкитдим, хоним. Мен дурбиндан қараб, сизнинг кемага чиққанингизни, палубада тутқичга суяниб турганингизни кўрдим. Сиз менинг сочиқча силкитганимни кўрдингиз, худди ҳар куни, сиз уйғониб, дераза ёнига келиб, мен йўллаётган саломни кўриш учун тикилган пайтингиздагидек қарадингиз. Илгари сиз ҳам саломимга жавоб йўллардингиз. Аммо у сафар, кемада, умрбод кетаётганингизда, менга салом йўлламадингиз. Сумкачангиздан оқ рўмолча чиқардингиз-у, унга бурун артдингиз. Мана шу сизнинг видолашишингиз бўлди.

Ўша сочиқча, ўша дурбин жавоннинг махсус токчасида, оқ қоғоз устида турибди. Мен ўтган ўн бир йил мобайнида сизга салом йўллашни бас қилганим йўқ, хоним. Мен ҳар тонгда айвончадан туриб сизга салом йўллайман (Анна, сен ҳали ҳам менинг тонгги ибодатимсан!), ўрнингизга эса сизнинг деразангиздан кексайиб, эсдан оғиб қолган холангиз Роза қарайди.

У ёзнинг оғир қуёши ураётган деразани ёпиб, пардаларни тортди, шу заҳоти хона мотам ғира-ширалигига ғарқ бўлди. Мана шу ярим қоронғиликда, фотопластинкали кассетани очаётгандай эҳтиёткорлик билан конвертни йиртиб, хатни олди. Хона жуда қоронғи эди, шунинг учун кўзлари зулматга ўргангунча кутиб турди.

Анна нимани истайди ўзи? Калитини қайтариб берганман, менда унга тегишли ҳеч нарса йўқ. Балким, танобчига бирон нима керакмикин? Балки, ўртоқ танобчи Анна орқали менга сулҳ таклиф қилиб, бахтимни тортиб олиб, роҳат кўраётгани учун узр сўрамоқчидир?

Майли, бахтли бўл, оғайни, танобчи, марҳамат, роҳат кўравер (ахир унақаларга сенлаб муомала қилиш керак, ўзлари шундай буюришган). Наҳотки мен бахтсиз бўлсам? Аксинча, сен менга шундай бир яхшилик... (Кечир, Анна, мен эринг устимдан кулмаслиги учун унга шундай деяпман. Дилимдан нималар ўтаётганини ўзинг биласан-ку!) Шундай яхшилик қилдингки...

"Қадрли Тони, – деб ёзилган эди мактубда. – Бўлиб ўтган шунча гапдан кейин сенга хат ёзаётганим ғалати, албатта... яна шунча йилдан кейин... Сендан катта бир ўтинчим бор эди, умид қиламанки, менга йўқ..."

Унинг юзларига олийжаноблик табассуми ёйилди (Сенга йўқ деб бўлармиди, Анна? Буюр, буюравер...).

“Беш йиллик бесамар кутишдан кейин умидсизликка тушган пайтимизда мен ўғил кўрдим!”

У кейинги жумлани икки марта ўқиди, лекин мазмунини учинчи ўқишда, сўзларни ўзича такрорлаб, уларни воқеликка айлантиргачгина англади. Беш йил кутиш! Жуда яхши! Танобчи иккингиз деразага боқиб, лайлак учиб келишини кутаверибсиз, чоғи? Шуни кутиш деб атаяпсизми?

У шу топда жуда баджаҳл, орсиз эди. Шу туришда ўзи-ўзига ёқиб кетди. Юзида шунга мос ифода пайдо бўлганини сезиб, кўзгу қаршисига борди. Кўзгудаги акс маъюс умидсизлик эди, у бунинг устидан истеҳзо ифодасини машаққат билан ниқоб қилиб тортди. Бу худди бир қўлга бошқа бир қўлнинг кўлқопини кийишдек бўлди, юзи қийшиқ ойнага боққандек буришди. Лекин бу қиёфа ўзига хуш келди. Назарида айнан шунақа кулги рақибини йўқ қиладигандек эди. У бурни устида шиша кўтариб юрган хуккибоздек бошини кўтариб, юзидаги ифодани хона ичра олиб ўтди.

“Кутиш... кутиш... – ғўлдирарди у тасаввурига аччиқ, ҳақоратомуз ҳиссиётларни чақираркан. – Кўрамиз, қандай илтимос экан бу.”

“Тони, биласан-ку уларнинг қандайлигини (биламан, “ўртоқлар”!), лекин мен болам чўқинтирилмай қолишини хоҳламайман. Улар болаларни фақат “рўйхатга олишади”. Ҳа, майли, никоҳ аҳди дея кўп ҳам қайғурмадим (тушунарли, кутиш учун бу жуда ҳам шарт эмас), биз кап-катта, ақлидрокли одамлармиз (буни ҳали худо билади!), нима қилаётганимизни биламиз (буни ҳам ҳали худо билади!), аммо бу миттигина бегуноҳ хилқат... агар унинг бурни қанақа кулгили эканини кўрганингда эди! Унинг сиёсат билан нима иши бор? У кейинчалик мендан ўпка қилиб юрмасин, дейман, шунинг учун ўйладимки... Бу ерда кимга ҳам ялинардим, бари... ўзинг тушунасан... (тушунаман!) сен эса менга акамдек қадрли бўлиб қолгансан (раҳмат, сингил). Шунинг учун сенга ишониб, миттивойимга чўқинтирган ота бўлсанг, демоқчийдим... Розимисан, Тони? (Ҳм...) Эрим бу ниятимдан хабарсиз. Биз эрталаб, эрим ишда эканида черковга борамиз, отахон Винко билан келишиб қўйганман. Эримга сени болани кўргани икки-уч кунга меҳмонга келади, деб айтдим. У “Майли, келаверсин”, деди. Билсанг, у сени ҳурмат қилади. “У бизнинг сафдошимиз бўлмаса ҳам, лекин босқинчиларга ён босмади. Қатъиятли одам экан!” – дейди. Эрим ҳамма нарсага сиёсат нуқтаи назаридан қарайди, баъзида бу жонимга ҳам тегади (наҳотки?), лекин умуман айтганда, у яхши, меҳрибон киши, пашшага ҳам озор бермайди. Нима ҳам дердик, (менми? Ҳеч нима!) тўрт йил ўрмон кезиб юрган, энди бизнинг урфимизга ўрганишига вақт керак... Ўтинаман, Тони, йўқ дема! (ҳм...) Агар рози бўлсанг, келишингни хабар қилиб, телеграмма бер. Дилдан салом!

Анна.

P.S. Ҳали ҳам калит тўплаяпсанми? Менда сенга аталган нимадир бор!”

– Менда ҳам бор, – деди у баралла ва хатни ғижимлаб отиб юборди. Юзида хунук тиржайиш пайдо бўлди. Олдинига бу тиржайиш миттигина шўх шайтонча каби лаблари атрофида, бурни тагида сирпанди, бетининг аввал бир, кейин иккинчи томонини қийшайтирди, қотиб қолган ланж мушакларни, мунгли ажинларни, кўзлар остидаги эринчоқ халтачаларни қитиқлаб титратди, исёнга чорлаб, қўзғади. Унинг юзи борган сари жонланиб, уйғониб, ҳаракатга кела бошлади, кўп йиллик маъносиз

серрайиш йўқолди, мушаклар ёзилди, тийиқсиз кулги зўрая бориб, сунъий, ғайриихтиёрий буриштиришдан яралган ғов ва тўғонларни бузиб, бутун юзни тошқин каби босди. Кулги ушбу рангпар, топ-тоза қирилган ниқобни ларзага солди, жонли бу кулги ҳалок этувчи ичиқораликка тўла бўлиб, барча бидъат, одамшавандалик, раҳмдиллик, оғриқларнинг қолдиқларини, тугаётган кўз ёшларни йўқ қилиб борарди. У жўн, қўпол куларди, шунинг учун унинг кулгиси баланд, оғир сўкишдек туюлар, чўчқанинг хуриллашига ўхшаб кетарди. Бу кулгида қабиҳ, ғайриинсоний нимадир, қандайдир қўрқинчли, қасоскорона лаззат бор эди.

У ўрнидан туриб, полдан ғижимланган хатни олди, уни текислаб, китоб тагига бостирди. Кейин қари Люцияни чақириб, телеграмма юбориш учун почтага жўнатди. Телеграммага "эртага етиб бораман, Тонко" деб ёзилган эди.

Кема силлиқ сув юзасида тинчгина сирпанар, кампир эса вайсагани вайсаган эди... У урушдан қайтиб уйланган, энди эса Сплитда масъул вазифада ишлаётган ўғлини гапираверарди. Кампир ўғлининг уйига меҳмонга бораётган экан. Ўғлининг икки яшар боласи бор экан, "олтингинам-ей, – дерди у. – Ўзинг кечир худойим, гўдакни чўқинтиришмабди! Оҳ, шьор Тонко, худо кўрсатмасин, бирданига болага бало ёпишса, нима бўлади? Ўзинг кечир, худойим, чўқинтирилмаган руҳ тангри таоло чеҳрасига қандоқ қилиб рўбарў бўлади? Бу янги одамлар, ўғлим ҳам, шак йўқ, яхши одамлар, фақат табиат, табиат, дейишади... Бу олам, бу куёш, ёз-у қиш, денгиз-у денгиз тубини ким яратди, ўзингиз айтинг, шьор Тонко, қанақадир табиат шунча нарсани жой-жойида ярата оладими? Вой, жоним-а, ҳеч нимани англамайман, фақат неварамга қарайман-у, олтингинам-ей, худонинг марҳамати тушмади-да, унга, кўзимдан ёшларим оқаверади, оқаверади, азизим, шьор Тонко...

У сукут сақларди. Кампир чўқинтиришнинг муқаррар муҳимлигини ташвиш билан уқтиргани сайин у жиддий хаёлларга ботиб борарди. Унинг бориш қарори чигаллашган хаёллари тўрида типирчиларди, кампирнинг сўзлари эса ўйларига янада кўпроқ беҳаловатлик соларди. Нима бўлганда ҳам бу эътиқод иши! Бундай ишларга аралашишни у ёқтирмасди.

У чўчий бошлади, таклифга рози бўлгани учун пушаймон ҳам чекиб қўйди. Майли, болани чўқинтиришсин, бунга монеълик қилмоқчи эмас. Чўқинтиришга шарафлар бўлсин! Қолаверса, бу ишни танобчидан яширинча, писибгина, баҳслашмай, шовқин солмай, ич-ичидан шодланиб, кулиб бажаради... Кейин эса... буёғи энди чўқинтиришга мутлақо боғлиқ бўлмаган ишлар.

Бу масалани виждонига ҳавола қилиб, ҳал этиб бўлгач, яна содир этилажак алдовдан қувона бошлади. Худо уни тушунади, унга иноят кўрсатади, худо уларнинг тарафида ахир. Анна ҳам. Худо, у ва Анна танобчига қарши, маккорона, моҳирона, жимгина, устомонлик билан, яширинча, бақириқ-чақириқ ва ҳақоратларсиз. Анна икковлари устомонлик билан танобчининг боласини чўқинтиришади... "Хи, хи, хи" – у ўзича маза қилиб ҳирингларди.

Аннанинг ишончи унга хуш келганди. Аёл уни эрига қарши фитнада иштирок этишга чақирарди. Тонко бу ишда умидлантирувчи ниманидир кўргандек бўлди... Анна эрини баъзан жонга тегади, дебди. Сиёсат-чи!

Анна у билан яширин фитнага киряпти, шивирлашиб, кўз қисишяпти. Уларнинг умумий сирлари бор. Бу сир унга қоронғи хона бўлиб кўринди, унинг ичида Анна бор, титраётган, ҳаяжонланаётган, қаршилик кўрсатиш қобилиятини йўқотган, унга ён беришга тайёр, эшитилар-эшитилмас шивирлаш билан уни ўз қучоғига чорлаяпти. Хурсандликдан курагидан чумоли ўрмалагандек бўлди-ю, сесканиб кетди.

– Устингиздан ажал сакраб ўтди, – деди кампир.

– Қанақа... ажал? – сўради у қўққисдан айтилган гапдан жаҳли чиқиб.

– Шунақа гап бор-да, – узр сўрагандек сўзлади кампир. – Агар кимдир сесканиб кетса, устидан ажал сакраб ўтди, дейишади. Ким билади, бу ростми ё шунчаки гапми?

Ажал? Ҳозир шу сўз билан ўз кайфиятини бузгиси йўқ эди. Унинг ҳаёти шу топда жуда тор кўриниб кетди, шунчалик торки, эртага эрталаб Анна иккови фитна боис боғланиб, ёлғиз қолганларида ёпириладиган жўшқин лаззатни ичига сиғдира олмайди.

– Боғламни тушириб юборасиз, шьор Тонко, – огоҳлантирди кампир унинг тиззаларидан сирғалиб кетаётган пакетчани тутиб қолиш учун қўл чўзаркан. – Бу нима, совғами?

– Ҳа, – жаҳл билан жавоб берди у ва кампир боғламга тегишидан қўрқиб, унинг қўлини итариб юборди-да, тушиб кетаётган пакетни илиб олди.

– Мен эса ўғлимга узум олиб кетяпман, – кампир ёнида турган каттакон саватга ишора қилди. – Ўғлим бояқишдан кўра келинимга кўпрок тегади, албатта. У еб-ичишга ҳам улгурмайди. Югургани-югурган.

"Ҳа, бу совға", – қайтарди у ўзича. Шу пайт юзи худди кечагидек, шу даҳшатли қарорга келган пайтидагидек, ички кураш титрогидан бужмайиб кетди. "Совға, зўр совға, бу учовимиз уч ёққа тирақайлаб кетадиган бомба, – у хаёлан кампирга мурожаат қилди. – Агар пакет ичига қанақанги қўрқинчли динамит яширганимни билганингда эди!"

Оқ ипак қоғозга синчиклаб ўраб, кенг қизил тасма билан қўндалангига боғланган кичиккина пакетча унинг тиззаларида худди ёркин алвон лентача билан безатилган беланчакда, ипак ва тўрлар кўпиги орасида ётган ёқимтой боладек софдил кўринарди... гўё кутилаётган маросимга тахт қилиб қўйилгандек... У хавфли боласини тиззаларида аллалаб, хаёлан уни эркалай бошлади: "Шошмай тур, шошма, миттигинам, аввал биз дадажонингни хурсанд қиламиз, ўғилчани чўқинтирамиз. Кейин сени беланчакка, ўғилчанинг ёнига қўямиз, онасини ҳам хурсанд қилиш керак-ку... Она сени кўрса қувонади, ота эса сенга кўзи тушганда севинчдан осмонга сакрайди, охир-оқибат ҳаммамиз ўйинга тушамиз, шу тариқа, вақтичоғлик бўлади, хуррамчилик бўлади..."

– Совғага нима олиб боряпсиз, шьор Тонко? – кампир жуда қизиқувчан чиқиб қолди.

– Э, шунчаки, чақалоқнинг каравотига қўйиладиган, ота-онасини ҳам, болани ҳам хурсанд қиладиган майда-чуйда. Шиқилдоқлар, шиқилдоқчалар, қўнғироқчалар...

– Қўнғироқчалар бўлса, яхши. Менинг болаларим гугурт қутиларини ўйнашарди, баъзан гугурт доналарини сочиб ташлашарди...

Кеманинг кескин гудоги унинг сўзларини кўмиб юборди. Кема бортга кирди.

Соҳилда қувноқ шовур-шувур, югур-югур авжида эди. Бизнинг юртимизда кеманинг ҳар бир ташрифи – кичкина бир байрам. Айниқса, ўша йиллари, урушдан кейинги, одамлар сафар қилиш, юриш, ҳаракатланиш истаги билан ёнган пайтлар эди. Албатта, ҳамма тўрт йилги оғирчилик, турли таъқиқлардан кейин енгилгина нафас олиб, шундан ҳузурлана бошлаган эди. Одамлар кемаларни бесабаб сабрсизлик, қизиқиш билан кутиб олишарди, ҳатто яқин ороллардан келадиган маҳаллий кичик кемачалар ҳам ҳаяжон билан қарши олинарди. Худди уларнинг лангар ташлаши қандайдир кутилмаган учрашув, қаердадир ҳаяллаб қолиб, энди қўққисдан, барчанинг кўнглини бирдек очиб, ҳайрон қолдирмоқ ниятида шодлик ваъда қилаётгандек.

У бирдан ташвишга тушиб қолди. Соҳилдаги бу тиқилинчда, безовта қимирлаётган, шўх шамол ўйнаётгандек чайқалаётган бошлар орасида унинг ҳам тантиқ, беқарор бошчаси бор... У нима ҳақда ўйлаётганийкин? Нега энди уни (айнан уни!) танобчига қарши фитнага тортди? Нега уни икковлари ўртасида яратилажак сирга ошно қилиб, дилида туйғулар... туйғулар уйғотди, уни қандайдир махфий, икковлари ёлғиз қолиб, фитначилардек пичир-пичир қиладиган хилват жойга чақиряпти? Унинг ўзига яраша сири бор (ҳали-вери хотирадан ўчмайдиган даҳшатли қасос фитнаси бор!), бу сир тасма билан боғланган оппоқ бокира ипак қоғоздаги дўзах, эртага, тонгда, чўқинтириш маросимидан кейин беланчакка қўйиладиган, ўлим келтирувчи бомбадир... Аёлнинг қизиқиши устун келади, сабрсизликдан ичи куяди... Чўқинтирган (чўқинтирган!) ота ҳадя этган совғани кўриш учун пакетни очади-ю, воҳ! Бомба портлайди, ер лаззатдан титраб кетади...

У қўрқувдан қалтирар эди. У бомбадан эмас, Аннадан қўрқарди... У ўзича бир нималарни гапирган ҳам бўлди, лекин булар шунчаки сўзлар эди, фикрлари эса чигаллашиб, Аннадан яширинганча бир-бирининг ичига беркиниб олди.

Анна ҳув нарида, соҳилда туриб, уни кутяпти. Маккор қотилни қучоқ очиб кутяпти (Анна! Анна! Анна! – дея сўзсиз ҳўнграрди у), унга ишониб, дили енгил тортиб кутяпти: Тони йўқ демади, хайриҳоҳ бўлди! (Тони, ni, ni, ui эмас, эҳ, ҳозир у гапиряпти-ку, ёзаётгани йўқ-ку...) Эрини алдаётгани учун чекаётган пушаймонига унга, қотилга бўлган енгилгина майл, балки, ўн бир йиллик қаттиқ уйқудан кейин ғайриихтиёрий тарзда уйғонган сокин, ҳуркак севги ҳам қўшилаётгандир. Ахир нимага ҳам уни чақирсин, нимага? Балки, бу фитна, бу чўқинтириш маросими – уйдирма, баҳонадир? Бу эҳтимол хаёлига келиши билан ўзича тамшаниб қўйди-ю, бахт туйғусидан йиғлаб юборай деди. У эса ўзининг кутилмаган, ақл етмас бахтига совға қилиб бомба олиб кетяпти! Шунчалар ҳам ношукурчилик бўладими? Қанчалик ақлсизлик бу!

Қўлидаги шу иблисона, ахмоқона юкни ташлаб юборгиси, ундан халос бўлгиси келди. Бу юк, пакетда телбаларча, разилларча гумбурлаётган шу разил, сурбет юк унинг виждонига бутун оғирлигини ташлаган эди. Лекин уни қандай қилиб, ҳеч кимга билдирмай, қизиқувчан кўзларга кўрсатмай ташлаб юборади? Агар уни сувга ташласа-чи? У совғани тутқич устига қўйиб, қўлини нарига олди. Кема бир силкинса, тушиб кетади. Кампирга ўгирилиб, унинг диққатини ўзининг ясама паришонхотирлиги билан

алаҳситмоқчи бўлди, лекин кампир унинг орқасида туриб кимгадир тинимсиз валдирар эди.

– Вой, шьор Тонко, совғангизни эсдан чиқардингиз! – дея хитоб қилди кампир. – Зўрға тутиб қолдим. Ҳечқиси йўқ, келинг, мен олиб юрай, йўқса, сиз уни кемада унутиб қолдирасиз, бирам паришонхотир экансизки, худо ҳақи. Сиз, ўқимишли кишилар, ҳамиша ҳар нимани унутиб юрасиз! Ҳечқиси йўқ, мен оламан... Шьор Тонко, барака топинг, менинг саватимни кўтара қолинг... Фақат соҳилга чиқариб берсангиз бўлгани... Одам жуда кўп, оёқларим эса толиб кетяпти. Фақат қирғоққа... – вайсарди кампир, узумини эҳтиётлаб, кеманинг қирғоққа тақалган бортига қараб шошаётган бесабр йўловчилардан этаклари билан тўсар экан. Қизил тасма билан боғланган пакетни эса кампир қўлида маҳкам ушлаб борарди.

У пакетини тортиб олмади, ўзи эса узум тўла саватни энсаси қотиб итоаткорлик билан худди сувга ташлаб юбормоқчидек иягигача кўтарди.

– Оҳ, шьор Тонко! – кўрқиб кетди кампир. – Шошмай туринг, ҳали трапни туширишмади. Чарчаб қоласиз...

Лекин у саватни қўймади. Кампирга қулоқ солмай, соҳилни кузата бошлади. "Агар мени эри билан бирга кутиб олса-чи? – ўйлади у жаҳл билан. – Яна *"ўзларининг беҳуда кутишлари меваси билан"* – қўшиб қўйди у яна маккорона қасосга тайёрланар экан.

Қуёшда оппоқ рўмолча яраклади. Ҳа, бу ўша, Анна. Бир ўзи. Атрофда юк кўтарувчилар, милиционерлар, оломон, ранг-баранг, серташвиш, бақироқ, зерикарли оломон. Аннанинг эгнида ёзги, енгсиз, кўксида ғалати, тўртбурчак ўйиғи бўлган оқ кўйлак. Ўйиқ шунчалик чуқурки, аёлнинг оппоқ бадани кўриниб турибди ("Бадан". У бу сўзни ёмон кўрарди). Бошида денгиз ва осмон рангидаги тасма ҳилпираб турган, панама-сомбреро номлик катта шляпа... Аёл ёз, осмон ва денгиз мисоли истарали, чағалай сингари оппоқ эди, унинг оқ шляпаси ранг-баранг оломон узра сузарди...

– Мана, ўтиб олдик, – деди кампир. – Энди секин-аста кетаверамиз, шьор Тонко.

У дафъатан қўлида сап-сариқ, болакайнинг юзларига ўхшаб кетадиган узумга тўлдирилган оғир, ахмоқона савat турганини эслади... Хаёллари соҳилга отилди: кўйлак ўйиғидан кириб, оппоқ титроқ жарликка сингиди... Кўйлак остидан сутга тўлган, тўла сийналар мўралар эди...

Аёл унинг қарашларини, хаёлларини сезгандек бўлди, кўйлагини тўғрилаб, уялиб жилмайди. У ҳатто Аннанинг юзида қизиллик ўйнаганини кўрди, эҳтимол, у мени совғага узум кўтариб келяпти, деб ўйлаган бўлса керак, дея дилидан кечирди. Аммо у миясига келган фикрдан уялмади. Аксинча, саватни худди катта бойликка тўлдирилгандек кучаниб кўтара бошлади. У аёлнинг кўз олдида, шу оломон олдида вазиятга мослашган, ўзгалардан фарқ қилмайдиган одамга айланган кишидек кўринишни истаб қолди.

Трапда унинг ортидан пилдираркан, кампир одамларга қарата:

– Четга чиқинглар, йўл беринглар ахир, вой худо! – дер эди. Кейин эса: – Шьор Тонко, узумни эзиб қўйманг, ўғлимга олиб кетяпман-а... – деди-ю, кетидан минғирлади: – Албатта, унга-да! Ҳаммасини хотини еб тугатади! Бояқиш, мева ейишга ҳам фурсат тополмайди. Югургани-югурган, касал бўлиб қолмаса денг, жонкуярим! Ҳой, четланинглар, кўрмаяпсизми, узум

олиб кетяпмиз, – дея бесабр йўловчиларни нари-бери сура кетди. – Бу ёққа, шьор Тонко, бу ёққа.

Кампир уни бир четга, тиқилинч камроқ бўлган томонга тортиб кетди. У Аннани кўздан қочириб қўйди, аёл оломон орасига ғарқ бўлди.

У терга ботди, пешонаси ва бўйнидаги томирлари шишиб, оғирлик кўтаришга кўникмаганидан қўли ва бели оғриб кетди. Бироқ атрофда саватни қўйишга жой йўқ эди. Шу онда кимдир елкасига аста қўл теккизди:

– Тони!

У саватни кўкси устида тутганча довдираб қолди, юраги уриб, қулоқларига аскарларнинг баравар ташлаган оғир қадами каби зарб берди, гўё бошидан саноқсиз кўшин юриб ўтди.

Аёлнинг лаблари ёрқин қизил, тишлари тиниқ оқ, кулиб турган кўзлари осмон мисоли мусаффо эди. Гўё Анна унинг устидан куларди.

У аёлга узоқ тикилди, қўлида савати билан қаққайганча, ҳеч нимани идрок этолмай туриб қолди. Ҳеч нимани. Унинг оёқ-қўлини қўпол, тушкун, ноумид нимадир кишанлаб қўйди, у Аннага тикилганча абадий туриб қоладигандек эди. Лекин кампир саватни ерга қўйиш кераклигини эслатди, у Аннадан кўзини узолмай, ғайришуурий равишда, телбанамо ҳаракат билан саватни ерга қўйди. Кейин ўзига узатилган кичкина бўлиқ қўлни худди шундай ғайриихтиёрий тарзда, сеҳрга учраган каби ушлади, ўпиш учун эгилди, аммо аёлнинг қўллари уятчанлик билан ўпичдан қочди. У ўпичдан қочган қўлларни тутиш учун янада пастроқ эгилди-ю, биров орқасидан туртиб юборгандек кулгили тарзда чайқалиб кетди. Анна жилмайди. "Масхара қиляпти, – ўйлади у ва хижолатдан қип-қизариб қаддини кўтарди. – Энди қўлни ўпиш урф эмас, улар буни таъқиқлашади... У билади буни..."

– Қариб кетибсан, Тони, – аёл унинг сочи оқариб кетган чаккаларига қаради.

"У-чи? Мен уни зўрға танидим, шунчалик ўзгариб кетибди! – у жуда бўлмаганда хаёлан ўч олишга интилди. – Наҳотки ҳали ҳам ёшман, деб ўйлайсиз, хоним? Ўзингизни қизчалардек тутасиз! Шўх қизчадек!"

У аёлга "сиз" деб гапиришни ҳам, "сен" дейишни ҳам билмасди, шунинг учун гапирганда иложи борича олмошларни тилга олмасликка интилди. Шу боис гапи истеҳзоли лутфга ўхшаб қолди-ю, лойқа тубига тушган марварид сингари портнинг умумий шовқинида изсиз ғарқ бўлди.

У аввалги гўзаллик излари жимгина ўча бошлаган чеҳрага разм солди. Бурни устида майда доғлар, кўзлари ёнида майда буришиқлар, кўз тагида кўкимтир чуқурча пайдо бўлибди. Бўйнидаги тери сўлий бошлабди, қўйлагининг ўйиғида эса қуюқ хамир ёйилиб, уятчан юпқа буришиқ ҳосил қиларди, кейин эса ўйиқдан мўралаган қуюқ зувалалар тазйиқи остида бўйин остидаги маъюс ажин тармоқларига бориб қўшиларди. Бир вақтлар қўйлак ўйиқларидан силлиқ, чиройли қайтариқ билан бирбиридан ажратилган иккита қаттиқ олмачалар мўраларди, улар иккита тўлқин орасидаги камгак, иккита бўса орасидаги "оҳ" янглиғ гўзал эди.

"Бу ерга қарилик ин қурибди", – ўйлади у ва кўзларини маъюслик билан четга тортди.

Аёл буни пайқаб, қизаринқиради-да, қўйлагини юқорига тортиб қўйди.

– Қани, кетдик, – жонланиб сўзлади Анна уни қўлтиқлаб оларкан.

Лекин кампир унинг иккинчи қўлидан тортди.

– Совғангиз-чи, шьор Тонко? – кампир ўзича шивирлаш деб ўйлаган товушда эслатди. – Яна совғангизни унутяпсиз.

Кампир унинг қўлига пакетчани тутқазиб, шарбатга тўлган иккита улкан узум бошини узатди. Узум бошчалари бирам чиройли, таранг эдики... Худди аввалги, бир вақтлардаги...

Унинг томоғини ғалати, тўпланиб, қуюқлашиб колган адоватдан таралаётган ичиқоралик аралаш ҳасрат сиқиб ташлади (оҳ, Анна, Анна!). Унинг ичида аллақандай қувноқ, кутурган ғазаб ёнарди, шу билан бирга, ғамгин, паришон ёмғир ёғиб, ғазабни ўчирарди. У маъюс тортиб қолди.

Кампир узум бошларини қайтариб олишдан бош тортди.

– Сиз менга шунчалик ёрдам бердингизки, шьор Тонко, олақолинг. Сиз бўлмасангиз, мен бечора нима қилардим?

Кампир йиғлаб юборай дерди.

– Шунча узумни нима қиламан? Қандай кўтараман? Раҳмат сизга!

У ўзининг беминнат хизматини лаънатлай бошлади. Анна икки бош узум боис кўзғалган баҳсга аралашмаслик учун ўзини чеккага олди. Аёл хижолат тортаётган эди.

– Сизга энг яхши бошларни танладим, мана, қаранг. Олинг, шьор Тонко, оғиримни енгил қилдингиз. Агар сиз бўлмасангиз, менга ким ҳам ёрдам берарди? Олақолинг, – кампирнинг жағи тинай демасди.

– Кўчада буларни қандай қилиб кўтариб юраман, ғалати хотин экансиз. Раҳмат, кераги йўқ.

– Вой худойим-ей, узум кўтариб юриш ҳам уят эмишми? Узумни қўлда кўтариб юрса ҳам бўлаверади, нима бўпти? Мана, хоним айтсинлар, бунинг ҳеч уят ери йўқ, айтинг, хоним.

Анна ўзини ҳеч нима эшитмаганга олди, уларга орқа ўгириб, оғирлигини бир оёғидан иккинчисига солди.

У охири кўнишга мажбур бўлди. Узум бошларини олиб, худди баликни жабраларидан кўтаргандек, бармоқларига осди-да, кампир билан хайрлашмасдан кетди.

Аннанинг юзида кўринган, меҳмонларга аталган илтифот ифодаси кўп ўтмай масхара аломатлари билан аралашганини илғади. Илғаган ҳамон биринчи муюлишдаёқ узум бошларини ерга отди, сап-сариқ доначалар болаларнинг шаффоф шиша шарчалари сингари ҳар ёққа сочилиб кетди.

Аёл кулиб юборди:

– Нима қиляпсан?

– Нима жин уриб, буларни тутқазиб юборди у? – аччиқланарди у – Сен ҳам куляпсан-а!

– Йўқ, Тони, кулаётганим йўқ, – деди аёл, лекин кулишдан тинмади.

"Шошмай тур-чи, кўрармиз, эртага эрталаб ҳам кулармикинсан, – ўйлади у. – Эртага, чўқинтиришдан кейин!" У ниҳоят, қўлида қўрқинчли курол – пакет турганини ҳис қилди-ю, қатъияти аввалги кучи билан қайтди.

– Кулгим келади-да, – давом этди аёл. – Ўзгариб кетибсан, ён берадиган бўлибсан, ҳукм ўтказишни бас қилибсан.

– Ҳукм ўтказишни? Мен ҳеч қачон ҳукмрон бўлмаганман.

Аёл индамай қўя қолди. "Албатта-да, нима ҳам дерди? Мен ҳукм ўтказармишман! Бу гап инсофдан эмас, Анна..."

Улар денгиз соҳили бўйлаб, боғлар билан қуршалган виллалар қад ростлаган сокин қишлоқча томон кетиб боришарди. Денгиздан эсаётган оқшомолди шабадаси боғлардаги қарағайлар, пальмаларни шувиллатар, аёлнинг чеккаларидаги гажакларини ўйнар эди. Баъзан мана шу ингичка соч толаларига тикилар экан, раҳмдиллик қуёши сочаётган ёркин нурлар унинг бор жасоратини шафқатсизлик билан йўқ қилиб юбораётганини англарди. Бу ҳарорат уни эритиб, ухлатиб қўяйпти, кучларини тортиб оляпти. У ланж бўлиб, худди чарчаган, уйқудан қолган одамдек эснади.

– Толиқиб қолибсан, шекилли, – аёл унинг юзига узоқ, ғамгин нигоҳ ташлади. – Етиб қолдик. Анави қизил томни кўряпсанми? (Ҳа-да, қизил! Сизларнинг тусингиз шу, деб қўйди ўзича). Бу бизнинг вилла.

"Вилла?" – ўйлади у. Кейин:

– Айвончалими? – деб сўради.

– Ҳа, – жавоб қилди аёл.

Айвончада, сариқ-қизил йўлли соябон остида кўзойнак таққан бир киши газета ўқиб ўтирарди.

"Танобчи", – заҳархандалик билан ўйлади у. Лекин миясининг қатқатида янграган бу сўз уни чўчитиб юборди, шунинг учун у ўзини ташвишлангандек кўрсатди:

– Ғира-ширада ўқияпти, – таъна қилгандек сўзланди у. – Кўзга зарар қилади.

– Ҳа. Мен ҳам неча марталаб айтганман! – қизишиб қувватлади Анна. Унга меҳмонининг қайғуриши хуш келганди, шекилли. – Лекин бари бефойда. Шунақа экан-да, эркаклар. У кўзларини расво қилиб бўлди...

Аёл ҳуштакда "Фра Диаволо" операсидаги куйни чалиб, эрини чақирди. Бир вақтлар уни ҳам худди шундай чақирарди (Анна, Анна! Юрагим ёрилиб кетай деяпти!)

Танобчи чўчиб тушди, бошини кўтариб қаради, газетани шодон силкитиб, уларни кутиб олиш учун уйга қараб юрди.

– Ажойиб одам у, – шошиб шивирлади Анна. – Ҳали ўзинг кўрасан. Бу ишни... ундан яшириб қилаётганимдан хижолат бўляпман... – аёл гапини тугатмай, тортиниб хўрсинди.

У хижолатмиш! Унинг ичида яна бетинч, итларча оч қасос истаги бесабрларча қайнай бошлади.

"Жуда қопағон ит" деб ёзилган эди боғ эшикчасига ўрнатилган занг босган темир лавҳада. Лекин "қопағон" ит инида мудраб ётарди, у ҳатто кирган меҳмонни ҳам сезмади.

Танобчи уларни уй остонасида кутиб турарди. У калта енгли теннис кўйлаги кийиб олган, қўллари чўнтакларида, баланд бўйли, озғин, куёшда куйган, ковбойга ўхшаган бир киши эди. Унинг узунчоқ юзи (кўзойнагини ечиб қўйибди) гўё атайлаб бирон-бир намунага қараб чизилгандек мутаносиб келишган, меҳмондўстлик билан жилмаяр эди.

Эркаклар қўл қисиб кўришишди. Улар "ўша пайтлардан" бери таниш эдилар. Лекин бунда икковлари учун уятлик бир нима бордек, бу ҳақда сўз очишмади.

Анна иккита бўлакни бирлаштирувчи ажойиб, чиройли тўқа янглиғ уларнинг ўрталарида жилмайиб турарди, у майл туғилиши учун хизмат қиладиган сўзлар, лутфлар, эътибор аломатлари билан уларни бирлаштириш, дўстлаштириш, боғлашга уринарди.

Аслида танобчига хотинининг бунақанги ёрдами керак ҳам эмасди. Хушмуомалалик унинг табиий хулқига, унинг дўлворлигига зид келмасди. У одатдаги, бир-икки оғизлик ҳол сўрашишдан кейинок Тонконинг елкасига худди яқин дўстидек қоқа бошлади. Ҳатто бир неча марта сенсираб ҳам қўйди.

Ўрмон ҳаётидан қолган қилиқлар! Тонко, зодагон, оқсуяк Янкин ўзини ҳақоратлангандек сезди. "Ўрмон"дан жамиятдаги хулқ борасида соддалашган тасаввурлар билан қайтган бу одамнинг кескинроқ марҳамати, бетакаллуфлиги унинг кўнглини оздирарди. У ҳатто бундай феъл-атворнинг самимийлигига ҳам кўпда ишонмасди, ҳадеб панд, масхара кутаверарди. Унинг назарида танобчининг такаллуфдан холи ишораларида ғолибнинг хомийларча ачиниши, мурувватни сезиларди. Икки карра ғалаба қозонган ғолибнинг.

"Менга ачинишнинг ҳожати йўқ, – дегиси келди унинг. – Мени бахтсиз экан, деб ўйламанг". Шу асно эртага, черковдан қайтгач, беланчакка, чақалоқнинг кўксига тантана билан қўядиган пакетини эслади-ю, ёвуз лаззат туйди. "Мана шунда ўрнимиз алмашади, – ўйлади у. – Ўшанда мен сенинг елкангга ҳомийларча қоқиб кўяман, ўрток... хе, хе..."

Эр-хотин (Анна, Анна!) меҳмоннавозликда мусобақалашаётгандек эди. Иккови унга шу қадар ғамхўрлик қилардики... "Ахир сен ўзимизникисан, тортинма..." – дерди танобчи, "Тони, ўз уйимдаман, деб ўйлайвер", – дерди Анна.

У анчайин босиқ, такаллуфи кўпроқ муомалани афзал кўрган бўларди. Ахир ҳозирги меҳмондўстлик шунга муносиб жавоб қайтаришни тақозо этарди, у эса кўнглига хоинликни тугиб қўйганди. Икки бора ошириб хоинлик қилишни. Икки карра ғалаба қозонган ғолиб ва икки карра ошириб хоинлик қилган хиёнаткор – натижа шундай бўлиши керак! Ҳаммасига ўша айбдор! Эҳ, Анна, негаям мени чақирдинг?

У ўз уйини, дарахтлари ўсиб кетган боғини, дарпардалари тушириб қўйилган ярим қоронғи хоналарини, йўлакдан ўтаётган Люциянинг оёғидаги шиппакларнинг тақводорона шалпиллаши-ю, унинг белидаги калитларнинг шалдирашини соғиниб кетди.

Калитлар! Кичкина ва катта калитлар, тақинчоқлар солинадиган кутичаларнинг жимит калитлари, Аннанинг сочи сақланадиган, ўн бир йил аввал бўлиб ўтган охирги карнавалда сочилган қоғоз тангача солинган медальоннинг митти калити.

Бу эски калитлар танҳоликда ўтган кунларида қанчалаб хотираларни сўзлаб бериши мумкин! Титраган, терлаган очкўз қўллар, хасис, телба, рашкчи юраклар, эҳтиросларга ва мудҳишликлар, уйқусизликлар, маҳбусларнинг даҳшат, ваҳима ва шубҳаларга тўла тунлари, ёпиқ эшикка дуч келганларнинг азоблари, ёпиқ, яширин, махфий, номаълум барча нарса ва ҳодисалар қаршисидаги ҳасрат ҳақида сўзлаши мумкин. Барча азобларнинг калити эса – оддийгина калит, ҳаммага тушунарли бўлган оддийгина мосламадир. Оҳ, агар ҳозир шу ердан олисда бўлиб қолса, ўзининг ҳамма нарсани биладиган эски калитлари билан яшириниб олса эди!

Мезбонлар Тонкони "ўз хонаси"га кузатиб қўйишди, эгнидаги пиджаги ва оёғидаги туфлисини ечиб олишди, уй эгасининг курткасини, шиппагини кийишга мажбур қилишди. Кийимлар унга катта келди, у шип-

пакларни худди қари Люцияга ўхшаб шалпиллатиб юра бошлади. Анна секинроқ қадам ташлашни илтимос қилди, тағин чақалоқ уйғониб кетмасин...

"Танобчининг менга ичи ачияпти, шекилли, – тунда хонасида ёлғиз қолиши билан одатда ўзига ўзи сўзлайдиган нутқини шундай бошлади, – Худди бахтли экани учун мендан узр сўраётганга ўхшайди. Толеъи дуруст, нима ҳам дердим? Ҳасад қилишга арзийди! Кечқурун айвончада бирам куладики... У кулгисини қоронғиликка яширмоқчи эди, лекин овози... мен унинг овозидан англадим, куляпти. Нега энди калитлар йиғасиз, деб сўрайди. Буюмпараст, деб ўйлаяпти. Яна кулади!"

Уй эгасининг тунги кўйлагида хона бўйлаб ялангоёқ юрарди. Кўйлак унга мос келганди, лекин бу кийимда ўзини жуда ёмон ҳис қилаётганди. "Худди менга тиндириш кўйлаги кийдиришганга ўхшайди, ҳеч тинчий олмаяпман. Албатта, у менга раҳми келаётганини, менинг бахтсизлигимга ачинаётганини кўрсатмоқчи бўлди. Ҳа, мен калит йиғаман! У бўлса, "ёлғизлик" ҳақида гапиради, шафқат қилганидан очиқ гапиришдан қочади. Аслида бахтсиз, демоқчи. Бахтсиз одам – менман. У эса – ғолиб. Музаффар! Танобчи!

Агар дурустроқ ўйлаб қараса, у мени хўрлаяпти, мана, кўйлак ҳам берди. Аслида мени менсимайди, устимдан кулади. Мен ҳатто тиш чўткаси ҳам олмабман, ҳамма нарсани унутибман. Эрталаб у менга ўзининг тиш чўткасини илинади, мана кўрасиз, танобчи шунга ҳам қодир... "Ўз уйимдаман, деб ўйланг, тортинманг..." Мен ўз уйимда эмишман, ўз кишиси эмишман! Нима деганди? "Босқинчиларга ён босмади". Менинг ҳам феъл-хуйим бор. "Ўшалардан бири". Аннанинг гап оҳанги-чи? "Беш йиллик бесамар кутишдан кейин умидсизликка тушган пайтимизда..." ...Кутишдаги умид, умидланиб кутиш... Тсс!"

Бирданига жим бўлди, тўхтаган жойида қотиб, қулоқ солди. Унга шундай туюлдики... Ҳа, бу товушлар шиддатли, қандайдир даҳшатли бир куч билан ҳаракатланаётган тезюрар қайиқ эшкаклари сингари қизғин бир маромга бўйсунганди. Тўшакнинг ғижиллаши унга етказилган хўрлик, ҳақорат, иснод, мана шу тунги кўйлак, яланғоч, пардаланмаган баданни эсга солганча дилида мудҳиш ингроққа айланарди...

У эгнидаги кўйлакни йиртиб, нафрат билан отди. Энди ўзи ҳам яланғоч қолган, лекин кучи, шошилинч суръати, мақсади йўқ эди. Саёзликка тиқилиб, ташлаб кетилган, қуёшга қирраси билан қараганча қуриб бораётган кема мисоли эди. Сафар тугади. Тамом.

Товушлар эса тинмасди. Нимадир қирсиллар, одатдагидек, тунда нимадир кемираётган сичқондек хотиржам ғижирлар эди. Узуқ-юлуқ шивирлаш, қизишган нафас, лаззат исини олиб келаётган илиқ товушлар тун ичра уятсизларча сузарди. Улар ушбу азобли тунда оила жомини шифтдан то ертўлагача тутган ғижирлаш, қисирлаш товушлари билан, сафо мусиқаси билан, ақлсизларча қониқиш кайфи билан тўлдирадилар. Назарида бу ўжар товушлар уни ақлдан оздирадигандек туюлди. Хаёллари танобчи – Анна, танобчи – Анна, танобчи ва Анна оралиғида бориб-келарди. Юраги туннинг суқли нафас, тийиқсиз лаззатга тўла ҳар бир ҳаракати, тебраниши ортидан эргашганини ҳис қилди.

У ўзини каравотга ташлаб, ушбу тўлқинлар оша шиддатли сузишдан, денгиз касаллигидан яшириниш учун бошини ёстиқ тагига тиқди. Бего-

на муҳаббат тўлқинларида тебранган, тикка қалқиган бу тунда ҳеч ердан осойиш, қўним топиб бўлмас эди. У азобга қолганди. У шовқин солиб, гулдираб, ғазабга миниб, умидлар, орзулар, титроқлар ва қийноқлар билан тўлган бутун бир ҳаётни ҳаракатга келтирадиган даҳшатли машина тагида қолган бақа, топталган чувалчанг янглиғ буралар, тўлғанар эди.

Ёстиқ тагига қўл тиққанди, шитирлаётган қаттиқ нарсага тегиб кетди. Қизил шилдироқ қоғозга (яна қизил!) ўраб, олтин ранг тасма билан боғланган узунчоқ ўрам. Ўрамда калит, ўн бир йил аввал иблис олиб кетган ўша жаннат эшигининг калити турарди. Мана у, шу ерда, дўзахда! Энди калитга олтин суви югуртирилган (олтин суви билан расвоси чиқарилган, Анна!), унга рақамлар ва ҳарфлар ўйилганди. Калитнинг тилида 1937 йил, готика услубидаги тўрсимон нақшлар чекилган, тепа қисмида эса 1948 рақамлари ўйилган. Ўртасида бир томонга ТОНИГА, бошқа томонига АННАДАН деб битилган. Бу Анна ўз хатида ёзган ўша совға эди. "Менда сенга аталган нимадир бор". Олтин суви югуртирилган...

Аслида у олтин ҳал, ёзув, рақамлар ва ҳарфлардан, исмлардан таъсирланиб кетганди, ёзувдаги келишик қўшимчаларининг нисбати, ўзига кўрсатилган нозик эътибор уларни бўса каби яқинлаштирар, бирлаштирарди.

Унинг танасини меҳр титроғи силкитиб юборди. Анна! Унинг елкасини тер босган, зўрға нафас оларди. Назарида тун оғир, дим эди, сал бўлсада, шабада турсайди...

У ўрнидан туриб, дераза ёнига келди.

Бу ўн бир йил аввал бўлганди... У дераза ёнида турганча оқ сочиқчани силкитиб, салом йўллаяпти, дурбиндан қараб, уйқудан туриб, гулдек титраб турган қизнинг жилмайганини, жавобан қўл силкиганини кўряпти... Ҳар куни мактуб келарди: "Ягонам, менинг ягонам, Тони... нега бугун менга эриниб қўл силкидинг? Қўлингдаги сочиқча зўрға силкинди, худди энди менга аталган севги изҳоринг қолмагандек! Менга ҳозироқ мактуб ёз, тезгина ёзиб, Люциядан бериб юбор, мен эртага почта келгунча кутолмайман. Мен ҳозироқ хатингни ўқишни, мени қанчалик севишингни, фақат мени севишингни, фақат менигина эсдан айрилгудек севишингни билмоқчиман! Айнан шундай деб ёз: "Эсдан айрилгудек!"

Кейин ўша маъюс кунлар етиб келди, у менга жавобан қўл силкимади. "Ягонам, менинг ягонам... Роза холам нимадандир шубҳаланди. У Люциянинг менга хат келтириб берганини кўриб қолганди. Тўғри у хатнинг ўзини кўрмаган. Энди эса у ҳар куни, биз бир-биримизга салом йўллаётган пайтимиз дераза токчасига кафасни қўяди-да, тўтиқуши билан узоқ гаплашади. Биламан, тўтиқуш шунчаки баҳона. У мени пойлаб деразамга қарайди-да, тўтисига: "Buon, giorno, amor mio, buon giorno, tesoro mio!"[1] дейди. Бу гап менга тегишли, биламан. У қари, қизғанчиқ бир хотин. Ягонам менинг, бироз чида, мен бир неча кун сенга жавоб йўллай олмайман, лекин сен менга қараб сочиқчангни силкитавер, менинг қадрли тентагим..."

Бу тентак ҳали ҳам ҳар куни дераза олдига келиб, сочиқча силкитади. Эсидан оғиб қолган Роза хола Аннанинг деразаси ёнида қариб қолган тўтиқуши билан ўйнаб ўтиради, унга мулойимлик билан шивирлайди:

[1] Хайрли тонг, менинг севгим, хайрли тонг, хазинам! (итал.)

"Tesoro, amor mio..."[1] ўзини тўтиқуши билан гаплашаётгандек кўрсатади, у уятчан қари қиз, ўз ишқини ошкор қилолмайди, йигит унга совчи жўнатишини кутади, ўзи ҳам ишқдан ёниб битади. Йигит дераза олдида ўз хотираларига салом йўллаяпти, у...

Тўлин ой уфққа тушиб, уни масхаралаган каби узун сариқ тилини чиқарди. Бу тил ойна каби қотган сув сатҳига тушиб, дераза тагигача чўзилди.

"Олтин суви югуртирилган бу калит – янги бир хўрликнинг ўзгинаси, деган ўй келди миясига. – санани ҳам, исмларни ҳам, ҳаммасини... иккovлашиб ўйлаб топишган".

Яна икковини эслади. Энди уй ичида чарчоқ бир сукунат ҳоким эди. У фақат қулоқларида жаранглаган сукунатни, ўзининг ҳаяжонланган қонидан чиққан шовқинни эшитди. Энди қон томирларида итоат билан тинч оқар, чаккаларига ҳуркибгина, гўё истамаган каби тепар эди.

"Балки буларнинг ҳеч бири бўлмагандир? – ўйлади у. – Балки, мен яна, ўн бир йил аввал, Анна ташлаб кетган пайтидагидек, иситма ичида алаҳлаётгандирман? Аслида томирларимда ҳақоратланган қоним тепяпти, менинг гўзал хотираларимни аллалаяпти, ўтмишимга алла айтяпти: "аллаё, алла!"

У дераза токчасига чиқиб олиб, ойга тикилар, кўксига бўм-бўш қўлларини босиб, худди чақалоқни аллалагандек, тектакнамо тебранарди: аллаё, алла.

Қаердадир, уй қаърида, олисларда бола йиғлади.

"Йиғла, йиғла, миттивой, аллаё, алла... – У қўлларида хаёлий чақалоқни тебрата бошлади. – Сенинг азиз... азиз онанг..." – У тамомила бошқа нарса демоқчи, унинг ғами боис туғилган қабиҳ, орсиз гап айтмоқчи эди, аммо шу дамда бола тинчиди. Унинг тасаввурида тунги кўйлак ўйиғидан чиқариб чақалоққа тутилган оппоқ, думалоқ сийна жонланди. Шу топда болага ҳасади келди, рашки келди, фу!

Кулгили. Эртага бу чақалоқни отасидан яширинча чўқинтиришади. "Хи-хи", – у хаёлига шу фикр келиши билан илондек роҳатбахш чақишдан хузурланиб, заҳарли ханда билан хирингларди. Чўқинтирган ота чақалоқнинг беланчагига совға қўяди. Совға... Воҳ!

У каравотига ўтириб, оғир хўрсинди. Хаёлига келган иш елкасидан оғир юк бўлиб босар, у ҳамон иккиланарди: ҳа – йўқ? Ҳа – йўқ?

"Мен хотиржам, зериктирувчи кунларни... йилларни кечираётган эдим, – у нима деётганини ўзи ҳам англамай қолганди. – Мени жуда бўлмаса, ўз ҳолимга қўйишса, ўз-ўзимча яшашга қўйишса бўларди! Эҳ, Анна, Анна!"

У саҳнадаги фожиаларда ўйнаётган актёрлардек улуғворлик билан бошини кўксига осилтириб, бемақсад, гангиган нигоҳларини полга тикди. Лекин полни эмас, ўзининг орик, кучсиз, ўлик қора қон қотиб қолган ҳаво ранг иланг-биланг томирлар тўрига ўралган оёқларини кўрди.

Дилидаги ҳамма нарса ўлик, ўлик ва ихтиёрсиз эди, хаёлига "Балки, шундай бўлгани ҳам яхшидир... – деган фикр келиши билан чарчоқ ва бефарқлик ҳиссига чулғанди. – Агар танобчи боласининг чўқинтирилишини билса-ю, фақат... Э, қаердан ҳам биларди?"

У асаблари аста-секин хасталикка ўхшаш ниманингдир таъсирига учраётганини сезди, барча бўғимлари ва пайлари бўшашганини, уни

[1] Хазина, менинг севгим... (итал.)

ўзининг узун, ориқ, яланғоч танасига нисбатан нафрат туйғуси қамраб олганини, маккорона ўйларидан кўнгли айниётганини туйди. “Қара-я, бу портлатгич шу ерда экан. – У тунги курси устидан пакетни олди. – Агар истасам, уларнинг бахти жаҳаннамга қулайди!”

Бундай интиҳонинг театрга хос жўшкинлиги уни тўлқинлантириб юборди, кўнгли юмшаб, дилида бир кечада ахлат уюми устида очилиб, ўзига ўзи маҳлиё бўлаётган, чиринди ўртасида ифор сочаётган гул сингари кутилмаган, тортинчоқ, деярли кулгили бўлган яхшилик уйғонганини пайқади. У кечирди. Ўзининг кичкина гули косасидан атрофга ярашиш чангини сепди, ушбу кутилмаган эзгулиги ладандонидан муаттар бўйлар сочди, ҳатто кўзларидан томган ёшлар билан уларнинг никоҳини дуо қилди. У тўсатдан ёпирилган танти киши фидойилигидан лаззатланган жафокаш каби сўзсиз, маъюс йиғларди.

У қизил тасмани ечди, ипак қоғозни очди ва мактублар орасидан бирини олди. Кўкиш конвертда (осмон ранги, Анна!) қунт билан унинг манзили битилган, унда думалоқ “n” ҳарфи ажралиб турарди. Бу ҳарф ҳеч ким тилга олмаган муҳаббат қўли билан битилгандек, майин чизгиларда ёзилган эди.

У полга ўтирди-ю, думалоқ, юмшоқ ҳарфларга лабини босди. Шу ҳарфларни ёзган, шу думалоқ, меҳрли севгини ҳис қилган, қунт билан, эҳтиёткорлик билан унинг исмини битган қўлларни хаёлан ўпа кетди...

“Азизим, азизим “n”, – пичирларди у шавқ билан. – Сенда унинг гўзал, меҳрибон қўллари, ишқи яшаган кўкси қолган. Азизам!”

У ақлини еб қўйгандек эди. Аннанинг хатларини бир бошдан, санама-сана ўқир экан, ичига эътиборсизлик қилиб пайқамай қолган, уйқуни туйқусдан, қўпол узган ширин заҳар кириб келаётганини сезди. У яна ўзини ўзи ухлатиб, уйқунинг сеҳрига банди бўлар, эндигина таниган, эндигина ютган, ўзи қўл теккиза олмаган бахт исидан маст бўлди. У Анна ёзган сўзлар кўпигида чўмилар, унинг хўрсинишлари билан ювинарди.

Шаҳарда соатлар бонг урди, лекин у буни эшитмади, унинг вақтида барча миллар тўхтаганди. Ой аллақачон ботиб кетган. Дераза ортида зулмат ва сокинлик ҳукмрон. Фақат аҳён-аҳёнда чирилдоқлар чириллаб қўярди... Тун уларнинг товушидан қоронғи, теран, муаттар ва юлдузли туюларди. Чирилдоқларнинг куйида унинг орзулари ва армонлари яшарди...

Бизнинг истеҳзоли ҳикоямиз шу ерда ниҳоясига етса ҳам бўларди. Азобли бедорлик олдида таъзим қилиб, эшитилар-эшитилмас, оёқ учида нари кетиб, ёруғ дераза ортида ўзининг очиқ яраларини ўзи ялашига имкон берсак яхши эди. Келинг, ҳикоя тунга кириб кета қолсин... чироғи ўчирилган, бошқача тушлар кираётган бошқа деразаларга мўралай қолсин...

Бироқ қўшнининг хўрози қаттиқ қичқириб, орзуларни кесиб қўйди. Дераза остида ётган ит хўрознинг қичқиригидан уйғониб кетиб, жаҳл билан қандайдир сўкишларни айтиб ғўлдиради. Тепадаги хонада эса яланғоч Тристан полда хатларга кўмилиб, мисоли орзулар булути узра ўтираркан, совуқ рўё тегиб сесканиб кетди.

Яна бизнинг ҳикоямиз учун сезилмасдан ортга чекиниб, ширин орзуларидан уйғониб, полда бемаъниларча ўтирган шу бадбахт кимсани

ташлаб кетишига имкон туғилди. Лекин унинг ўзи уни булутлардан ерга мана шундай ташлаб юборишларини, умрбод полда қолдиришларини истамади. Ахир ҳаёт шундай тугаши, полда, яланғоч ҳолда, эски ишқий мактублар уюми устида ниҳоя топиши мумкинми? Унинг ўзи ҳикоянинг ва ҳаётнинг ниҳоясини талаб қиляпти. Шунинг учун у орқаси совқотиб қолганини сезиб, ғамга ботди, нима қилишни билмаган одамлардек ўрнидан турди...

Оёқ учида юриб йўлакка чиқди...

Наҳотки сиз унинг ўзи шуни хоҳлаётганини кўрмаётган бўлсангиз? Ҳикоя шу ерда, хонада қолишни, бу одам билан қандай бўлишидан қатъий назар, ниҳоя ҳақида келишиб олишни, уни ўзи содир этиши мумкин бўлган ортиқча ва уятли ахмоқликдан асраб қолишни афзал кўради. Лекин у билан келишишнинг иложи йўқ: ҳаммаси тугаши олдидан, у яна бир марта Аннанинг яқинлигини ҳис этиш, унинг нафасини яна бир марта эшитишни истайди.

Қоронғида яланг оёқлари билан шипиллаб, эркак кишининг қудратли ўпкадан отилиб чиқаётган кучли, соғлом нафаси эшитилаётган эшикни пайпаслаб топди. Табиатнинг ушбу соғлом, соддадил нафаси орасида майин, хушоҳанг, титроқ нафас эшитилди. Товушсиз шабада енгил муслин дарпардаларни силкитиб, кўпикка ўхшаш шаффоф матодан ўтгандек туюларди. У зўрға нафас олганча қоронғи йўлакда турар, шу қадар ҳар хил, бирлаша олмайдигандек туюлган уйқулар умумий тунда қандай чирмашиб кетганини тингларди. У мана шу икки уйқуни хаёлан бир-биридан ажратар, ипак пардани титратаётган шабада каби енгил уйқуни эркаларди. У лабларини бўса учун жуфтлади-ю, Аннанинг нафаси учган ҳавони ўпди. Кейин эҳтиётлик билан эшикка яқинлашиб, унга лабини теккизди, гўё ушбу дағдағали, ниҳоясиз ўпич билан эшикка ўз ишқининг қарғишини абадиятга михлади. Ва шивирлади: “Алвидо, Анна...”

Йўлак бўйлаб қайтар экан, авф сўзларини шивирлар, носамимий ўлиш истаги унда ўз-ўзига маҳлиё бўлган ғусса, ўз-ўзига ачиниш ҳисларини уйғотарди. Бундай ҳислар уйғонганда одам ўзини худди ҳавас қиларлик жафокашлик шоҳсупасида тургандек сезади. Бу қадар беҳузурликка яна ким мубтало бўлганийкин, бу қадар азобларни яна ким торта олганийкин? Қаердан тўппонча, заҳар, ўзини намойишкорона ташлай оладиган осмонўпар бинони топиб бўларкин?

Аслида эса у “енгилроқ восита” излаб, хонани тимирскилаб чиқаётганди, худди ўлим эмас, уйқу тилга олинаётгандек... Унинг кўзи аркон, пичоқ, баландликни эслатадиган ҳар бир нарсадан қоча бошлади, буларнинг бари қўпол, унга муносиб эмас... Бирдан у қўлида Аннанинг хатлари боғланган ипак тасма турганини пайқаб қолди. Ҳа, буниси узилмайди... Содда макр. Унга бу ишнинг одатдаги рамзийлиги, шоирона восита эканлиги ёқаётган эди. Шунинг учун тасманинг пишиқлигини синаб кўраркан, бу ишни ҳам рамзий маънода, юзаки бажарди. Тасма синовдан осон ўтди. Кейин у сиртмоқ ясади, унга бошини тиқди (кўряпсизми, бу одам нима қиляпти?), тасманинг иккинчи учини эса дераза илмоғига боғлади.

– Хўш, – деди у, – энди эса – алвидо! Ҳаммангизни авф этаман... – деразага орқа ўгириб, санади: – бир, икки, уч...

Одатда болалар сувга сакрашга журъатлари етмаганда шундай саналашади. У кескин чўнқайди-да, оёқларини ишқалаб ювилган силлиқ полга узатиб юборди...

Бутун уйни "гурс" этган товуш босди. Бирдан қараса, полдаги хатлар устида, оёқларини кериб ўтирибди. Қулоқларида дахшатли шовқин, бошида қандайдир зарбани сезди. Бўйнида қизил тасма билан деразадан кўчага йиқилиб тушган кучук боладек оғзини очганча ўтириб қолди.

Ўзига келиб улгурмай эшик очилиб, хонага кўзларини ишқалаганча танобчи югуриб кирди. Полда ўтирган одамни кўриб ҳайронликда бақрайиб қолди. Сал ўтиб ялангоёқ, шоша-пиша кийилган, олд тугмалари ечилиб кетган халатда Анна чопиб кирди.

– Вой худойим, Тони! – қичқирди у, кўрққанидан унинг кийимсиз ўтирганини пайқамай.

Танобчи эшик ёнида тўхтади. У аста-секин нима бўлганини тушуна бошлаган эди, деразада тасманинг бир учи осилиб турибди, иккинчи учи бўйнида... Хаёлан шу икки бўлакни бирлаштирди. Тушунарли. Юзларида ижирғаниш аралаш ҳамдардлик ифодаси кўринди.

– Тони, сенга нима бўлди? – қўрқиб кетди Анна ҳеч нарсани тушунмай. У эса полда ўтирганча ўзининг қилиғи иснодга қолдирганини сезиб, худди Одам Атонинг кўзлари очилиб, ўз аҳволини англаганидек, полдаги хатларни олиб, ўз уятини яширишга уринарди. Шундагина Анна нима воқеа рўй берганини тушуниб, уятидан қичқириб юборди-ю, халати ёқаларини ёпди, кўзларини тўсди. У эса аёлнинг яланг оёқларига, бир вақтлар ёзган ишқий мактубларини босиб ташлаётган оёқларига тикилар, бор умидидан айрилиб, ҳаётнинг туб қаърига юмалаб кетган омадсиз одам сингари бемаъни, умидсизларча илжаярди...

Танобчи ҳам Аннанинг оёқларига қадалган нигоҳларни кўрди, бояқишнинг аянч ишшайиши боисини тушунди (у хатлардан бирининг мукаддимасини ҳам ўқишга улгурди: "Ягонам, менинг ягонам Тони..."), индамай унга яқинлашди-да, бўйнидаги кулгили сиртмоқни ечиб олди, худди болани кўтаргандек қўлларига кўтарди-да, каравотга олиб бориб ётқизди.

У дордан ечиб олинган жасаддек, кўрсатилган халоскорликка қаршилик қилмади, танобчига яширинча шивирлади:

– Сизлар мени бебахт деб ўйлаганмидинглар? Шу сабабдан ўзини ўзи осади, деб ўйлабмидинглар? Устиларингдан хўп кулдимми? А?

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ

(1928–2018)

Рус тилидан
Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси

БУГУН БИР ЙЎҚЛАБ КЕЛСАМ...

Онам хотирасига

Соғинтирмай келишга
Вақтим йўқ эди.
Она деган бебаҳо
Бахтим йўқ энди.

Унда вақтим йўқ эди –
Бугун йўқ онам.
Кечирсайди, етарму,
Кўкларга нолам.

Ёв қувгандай югурдим,
Вақт доим тиғиз.
Энди соғиниб келиб
Йиғлайман ёлғиз.

Ҳувиллаган хонаси
Маъюс ва сокин.
Дардим енгиллатолмас
Шароб ҳам, локин.

Айро ўтди, азизам,
Не-не байрамлар.
Бугун бир йўқлаб келсам,
Дил тўла ғамлар.

Сени танҳо ёд этиб
Куйгум, онажон.
Худо ҳаққи, айбимдан
Ўтгин, жонажон...

* * *

Ҳеч нарса устида чекмангиз афсус,
Ҳеч нарса ҳақида қилманг пушаймон.
Майлига, бошқалар даврончлар сурсин,
Сиз ҳам тириксиз-ку, бошингиз омон.

Аввалдан пушаймон чекманг, туну кун,
Ҳали юз бермаган минг ғавғони деб.
Ва гар бўлиб ўтган хатолик юкин,
Бўлмас бўлса асло ортга қайтариб.

Хижолат устига пушмон лозиммас,
Йўқотган дўстми ё севгингиз сабаб.
Дўстлар қадамдадир, замон охирмас,
Севги ҳам келади кунингиз пойлаб.

Афсусланманг, сизмас, бошқа бир одам,
Лавозим отига минса бу ғаммас.
Илло, жуда масрур кўринсалар ҳам,
Бошлиғу раҳбарлар ғамсиз одаммас.

Ҳеч қачон, эшитинг, ҳеч қачон ёнманг,
Пушаймон ўтида, афсус чўғида.
Бағри бутунликка ҳеч нарса етмас,
Лекин афсусланманг ҳеч ким йўғида.

Қайси бир муғанний куй чалар селоб,
Борлиқни чулғаган наво сеҳрангиз.
Лек ундан чуқурроқ ҳис қилиб куйин,
Ундан ҳам сел бўлиб тингладингиз сиз.

Ҳеч қачон, ҳеч қачон куйинманг, минбаъд,
Кечроқ келдингизми, кетдингиз вақтли.
Майли, муғаннийга насибдур минбар –
Лекин тинглай билган сиз-ку, чин бахтли!

* * *

Ёпишмади, бизнинг ишлар, ёпишмади-я,
Бошқа-бошқа замонлардан экан тақдирлар.
Сен хаёлий бир сиймони севгансан, ҳа, ҳа!
Мен ҳам сени севаман деб, ўйлаб юрибман.

Энди бизни қололмайди ҳеч нарса ушлаб,
Мен кетгумдир,ғамда сени қолдириб нолон.
Бу терс тақдир осмонларда ёзилмиш, ё раб!
Мучалга боқ – биримиз ит, биримиз сичқон.

Юрагимда на алам бор ва на дард, қайғу,
Бўлганда ҳам ҳаммасини ювиб кетар вақт.
Иложим не, бошда сенга оғир бўлару,
Менинг ғамим, ташвишимни ўйлама фақат.

Кетаяпман, кўзларингга сўнгги бор боқиб,
Сўз айтаман чин севгингни топишинг тилаб.
Манов сувратларни эса юборгин ёқиб,
Сақлаб юрма ҳасратларим альбомда йиллаб.

Андуҳларинг, ғамларингда қолган яланғоч
Қоялардан жилдим, йўлим тубанлик, кадар.
Ҳаёт шудир – йўли узоқ, гоҳ сур, гоҳо қоч,
Бир севгидан, яна бошқа бир севги қадар.

* * *

Дилда умидларни ўлдирмоқ,
Ҳам ўзгалар устидан кулмоқ,
Яхшиликни билмаслик, иллоҳ,
Дунёдаги энг оғир гуноҳ.

Буюк ишлар бир четда туриб,
Ўзни майда ишларга уриб,
Паст назарда умр кўрмаклик,
Ундан ҳам оғир гуноҳ балким.

Сени одам қилган инсонга,
Кўзингга нур берган иймонга,
Ва устозга хиёнат, э воҳ...
Мана бу энг даҳшатли гуноҳ!

* * *

Тасодифий кимсаларни дўст тутиб роса,
Ўткинчи кас, нокаслардан кутдим нимадир.
Қандай бўлса, мен шундайин яшадим, аммо,
Ўзгача бир ҳаёт йўлин бермади тақдир.

Кимларнингдир аламию гина, кинлари
Соясида ўтиб кетди ёшлигим порлаб.
Зўравонга эгмадиму асло бошимни,
Осмонга ҳам сапчимадим, юксаклик хоҳлаб.

Қандай бўлса, мен шундайин яшадим, шукур,
Ортда қолган кунларимдан ҳеч уялмадим.
Мен тақдирдан солиҳ, яхши сўзлардан бошқа
Бирон нарса сўрамадим, қарзга олмадим.

* * *

Баъзида ҳовлиқиб кетаман бехос,
Умрим ўтиб борар, қилар иш сероб...
Ҳаёт эса гоҳ шод, гоҳ қилди селоб,
Ортга бир қарашга фурсат доим оз.

Ташвишлар ҳудудсиз уммондай гўё,
Ҳаммамизга ўша бир хилда тартиб:
Биз ташвиш кетидан қувдик аввало,
Ўзимизга қўймадик вақт ҳам ажратиб.

Не кунлар ўтмади... Эҳтимол эртан,
Яна не синоат тайёр тургандур!
Розиман, ҳаётим берган ғамлардан,
Тонгларига шукур, шомига шукур!

* * *

Куймай ҳам қўйдим-а, душманларимга,
Безлик қилсалар ҳам хафа бўлмайман.
"Миш-миш тоғора"да ҳўпам ювилдим,
Яна ивитсалар майли, ўлмайман.

Ошкор ҳасадларга тийгум тилимни,
Ёмонларнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам ўхшаш.
Ювиб, қўлтиғимга урдим қўлимни,
Илло, кўпни кўрдим, шу-да, бир яшаш.

Ғийбат ўнгу сўлим, йўлим маломат,
Йўлда тик бораман ярамни силаб.
Афсус, тез битмайди бундай жароҳат,
Аммо сабоқлари семирар йиллаб.

* * *

Хира тортар кўнгил олами,
Сотқин чиқса бирга юрганинг.
Ва ўртайди дунёнинг гами,
Сирларингни баҳам кўрганинг.

Аммо, лекин бу қадим мерос,
Инсон шундай – бир қул, бир подшоҳ.
Ишончингга дарз солар бехос,
Яхшиликка зулм қайтади гоҳ.

Кимлар сени мақтар, суйкалар,
Юксалади кўкка омадинг.
Сен билмайсан, куяр, ўпкалар,
Қай бир ўзинг суйган одаминг.

Ҳам аянчли бу, ҳам кулгили,
Чунки бари уч кунлик муюм!..
Бугун етган ўзаним нурли,
Фароғатли, илоҳий туюм.

Энди бунда йўқ илинж, марра,
Яратганнинг дурри устивор.
Бу соҳилда йиллар бир зарра,
Ё гард, ёки гул чангича бор.

Аммо бир феъл панд берар мудом,
Баъзилар ҳеч кўнгли тўлмайди.
Қўчқор каби кимни бўлса ҳам,
Бир сузиб қўймаса бўлмайди.

NASR



Исҳоқ-Лейбуш ПЕРЕС

(1852–1915)

ОЛМОС ҲАҚИДА ҚЎШ ҲИКОЯТ

Рус тилидан
Муҳиддин РАҲИМ
таржимаси

Исҳоқ-Лейбуш Перес – идиш тилидаги яҳудий адабиётининг энг ёрқин вакилларидан бири. Дарвоқе, нега биз "яҳудий адабиёти"нинг, деб қўя қолмай, "идиш тилидаги", деб алоҳида таъкидлаяпмиз. Бунга сабаб шуки, яҳудийларнинг асосий тили иврит бўлиб, унинг тарихи уч минг йилдан зиёдни ташкил этади. Ушбу халқ маданияти негизи бўлмиш яҳудийлик дини манбалари, чунончи, "Таврот" ҳам айнан ивритда битилган. Яҳудийларнинг яна бир тили – идиш эса ивритдан анча ёш – бу тилдаги илк қўлёзма XI асрга мансубдир. X–XIV асрларда Марказий Оврупода юзага келиб, шаклланган идиш тилига немис лаҳжалари асос бўлган. Лекин унда яҳудий, оромий ва славян тилларидан ўзлашган қатламлар ҳам талайгина.

Идиш тилидаги яҳудий адабиёти, айниқса, XIX асрда гуркираб ривожланди. Шу юз йилликда у жаҳон миқёсидаги уч йирик сўз санъаткорини етиштириб берди. Улар сафида Монделе Мойхер-Сфорим, Шолом-Алейхем билан бирга Исҳоқ-Лейбуш Перес ҳам бор эди. Замондошлари Перес-нинг ҳақиқатга ақл воситасида, фикр орқали эмас, кўнгил воситасида, илҳом орқали етишишдек ноёб истеъдоди ҳақида сўз юритишади. Яна шунга ҳам гувоҳлик беришадики, бирор миллий гоя бошқалар кўксида эндигина чўғ олган маҳал у Перес қалбида аллақачон алангага айланган бўлар эди. Шу жиҳатдан, у нафақат яҳудий зиёлилари, балки бутун миллат аҳли учун гоявий маёқ бўлиб қолганди.

Перес-нинг қирқ йиллик ижоди ўзагини ягона масала – шахс муаммоси ташкил этади. Адиб ўз теграсида эркиз ҳаётнинг майда ғалваларига ўралашиб яшовчи суст, ожиз кимсаларни эмас, аксинча, эркин ҳаётнинг юксак ғоялари учун мардона курашувчи жўшқин, кучли инсонларни кўришни орзу қиларди. Шу боис у миллатдошларининг дастлабки тоифаси устидан алам-ла аччиқ кулса, кейинги тоифаси қошида завқ-ла ҳайратга тушади. Бу икки ибтидо, алал-оқибат, Перес ижодида танқидий-реалистик ва хаёлий-романтик тамойиллар ўзаро чатишиб кетишига олиб келди.

Биз Перес ижодидан қуйида чоп этаётган илк намуналарда ҳам ана шу қутлуғ орзу, жанговар руҳ устуворлик қилади. Ҳар икки асарда ҳам олмос образи гўё Переснинг бадиий фалсафаси учун очқич вазифасини ўтайди. Унинг талқинида сермаъно рамзга айланган олмос жамият ва инсонларнинг қандай – асилми ёки сохта эканини худди маҳак тошдек аниқ ажратиб беради. Дастлабки асарда маънони унутиб, шаклга маҳлиё бўлган, кейингисида эса ҳақиқатдан тониб, ёлғонга топинган жамият ва инсонлар фожиаси тасвирга олинади. Шунинг баробарида, оталар ва болалар, ижодкор ва ҳокимият сингари абадий муаммолар устида ҳам баҳс юритилади. Дарвоқе, ҳар икки асар ҳам яҳудий халқ ривоятларига шу қадар уйқашки, оқибатда уларни ҳикоя демоққа-да тараддудланиб қоласан киши. Шу боисдан уларни балки нақл, боринги, ҳикоят дейиш ўринлироқ бўлар...

Таржимон

ТОШЛАР УЮМИ

– Бурунги замонларда бир мусофир яшаган экан, – дея ҳикоясини бошлади реб[1] Шлойме. – У қишлоққа еттиёт бегона экан: ўзи кўни-қўшниларга ҳечам аралашмас, кўни-қўшнилар ҳам ундан ўзини тортар экан.

Лаҳжаси ҳам аллақандай бошқача экан: гапини ҳеч ким тушунмас, тушунишни хоҳламас ҳам экан.

Ўша мусофир бир куни олмос топиб олибди.

Олмос ўзи қанақа бўлади – уни ҳеч қачон кўрмаган бўлса-да, ҳартугул, эс-ҳуши жойида эмасми: бу – арзон-гаров матоҳ эмаслигини фаҳмлабди.

"Гўё бир парча қуёш-а, чарақлаб нур сочяпти, – деб кўнглидан ўтказибди у. – Озмунча пул турмаса керак!"

Аммо еттиёт бегоналар орасида қимматбаҳо тошни деб жонингдан айрилиб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Олмосдан хабар топишса борми, ўша кечасиёқ девордан ошиб тушишади-да, молингга қўшиб жонингни ҳам тортиб олишади.

Демак, дарров яшириш керак!

Мусофир олмос ҳақида хотинигаям ҳеч нима демабди. Уни яхши кўрса ҳам, барибир, сочи узун, ақли калта бир аёл, тилини тиёлмайди, гуллаб қўяди, деб чўчибди.

Мусофир уйига қайтибди-да, олмосни томорқага кўмибди.

Тағин адашмай дея, олмос кўмилган жойга оғир бир тош бостириб, белги қўйибди. Дориломон кунлар келиб, кўни-қўшни орасидан адоват кўтарилса, хазинамни қазиб оламан-да, ҳаммага кўз-кўз қиламан, деб хаёл қилибди у.

Бир пайт хотини уйдан чиқибди-ю, кўзи ҳовлидаги тошга тушибди. У бир парча ерни бекор эгаллаб ётгани кўнглига ёқмабди. Шу ерда бир тупгина пиёз ё бодринг ўсса бўласмиди!

Ҳайф-ей, ҳайф!

Ўзи кўтарай деса, кучи етмайди, шунда эрини чақирибди. Эри эса:

– Ҳай-ҳай, Худо асрасин! Тошга тега кўрма! – деб ўшқириб берибди.

– Нега? – дея ҳайрон бўлиб сўрабди хотини.

[1] Реб – яҳудий бошланғич мактабининг ўқитувчиси.

– Бу – хосиятли тош. У бизга бахт ва бойлик келтиради, – дебди эр.

– Шу оддий тош-а?

– Ҳа, шу оддий тош! Унинг кучи шу оддийлигида-да!

Хотиннинг юзига таажжуб қалқибди: шу гап чинми ё ҳазил, ҳеч ақли етмасмиш. Эрига боқса, юзи-кўзида жиддият, ҳатто қаҳр акс этармиш.

Жуфти ҳалолини севса, уни ақлли, софдил одам деб билса, иложи қанча! Қолаверса, у – бир аёл бўлса! Аёл киши эса ҳар доим бирор нимага ишониб яшаши керак: азайимхоннинг сеҳрли куф-суфигами, ғойибдан келажак илоҳий муждагами... Бунинг устига, ҳозир гап талашиб ўтирадиган пайт ҳам эмас – томорқага экин экиш керак. У эрига "ҳай, майли", деб кўйибди-да, ўз ишига уннаб кетибди.

Эртасига эр томорқага боқса, тош иккита бўлиб қолганмиш.

– Бу нимаси! – деб ўшқирибди у. – Иккинчи тош қаердан келди!

Хотини жилмайибди.

Кечаси хотинининг уйқуси қочган экан. Деразадан ой сирли мўралармиш...

Юраги сиқилиб, маҳзун тортибди, ваҳима босибди...

Эрини уйғотишга юраги бетламабди. Аста каравотдан тушибди-да, эшикни сассиз очиб, томорқага... яна бир тош қўйиб қайтибди.

Шу билан кўнгли таскин топибди.

– Тош иккита бўлса, – дебди жилмайиб хотини – кучи янаям ортади.

Хотингинанг оппоқ билакчасини елкангга ташлаб, ойдек манглайини лабингга тутиб, гўдак мисол ширин жилмайиб турса, тилингга ҳақорат келармиди?!

У хотинининг ойдек манглайидан баҳузур ўпибди-да, мовий кўзларига боқиб, нега тунда уйқуси бузилди экан, деб кўнглидан ўтказибди. Аммо оғиз очиб, лом-мим демабди.

Хотин эса эри манглайидан ўпиб қўйганини чин дилдан қилган савоб ишининг мукофотига йўйибди. Шундан сўнг у қачон эрининг ўпичини соғинса, томорқага биттадан тош ташийверибди.

Эри манглайидан ўпиб қўймаса, кўзида ёш милтиллар эмиш.

Эр-хотиннинг бир ўғил, бир қизи бор экан.

Қизи ҳеч нимадан ҳайрон бўлмас, ҳеч қанақа савол бермас, онаси нима қилса, шуни қилиб кетаверараркан.

Онаси каттароқ тош келтирса, у кичикроқ тош келтирар экан. Қизнинг ёшига ёш қўшилгани сайин тошлар сони ҳам ортиб бораверибди

Зийрак ўғил эса ҳадеб "Бунда қандай маъно бор?" деб сўроққа тутаркан.

– Тош бизларга бахт келтиради, – деб жавоб берибди онаси унга ўз донолигидан мағрурланиб.

– Қандай қилиб? – дея сўроққа тутибди яна ўғил. – Бахт дегани нима ўзи? Меҳнатсиз ҳам бахт бўладими?

Она шўрлик бу саволга қандай жавоб берсин!

– Бориб, отангдан сўра, – дебди шунда қовоқ уйиб она.

– Катта бўлсанг, билиб оласан, – деб гап уқтирибди ота эса.

Ўғил катта бўлганда, ота олмос ҳақидаги сирни очибди.

Шу тариқа сир бир авлоддан бошқасига ўтаверибди.

Оталар сирни ўғилларига мерос қолдиришар экан.

Ҳар авлоддан фақат бир киши олмос сирини билар, бошқалар эса тош бахт келтиради, деб иноиниб юраверар экан. Бунақалар қанча кўп бўлса,

шунча яхши-да сирни билган одамга! Хулласи калом, улар ҳам тош йиғаверибди.

Қўшнилар бу томошага ҳайрон бўлиб қарар эмиш.

Баъзилар бу ғалати урф-одат устидан яширинча кулса, баъзилар, ҳойнаҳой, бир ҳикмати бор-ов, деб зимдан ҳурмат кўрсатаркан.

Аксарият одамлар мана бундай ўйлар экан: бу урф-одат фаришталар осмонга шоти қўйиб чиққан, одамлар эса уларни ердан томоша қилган жуда узоқ замонлардан қолган бўлса керак[1].

Айрим қўшнилар шу оилага ёқай деб йўлдан тош териб, уларнинг томорқасига ирғита бошлабди.

Оиланинг ўзида бўлса, тош йиғиш мукаддас одатга, гўё Худо йўлидаги бир ибодатга айланибди.

Ёшлар бот-бот тош йиғишга қарши бош кўтарар, қариялар эса уларга дўқ уриб, мушт ўқталар экан.

Ёшлар тошга қарши нутқлар сўзлар, қариялар эса қатъий оҳангда:

– Оталаримиз шундай йўл тутган, биз ҳам шу йўлдан қайтмаймиз, – деб таъкидлар экан.– Боболаримиз биздан кўра ақллироқ бўлган: ҳамонки улар томорқага тош қўйибдими, демак, биз ҳам, болаларимиз ҳам тош қўяди!

– Олам биздек бандаларнинг мулки эканмики, уни ўнглаймиз ё ўзгартирамиз, десак. Ақлли от ғилдиракнинг изидан юради, шундай қилса, оёғини қайириб, майиб қилмайди...

Қариялар ана шунга ўхшаш қанча-қанча ҳикматни қалаштириб ташлабди, тўғрисиям, олам олам бўлгандан бери шундай ҳикматлар устида туради-да!

Ёшлар шунда ҳам исёндан тўхтамаса, қариялар “Товуқданам ақллироқ бўлишни хоҳлаб қолган тухумларни тошга уриб синдирамиз-а”, деб пўписа қилишармиш.

Неча-неча йиллардирки, ёшлар яшагани бошпана, егани нон топиш илинжида ўз жонажон уйи, қадрдон оиласидан ўзга юртларга бош олиб кетар экан.

Чунки эски уйларида туришга тоб-тоқати қолмаган экан.

Тошлар уюми эса кун сайин эмас, соат сайин кўкка бўй чўзиб борар эмиш.

Гоҳида тош ўрнидан кўчиб, уйга қараб юмалармиш.

У ҳатто дераза ва эшикларни ҳам тўсиб қўярмиш.

– Ҳечқиси йўқ, – дер эмиш шунда ҳам уйдагилар.

Шоти қўйиб, мўридан чиқишармиш.

Ҳаво етмаяпти, дейсизми? Яна ҳечқиси йўқ! Агар оз еб, оз яшасак, шу ҳавоям етади.

Дарвоқе, еганиям ҳеч вақо йўқ эмиш.

Ҳаммаёқ тош бўлса, қайси ерни хайдаб, қайси экинни экасиз?!

– Жиллақурса, тошларни бир жойга уйгани изн беринг, – деб ёлворар экан ёшлар қарияларга. – Осмонга қараб ҳар қанча ўсса ҳам, майли. Фақат ерда оз жой эгалласа бўлгани. Бир парча ер очайлик – ҳайдагани, эккани!

– Муртадлар! – деб дағдаға қилар экан қариялар. – Ўлсак ҳам бунга рози бўлмаймиз.

[1] Бу ўринда муаллиф ўз даврининг анойи тасаввурлари устидан кулаётир – *тарж.*

Реб Шлойме шундай дея тин олди, кафтига бир чимдим тамаки солди.

Биз – тешиккулчаларни ҳам эсдан чиқариб, унинг оғзига анграйиб қолган болалар – ҳаяжондан энтикиб нафас олдик. Орамиздан кимдир савол берди:

– Олмос тарихини биладиган одам нега жим ўтирган, қарию ёшни нега муросага келтирмаган?

– Ҳм... – дея бир хўрсиниб олди-да, сўнг жавоб берди реб Шлойме. – Ҳамма бало шунда-да. Вақт ўтгани сайин олмос унутилиб кетган.

Ё бирорта ота тўсатдан қазо қилган-у, ўғлига васият қолдирмай кетган, ё ўғил отанинг гапини ёлғонга йўйган-у, ўзи эса боласини алдашни хоҳламаган. Бу ёқда бўлса қарию ёш тош устида жанжални қизитиб юборган.

Шлойме ҳикоясини тугатди.

Биз эса ўз-ўзимизни саволга тутамиз: ўша олмос нима эди аслида?

Ҳар хил тахминларга борамиз:

– Яҳудийлик диними?

– Ўн муқаддас аҳкомми?

– Яқинингни ўзингдек сев, деган амрми?

Бироқ реб Шлойме лом-мим демайди, лабларида сирли табассум жилваланади.

– Қани, шумтакалар, – деб бақириб беради сўнгра у тўсатдан, – уйуйларингизга жўнанг-чи! Шом тушиб қолди...

ШИША СИНИҒИ

Узоқ бир қишлоқнинг овлоқ гўшасида заргар яшаган экан. У қўли гул уста, моҳир ҳунарманд экан. Лекин унинг шу қадар моҳирлиги на ўзининг ва на мижозларнинг хаёлига келмаган экан. Уста уззукун тер тўкиб, авом учун тақинчоқ ясар экан: узук дейсизми, сирға дейсизми, бошқа зеб-зийнатми. Аммо боёқиш ҳар қанча тер тўкмасин, амал-тақал кун кечирар эмиш.

Орадан бирмунча вақт ўтиб, у тасодифан машҳур бўлиб кетибди. Шу қишлоқлик бир киши қизини шаҳарлик бойга узатибди. Келинчакни заргар ясаган тақинчоқлар билан безатиб, янги уйига тушириб боришибди. Бойнинг эса заргарлик буюмларига анча-мунча ақли етаркан – нима қилса ҳам савдогар-да, дунё кезган одам! У келинчакнинг узук ва сирғаларини "Оҳ, оҳ!" дея суқланиб томоша қилибди. Шу кундан бошлаб қишлоқлик заргарнинг довруғи шаҳарга ёйилибди. У энди шаҳардан ҳам буюртмалар ола бошлабди. Бироз вақт ўтгач эса шаҳарга кўчиб келибди. Ахир, бу ерда мижозлари жуда кўпайиб кетибди-да!

Энди гапни шаҳардан эшитинг! Шу ерлик бир бойникига помешчик дўсти меҳмон бўлиб келибди – савдо-сотиқ ишлари важиданми, бирор оилавий тантана сабабми ёхуд шанба кунлари ичига қийма солиб димланадиган балиқ еганими, буниси бизга қоронғи. Дастурхон безатилган, хотин-халаж ясанган... Табиийки, зеб-зийнат масаласида помешчикнинг диди янаям ўткир – у меҳмонхонага кирган ҳамоно бир тўғнағич кўзига оловдек кўринибди.

– Қаердан сотиб олгансиз, ким ясаган? – деб сўрабди у дарҳол.

Шу воқеа баҳонасида заргарнинг довруғи помешчиклар орасида ҳам ёйилибди.

Сир эмаски, ҳар бир губернатор йил сайин губерня казо-казоларига бал бериб туради. Ахир, расми-русми шунақа-да! Бу губерня бошлиғи ҳам худди шундай зиёфат ташкил қилибди. Табиийки, помешчиклар балга хотин ва қизлари билан келибди. Уларнинг бари ўша заргар ясаган тақинчоқларга бурканган экан. Губернатор узук, сирға, тўғнағич ва маржонларга боқиб, ҳайрат ичида қолибди: ахир, ҳеч қачон бунақа нафис буюмларни кўрмаган экан-да!

– Ким ясаган буларни?

– Фалончи заргар.

– Шунақа денг...

У эртасигаёқ заргарнинг уйига одам юборибди. Заргар тез орада губернатор маҳрамига айланибди.

Шоҳ губерняни тафтиш қилгани юксак мартабали амалдорини жўнатадиган бўлибди. Таомилга кўра, бу олиймақом меҳмонни патнисда нон-туз билан кутиб олиш лозим экан. Хўш, патнисни ким ясайди? Ким бўларди, ўзимизнинг заргар-да! Хулласи калом, олиймақом меҳмон пойтахтга қайтишда, патнисни ўзи билан олиб кетибди. Энди заргарнинг довруғи пойтахтга ҳам ёйилибди.

Шу орада бир воқеа юз берибди: эски шоҳ қазо қилиб, янги шоҳ тахтга ўтирибди. Эски шоҳнинг эски тожини хазинага жўнатишибди-да, янги шоҳга янги тож ясашга киришишибди. Мамлакатнинг тўрт тарафидан энг моҳир заргарлар йиғиб келинибди, улар орасида бизнинг заргаримиз ҳам бор экан. У янги тож ясашда шунақаям кўп тер тўкибдики, охир-оқибат, янги шоҳнинг муборак назарига тушибди.

Хуллас, бошига бахт қуши қўнибди!

Энди қишлоқи заргар пойтахтда, саройда яшай бошлабди. Кечаги ҳақир банда бугун шоҳнинг хос кишисига айланибди. Унинг ҳузурига ҳатто айрим мансабдорлар ҳам кира олмас эмиш...

Таассуфки, қисмат чархпалаги бетўхтов айланади: у энг юқори нуқтага кўтарилганда (бизнинг заргар учун бундан ортиқ юксалиш бўлиши мумкинми), пастга қараб эниш бошланади.

Киборлар даврасига тушиб қолган заргар энди янги тақинчоқлар ясамай қўйибди. Эскиларини эса ҳар куни кўраверишганидан меъдага тегиб кетибди. Кўнгил қурғур мудом янгилик тиласа, на илож?! Устига устак, қай бир гўрдан янги заргар чиқибди-ю, бозори чаққон бўлиб кетибди. Бизнинг заргарнинг эса ёруғ кунлари адоғига етибди. Начора, бу дунёда бахту бахтсизлик эгиз юради: биров кўкка юксалса, бироқ жарга қулайди.

Янги заргар эски уста босиб ўтган поғоналар бўйлаб юқори ўрлабди. Эски заргар эса энди худди шу поғоналар бўйлаб юқоридан пастга эниб-ди: пойтахтдан губерня марказига, губерня марказидан уезд марказига, уезд марказидан ўз қишлоғи, ўз уйига... Яна авом учун узук, сирға ясашга киришибди.

Бундан ҳам баттар тубанлашиш бўлмаса керак?! Фақир-бечоралар қимматбаҳо тақинчоқни бошига урадими?! Хуллас, боши қотганча, аро йўлда қолибди.

Бу ҳам оздек, шунақаям чатоқ замон келибдики, тўйлардан дарак йўқ эмиш, аммо рақобат кучайгандан кучаярмиш...

Йиғлаган кўзга – ёш, тилаган оғизга – ош, дейишади. Бир гал заргарнинг қорнини очлик итдек таталаганда, уйда ўтиролмай тентираб юриб, кўчадан оддий шиша идишнинг, ким билсин, сув қуйилганми, май ё дорими, бир бўлак синиғини топиб олибди-да, уйига элтиб, сайқаллашга киришибди. Уста шиша парчасига ишлов бергани сари у шунақаям ярқираб борармишки, нақ мўъжизанинг ўзи дейсиз! Унда камалакнинг етти ранги жилоланиб, нур таратар эмиш. Устанинг ўзи ҳам ҳайратда эмиш – у қўлидан бунақа санъат келишига ҳеч ишонмасмиш. У узоқ тимирскланиб, бир узук топибди-да, унга шиша синиғини кўз қилиб ўрнатибди, сўнг бирорта гўл кимсани топиб, алдаб пуллагани йўлга чиқибди...

Ўзи йўлда кетармиш-у, юраги така-пука эмиш. Унга ёш бир йигит дуч келибди – икки юзи ял-ял ёнармиш. "Балки куёв бўлаётгандир, – деб хаёлидан ўтказибди заргар, – никоҳ узуги керакдир." Шу хаёлда йигитни тўхтатибди. Буни қарангки, адашмабди ҳисоби: йигитчага никоҳ узуги керак эмас экан-у, аммо қайлиғига совға олмоқчи экан. Хўш, нима қипти, узук бўлса узук-да! Шиша ярқ этиб, кўзини қамаштирган заҳоти йигит унга ёпишиб олибди-да:

– Қанча туради? – деб сўрабди.

Нарх айтгани эса заргарнинг тили айланмас эмиш. Ахир, ҳеч ҳам бировни алдамаган экан-да! Охири саволга савол билан жавоб қайтарибди:

– Қанча берасиз?

Йигитча, бу узукни ҳамёним кўтармаса кераг-ов, деб кўнглидан ўтказибди-ю, аммо таваккал чўнтагидан танга чиқариб, ярим ҳазил, ярим чин оҳангда:

– Бир талер[1], – дебди.

Заргар йигитнинг чап қўлига узукни тутқазибди-да, ўнг қўлидан тангани юлқиб олиб, қовоқхонага қараб йўртиб кетибди – очлик азобидан қутулиш керак-ку, ахир!

Йигит, бу одам, ҳойнаҳой, жинни бўлса керак, деб хаёлидан ўтказибди. Умуман олганда, жинними-соғми, неча пуллик иши бор унинг. Йигит ана шу хаёлда қайлиғининг ёнига йўл олибди.

Начора, аёл зоти ўзи енгилтабиатроқ бўлади: унинг маҳбубасига шу тобда бирйўла икки йигит ошиқ экан: бири бой-бадавлат оиладан бўлиб, каттакон мулк вориси ҳисобланса, бошқаси шу ерда жойлашган отлиқ полк гусари бўлиб, бошида жиғаси, ёнида қиличи, кўксида аксельбанти, тагида учқур оти бор экан. Қай бирини танласам экан, дея қиз боёқишнинг роса боши қотармиш. Айниқса, гусар: бугун шу ерда бўлса, эртага, Худо билсин, қаерда бўлади?! Хулласи калом, қиз икки ўт орасида сарсон экан.

Шу пайт йигит келиб қолибди. Қиз уни очиқ юз билан қабул қилибди. Айниқса, узукни кўриб роса қувонибди: у жудаям мафтункор экан!.. Икки ёш, таомилга кўра, ширин суҳбат қуриб, чақчақлашиб ўтирибди.

Бироқ қани энди вақт дегани тўхтаб турса! Оқшом тушиб, гусарлар пункти – бозор тарафда труба ва барабан овози янграбди – кечки сигнал берилибди.

Қиз бирдан гусар хушторини эслаб қолибди-ю, "Коронғи тушди, кеч бўлди! Гап-сўз бўлмайлик тағин!" – деб йигитни қисталанг қила бошлаб-

[1] Талер – XVI–XIX асрларда Европада муомалада бўлган йирик кумуш танга.

ди. Тезрок кета қолсин, дея лабини ўпичга тутибди-да, йигитни дарвозадан чиқариб юборибди.

Ўзиям роса вақтида хайрлашган экан. Йигит тор кўчани кесиб ўтиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлган заҳоти бошқа ёқдан "тўп-тўп-тўп" этиб, отлиқ пайдо бўлибди. У девор остида тўхтабди, отдан ирғиб тушибди, арқонни харига боғлабди. Сўнг зинада қилич ва наҳал овози эшитилибди, эшик ғайқиллаб очилибди...

Орадан кўп вақт ўтмай "келинга туҳфа" "куёвга совға"га айланибди. Гусар узукни бир амаллаб жимжалоғига тақиб олибди!..

Шошманг, эртак тугашига ҳали анча бор. "Олмос"нинг манглайига шунақаям юксак толе битилган эканки...

Тонг отибди, шарқда уфқ яллиғланибди. От ҳалиям тор кўчада туёғи билан ер тепинар, лекин бу овоз гусарнинг қулоғига етиб бормас экан.

Бир пайт труба овози янграбди – тревога берилибди. Кечаси полкка катта бир генерал келибди. Шунга гусарларни уйқудан уйғотиб, машқ майдонига чорлашаётган экан...

Оббо, кўрик ўтказилади шекилли! Гусаримиз жимжалоғида узуги билан сапчиб ўрнидан турибди-да, оти боғланган жойга қараб чопмоқчи бўлибди. Аммо тўрга илинган балиқ қандай қилиб осон қутулсин?! Қиз гусарнинг бўйнига оппоқ билакларини чирмабди, аммо йигит қизнинг қўлчаларини қайириб ташлабди. Шунда қиз чопқиллаб борибди-да, гусарнинг жиғаси ва қиличини беркитибди... Улар яна ва яна, қайта ва қайта хайрлашибди. Охири, не машаққат ила қизнинг бағридан қутулиб чиқибди!

Гусар "тўп-тўп-тўп" этиб зинадан тушибди, туни билан оч қолган, аммо хожасини кўриб, кайфияти кўтарилган отга сакраб минибди-да, машқ майдонига ўқдек учибди. Рота аллақачон саф тортиб, честь бериб турган эмиш. Эскадрон командири ротага қаҳр билан боқиб, энди чангитиб сўкишга оғиз жуфтлаган пайтда... кўзига бир нима ярқираб кўринибди. Командирнинг юзига дарров қон тепчибди, гусарнинг жимжалоғидан узукни суғуриб олибди.

– Ўғирладингми?

Гусар нуқул дудуқланар ва: "Жаноби олийлари... Нега ундай дейсиз?.. Қандай қилиб энди... Бундай шубҳага бориш... Худонинг ўзи асрасин!.." – дея олар эмиш, холос.

Нима қилсин бечора! Шундоқ-шундоқ бўлганди, деёлмайди-ку! Ахир, ўртада бир ойимқизнинг шаъни бор-а! Шунда беихтиёр оғзидан: "Сотиб олдим!" деган сўз чиқиб кетибди.

– Қанчага? – деб ғазаб билан сўроққа тутибди зобит.

"Чатоғим чиқди-ку, – деб ўйлабди гусар, – қанча турарикин ўзи бу матоҳ?"

– Йигирма талерга!

"Гусарда шунча пул қаердан бўлсин!" – Зобит яна чангитиб сўкишга оғиз жуфтлаган пайтда... катта генерал мансаби пастроқ бошқа генералларни эргаштириб оқ отда келиб қолибди.

Генерал қичқирибди:

– Салом, азаматлар!

Эскадрон жўр бўлиб ҳайқирибди: "Соғ-омон бўлинг, жаноби олийлари!"

Гўё момақалдироқ гумбурлаб, ер титрагандек бўлибди.

Дарҳол кўрик бошланибди. Буни қарангки, гусаримиз хизмат қилаётган эскадрон мардлик кўрсатибди: отни худди шунқордек учиришибди, ўқни нишонга бехато уришибди. Гусарларга "ташаккур" эълон қилинибди, "арақ"қа рухсат этилибди. Эскадрон командири эса полковникликка кўтарилибди. Ҳаммаёқда – ўйин-кулги, кайф-сафо! Бу кўнгилхушлик... бир ой, икки ой тўхтамабди.

Гусаримиз эса шу орада хизмат муддатини тугаллаб, шод-мамнун ҳолда истеъфо олибди-да, уйига равона бўлибди: ҳар қалай, осон қутулиб кетди! Тағин нима панд берди, денг? Қаёқдаги бемаъни бир узук, машқ майдонига кечикиб келиш!

Полк эса командири билан бошқа шаҳарга кўчиб ўтибди. Агар бир фожиа юз бермаганда, ҳамма узукни эсидан ҳам чиқариб юборар экан.

Омад кетса чатоқ-да, полкда отларга ўлат оралабди. Шўрликларга одамнинг раҳми келади, албатта. Учқур отлар худди ҳақир пашшалардек ўлиб ётса-я!.. Ҳамманиям ўзига яраша душмани бўлади. Айниқса, жуда тез ўсган зобитнинг... Хуллас, командирга бир ғаним чиқибди-да, ҳукуматга чақув хатлари жўната бошлабди: сули – чатоқ, уни сули дейишга тил ҳам бормайди!..

Ҳолбуки, уруш арафаси экан. Бундай вақтда қаттиққўллик ҳаддан ортади. Ҳукумат текширувга катта бир генерални жўнатибди. У тўсатдан бостириб келиб, тўппа-тўғри омборга кирибди. Сулиларни кўздан кечирибди, ҳатто ҳидлаб ҳам кўрибди. Сўнг штабга кирибди-да, полковникни тез топиб келтиринг, деб буюрибди. Полковник етиб келса, генерал хўмрайганча, курсида ястаниб ўтирган экан. Полковник ҳадеб қаддини ғоз тутар, честь берар, тиззалари қалтирар эмиш...

Яна "олмос" ишнинг пачавасини чиқарибди.

Генерал кўз қирини ташласа, "олмос" худди чақмоқдек ярқирабди. У ўрнидан сапчиб турибди-да, ваҳший ҳайвондек ўкирибди:

– Порахўр!

Ҳа-да, камбағал оиладан чиққан полковникда бундай йирик, бундай қимматбаҳо олмос қаердан ҳам бўлсин!

Генерал унинг бармоғидан узукни суғуриб олибди-ю, буни ҳам ҳисоботга тиркамоқчи бўлибди:

– Қанчага олгансан?

Полковник қарасаки, ишлар пачава. Боёқиш қандай қилиб ростини айтсин?! Шунда унинг оғзидан беихтиёр бир сўз чиқиб кетибди:

– Минг талерга!

Генерал кўзларини қисганча, полковникка шубҳаланиб боқибди. Полковник эса, гапим ишончлироқ чиқсин, деган ниятда қўшимча қилибди:

– Уни бир минг бир талерга жаноби олийларига сотишим мумкин!

Генерал бошини қуйи эгганча, қоғозга алланималарни ёзибди.

Биринчиси – текширув ҳақида ҳисобот бўлиб, унда полкдаги сули ҳар қанча мақтовга лойиқлиги битилган экан. Иккинчиси – бир минг бир талерга вексель бўлиб, бу пул илк талаб қилингандаёқ тўланиши зиммага олинган экан.

Шундан сўнг генерал пойтахтга қайтибди.

Мана энди энг қизиқ жойига келдик.

Тақдир ўйинларини қарангки, ўша узук бир кун шоҳ саройида пайдо бўлиб қолибди.

Бир кун шоҳнинг хотини хаёлга чўмиб кетибди – рўмолчаси тиззасидан гиламга сирғалиб тушибди. Яқинда фрейлина лавозимига тайинланган ёш, гўзал сарой хоними рўмолчани гиламдан олибди-да, шоҳнинг хотинига узатибди.

Шоҳнинг хотини эса узун киприкларини хиёл кўтарганча, виқор билан ташаккур демоққа шайланиб, лабларини очибди-ю, шу туришида қотиб қолибди. Гап нимада, деб ўйлайсиз? Сабаби яна ўша "олмос" – у фрейлинанинг бармоғида ярқираб турган эмиш. Узук шоҳнинг хотинини сеҳрлаб қўйибди. У тақинчоқни диққат билан кўздан кечирибди: йўқ, бунақа олмосни ҳалигача шоҳ хазинасида ҳам, унинг тожида ҳам кўрган эмас экан! Шоҳнинг хотини сўрабди:

– Бу сенгга қаердан тушиб қолди?

Сарой хоними қизариб-бўзарибди, вужудини титроқ босибди – боёқишнинг ҳеч тили айланмас эмиш.

Демак, бир балоси бор бунинг! Шоҳларнинг хотини ҳам жуда рашкчи бўлади. Ахир, шоҳдан бошқа ким ҳам бунақа узук совға қилиши мумкин?! Шунда у ғазабга минибди-да, дарҳол ҳукмдорнинг олдига кириб, унга узукни кўрсатибди. Қани, шоҳ нима деркин, шуни билмоқчи бўлган-да!

Шоҳнинг эса бу узукдан ҳечам хабари йўқ экан. Аммо у узукка маҳлиё бўлибди-қолибди – ахир, бундай ёрқин, бундай тоза олмосни ҳеч қачон кўрмаган экан-да. Шу қадар йирик, яна бирортаям нуқсони йўғ-а!.. Шоҳ узукдан кўз узолмас, унга боқиб тўймас эмиш.

Шоҳнинг хотини бу узукни фрейлинанинг бармоғидан ечиб олганини айтибди. Шунда шоҳ: "Ўша хоним узукни қаердан олган, бунинг менга сариқ чақачалик қизиғи йўқ. Ахир, бу ерни сарой деб қўйишибди, саройда эса ҳар бало бўлиши мумкин! Аммо бу узук подшоҳдан бошқа ҳеч кимга муносиб эмас", – дебди у буйруқ оҳангида. Сўнг эса: "Фрейлинага узук ҳақи, албатта, ортиғи билан тўланади", – деб қўшиб қўйибди.

Шундай қилиб, узук шоҳга ўтибди.

Олмосга дарҳол ҳукмдорнинг исм-шарифи ва давлат герби ўйиб туширилибди – узук энди шоҳ муҳрига айланибди. Шоҳ пул ҳисоб-китоби, фуқаролар ҳаёт-мамоти, сиёсатга оид ҳужжатлар остига шу муҳрни босар экан. Узук ҳатто бир сонияга бўлсин, бирор одамнинг қўлига ўтса, у тенгсиз куч-қудратга эга бўларкан: кимни қачон хоҳласа, ўшанда яксон этиш, қишанбанд қилиш, зиндонга солиш, дорга остириш... ҳуқуқини қўлга киритар экан.

Сарой хонимини рози қилиш учун эса шоҳ олмос баҳосини аниқлашга заргарларни тўплабди. Улар жуда узоқ талашиб-тортишибди-ю, аммо бир қарорга кела олмабди: олмос қийматини бирови – чорак, бирови – ярим, бирови – бир... миллион талерга баҳолар эмиш. Хўш, энди нима қилмоқ керак? Шунда шоҳнинг эсига собиқ заргари тушиб қолибди-ю, "Топиб келинсин!" деб буйруқ берибди.

Шоҳ амри – вожиб!

Лекин заргар сувга чўккандек ғойиб бўлган эмиш. Уни ҳамма ердан сўраб-суриштиришибди. Бир ой қидириб, икки ой қидириб... охири дарагини топишибди. Ўша чекка қишлоқ, овлоқ гўшага шоҳ фармони жўнатилибди.

Ўз-ўзидан аёнки, кичкина уезднинг кичкина бошлиғи фалон заргар шоҳ ҳузурига жўнатилсин деган буйруқ олса, демак, у бир вақтлар шоҳ хазинасини ўмарган-у, энди жинояти очилиб қолган, деган хаёлга боради. Хуллас, шўрлик заргарни қўл-оёғи кишанланган, юраги ваҳимадан такапука бўлган, чалажон ҳолга келган бир алфозда саройга жўнатишибди. Пойтахтга етиб боргунча, роса азоб тортибди бечора.

"Заргар топиб келтирилди", дея хабар беришибди шоҳга. Кишанларни ечиб олмоқчи бўлиб, эндигина "Лекин...", дея сўз бошлашган экан, жанггоҳдан нохуш хабар келгани боис тажанг бўлиб турган шоҳ:

– Ҳеч қандай лекин-пекини йўқ, – деб гапни кесибди.

Оқибатда, заргарни қай аҳволда олиб келишган бўлса, шу аҳволда шоҳ ёнига киритишибди.

Шоҳ унга қараб ҳам қўймабди. Фақат "олмос"ни узатиб:

– Шунинг нархи қанча? – деб сўрабди.

– Ҳеч қанча! – деб жавоб берибди заргар.

– Нима дединг? Нега энди?

Аёнлар ҳам шоҳга жўр бўлибди:

– Нега энди? Шоҳ муҳрининг-а... Ҳечам қиммати йўқми?

– Дунёдаги энг йирик олмос кўз қилиб қўйилган-ку! – дер эмиш улар баб-бараварига.

Заргар эса бамайлихотир:

– Бу – ҳечам олмос эмас! – деб жавоб берибди.

– Қанақасига энди? Уни юз минглаб талерга баҳолашяпти-ку!

– Улардан кўра менга аёнроқ!

Шу ерга келганда шоҳнинг кути ўчибди, овози қалтираб дебди:

– Нег-га... сенга аёнроқ?

– Шунинг учунки, – деб жавоб берибди заргар хотиржам, – уни ўзим шу қўлларим билан ясаганман.

У узукни қачон, қандай ясаганини сўзлаб бермоқчи бўлиб, оғиз жуфтлабди-ю, аммо... бир сўз ҳам айтолмабди.


Уни тез тутиб, зиндонга ташлашибди.

Хўш, яна нима қилишсин?!

Шу "олмос" билан қанча фармонлар муҳрланган, қанча ер-мулк тортиб олинган ё ҳадя қилинган, қанча одам мансаб отига минган, қанча одам эса зиндонга ташланган, дорга осилган, боши кесилган, ахир!.. Фармонлар – ўз кучида турибди, бундан кейин ҳам яна кучида қолади. Шоҳ ҳам ўз тахтида ўтирибди, бундан кейин ҳам яна тахтида ўтиради! Узук ҳам, ҳеч шак-шубҳасиз, шоҳ муҳри бўлиб қолади!.. Ҳамонки узук – шоҳ муҳри экан, демак, узук кўзи ҳам – олмос!

Бош вазир ана шундай қарор чиқарибди.

NASR



Камило Хосе СЕЛА

ЭЧКИЛАРДАН КЕЧАЙЛИК

Ҳикоя

Рус тилидан
Алишер ОТАБОЕВ
таржимаси

Музофотнинг кўҳна марказидаги кўп йиллик илмий-адабий кенгаш соат бешларда жамулжам бўлди. Адабиёт назарияси профессори, ўзининг таъбирича, Нуньес де Арсе ва дон Рамон Кампоаморнинг яқин дўсти Дон Сервандо жуссасининг тўртдан уч қисмини астагина креслонинг суянчиғига қўйди, Тронкосо нотариал идорасининг ширинсуҳан котиби дон Мануэль эса зим-зиё туннинг қора пўстини ҳақидаги ҳар кеч такрорлайдиган жимжимадор гапини тамомлади.

Жамоат – мана қанча йилдирки – мажлисни очиқ, эшикларни ёпиқ деб эълон қилиш учун ана шу сўнгги ишораларни кутарди. Кенгаш аъзолари, эҳтиёткор ва эскилик тарафдори бўлишса-да, яхши англаб етилган тараққиётни хуш кўрувчи, хулқ-атвор ва одатларига кун сайин сайқал берувчи жаноблар тамаки тутатиб, "Ла Тарде"ни варақлаб, ундаги таъзияларга кўз югуртиришга ва бир финжон қаҳва ичишга улгуришди. Ҳамма йиғилгунча ҳеч ким сўзга чиқмади. Йиллар давомида урфга айланган бу сукутни бузишга ҳеч ким жазм этмасди.

Одатда мажлисда мамлакатдаги жиддий сиёсий ва иқтисодий масалалар муҳокама қилинар ва баъзи-баъзида Альфонс II нинг маъшуқалари ёки торреро Маццантининг ақл бовар қилмас эпчиллиги ҳақида ҳангомалашишга изн бериларди.

Ҳар доимгидек бошловчилик мажлисга ҳамиша кечикиб келувчи дон Сервандонинг зиммасига тушди. Аммо ўша куни профессор вайсашни бошламоқчи бўлиб турганда, сочи ҳурпайган дон Даниэль қўл ишораси билан уни жимликка чорлаб, гап бошлади:

– Сеньорлар, мен ўзимга тинчлик бермаган савол устида кўп йиллар бош қотирдим. Кеча кечқурун ниҳоят масаланинг моҳиятига етдим, таъбир жоиз бўлса, жумбоқнинг калитини топдим. Ижозатингиз билан...

Дон Даниэль қартайган серсоқол врач, федералчи-республикачи эди. Айтишларича, у ёшлигида қасрда анча обрўйи бор бир герцогиня билан

ошиқ-маъшуқлик қилган, герцогиня бадига ургач хонимга очиғини айтиб қўяқолган, оқибатда ўша герцогиня аламидан Дон Даниэлнинг юзига отган шиша врачнинг бўйни-ю, иягида ваҳимали чандиқ қолдирган экан. Бу миш-миш ростми-ёлғонми, билиб бўлмайди, чунки Дон Даниэлнинг соқол босган юзи ва иягини текширишнинг имкони йўқ эди. Жамоат аъзолари унга ишора қилиб, гапиришга рухсат беришгач, Дон Даниэль ҳаяжондан овози бўғилиб фикрларини баён эта бошлади:

– Сеньорлар, мамлакатимиз иқтисоди жар ёқасига келиб қолган. Анчадан бери аҳвол шу, демак, нолийвермай, муаммонинг чорасини қидириш вақти келди. Мен гапни чўзмай, биз ҳукуматдан талаб қиладиган ягона чорани сизларга икки оғиз сўз билан тушунтираман: дўстларим, Испанияда сира кечиктирмай ҳамма эчкиларни қириш керак. Ҳа, хотиржам яшашимиз учун эчкиларни қириш шарт. Сеньорлар, Испанияда турмуш даражаси паст, чунки бизда саноат йўқ. Чегара ортига эътибор қаратсак, саноати гуркираган Англия, Пруссия ва Франция фуқаролари яшаш шароитларини ақл бовар қилмас даражага кўтаришганини кўрамиз. Хўш, сизга савол, сеньорлар, Испанияда нега саноат йўқ? Жавоб ўз-ўзидан маълум: Испанияда саноат йўқлигига сабаб, испанлар ишлашга ўрганмаган. Хўш, улар эринчоқми ёки ишлашга рағбати сўнганми? Камина бу ҳақда кўп ўйладим ва ҳаммадан аввал сизларга ўзимнинг ҳали унча тартиб берилмаган қарашларимни баён қиламан. Испан кишисининг ишлагиси йўқ, негаки, очиғини айтайлик, халқ хонавайрон бўлган. Кўркманглар, фикримни асослай оламан. Бизнинг улуғ ва қадимий халқимиз нега хонавайрон? Чунки биз гўшт емаймиз-да. Испан халқининг гўшт емаслигига сабаб эса, азиз дўстлар, Испания ҳар хил гап-сўзларга қарамай барибир чорвадорлар мамлакати эмас. Негалигини биласизми? Сабаби жуда оддий. Испания чорвадорлик мамлакати эмаслигига сабаб бу ерда яйловлар йўқ. Шимолий қирғоқдаги айрим ҳудудларни ҳисобга олмаганда Испанияда яйловлар ё куйдириб юборилган, ё бутунлай йўқ бўлиб кетган. Бу кулфатдан нажот борми? Менимча, бор. Сабабини ахтарайлик: ўлкамизда яйлов йўқлигининг боиси – ёмғир ёғмайди. Нега ёмғир ёғмайди? Заминимизга худо ярлақаган ёмғир аталмиш неъматнинг ёғилмаслигида биз испанларнинг нима айбимиз бор, деб каминадан сўрашлари мумкин. Жавоби жуда оддий: яйловларимизга ёмғир ёғмаслигининг сабаби бизда ўрмон йўқ. Ҳукуматнинг жадал аралашувисиз бу муаммонинг ечими топилмайди. Испанияда ўрмон йўқлигининг сабаби дарахтнинг новдаси офтобдан баҳра олиш учун заминдан бошини кўтарган заҳоти эчки келади-ю, киртиллатиб еб қўяди. Агар гуллаб-яшнашни, олға интилишни истасак, эчкиларни йўқотайлик! Бошқа йўл йўқ.

Дон Даниэль ҳорғин қиёфада бошини эгди. Кўп йиллик машаққатли меҳнат сарҳисоби эди бу! Ўша оқшом дўстлари унга айрича бир меҳр билан боқишди...

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ КУТУБХОНАСИ

Қадим маданиятлар юрти бўлган Ўзбекистон диёри дунёга кўплаб ўз соҳасининг билимдон алломаларини етказиб берган. Маълумки, аждодларимиз бағрикенг, адолатли, тафаккури кучли инсонларни уммонга ўхшатганлар. Чексиз уммонга қарасангиз, унинг улуғворлиги-ю залвори сизга ҳам кўчиб, Яратгандан ўзга ҳеч қандай куч уни тўхтата олмаслигига беихтиёр иймон келтирасиз. Яна бир ҳақиқат шуки, инсон умрини оқар сувга ҳам қиёслайдилар. У шиддат билан оқади, кўз очиб-юмгунча, кечаги ўспирин – бугун мўйсафид инсон қиёфасида. Шундай экан, яшамоқда ҳам яшамоқ бор. Умрни сув каби оқизиб юрганлар қанча… Аммо ўтаётган ҳар бир он, лаҳзанинг-да қадрига етиб, нафақат ўзи учун, балки, одамлар, жамият учун бирор наф келтиришга интилган безовта қалбли инсонлар ҳам анчагина.

Ана шундай инсонлардан бири Ўзбекистон Каҳрамони, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, атоқли адабиётшунос олим ва жамоат арбоби, профессор, мунаққид, моҳир таржимон ва ношир Озод Шарафиддинов эди.

Озод домла кенг маънодаги мураббий инсон, донишманд суҳбатдош эди. У киши қайси гапни қачон ва қандай айтишни жуда яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак, домла бирор масалада ким биландир суҳбатлашса, бу мулоқот, албатта, суҳбатдошларнинг хотирасида бир умрга сақланиб қоларди ва уларда зукко олим билан қайта-қайта учрашиш иштиёқи пайдо бўларди. Бинобарин, мен ҳам домла билан бўлиб ўтган суҳбатларимизда теран мулоҳазалар, теша тегмаган гаплар эшитардим ва қимматли ҳаётий сабоқ олардим.

Озод домланинг фикрича, ҳаёт тарзимизни пухта ўйланган андозаларга мосласак, одамлар ҳаром-харишдан ҳазар қиладиган бўлса, улар ўртасида адоват ва ҳасад йўқолиб, шафқат ва мурувват қарор топса, ҳар бир одам ўзининг инсоний шаънини ҳар нарсадан юқори қўя билса, виждонини пок сақласа, иймон-эътиқодли бўлса, жамият маънан бой, мамлакат эса қудратли бўлади. Лекин бу фазилатлар жамиятга осмондан тушмайди. Бунинг учун меҳнат ва ҳаракат қилмоқ керак. Инсон маънавий дунёсини бойитадиган, ақлини пешлайдиган воситалар эса кўп. Шулардан бири китобдир. Китоб билан сирлашмоқни инсон ўзи учун ҳаётий заруриятга айлантирмоғи зарур.

“Лекин минг афсуски, – деган эдилар домла, – ҳозирги кунда адабиётга, китобга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада пасайган.” Жоиз бўлса, айтиш керакки, домла айниқса ёш авлод орасида, китобга қизиқишнинг сўниб бораётганидан қаттиқ ташвишда эди. Албатта, замонавий техник воситалар кино, видео, компьютер, телефон ва бошқалар орқали ёшлар

анча-мунча маълумот олади. Аммо китоб одамни фикрлашга, мушоҳадага ўргатади. Китоб ўқимаган одам техник воситалар орқали муайян маълумотга эга бўлиши мумкин, бироқ у қуюлиб келаётган фикрларни ифодалай олмаслиги, олган билимларидан тўғри хулоса чиқара билмаслиги у кишини жуда безовта қиларди. Демак, инсонни фикрлашга ундайдиган восита бу – китоб! Китоб мутолааси, фикрлаш – бу меҳнат. Домланинг назарида, ёшлар айнан ана шу меҳнатдан қочишаяпти. Билишмайдики, китоб инсон онги, тафаккурини тарбиялайди, зеҳнини, нуткини ривожлантиради.

Шундан бўлса керак, домла, набираларининг китобга ихлос қўйишини жуда-жуда истар эди. Шу ўринда бундан бир неча ўн йиллар олдин бўлиб ўтган, бир воқеа эсга тушиб кетди. Мен ўғлим Музаффар билан бувасининг ҳузурларига борган эдик. Биз анчагача янги китоблар, бола тарбиясида китоб, аниқроғи, ундаги ибратли ҳикоя ва эртаклар ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат охирида буваси ўша кезларда чоп этилган "Ҳаёт билан ҳамнафас" китобларидан биттасини олиб биринчи бетига "Набирам Музаффарга! Ҳозир подшосан, лекин бора-бора одам бўларсан, деб буванг Озод", деган дастхатини ёзиб, унинг қўлига бердилар. Бу дастхатнинг тагида бўлиб ўтган суҳбатимизнинг бутун мазмуни ётарди. Бу билан буваси ота-она фарзандининг ёшлигиданоқ эмин-эркин ўсишига монелик қилмаслик билан бирга, аста-секин қалбига эзгулик, яъни, китобга муҳаббат, китоб билан дўст бўлиш хислатларини сингдириш кераклигига ва "бора-бора одам бўларсан", дея биз, ота-оналар масъулиятига ҳам ишора қилаётган эдилар.

Маълумки, Озод Шарафиддиновнинг бебаҳо хазиналари у кишининг китоблари эди. Китобни жону дилдан севган аллома деярли барча вилоятлардаги катта-кичик китоб дўконларини яхши билар эдилар. Сотувчилар қишлоқ шароитида зарурати камроқ бўлган, лекин мутахассис эҳтиёжи учун керак китобларни домла учун, албатта олиб қўярдилар. Домланинг кутубхоналарида Шарқ ва Ғарб бадиий адабиёти, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, санъат, маданият, болалар адабиёти, шахмат ва бошқа кўплаб соҳаларга оид китоблар китоб жавонларидан ўрин олган эди.

Домланинг кутубхоналарида Қуръони Карим (ўзбекча изоҳли таржима, таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур) ва Ҳадислар тўплами ҳамда уларга оид адабиётлар ҳам жамланган. Улар орасида икки жилдлик "Тарихи Муҳаммадий" китоби ҳам бор (Т., 1991 й.). Асар муаллифи араб, форс тиллари, ҳам қадимий қўлёзмаларнинг катта билимдони, дин ва жамоат арбоби, уламо, Бухоро ва Мадина мадрасаларида таҳсил олган Алихонтўра Соғунийдир. Бу аллома шунингдек, "Темур тузуклари", Аҳмад Донишнинг "Наводир-ул вақое", Дарвиш Али Чангийнинг "Мусиқа рисоласи" каби асарларни ҳам таржима қилган.

Кутубхонадаги китоб жавонларидан жой олган китоблар орасида XX асрнинг 30-50 йилларида нашр қилинган китобларни ҳам кўришимиз мумкин. Ана шундай китоблардан бири академик И.Ю.Крачковский томонидан "Қуръон"ни адабий манба сифатида рус тилига таржима қилинган нусхаси ҳам шу ердан жой олган. Бундан ташқари шу муаллифнинг рус шарқшунослиги, рус-араб алоқалари тарихини ёритиб берувчи муҳим тадқиқотлари сирасига кирувчи "Над арабскими рукописями" (М.-Л., 1948 й.), ҳамда "Очерки по истории русской арабистики" (М-Л.

1950 й.) китоблари ҳам шу ерда жойлашган. (Рус шарқшунос олими, академик, Игнатий Юлианович Крачковский (1883–1951 й.) замонавий рус шарқшунослигининг асосчиларидан бири эди. У араб, форс, турк тиллари ва адабиётини; эфиоп, лотин, яҳудий ва яна бир неча ғарб тилларини билган. Араб адабиёти, тили, тарихи ва маданиятига, Россия ва чет эллардаги шарқшунослик тарихига оид 400 дан зиёд илмий асар ёзган. Унинг исломгача бўлган даврдан то XVIII асргача яшаган араб географлари ҳақидаги йирик асари "Араб географик адабиёти" китобида жаҳон фанида Беруний ҳамда Ибн Сино каби мутафаккирларимизнинг фан тараққиётидаги буюк хизматларини кўрсатиб ўтилган. (Изоҳлар – *Ф.Э*)

Кутубхонада классик шарқ адабиётига оид китоблар ҳам ўрин олган бўлиб, китоб жавонида – ўрта аср араб адабиёти ёдгорлиги, образларга бой "Минг бир кеча"нинг тўлиқ тўпламини кўрамиз. ("Минг бир кеча" асарининг мазмуни, воқеалар таснифи турли даврлар, Шарқ халқлари ва мамлакатларининг тарихи билан боғлиқ. Асар 300 дан ортиқ қисса ва ҳикоялардан иборат бўлиб, уларда халқларнинг урф-одатлари, орзу-умидлари, тарихи ўз ифодасини топган. Тўпламдаги қайси ҳикояни олманг унда худбинлик, очкўзлик, маиший бузуқлик, жоҳиллик каби иллатлар қораланиб, поклик, ростгўйлик, донолик, камтарлик, саҳийлик сингари фазилатлар улуғланган. – *Ф.Э.*)

"Минг бир кеча" тўпламининг ёнида Алишер Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Ҳофиз, Умар Хайём асарларининг ўзбекча, русча нашрларини кўришимиз мумкин. Улар орасида форс-тожик тилидан рус тилига таржима қилинган Абулқосим Фирдавсийнинг И.Брагинский ва С.Шервинский таҳрири остида 1957 йилда "Художественная литература" нашриёти томонидан чоп этилган "Шоҳнома" асари ҳам бор. Китобнинг кириш қисмида "Фирдавсий ва унинг "Шоҳномаси" деб номланган мақолада И.Брагинский Фирдавсийнинг ижоди ва ушбу асарини анча батафсил таҳлил қилган. (Унда Эрон ва Турон халқларининг қарийб 4 минг йиллик тарихи Фирдавсий томонидан катта маҳорат билан ёритилганлиги таъкидланган. Мақола муаллифи асарни уч қисмга бўлади. Биринчи қисм – миф – афсоналар қисми бўлиб унда воқеалар дастлабки ўнта подшо даврида бўлиб ўтади; иккинчи қисм баҳодир – паҳлавонлар қисми бўлиб, унда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги ривояту қиссалар бадиий талқин қилинади; учинчиси тарихий қисм бўлиб, унда сосоний шоҳлар ҳаёти тасвирланади. Асар арабларнинг Эронга бостириб кириши билан якунланади. – *Ф.Э.*)

Айнан шу жавонда Бобурнинг 1958 йилда чоп этилган "Танланган асарлари" ҳамда М.Салье таржимасида фанлар академияси томонидан чоп этилган "Бобурнома"нинг рус тилидаги нусхаси ҳам диққатни ўзига тортади. Мазкур китоб истеъдодли рассом В.Кайдалов томонидан асар мазмунига мос ранг-баранг иллюстрациялар билан безатилган. Рассом ҳақида қуйироқда фикр юритиб ўтамиз. Мазкур китобда географик номлар ва атоқли исмлар, даврга оид Марказий Осиё ва Ҳиндистон харитлари берилган. Китобларни варақлар эканмиз, ҳукмдорлар ичида камдан-кам бўладиган ҳол, гениаллик ва талантни Бобурда учратамиз. Тақдир найрангларига қарамай, ҳукмдор руҳининг тетиклиги, шоҳларда кам учрайдиган сахийлик, мардлик, истеъдодлик, фанга, санъатга муҳаббат ва

ошуфталик Бобурни бошқа подшоҳлардан ажратиб туришини кўрамиз, китоб шуниси билан ҳам ўқувчига қизиқарлидир.

Бу китоблар билан ёнма-ён Олим Шарафиддиновнинг лотин алифбосида 1939 йилда чоп этилган Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритувчи Алишер Навоий рисоласи ҳам бор. Шоир ижодини ўрганиш иштиёқида юрган мухлислар учун бу нашр, ўз даврида бебаҳо туҳфа бўлган эди. Бу китоб ёнида классик адабиётнинг чуқур билимдони Садриддин Айний қаламига мансуб бир жилдлик "Хамса" (1939 й.) ҳамда "Алишер Навоий" асари ҳам бор.

Озод домла бир жилдлик "Хамса" асари ҳақида шундай хотира қолдирганлар. "Унда Навоий беш достонининг насрий баёни берилган, зарур ўринларда эса асарлар матнидан шеърий парчалар келтирилган. Бу баёнлар асл нусханинг ўрнини босолмайди, лекин шундай бўлса-да, Садриддин Айний ўз баёнида Навоий асарининг тароватини, буюк шоир нафасини муайян даражада сақлаб қола билган. Шунинг учун бу баён Навоий замонидан анча олислаб кетган бугунги китобхон учун шоир меросининг бойликларини илк бор кашф этишда бебаҳо бир очқич бўлиб хизмат қилади".

Домла, Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан ёзган "Мангу барҳаёт даҳо" мақолаларида шундай фикрни билдирган эдилар: "Не бахтки, Оллоҳ ўзбекларга икки дарё оралиғида тупроғи зар, сувлари кавсар жаннатмонанд бир ўлкани умргузаронлик қилиш учун Ватан қилиб бериш билан бирга, Алишер Навоийдек даҳо санъаткорни фарзанд қилиб берган... Унинг асарлари беш ярим асрдирки, ўзининг теран мазмуни, иншо санъати билан, бениҳоя бой ранглари ва жилолари билан одамларнинг қалбини мунаввар қилиб келмоқда... Алишер Навоий ҳам, шоир топиб айтганидек, нафақат сўз мулкининг султони, балки, шеърият осмонининг порлоқ қуёши ҳамдир. Қуёшни эса ҳеч ким тўса олмайди ҳам, яшириб ҳам қўёлмайди. Қуёш оламга баравар нур сочади. Истаган одам, истаган халқ унинг тафтидан ўз иштиёқи ва ўз иқтидорига яраша баҳраманд бўлмоғи мумкин."

Бундан ташқари бу китоблар ёнида яна Е.Э.Бертельснинг "Алишер Навоий" монографияси (1948 й.), Навоийнинг "Танланган асарлари (3 жилдлик 1948 й.), жойлашган бўлиб, улар сўзсиз Навоий даврини, ҳаётини ва ижодини ўрганишга йўлланма берадиган асарлар сирасига киради. Е.Э.Бертельс бу китобида ўз сўзи билан айтганда, буюк шоирнинг ижодий биографиясини яратишга ҳаракат қилган. Мазкур асар Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан танишмоқчи бўлган китобхонларга мўлжалланган бўлиб, унда шоир асарлари таҳлилга олинган. Алишер Навоийнинг серқирра ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишда муаллифга Ўзбекистон ФА академиклари Ойбек, Ғафур Ғулом, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти қўлёзмалар жамғармаси ва директори профессор Ходи Зарифов, Ўзбекистон ФА Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти фонди ва директори профессор А.А.Семёновлар амалий ёрдам кўрсатганлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кутубхонадаги кўпгина китоблар таҳсинга лойиқ безаклар ва иллюстрацияларга бой. Навоийнинг "Хамса"си, "Лайли ва Мажнун", "Ўзбек халқ эртаклари", "Алпомиш", "Қирқ қиз" каби достон ва эртаклар бунга ёркин мисол бўла олади. Бе-

заклар муаллифи – таниқли мўйқалам устаси Ўзбекистон Халқ рассоми Владимир Кайдаловдир (1907–1985 й.). Рассом томонидан ишланган иллюстрациялар ўзининг миллий колорити ва ҳаётий жозибаси билангина эмас, балки ўзбек китоб графикаси ривожига самарали таъсир кўрсатгани билан ҳам диққатга сазовордир. Шу билан бирга рассом Алишер Навоий, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин Собирова каби шоир-ёзувчилар сиймоларини яратиш устида самарали меҳнат қилди ва истеъдодли портрет устаси сифатида ҳам кенг жамоатчиликка танилди.

Яна шу жавонда профессор Е.Э.Бертельс ва Л.Пенковский таҳрири остида 1948 йилда чоп этилган "Алишер Навоий лирикаси" китоби ҳам жойлашган. Нашрда Навоий ғазаллари ёзувчи ва таржимонлар Б.Пастернак, Л.Пенковский, В.Рождесвенскийлар томонидан рус тилига моҳирона таржима қилинган, шунингдек, 1957 йилда нашр қилинган "Тожик шеърияти антологияси" ҳам юқоридаги китоблар қаторидан жой олган бўлиб, унга халқ оғзаки ижоди намуналари билан бирга XV, XVI–XIX ва XX аср шеърияти намуналари ҳам киритилган.

Ноёб китоблар жавонидан академик В.М.Жирмунскийнинг "Вопросы теории литературы" (Л.1928 й.) рисоласи ҳам тадқиқотчилар эътиборини тортиши, шубҳасиз. Китобга олимнинг 1916–1926 йилларда олиб борган тадқиқотлари киритилган. Олим туркий халқлар эпик ижодини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берган. Унинг китоб жавонидан жой олган "Узбекский народный героический эпос" (М.1947 й.) китоби бунга яққол мисол бўлиши мумкин. (Жирмунский Виктор Максимович (1891–1971 й.). Академик, тилшунос, адабиётшунос, фольклоршунос. 1942–1944 йилларда Ўрта Осиё давлат университети профессори, университет қошидаги тарих-филология масалалари илмий-текшириш институти директори. Шарқ халқлари эпоси бўйича монографиялар муаллифи. Роман-герман, турк тиллари диалектологияси масалаларини ўрганган. – *Ф.Э.*)

Яна бу ерда академик В.М.Жирмунский таҳрири остида нашр қилинган А.Н.Веселовскийнинг "Историческая поэтика" (Л.1940) китоби ҳам бор. Академик А.Н. Веселовскийнинг бу китобига унинг лирика ва драма тарихи, эпос тарихи ва сюжетлар поэтикаси, эпитетлар тарихи бўйича пухта ёзилган ва Петербург университетида ўқилган маърузалари киритилган. Академик нашрнинг ўқувчига тушунарли бўлиши учун, матнларда учрайдиган бегона хорижий иборалар ва иқтибосларнинг таржималари, ҳамда изоҳлар ҳам берилган. Шу билан бирга нашр матнига В.М.Жирмунский томонидан қатор қўшимчалар киритилган ва тўлдирилган. (Академик Веселовский Александр Николаевич (1836–1906) адабиётшунос, тарихчи, фолклоршунос, этнограф. У "Опыты по истории развития христианской легенды". (1875–77), "Сказки об Иване Грозном"(1876) "Южнорусское былины" (Т.,1-2;1881–84), "О народной политической поэзии в Италии" (1866) каби китоблар муаллифи бўлган – *Ф.Э.*)

Бу китобнинг ёнида ҳажми унча катта бўлмаган А.А.Смирновнинг 1934 йилда (Издательство Государственного Большого Драматического театра им. М.Горького) нашриёти томонидан чиқарилган "Творчества Шекспира" китоби ғам бор. Рисолада муаллиф тарихий материалларга бой бўлган Шекспир асарларини таҳлил қилар экан, гениал инглиз шоири ва драматурги ижодини илмий ўрганиш масаласини илгари суради.

Шекспир ижтимоий ҳаётдаги ана шу зиддиятлар, инсонлар тақдиридаги мураккабликларни кўрсатиш билан кифояланмай, асарларида жамият ва инсон ҳаётида юзага келган драматизмни тасвирлашга алоҳида эътибор берганлиги таъкидланади. Шоир, драматург сифатида ўз қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини ижтимоий, маиший, маънавий ва руҳий сабабларини очиб беришга интилади. Бир сўз билан айтганда А.Смирнов Шекспир асарларини анча батафсил таҳлил қилган.

Китоб жавонида У.Шекспирнинг 1929 йилда Москвадаги "Красный пролетарий" матбаа корхонаси томонидан чоп этилган, ўлчами унча катта бўлмаган (асар 1993 мисрадан иборат, таққослаш учун "Гамлет" трагедияси 4000га яқин мисрани ташкил қилади.) "Макбет" асарини кўришимиз мумкин. Асар 1606 йили ёзилган, лекин биринчи маротаба Шекспир вафотидан (1616 й.) кейин 1623 йили "Фолиода" журналида босилган. Пьеса саҳна асари сифатида 1610 йил апрелда театрда қўйилган. Асар мавзу-мазмуни Р.Холиншеднинг Англия тарихига бой "Англия, Шотландия, Ирландия хроникаси"дан олинган. Шекспир ҳаётдаги худбинлик, мунофиқлик, ёвузлик ва келишмовчиликларни жиддий низо сифатида ўз асарига киритади. Кўрамизки, драматург бошқа асарларида бўлгани каби, мазкур трагедиясида ҳам ахлоқий принципларга урғу берган. Асар замирида ўрта асрлар учун ҳам, ҳозирги замон учун долзарб аҳамиятга эга бўлган ахлоқий масалалар ётади.

Шунингдек, китобда Бутунроссия театр жамияти материаллари асосида Л.Вендровская томонидан саралаб танлаб олинган иллюстрациялар тўплами ҳам ўрин олган. Унда XVI–XX асрларда Лондон, Париж, Мюнхен, Гамбург, Берлин, Вена, Петербург, Москва, Ленинград, Нью-Йорк ва бошқа театрларда Шекспир асарлари бўйича қўйилган спектакларда бош қаҳрамонлар ролларини ижро этган актёрларининг иллюстрациялари ва фотосуратлар ҳам жойлашган.

Китоблар орасида Василий Гиппиус таҳрири остида чиққан "Н.В.Гоголь. Материалы и исследования" номли тўплам ҳам бор. (Л. 1936 й.) Нашрда рус ёзувчиси Н.В.Гоголь адабий мероси, ҳаёти ва ижодини ўрганиш масалалари, Гоголь ва журналистика, "Ревизор" асари композицияси ва муаммолари, Гоголнинг англо-сакс тарихи бўйича тугалланмаган драмаси, "Уйланиш" асарининг ғоявий-бадиий таҳлили, Гоголь асарларининг тили, Гоголь асарларидаги украин қўшиқларининг манбаи, Гоголь ва Чернышевский каби мақолалар ўрин олган. Китобга ёзувчи асарларига ишланган ва Петербургдаги Рус давлат музейида сақланаётган иллюстрациялардан олинган нусхалар ҳам киритилган бўлиб, нашрда ана шу иллюстрацияларга Л.А.Динцес томонидан ёзилган шарҳлар ҳам киритилган.

Е.Э.Бертельснинг "Роман об Александре и его главные версии на востоке" (Л.1948 й.) академик нашри, китобхон эътиборини ўзига қаратиши шубҳасиз. Маълумки, Александр Македонский образи, унинг ғаройиб ҳарбий юришлари жаҳон халқларини лол қолдириб келган. Балки шундан бўлса керак, бу саркарда ва ҳукмдор ҳақида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам кўплаб бадиий асарлар яратилган. Шарқда яратилган асарларда ҳукмдор қандай хислатларга эга бўлишига (энциклопедик билимларга) асосий эътибор қаратилган. Китоб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда Ҳазрат Навоийгача бўлган Искандар ҳақидаги достонлар тилга олинса,

иккинчи бўлимда Навоийнинг "Садди Искандарий" асари бўйича фикр юритилади.

Ўқувчи билим доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган нашрлар қаторига "Бируний". Сборник (М-Л. 1950 й,) ҳамда "Бируний – великий ученый средневековья" (Т.1950) тўпламларини киритиш мумкин. Бу нашрларга буюк юртдошимиз Абу Райҳон Беруний вафотининг 900 йиллиги муносабати билан СССР Фанлар Академияси тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт, физика-математика бўлимлари сессиясида академия олимлари томонидан 25-26-март 1949 йилда ўқилган маърузалар киритилган. Тўпламдаги мақолаларда ўрта асрнинг буюк даҳоларидан бири, улуғ ўзбек мутафаккир олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг бой илмий меросини айрим қирралари: тарих, география, фалсафа, фалакиёт, маъданшунослик фанлари тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ёритиб берилган.

А.Ф.Лосевнинг 1957 йилда нашрдан чиққан "Античная мифология в её историческом развытии" асари ҳам шу ердан жой олган. Проффессор Алексей Фёдорович Лосевнинг мазкур китоби антик мифология масалаларига бағишланган бўлиб, қадимий одамнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги қарашларни ўз ичига олган. Китоб Антик мифологиянинг асосий масалалари; Критлик Зевс; Аполлон каби бўлимлардан ташкил топган.

Проффессор Н.Ф.Дератани умумий таҳрири остида нашр қилинган "История римской литературы" (Изд-во МГУ, 1954) китобида муаллифлар ёзма маълумотларга таянган ҳолда қадимги рим адабиётининг ривожланиш жараёнини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Маълумки, рим адабиёти қадимги бой грек адабий меросини ўзлаштирган ҳолда, ўзига хос оригинал бадиий асарларни вужудга келтирган. Шунингдек, муаллифлар рим ёзувчилари маҳоратини таҳлил қилишга, тили, услуби орқали бу адабиётни ўзига хос томонларини очиб беришга интилганлар. Китоб эрамиздан аввалги III асрнинг ўрталаридан, эрамизнинг VI асригача бўлган даврни қамраб олган.

"Яқинда (2010-йилда) отамнинг китобларини қайта кўриб чиқаётиб, – деган эди раҳматли рафиқам Муҳаббатхон, XVII–XX аср жаҳон адабиёти вакилларининг ижодига бағишланган бир қанча рисолаларни топиб олдим. Уларни ўқиб ўзим учун кўп нарсаларни олдим. Шундан келиб чиқиб, ўзи кўримсизгина, унчалик қалин бўлмаган, арзон муқовали бу нашрларни филолог талабаларга чет эл адабиётидан тайёр маъруза матнлари десак муболаға бўлмайди. Бу китоблар орасида, деб фикрини давом эттирган эди Муҳаббатхон, муаллифнинг келиб чиқиши француз бўлган, XIX аср немис ёзувчиси Адальберт Шамиссонинг Москвада 1955 йилда чоп этилган "Чудесная история Петера Шлемиля" номли нашри мени жуда қизиқтириб қолди, деганди." Китобга Г.С.Слободкин сўзбоши ёзган бўлиб, унда асар анча мукаммал таҳлил қилинган. Адальберт Шамиссо (1781–1838) асли исми Луи Шарль Аделанд Шамиссо де Бонкур бўлиб, француз дворянлар оиласига мансуб бўлган. Биринчи француз революцияси туфайли Бонкурлар оиласи Германияга кўчиб ўтади. Ёш Аделанд

шу ерда хат-саводини чиқариб маълумотли бўлади. Айни шу ерда у ўз исмини немисчага яқинлаштириб, "Адальберт" деб ўзгартиради. 1807 йили у прусс армиясида хизмат қилади. 1815 йилда русларнинг "Рюрик" кемасида дунё бўйлаб саёҳатга чиқади. Бу саёҳат 1818 йилгача давом этади. У шу йилларда рус тили ва адабиётига қизиқиш билан қарайди, уни ўрганади. 1819 йили у Берлин ботаника коллекцияси раҳбари лавозимига таклиф қилинади, ҳамда умрининг охиригача табиатшунослик ва ёзувчиликни қўшиб олиб боради. Юқорида номи тилга олинган қисса эса 1814 йилда ёзилган.

Кейинги жавондан Гомернинг "Одиссея" ва "Илиада", қадимги юнон трагикларидан Эсхилнинг "Прикованный Прометей", Софоклнинг "Антигона", "Царь Эдип", "Электра", Еврипиднинг "Медея", "Ипполит" асарлари жой олган. Бундан ташқари, Платоннинг "Филеб. Государство, Тимей. Критий", Диоген Лаэртскийнинг "О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов", Геродотнинг издоши Фукидиднинг ўттиз йил давом этган Пелопоннес урушига (431 – 404 мил.ав.йй.) бағишланган "История", Лукианнинг фалсафий-сатирик жанрда битилган "Избранная проза", "Анталогия мысли" сериясида "Философы Греции", "Основы основ: логика, физика, этика", яна шу серияда чиқарилган икки асар Конфуцийнинг "Уроки мудрости", ҳамда Чезаре Ломброзонинг "Гениальность и помещательство" китоблари ўрин олган.

Бу китоб билан, ёнма-ён шарқшунос олим, академик, Шарқ ва Ғарбнинг тарихий ва маданий тараққиётини қиёсий ўрганган, Алишер Навоий ижоди бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борган Николай Иосифович Конраднинг (1891 – 1970) "Запад-Восток" ва айниқса "Проблема реализма и литературы Востока" номли асари тадқиқотчи филологларга тайёр қўлланмадир.

Адабий таҳлил масалалари қаламга олинган профессор И.М.Тронскийнинг "История античной литературы" дарслиги талаба ва тадқиқотчилар учун бирдек қизиқарлидир. 1947 йилда чоп этилган ушбу дарсликда юнон ва рим адабиёти илк антик даврдан то сўнгги антик давригача батафсил ўрганиб таҳлил қилинган. Кутубхонада, бундан ташқари, Ўрта асрлар, Уйғониш даври, XVII – XX аср чет эл адабиёти тарих ва хрестоматияси бўйича ҳам кўпгина дарсликлар бор.

Улар орасида В.М.Жирмунский таҳрири остида 1947 йилда нашр қилинган "История Западноевропейской литературы. Ранее средневековье. Возрождение.", Ю.Б.Виппер ва Р.М.Самаринларнинг 1954 йилда Москва давлат университети томонидан нашр қилинган "Курс лекций по истории зарубежных литератур. XVII век", С.Д.Артамонов ва З.Т.Гражданскаяларнинг "История Зарубежной литературы. XVIII век" (1956), М.Е.Елизарова, С.П.Гиждеу, Б.И.Колесников ва Н.П.Михальскаяларнинг 1957 йилда нашр қилинган "История Зарубежной литературы. XIX век", "История Зарубежной литературы" (М., 1972), "Зарубежная литература XX века" (1973), "История Зарубежной литературы XX века" (1980) дарсликлари териб қўйилган.

Бу дарсликлар билан бир қаторда "Хрестоматия по западноевропейской литературе. Эпоха возрождения" (1947), 1953 йилда нашр қилинган "Хрестоматия по Зарубежной литературе средних веков", "Хрестоматия по Зарубежной литературе XIX века" 1976 йилда нашр қилинган.

"Зарубежной литература. XIX век Романтизм. Хрестоматия" каби ўқув қўлланмалари жой олган.

Шу билан бирга ўзбек ва рус адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, адабиётшуносликка кириш ва адабиётшунослик бўйича ҳам монография ва дарсликлар талайгина бўлиб, улар бир неча жавонларни эгаллайди. Бир сўз билан айтганда, китоб домлага сув ва ҳаводек зарур, бир азиз неъмат эди. Китоб мўъжизаси домлага ўз соҳасига доир кенг ва чуқур билимга эга бўлишга, узоқ ва яқин соҳалардан хабардор бўлишига сабаб бўлган бўлса, табиатидаги сахийлик ва ҳалоллик, мардлигу-олийжаноблиги, гапсўзидаги адолат ҳис-туйғуси, суҳбату чиқишларига алоҳида ўзига тортувчи, мафтун қилувчи жозиба ва латофат ато этарди.

Кутубхонага диққат билан назар солинса, китоблар нашр қилинган вақтга қараб адабиётда кўтарилган муаммолардан, жаҳон маданияти тарихидан хабардор бўлиш мумкин. Кўрамизки, китоб жавонидан жой олган нашрлар шунчаки сотиб олинган эмас экан. Шоҳид бўлганимиздек, бу ерда антик даврдан ҳозирги кунгача (2005 й.) бўлган Ғарб адабиётини ва Шарқ адабиётини ҳам, турли жанрларга оид фундаментал тадқиқотларни ҳам, илмий-оммабоп рисолаларни, санъат, меъморчилик борасидаги китобларни учратиш мумкин.

Маълумки, 1967 йилда Москвадаги "Художественная литература" нашриёти энг қадимги замонлардан то XX асрнинг биринчи ярмигача бутун дунё халқлари яратган бадиий адабиёт намуналаридан 200 жилдга мўлжалланган "кутубхона" нашр қилишга киришди. Бу "кутубхонада" жаҳондаги 80 мамлакатнинг вакиллари бўлмиш 3.235 муаллифнинг 25.800 номдаги асари эълон қилинди. Ҳар қайси жилд 300.000 нусхада, бутун "кутубхона" эса 60.000.000 нусхада босилди. Ҳар қайси жилд сўзбоши, мукаммал изоҳлар ва шарҳлар, ҳамда асарга ҳамоҳанг бўлган бетакрор иллюстрациялар билан чоп этилган.

"Кутубхона" уч сериядан ташкил топган бўлиб, 64 жилддан иборат биринчи серия энг қадимги замонлардан бошлаб то XIX асргача яратилган ноёб асарларни ўз ичига олди. Биринчи серияда ўзбек адабиётидан Навоий ижодига алоҳида жилд бағишланган. Навоий ҳаётлигида кўчирилган қўлёзмадан олинган миниатюралар китобнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Ҳазрат Навоий достонларининг рус тилига таржимаси В.Державин, Л.Пеньковский, С.Липкин каби моҳир таржимонлар томонидан бажарилган.

"Кутубхона"нинг 63 китобдан иборат иккинчи серияси бутунлай XIX аср адабиётига бағишланган. Бу серияда қардош халқлар адабиёти вакилларига алоҳида жилд ажратилиб, улар орасида Огаҳий, Фазлий, Гулханий, Маҳзуна, Нодира, Махмур, Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли каби ўзбек шоирлари ҳам ана шу алоҳида жилддан жой олган.

"Кутубхона"нинг учинчи серияси XX аср адабиётига бағишланган ва 73 жилддан иборат. Унга ўзбек адабиётидан Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, Зулфия, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларни асарларидан намуналар киритилган. Бундан ташқари, Садриддин Айний ва Мухтор Авезовларнинг ижодига алоҳида жилдлар бағишланган. 200 жилдлик "Жаҳон адабиёти кутубхонаси" Жаҳон адабиёти институти, иттифоқ Ёзувчилар

ва Рассомлар уюшмаси ва бошқа ижодий жамоаларнинг катта меҳнати натижаси бўлди. Бир сўз билан айтганда, "кутубхона"нинг чоп этилиши маданий ҳаётда катта ҳодисага айланди. Табиийки, "кутубхона"нинг 200 жилди учун Озод домла махсус шкафларни ажратдилар. (Бу "серия" ҳақидаги тўлиқ маълумотни Озод домланинг "Ҳақиқатга садоқат" китобидаги "Хазина" мақоласидан олиш мумкин. Т., 1989. 298-305 бетлар – *Ф.Э.*)

Озод Шарафиддиновнинг ижодини ўрганган тадқиқотчилар унинг асарлари ва таржималарининг ўзига хос тили ва услуби борлигини доим таъкидлаб келганлар. Кутубхонадаги турли йўналишдаги китоблар ва луғатлар ана шу ўзига хос тил ва услубни шаклланишига таъсир кўрсатган десак, хато бўлмайди.

Домланинг фикрича, луғатлар маънавий маданиятни ривожланишида муҳим ўрин эгаллаши билан бирга жамиятнинг маълум даврда эришган билимларини ўзида акс эттиради. Шу билан бирга луғатлар бир қатор ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради, яъни ўқувчига муайян воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот беради, ўзга тиллардаги сўзлар билан таништиради. "Китоб жавонларимда луғатларнинг кўплиги ана шундан дердилар", Озод домла.

Кутубхонадаги луғатлар орасида Д.Н.Ушаковнинг 1935–1940 йилларда нашр этилган тўрт томлик "Толковый словарь русского языка", Сергей Иванович Ожеговнинг (1900–1964) 1949 йилда чоп этилган "Словарь русского языка" ҳамда 1950 йилда нашрдан чиққан "Орфографический словарь русского языка". Владимир Иванович Дальнинг (1801–1872) 1955 йилда чоп этилган 4-томлик "Толковый словарь живого велико русского языка", 1957 йилда чиққан "Пословицы русского народа" номли нашрларни ҳам кўришимиз мумкин.

Луғатлар орасида 1969 йили Ленинградда нашр этилган "Древнетюркский словарь", 1966 йили Москвада чиқарилган "Татарско-русский словарь", "Словарь иностранных слов", (М.,1989) О.Усмон, Р.Дониёров. "Русча-интернационал изоҳли луғат", (Т., 1965) "Русча-ўзбекча луғат", (М.1954) "Ўзбекча-русча луғат", (М.1959) 2 жилдлик "Русча-ўзбекча луғат" (Т.1983–1984) "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" 2 томлик. (Т.,1981.) С.А.Тихонов и другие, "Русско-узбекский тематический словарь", (1975) "Навоий асарлари луғати", (1972) "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати", (1-4ж. 1983–1984) Б.Ҳасанов "Қуръони Карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғат", (1995).

Жавонлардан қатор қомусий луғат-энциклопедиялари ҳам ўрин олган бўлиб, булар – "Краткая литературная энциклопедия", "Литературный энциклопедический словарь", "Энциклодедический словарь юного литературоведа", "Энциклопедия: Мифы народов Мира" в 2х т., "Мифологический словарь", "Театральная энциклопедия", "Детская энциклопедия" в 10.т., "Все шедевры мировой литературы в кратком изложении", "Зарубежная литература XIX в.", "Звёзды мировой философии", "Энциклопедия литературных героев", "Энциклопедия мудрости", "Ўзбек совет энциклопедияси", "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 12 жилддан иборат "Архив русской революции", "Энциклопедия мудрости", "Большая советская энциклопедия" в. 50 т. , "Советская историческая энциклопедия" в 16т. ва бошқалар.

Домла ижодлари давомида 150 га яқин асарларни таржима қилдилар. Шулардан 30га яқини мустақилликка қадар, қолган 120га яқини мустақиллик йилларида амалга оширилди. Улар орасида жаҳон адабиёти дурдоналари, машҳур файласуф, социолог, сиёсатшунос, санъатшунос, адабиётшуносларнинг асарлари, буюк сиймолар ҳақидаги эсселар ўзбекчалаштирилди.

Таржималарнинг тили жимжималардан ҳоли эди. Домла айтганларидек, тил – халқнинг, миллийликнинг энг катта бойлиги, энг қутлуғ неъматидир. Тилимизда тарихимиз, маданиятимиз, маънавиятимиз сақланиб қолган. Мақоллар ва маталларда, турли ибораларда аждодларимизнинг расм-русмлари муҳрланиб қолган. Таржималари орқали Озод домла тилимизнинг ана шу бойлигини, маънолар жилоланишини кенг қамровли фалсафий тушунчаларини ҳам маҳоратлари орқали кўрсата олдилар. Таржима асаларининг айримларини мисол тарзида келтириб ўтамиз. Анатолий Рибаков "Арбат болалари", Хосе Ортега-и-Гассет "Одам Ато Жаннатда". Стефан Цвейг "Дунёнинг очқичи", Лев Толстой "Икрорнома", Васил Биков "Сариқ қум" Жан Жак Руссо "Манзур бўлмоқ санъати", Эфреим Севела "Тўхатинг самолётни, тушиб қоламан", Игор Бунич "Партиянинг олтинлари", Оскар Уайлд "Дориан Грейнинг портрети", Паула Коэло "Алкимёгар", "Бешинчи тоғ" , Кобо Абе "Шоирнинг ҳаёти" ва бошқалар. Бу асарлар айнан ўзбек тилида ёзилгандек, тили ниҳоятда равон таржима қилинган. Таржима қилинган асарлар географиясига эътибор берсак, у ҳам жуда кенг. Соғлиқлари панд берса ҳам, руҳан бақувват домла катта бир жамоа бажарадиган ишни бир ўзлари бажариб қўйишлари – у кишининг маҳорати ва меҳнатсеварлигида, халқ олдидаги бурчни ҳис қила билишидадир. Бу ҳолни Озод Шарафиддинов феномени, десак тўғри бўлар.

Табиийки, олим кутубхонасидан жаҳон адабиётнинг классиклари асарлари ва тўпламлари ҳам жой олган. Улар орасида Оноре де Балзак, Максим Горкий, Виктор Гюго, Николай Гоголь, Теодор Драйзер, Эмил Золя, Михаил Лермонтов, Томас Манн, Александр Пушкин, Лев Толстой, Уильям Фолкнер, Вильям Шекспир ва бошқа кўплаб ёзувчиларнинг асарларини кўришимиз мумкин.

Кутубхонадаги "Халқлар дўстлиги" сериями ҳам 70 га яқин муаллифлардан иборат бўлиб, улар Ч.Айтматов, С.Дангулов, Н.Думбадзе, А.Ким, Б.Окуджава, Ю.Ритхеу асарларидан таркиб топган. "Мастера современной прозы" сериясида чиқарилган китоблар ҳам 80га яқин бўлиб, муаллифлар орасида япон Кобо Абе, америкалик Ричард Райт, бельгиялик Виллем Элсхот, ҳиндистонлик Кришан Чандар, германиялик Анна Зегерс, туркиялик Орхан Кемалларни кўришимиз мумкин.

Яна қатор сериялардаги китоблар, масалан, "Литературные мемуары", "Библиотека Российского романа" сериясидаги, "Литературное наследие", "Философское наследие", Библиотека "Огонёк" Отечественная классика, "Библиотека классики", "Русская историческая повесть" сериясидаги китоблар ҳам ўқувчи ва тадқиқотчилар диққатини сўзсиз ўзига тортади. "Детективлар сериями"да ҳам қатор мамлакатлар ёзувчиларининг шу жанрда битилган асарларини кўрамиз. Масалан, "Американский детектив", "Английский детектив", "Чешский детектив", "Немецкий детектив", "Венгерский детектив" ва бошқалар.

Кейинги жавонда Нобель мукофоти совриндорларидан Эрнест Хемингуэйнинг “За рекой, в тени деревьев”, “Старик и море”, “Опасное лето”, “Праздник, который всегда с тобой”, “В наше время”, Джон Стейнбекнинг “Гроздья гнева”, “Зима тревоги нашей”, Нажиб Маҳфузнинг “Вор и собака” ва “Осенние перепелки”, “Зеркала”, “Пансионат мирамир”, Кнут Гамсуннинг “Соки земли”, “Бродяги”, Ясунари Кавабатанинг “Тысячекрылый журавль”, “Снежная страна”, “Новеллы. Рассказы. Эссе”, Джон Голсуорсининг “Сага о форсайтах”, ”Сдается в наем”, “Белая обезьяна”, “Серебряная ложка”, “Путь святого”, Владимир Набоковнинг “Защита Лужина”, “Подвиг”, “Машенка”, “Король. Дама. Валет” “Возвращение Чорбы”, ”Дар”, “Приглашение на казнь”, “Другие берега”, “Лолита”, Луидже Пиранделлонинг “Старые и молодые” асарлари жой олган.

Улар билан бир қаторда жойлашган рус ва ўзбек адабиёти хрестоматиялари бўйича китоблар ҳам талайгина бўлиб, ўқувчида қизиқиш уйғотиши табиий. Гап шу ерга етганда, ҳурматли ўқувчига домла хонадонида деярли одатий ҳолга айланган бир ҳолатни эслатиб ўтмоқчиман. Озод домла хонадонидан ҳеч қачон меҳмон аримас, турли касб эгалари, яъни зиёлижодкорлардан тортиб то деҳқон-у ҳунармандгача у кишининг суҳбатига ошиқарди. Домла ҳар қандай даврада яхши кайфият ярата олар, мулоқот давомида одамлар фикрини фақат эзгу ишларга йўналтиришга, эл-юрт учун фойдали бирор ишни амалга оширишга даъват этарди. Агар бирор киши билан суҳбатлашса, ўша суҳбатдош мансуб бўлган соҳа бўйича ўзлари ўқиган китоблардан қизиқарли мисоллар келтирарди, китобларни тарғиб қиларди. Китоб ўқимаслик чаламуллаликка, маърифатсизликка, жоҳилликка олиб келади. Булар эса лоқайдликни, маънавий қашшоқликни туғдиради. Бу сифатлардан, биродар, манқуртликкача бир қадам, дердилар. Ким билсин, эҳтимол бу суҳбатлар янги мақола ёки чиқишларига туртки бўлгандир.

Домланинг турли соҳалар бўйича чуқур билимларга эгалиги бизга табиий ҳолдек туюларди. Негаки, у кишининг наинки, адабиёт, балки илм-фаннинг бошқа соҳаларига ҳам қизиқишлари беқиёс эди. Шундан бўлса керак, кутубхонада юқорида кўрганимиздек адабиёт, тил, тарих, фалсафага оид асарлардан ташқари, илмнинг бошқа йўналишлари, ҳатто табиий фанларга оид турли сериялардаги китоблар ҳам жамланган эди. Озод домла китобга билим хазинаси, Аллоҳ таолонинг одамларга инъом этган муқаддас неъмат деб қарар эди. Айни чоғда: “Китоб, жавонга тахлаб қўйиш учун эмас, ўқиш ва сабоқ олиш учун сотиб олинади”, – деб, қайта-қайта, такрор-такрор айтардилар.

Бу китоблар билан ёнма-ён XX асрнинг 50 йилларидан, яъни домлани ўзлари илмга кириб келган вақтдан то 2004 йилгача ёқланган номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ҳам жой олган. Мазкур илмий ишларнинг мазмун-моҳияти ўтган асрнинг 50-йилларидан то шу вақтгача (2004 йилгача) Ўзбекистондаги адабиётшунослик, адабий танқид, умуман, шу йўналишнинг ютуқ ва муаммоларини кўрсатувчи барометр десак, хато бўлмайди.

Гап диссертациялар ҳақида кетганда, домланинг шогирдларига бўлган муносабатига тўхталиб ўтсак. Устоз 30 га яқин фан номзодига раҳбарлик қилганлар. Ҳеч ким домлага тасодифан шогирд бўлган эмас. Домла шо-

гирдлари ҳужжатларини расмийлаштиришга шошилмас, уларни илмга чанқоқлигини, салоҳиятини, бардошини, ҳатто яшаш тарзини обдон синовдан ўтказарди. Шу маънода домлани ёшларимизни мустақиллик ва эзгулик руҳида тарбиялашдаги ҳиссалари ҳам салмоқли, деб ўйлайман.

Бу сабоқлар илмий ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш тадқиқотчиларда фаоллик, эркинлик ҳиссининг уйғонишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Домлага шогирд бўлганлар шундай шаклланиб, танлаган мавзуларини чуқур ўрганиб, пишитардилар. Шунинг учун домла раҳбарлигида ёқланган диссертациялар адабиётшуносликда из қолдирарди.

Маълумки, Озод домла шахмат ўйинини жуда ҳам яхши кўрувчи, ашаддий шахмат мухлиси ўзига хос бўлганлар. Шахмат бўйича йиғилган китоблар кўлами ҳам анчагина бўлиб, улар бир китоб жавонга жойлашган. Бу китоблар орасида шахмат партиялари таҳлилига бағишланган китоблар, шахмат ўйинларини ёшлар ўртасида оммалаштиришга бағишланган нашрлар ҳам талайгина. Китоб жавонидан жой олган "Выдающиеся шахматисты мира" сериясидаги китоблар дунёни лол қолдирган олий тоифадаги шахматчилар ҳақида ҳикоя қилади. Масалан, Йожеф Хайтуннинг гроссмейстер Портиш ҳақидаги китоби, Б.Вайнштейннинг Э.Ласкерга бағишланган китоби, В.Пановнинг кубалик шахматчи Хоссе Раул Капабланка ҳақидаги китоблар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, жаҳоннинг 12-чи чемпиони А.Карпов таҳририда чиқарилган "Шахмат" китоби, Г.Александрович ва Е.Столярнинг "Многоликая Каисса", З.Таррашнинг "300 шахматных партий", А.Костьевнинг "Учителю о шахматах", С.Глигоричнинг "Играю против фигур", М.Муҳиддиновнинг "Ўзбекистонда шахматчилик", "Шахмат – кони ҳикмат" каби нашрларни, яъни шахматни оммалаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи китобларни ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, Озод домла, юқорида эслаганимиздек, шахматни жону дилидан севувчи шахмат ишқибози бўлган ва, табиийки, бу китобларнинг ҳаммаси у кишига олам-олам қувонч бахш этган. Бўш вақт топилди, дегунча, домла албатта, шахмат ўйнарди. Ҳазиллашиб, бу ўйин миядаги очилмаган, ишламаган нервларни ишлатиб юборади, дерди. Улар Мамажон Муҳитдинов, Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Раҳматилла Иноғомов, Улуғбек Элбеков, Маҳмуд Юнусов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Сайди Умиров ва бошқа кўплаб ижодкорлар иштирокида бўладиган шахмат ўйинининг фаол иштирокчиси эди. Мабодо ўйин "бой" берилса, ҳеч қачон "ютқаздим" демасди, балки "ютқазиб бердим" деб қўя қоларди. Домланинг шарофати билан набиралар бу ўйинни жуда яхши ўзлаштириб олишган. Набираларнинг бу ўйинга жиддий қизиқиши у кишини ниҳоятда қувонтирарди. "Шахмат ўйини хотирани пешлайди, вужудга келган мураккаб вазиятлардан чиқиб кетишнинг бирдан-бир тўғри йўлини топишга ўргатади", – дерди Озод домла. Ўғлим Музаффар Мирзо ўзига ғалаба олиб келган юришларни, гарчи улар катта шахматчилар томонидан ўйналган бўлса ҳам, бобосидан ўргангани учун, Озод бувамнинг усулларини қўллаб ўйинда ғалаба қозондим, деб мағрурланиб юрарди.

Озод Шарафиддинов кутубхонаси ҳақида яна кўп ва хўп гапиришимиз мумкин. Афсуски, кутубхонадаги барча китоблар ҳақида тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ. Китоб жавонларидаги дунё динлари ҳақидаги китоблар, "Жизнь замечательных людей" (ЖЗЛ) сериясидаги китоблар,

Библиотека “Классики” сериясида “Русская литература”, “Зарубежная литература”, “Очерки по истории географических открытий”, “Взгляд”, “Критика. Полемика. Публикации”, “Сто великих” сериясидаги “Сто великих писателей XX века”, 1000 вопросов, 1000 фактов, 1000 рекордов… “1000” сериясидаги “1000 великих битв с древнейших времен до XI века”, “Художественная литература”, “Правда” ва бошқа нашриётлар томонидан чиқарилган обуна нашрлари, болалар учун “Жаҳон халқлари эртаклари” сериями, ўспиринлар учун “Саргузашт адабиётлар” сериями, шунингдек “Математика”, “Зоология”, “География”, “Физика”, “Кимё”, “Тарих” сериясидаги китобларнинг ҳаммасини санаш қийин.

Табиийки, алоҳида китоб жавонлари ўзбек ёзувчилари асарлари учун ажратилган. Китобларнинг кўпчилигида муаллифларнинг дастхатлари ҳам бор. Жавондан Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, А.Қодирий романларининг бир неча нашрлари, “Истиқлол қаҳрамонлари” сериями, Ойбек, Ғафур Ғулом, Айний, А.Қаххор, Миртемир, М.Шайхзода, А.Мухтор, Зулфия, Ҳ.Олимжон, О.Ёқубов, П.Қодиров, А.Орипов, Э.Воҳидов, Ў.Ҳошимов, Ҳамид Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Х.Тўхтабоев, Шуҳрат, Комил Яшин, Сарвар Азимов каби ёзувчи-шоирларнинг, адабиётшунослар Иззат Султон, Ғулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшчонов, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Абдуғафур Расулов, Воҳид Абдуллаев, Нуритдин Шукуров, Ботир Валихўжаев, Сайдулла Мирзаев китоблари ўрин олган. Эслатиб ўтамиз, бу китоб муаллифларининг мукаммал рўйхати эмас.

Кутубхонадаги чоғроққина китоб жавонига деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва полизчиликка оид китоб ва рисолалар жамланган бўлиб, бунинг асосий сабаби домланинг дала ҳовлиси эди.

Озод домла ҳаётидаги ҳар бир нарса, ҳар бир ҳаракатдан завқ ола биларди. Ҳатто, кўпчилик эринибгина уринадиган жисмоний юмушлар ва дала ишларига ҳам бутун вужуди билан берилиб киришарди. Боғда олма, ўрик, шафтоли, гилос, нок, олхўри, анор, анжир каби дарахтлар бўлиб, олма, нок ва токнинг ёзги ва кузги навлари экилган эди. Боғдаги мевали дарахтларни ўстириш ва боғни парваришлашда ишлатиладиган асбоб-анжомлар: кетмон, белкурак, токқайчи, паншаха, челаклар, пайванд пичоқлар, арра, нарвон, суғориш учун чиланғар, ўғит солинадиган мосламаларгача харид қилиб, ишлатишга тайёрлаб қўйган эдилар. Бу соҳадаги шиорлари: “Кел”, “Ол”, “Ишлат” эди.

Кўрамизки, Озод домла кутубхоналаридаги китоблар шунчаки китобни йиғиш учун сотиб олинмаган. Китоблар биринчи навбатда ўзларига, ижодларига зарур бўлган ҳамда набира ва эвараларга мўлжалланган.

Бундан ташқари кутубхонадан домланинг архив ҳужжатлари (мақола, рисола, китобларнинг қораламалари) ҳам жой олган. Ҳар бир папкадаги қоғозларни ўқисангиз, улардаги маълумотлар тадқиқотчини қизиқтиришига амин бўласиз. Чунки улар умр бўйи ёзилган мақолалар, китоблар, таржималарнинг кўлёзмаларидир. Баъзи мақолаларнинг бир неча вариантлари мавжуд (масалан, Ойбек, Фитрат, Шайхзода ва ҳоказолар).

Архивда қўлёзмалардан ташқари уларнинг машинкаланган нусхалари, ҳамда домлага алоҳида шахслардан, турли идора ва ташкилотлар-

дан келган хатлар, таклифномалар ҳам бўлиб, улар алоҳида папкаларда сақланади.

Архивдаги бундай саранжомлик кейинчалик Муҳаббатхон ва Шаҳнозахон томонидан домланинг ўзлари тартиблаган мақолалар асосида қатор китоб ва рисолаларни нашрга тайёрлашга туртки бўлди. Шулардан биринчиси 2009 йилда нашрдан чиққан "Домлалар" китоби эди. Китобда Озод домланинг устозлари, дўстлари, шогирдлари ҳақидаги бир-биридан ўқишли хотиралари ўрин олган. Қаҳрамонларнинг фақат ўзларига хос табиати ва характери, ҳаёти ва тақдирини белгилаган воқеаҳодисалар қизиқарли услубда баён этилган. Шу билан бирга, биз мутолаа давомида бетакрор юртимизнинг ажойиб табиати, гўзал гўшалари, меҳнаткаш ва содда инсонлари билан ҳам танишамиз.

Иккинчи китоб "Жаҳон адиблари адабиёти ҳақида" (2010 й.) деб номланган ва ундан Ҳерман Ҳессе, Андре Моруа, Лев Толстой, Оноре де Бальзак, Ян Парандовский, Николай Гоголь, Жон Голсуорси, Ирвинг Стоун сингари таниқли ижодкорларнинг бадиий адабиёт тарихи, ижод сирлари, адабий оқимлар, эстетик тамойилларга бағишланган ноёб асарлари жой олган. Ёшларимизнинг адабий эстетик диди, фикрлаш қобилиятининг ўсишида муҳим аҳамият касб этувчи бу асарларни Озод Шарафиддинов катта маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилган.

Учинчи китоб "Оламнинг қалби" (2012 й.) деб номланган. Муаллиф, инсоният тарихида китобнинг ўрни ва аҳамияти, китобга муносабат, китобхонлик маданияти ҳақидаги ўйлари, кузатишларини китобхон билан ўртоқлашишга, унинг салоҳиятини оширишга интилади.

Озод Шарафиддинов кутубхоналари ҳақидаги қисқа маълумот шулардан иборат. Домланинг сўзлари билан айтганда "… китоблар узоқ йиллар давомида, умр бўйи йиғилган. "Бу бир эҳтиёж-да! Бошқаларга жуда кўп китоб йиғинглар, демоқчи эмасман. Фақат ўз соҳалари бўйича чоп этилган китобларни, нашрдан чиқараётган яхши бадиий асарларни ўқиб, фойдаланиб боришса зарар қилмасди. Чунки бугун топиладиган китоб эртага топилмай қолиши мумкин. Китоб олинг, китоб ўқинг. Таълим олишдан тўхтаб қолманг", деб ёзган эдилар устоз.

Кутубхонадаги китоблар турли йўналишда бўлгани каби атоқли адабиётшунос, мунаққид, таржимон ва ношир Озод Шарафиддинов ижоди ҳам серқирра эди. Унинг китоб ва рисолаларида, асарларни бадиийлик қонуниятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, адабиётни миллий ғоя ва адабий қонуниятлар асосида таҳлил қилиш, ижодкор шахси ва унинг бадиий асардаги ўрни масалалари, ижодий анъаналар, мумтоз адабиётни ўрганиш воситалари ва жаҳон адабиётини ўрганиш муаммолари, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида миллий ва жаҳон адабиёти анъаналарини уйғун қабул қилиш, таржима санъатини юксалтириш, ўзбек адабиётининг жаҳон адабий жараёнида тутган ўрни ва маънавий ўзанлари тадқиқ этиб берилган.

Озод домла хотирамизда ҳамиша шундай жонли, ижод қилишдан тўхтамайдиган, чарчамайдиган, серғайрат, жозибали ва дилбар шахс сифатида яшайверади.

Фатхулла ЭРГАШЕВ

Умида РАСУЛОВА

ТОҒАЙ МУРОД ҚИССАЛАРИ: АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМА

Маълумки, ўзбек адабиётининг сара намуналари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. XX асрда яшаган Абдулла Қодирий, Ойбек, Пиримкул Қодиров, Одил Ёқубов кабиларнинг асарлари рус тилида жаранглаган. Сўнгги йилларда ҳам миллатимизнинг қадриятларини дунёга тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода миллий ўзлик, олийжаноблик, умуминсонийлик тараннум этилган асарларга ва уларнинг таржималарига эҳтиёж ортмоқда.

Истеъдодли адиб Тоғай Мурод ижодида миллатнинг урф-одати, анъаналари бетакрор услубда талқин этилган. Бу асарлар орқали китобхонда ўзбек халқи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлади. Тоғай Мурод насрида мисралар маъно кўламдорлиги, фикрлар мантиқий изчиллиги, ифода қисқа ва лўндалиги, жумланинг жарангдорлиги эътиборни тортади. Адиб персонажларининг туйғулари, эмоцияларини ҳис эттиришга, мос оҳангни танлашга эришади.

Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссаси Герман Власов ва Вадим Муратхонов, “Ойдинда юрган одамлар” қиссаси Суҳбат Афлотуний томонидан 2018 йили рус тилига таржима қилинди. Қиссаларнинг таржимаси жанр поэтикасидаги янгиланишни кузатиш, услубий ўзига хосликни аниқлашга имкон беради.

Тоғай Мурод асарларини ўгириш мутаржимдан ҳар бир товуш, сўз, тиниш белгилари, пауза, талаффуз меъёрларини аслиятдагидек келтиришда мусиқадаги каби воситалардан фойдаланишни ўйлаб кўришни тақозо этади.

Ёзувчи сарлавҳаданоқ асарда ёритиладиган мавзу, ифодаланадиган ўй-ҳисларини, қарашларини ўқувчига маълум қилишга интилади, айни шу фурсатдан улар орасидаги муштараклик бошланади. “Сарлавҳа муаллиф томонидан шунчаки танланмайди, уни вазият, мақсад, шароит, эмоция (ҳиссиёт) ё мушоҳадага йўналган фикрлаш доираси тақозо этади”[1].

“От кишнаган оқшом” сарлавҳаси муҳим ҳодиса, воқеага қизиқиш уйғотади, айни дамда савол туғилади. Қандай оқшом, нега “от кишнаган”. От – ҳалоллик, вафо рамзи. Қадимдан халқимизда отга меҳр бўлакча, у инсоннинг садоқатли ҳамроҳи, йўлдоши. Сарлавҳадаги “оқшом” вақтга ишора беради. Таржимон Герман Власов ва Вадим Муратхонов сарлавҳани айнан бермай, қисса поэтикасидан келиб чиқиб “Тарлан”

[1] Феллер. М. Структура произведения Феллер М. Структура произведения – М.Книга. 1981. с. 90.

дея ўзгартирадилар. Рус китобхонида илк тасаввурни аниқ, муфассал уйғотиш мақсадида шундай тўхтамга келингани аён бўлади.

"Ойдинда юрган одамлар" сарлавҳасида романтик руҳ етакчи, ойдин – ёруғлик, нурафшонлик белгиси. Одамларнинг ойга боғлиқлиги, у билан бирлигида қандайдир синоат мавжуд. Муаллиф ойнинг ёғдусида тасвирлаётган кишилар сийрати, табиати, поклиги, эзгулиги боис уларни юксакликка кўтараётгандир. Сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчи қалбида ажиб ҳисларни аллалайди. Таржимон Суҳбат Афлотуний сарлавҳани "Люди идущие в лунном луче" дея тақдим қилиши оҳанг, мазмунни аслига яқинлаштиришга интилганидан дарак беради.

Биринчи жумла – ёзувчи руҳидаги ғалаёнларни ёриб чиққан илк туйғу. Биринчи жумла – ибтидо, бошланиш, йўл боши. Унда мусиқа ҳам, оҳанг ҳам, руҳ ҳам, сурату сийрат ҳам бор. Асар структурасининг жамики руҳидан илк жумла жаранги эшитилиб туради.

Тоғай Мурод ижодида илк жумла ҳамда структурал яхлитлик масаласига эътибор қаратамиз.

Ёзувчининг "От кишнаган оқшом" қиссаси:

"Биродарлар, кўргилик, кўргилик!" жумласи билан бошланади. Илк танишув, самимий мурожаат ўқувчига хуш ёқади-ю, "кўргилик" – жумбоқ ўйлантириб қўяди. Сўзнинг қайта такрори қизиқишни орттиради.

Русчада "Беда, братья мои, беда" тарзида берилиши асл фикрни етказишга хизмат қилади. "Биродар" сўзи ўрнига "акалар" каби умумлашган шакл берилади. Таржимонлар адибнинг асосий мақсади Оламу Одам яхлитлигини намоён этишга интилиш эканини уқишга киришадилар.

Зиёдулла тийнатидаги одамийлик, тантилик диққатга сазовор. Қаҳрамон одамлардан кўра жонзотга кўпрок талпинади, унга қалбини бағишлайди, отини достон қилиб куйлайди. От ҳам ўз навбатида хўжасини оғир дамларда фалокат, ўлимдан қутқариб қолади, кўпкариларда чавандозни эҳтиёт қилиб авайлайди. Инсоннинг вахшийлиги, жоҳиллигига жонзот вафоси, жасорати қарши қўйилиб, ритмдаги зиддият намоён бўлади. Қоронғи кечада қаҳрамоннинг оти билан дардлашиши, ҳасратлашиши ўзгача нур, жилва таратади:

"Бўлди, мен энди уларни акам демайман. Менинг акам сенсан, Тарлон. Ука деса дегулик, мендайин уканг бор, ака деса дегулик, сендайин акам бор, нима ғамим бор, Тарлон...

Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим..."

Қаҳрамон отини туғишган жигари деб билади, бундан ҳам кўнгли тўлмай "қиёматлик биродарим" дея уни энг яқин, қадрдони эканлигини эътироф этади. Муаллиф қадрият, олийжанобликни инсон ва табиат ҳамоҳанглигида акс эттиради.

"Э, нет Тарлан ты – мой старший брат. Отныне я не буду их называть братьями. Ты мой старший брат! Спросят про младшего брата, он у тебя есть – это я. Спросят про старшего брата, он у меня есть – это ты. О чем еще после этого горевать?

Э, нет, Тарлан, ты – мой самый истинный брат. До самой моей смерти..."[1]

Таржима жараёнида "аё", "бўлди" сўзлари ўрнига "э", "нет" сўзлари қўлланади, фикрни тўлиқ етказишга интилиш кузатилади, қиёматлик би-

[1] Тагай Мурад.Тарлан. М. РИПОЛ классик, 2018. с. 134.

родарим ифодаси кенгроқ очилади. Тоғай Мурод сўзларни зид, такрор, қофияли усулда қўллаб оригинал тасвир яратган. Таржимада буни айнан етказиш учун ўзбек тили хусусиятини пухта ўрганиш талаб этилади. Таржимонлар асар поэтикасини ўзлаштириб, ижодий ёндашув асносида иш юритганлар.

Ёзувчининг "Ойдинда юрган одамлар" қиссаси илк сатриданоқ мусиқа, майин куй таралади, инсонга муҳаббат туйғуси англашилади, сўзлар мусиқага мослаштирилади:

"Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол. Қаердадир одам овози келяпти..."

"Қулоқ сол" дея муҳаббат достонини тинглашга даъват этади. Асар бошидан адоқ инсонга меҳр, таъзим руҳи, оҳанги билан йўғрилган.

Рус тилида "Бабка, ухо разуй, слышишь? Вроде голос чей ветром принесло?" тарзида тақдим қилинади. "Момоси" сўзи ўрнига "бабка" варианти берилиши эркалаш оти қўлланганини кўрсатади.

Таржимон бўзбола (паренек), сағир (сиротка), отамиз (отец наш), онамиз (матушка), бобомиз (дед наш), момомиз (бабка) дея тақдим қилади. Суҳбат Афлотуний қиссадаги халқ удум, анъаналари (тўй, келинсалом, ҳайит) номини аслича қолдириб, мавсум ҳамда маросим қўшиқлари моҳиятини сақлаган ҳолда тақдим этади. У асардаги образ, тарихий шахс, диний маросимлар (фолчи, шифокорга бориш, авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, рўза, лайлатул-қадр) борасидаги маълумотлар генезисига эътибор қаратиб, баъзан уларга муносабат билдиради. "Мулк" сурасидаги оят тафсирини ҳам киритишга аҳамият берган мутаржим қисса структурасини синчиклаб ўргангани аён бўлади.

Қаҳрамондаги имон, диёнат, дунёқараши, саъй-ҳаракати орқали ёритиб борилади. Қоплон аёлига меҳр ришталари ила шу қадар мустаҳкам боғланадики, уларни ҳеч ким ажрата олмайди, аёли ёлғиз суянчиғи, таянчи, дарддошига айланади.

"Бобомиз сўқмоқдаги сўнгги қадамларини боса-боса, ойдиндаги сўнгги сўзларини айта-айта, йўлларида давом этдилар:

– Энди кетсак майли!.."

Айни дамдаги хушнудлик ҳолати такрор равишлар воситасида аниқроқ тасвирланади, "сўнгги қадами" унинг адирларни, ҳаётни тарк этишига ишора қилинади. Мазкур қисса – инсонга қасида, юрак-юракдан силқиб чиққан мусиқа. Ҳазин наво инсон ички кечинмаларини, қалб туғёнларини ёритиб, ўқувчини ҳам дардни туйишга, ҳис қилишга мажбур этади.

"Последние шаги дед наш по тропке еле-еле делает, последние слова в луче лунном еле-еле бормочет, а путь свой продолжает. Теперь и нам уйти можно!"[1] дейилганда оҳанг, маънони тўлиқ етказишга интилган.

Адиб Тоғай Мурод асарларида китобхон диди, интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда воқелик тиғиз ва аниқ баён қилинади. Муаллиф воқеа-ҳодисани тасвирлашда, бадиий тадқиқ этишда сўз имкониятидан унумли фойдаланади.

Зиёдулла кал отида адирдан ёлғиз кетаётганда чойхонадаги можаро сабабчилари – бўзболаларга дуч келади. Жиноятчи болалар уни роса дўппослайдилар.

"Шунда... шунда от кишнади.

[1] Тагай Мурад. Тарлан. М. РИПОЛ классик. 2018. с. 315

Кишнаш кўрдим, кишнашлар кўрдим, аммо ушбу оқшомдагидайини кўрмадим.

Тарлон қаҳр, ҳам изтироб билан кишнади. Оқшом кишнашдан зир титради"[1]. Тасвирида драматизм кучаяди.

"И тут я услышал ржание. В этот раз ржание его было отрывистым и жалобным. От этого ржания сумерки стали печальными, но само оно было ещё печальнее сгущавшейся тьмы". Кўринадики, таржимон тиғиз, сиқиқ жумла маъносини ёритишда батафсил мулоҳаза юритишни маъқул кўради. Тоғай Мурод такрор орқали, товуш уйғунлигидан унумли фойдаланиб, ҳиссий таъсирчанликни орттириб борган, таржимада ҳам мазкур усулга монанд тасвир яратишга интилинган.

Зиёдулла Тарлони билан дардлашиб кетади. Шу тарзда асар хотималанади.

"Ойдинда юрган одамлар" асари сюжети ғоят мароқли. Бошланишидаги нафис оҳанг Қоплон билан Оймомо ўртасидаги самимийлик, меҳр-оқибатни намоён этади.

Сюжет чизиғида бир кўриниш эътиборга молик. Қоплон адирда ёлғиз қолади.

"Қоп-қора булутлар Арчакўтал чўққиларини чалиб кетди.

Шунда... шунда, булутлар орасида бир чол пайдо бўлди. Чол уст-бошлари оппоқ бўлди. Соқоллари-да оппоқ бўлди"[2].

Мазкур лавҳа ҳам афсона-эртак жанрлари йўсинида жонланган. Зулматдан ёруғликнинг таралишида зиддият мавжуд. Ранглар: оқ ва қора – маъно фарқланишига, манзара, табиат тасвиридаги жозибани намоён этишга хизмат қилади.

"Заволокли чёрные тучи вершины Арчакутала.

И тут… и тут среди самых туч старец показался. Одежда на нем все белая-белая. Борода белая-белая"[3].

Таржимон ранг воситасида рамзий ифодавийликни илғаб, у орқали маълум маъно қирраларини етказишга ҳаракат қилган.

Оймомонинг бешик тебратиб, алла айтишида дардлар сиртда намоён бўлади:

"Аллада Шеробод даштларидай анқиллаб ётмиш кўнгил ноласи бўлди.

Кўнгил дарди бўлди, армони бўлди.

Кўнгил фожиаси бўлди!"[4]

Русчада "В колыбельной вся сердечная печаль, как Шерабадские степи, необъятная, вся выплёскивается.

Вся боль сердечная, вся тоска по несбыточному, все горе матушкино" тарзида келтирилиб, "нола", "дард", "армон" сўзлари моҳияти қамраб олинади. "Фожиа" тасвирнинг авж нуқтаси, маъно кучайган ўрин, "горе матушкино" ибораси айни аёл дарди эканини аниқ ифодалаган.

Адиб халқ оғзаки ижоди жанрларидан воқеалар ривожига туртки бериш ҳамда персонаж аҳвол руҳиятини мантиқий асослашда фойдаланади. Сюжет чизиғида ўлан, ёр-ёрлар равонлик, соддаликни, мақоллар яхлит фикрни, халқ қўшиқлари мунглилик, баъзан жўшқинликни, ривоятлар кучли мантиқийликни эртак, афсона йўсинидаги эпизодлар сирлилик,

[1] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 214-б.
[2] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 313-б.
[3] Тагай Мурад. Тарлан. М. РИПОЛ классик. 2018. с. 78.
[4] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 347-б.

образлиликни юзага келтириб, ўзига хос қўламдорлик, ифодавийликни уйғун бириктиради.

Ёзувчи дунёкараши, асосий мақсадини характер негизига сингдиради, у орқали моҳиятни ёритишга интилади. Зеро, "Характер деганда эса муайян давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим, характерли умумий хусусиятлар билан алоҳида шахсга хос хусусиятларни ўзида уйғун мужассам этган образ назарда тутилади"[1] .

Ҳар бир ёзувчининг характер яратиш маҳорати ўзгача. Ёзувчи Зиёдулла кал мисолида ҳам инсоний фазилатларни ёритади. Зиёдулла асли чўпон, дўмбира чалиб, ашула айтади. Қир-адирларда пода боқиб куйлаши фитратидаги бағрикенглик, мусаффоликни намоён этади. Характери табиатан афандинамо – кулги, кесатиқ, саргузаштлари диққатга сазовор. Мухбир билан суҳбатда:

" – Анави тўнғич акангизнинг қўйлари бўлмайди! Бари ўзидай калтафаҳм! Сизнинг қўйларингиз шундай доно, шундай ўқимишли... Ҳай-ҳай-ҳай, садағаси кетсанг, мухбирнинг қўйларининг!!"[2] – дейди.

Мухбир такаббур, доим ўз манфаатини кўзлайдиган шахс. Атрофдаги инсонларга паст назар билан қарайди. Зиёдуллага ҳам шундай муносабатда бўлганда қаҳрамон ўзининг камситилиши, мазах қилинишига йўл қўймай, уни усталик билан мот қилади. Қаҳрамон нутқидаги табиийлик, муҳими ундаги ифода тарзи ҳам Зиёдулладаги ҳозиржавоблик, зукколикни намоён этади.

"Овцы вашего старшего брата никудышние. Все в него, тупые. А ваши овцы все такие умные, смышленние... Да принесут меня в жертву за овец корреспондента!"[3] Таржимада "садағаси" сўзи қурбон келтириш маъносида қўлланиши гап мазмунини нотўғри ифодалашга сабаб бўлган.

Тарлон – Зиёдулла кал қалбининг бир парчаси. Зиёдулла кал оти чавандозлар ичида шарманда қилганда, ундан воз кечмоқчи бўлади.

Бироқ: "Шундай дейишга дедим. Ана, дедим. Аммо кўнглим тубтубида нимадир... нимадир бир нима майда-майда ушоқ бўлиб-бўлиб кетди. Тарлон учун ич-ичимдан раҳмим келиб-келиб кетди..."[4]

Мазкур сатрлардаги сокин оҳанг қаҳрамон руҳиятини, қалб изтиробини ҳис қилдиради. Такрор сўзлар ("туб-тубида", "ич-ичидан" –равиш, "майда-майда" – сифат, "бўлиб-бўлиб, келиб-келиб" – феъл) ҳолатни изчил тасвирлашга хизмат қилади. Ушоқ асли майда бўлади, тасвирда "майда-майда" ушоқ қўлланган таъсирли бадиий манзара яратган. "Нимадир, нимадир" – у мазкур ҳолатни, дилидаги оғриқни сўз билан ифодалашга ожиз, бунда пауза ҳам кечинмани чуқур ҳис эттиришга хизмат қилади.

Таржимада: "В душе у меня лопнуло что-то и рассыпалось на мелкие-мелкие кусочки. Жалко мне стало Тарлана"[5].

Муаллифнинг "Ойдинда юрган одамлар" қиссасида ҳам Қоплон пок туйғулар куйчиси сифатида талқин қилинади. Нутқидаги самимийлик, "момоси", "аёлимиз" дея мурожаат қилиши аёлларга бўлган юксак эҳтиром намунаси. Жумла қурилишида ҳам руҳий ҳолатни ҳис қилдиришга йўналтирилган чизгилар берилади:

[1] Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Андижон. Ҳаёт. 20002. 69-б.
[2] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 112-б.
[3] Тагай Мурад. Тарлан. М. РИПОЛ классик. 2018. с. 37.
[4] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 183-б.
[5] Тагай Мурад. Тарлан. М. РИПОЛ классик. 2018. с. 99.

“– Кўзларингга боқишларим... боқишларимизнинг ўзи бир достон, момоси”[1].

Кўз кўзга тушса, меҳр товланади. “Боқишларим” сўзига урғу берилишида ҳикмат бор, бунда қадрдон, суюкли, азиз ёрга вафодорлик, садоқат тажассум топади. Биргина шу эътирофда қанча сурур, қанча тароват.

Қоплон портрети ровий томонидан анча батафсил тасвирланади: “Бўзбола елкадор, пишиқкоматлик бўлади. Қулча юзларида чуқур-чуқур кулдиргичлари бўлади. Қўй кўзлик, сийрак қошлик бўлади”. Қомати, юз ифодаси аниқ акс эттирилади, бунда алоҳида белгиларга ҳам эътибор берилади. Тасвирда сажъдан ҳам фойдаланилади, “бўлади” феъли такрори фикр давомийлиги, изчиллигини кўрсатади.

Таржимада: “В плечах широк и сложен ладно. Лицо как лепёшка, улыбнётся-ямочки на щеках. Волоокий, бровь тонкая, осанка гордая-гусиная”[2] шаклида портет чизгиси берилади, аммо “лепешка” сўзи ғализлик келтиради.

Аёлга хос гўзаллик, нафосат портрет яратиш жараёнида ёдда тутилади. Момосулув тасвирида тажоҳули ориф санъати қўлланган: “Юзлари кулчадайми ё сулувми? Кўзлари қорами ё зиғир гулидайми? Қошлари қуюқми? Қуюқ бўлса, қайрилмами?”[3] Қиз қиёфаси таърифида юз, кўз, қош ифодасида образлилик, сўроқ оҳанги етакчи. Муаллифнинг мақсади таъриф ё тавсиф воситасида маҳбуба суратини изчил чизишга қаратилган.

Русчада аёл портрети бу шаклда берилади: “Красавица она или лицо у неё, как лепёшка? Черные у неё глаза или голубые, как цветок? Густые ли у неё брови? А если густые, то изгибаются ли дугой?”[4]. Бу лавҳада ҳам “кулча” сўзи ўрнига “лепёшка” сўзи қўлланиши ноўрин, боиси инсон чеҳрасини бундай таърифлаш салбий бўёқдорликни келтиради. Ўзбек тилида “кулчадай” деганда думалоқ юз тасвири гавдаланади, бу ўринда “круглое” дея эркин ёндашилса тўғри тасаввур пайдо бўларди.

Оймомо портретида ровий ҳайрати, ҳаяжонини яширмайди:

“Сағир бир қиз бўлди, бир қиз бўлди-е!!

Сарвқад бўлди.

Сулув юзларини оппоқ десак, бизнинг ҳақимиз кетади. Қорачадан келган десак, қизнинг ҳақи кетади.

Буғдойранг бўлди.

Барчин юзли бўлди, саратон юлдузли бўлди»[5].

Жумлаларнинг янги сатрдан бошланиши, “с” ва “б” товуши жаранглорлиги, сажъ қўлланилиши барчин юзли, саратон юлдузли; бўлди феълига урғу берилиши – барчаси оҳангдошликни юзага келтирган. Тасвирда ружуъ санъати, яъни аввалги сатрдаги таърифни кейинги сатрда янада кучлироқ, тўлиқроқ, аниқроқ ифодалангани намоён бўлади.

“А ведь сиротка девушкой была, и какой!

Кипарис одним словом!

Лицо её белоснежным назвать – против правды погрешить, смуглым назвать – девушку обидеть.

Как спелая пшеница вот какого цвета!

[1] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 327-б.
[2] Тагай Мурад. Тарлан. М. РИПОЛ классик. 2018. с. 138.
[3] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 103-б.
[4] Тагай Мурад. Тарлан. М. РИПОЛ классик. 2018. с. 9.
[5] Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Т. Шарқ. 1994. 222-б.

Сама полной луной сияет, саратанской звездой мерцает".

Таржимон адиб тасвирига ҳамоҳанг лавҳа топишда маъно ва оҳанг уйғунлигини сақлашга интилади. Ўхшатиш, жонлантириш тажоҳули ориф ёхуд ружуъ каби санъатлар портретдаги тиниқлик жозибанинг юзага чиқишига туртки берган. Асарларда портретларга қаҳрамон ё ровий нигоҳи орқали чизги тортилади. Тоғай Мурод мумтоз адабиёт анъаналарини насрда давом эттирди, шеърий санъат жозибасини насрий матнда намоён этди.

Адиб сўздан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланади. Сиқиқ жумлалар қатига кенг маъно кўламини сингдиради. Асарлар таҳлилида тиғиз, аммо теран ифода, мантиқий-изчил тасвир, фалсафий-эстетик қарашлар кўзга ташланади.

Таржимонлар асарларни рус тилига ўгириш жараёнида ҳар бир сўз устида меҳнат қилгани аён бўлади. Улар топоним, байрамларни соф ҳолида қолдиради. Қиссаларда сўз ўйини, такрори орқали маъно бўртиб кўринган лавҳаларни аниқ етказиш мақсадида бир жумла ўрнида икки ё ундан ортиқ қўллайди. Ўзбек миллатига хос удумни, анъанани тўлиқ етказиб бериш мураккаблиги боис фикрларга илова киритилади. Баъзан маъно бир оз ўзгарсада матн моҳиятига путур етмайди. Кўринадики, таржимонлар Тоғай Мурод асарлари руҳига кириб, услубини ўрганиб, ижод қилганлар.

ИНГЛИЗ КУМУЛЯТИВ ЭРТАКЛАРИ

Инглиз халқ эртаклари бошқа халқ эртаклари каби ўзига хос жанр хусусиятларига эга ва ушбу ўзига хослик жаҳон фольклоршунос олимларининг илмий изланишларига сабаб бўлиб келмоқда. Инглиз халқ эртаклари алоҳида жанр сифатида ўзининг уйдирмалари, қатъий ва барқарор сюжети, композицияси, образлар тизими, анъанавий мотивлар, бадиий усули ва фантастикаси билан ажралиб туради.

Эртакларнинг тарихийлиги аввало уч белги билан изоҳланади. Буларнинг биринчиси, ҳар бир эртакнинг пайдо бўлишига асос бўлган манбалар – ижтимоий-сиёсий ва маиший ҳаёт ҳақиқати, этнографик ҳодисалар, урф-одат, ниҳоят, турли хил дунёқарашлар, хусусан, миф асосий белгилардир. Иккинчи белги, эртакчининг реал воқеликка муносабати ва бу муносабатнинг асосий мақсади бўлса, тарихий ҳақиқатни поэтик акс эттириш тамойиллари эса учинчи белгидир. Тарихийликнинг ана шу уч хил белгилари турли хил шакл ва бадиий деталларда намоён бўлиб, эртакларга хос хусусий белгиларнинг пайдо бўлиши, конкрет тус олишига сабабчи бўлган. Эртакларнинг шундай хусусий белгиларидан бири кумулятивлиликдир.

Кумулятив эртаклар жанр хусусиятидан келиб чиқиб, ёш болаларга мўлжалланган ҳамда нуткий сифатларни шакллантиришдаги роли катта. В.П.Аникин фикрига кўра: "Болаларнинг она ва буваларидан эшитадиган биринчи эртаги кумулятив эртаклардир. Бу эртаклардаги кумулятив, яъни занжирсимон, савол-жавобли услуб, бир турдаги эпизодлар боланинг диққатини жалб қилади ва унча катта бўлмаган эртак матнини болалар тезда эслаб қолишади.

Кумулятив эртаклардан кейингина бола ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, сеҳрли эртаклар ва топишмоқларни била бошлайдилар."[1] Т.В.Зуева фикрига кўра, кумулятив композиция – бу занжирли боғланишлар тамойилига асосланган, бир хил ўзгармайдиган мотивдан иборат композиция.[2]

Инглиз кумулятив эртаклари ҳам структуравий жиҳатдан ўзига хос аҳамият касб этади. Инглиз халқ фольклорида кумулятив эртаклар уч элементдан иборат: талаб, низоларнинг ривожланиши ва кульминация. Бундай эртакларда якун йўқ бўлиши ва кульминация билан қоришиб кетиши мумкин, яъни охирги жумлада кескинлик пасайишида намоён бўлади. Сюжет асосини ташкил этган ва кульминацияга қаратилган асос турли хил ривожланиш, ортиб бориш ёки тескари тартибда қайтишининг уйғунлашувидан ташкил топади.[3]

[1] Аникин, В.П.Русское устное народное творчество [Текст] : учеб. / В.П.Аникин. – Москва : Высш. шк., 2001. (726 с.) Б-558.

[2] Зуева, Т. В. Русский фольклор [Текст] : учеб. для высш. учеб. зав. / Т.В.Зуева, Б.П.Кирдан. – 5-е изд. – Москва : Флинта : Наука, 2003 (400 с.) . Б-82 .

[3] Намычкина Е.В., Роль нарастания и спада в композиции английских сказок, построенных на основе нанизывания. Лингвистика.

Инглиз кумулятив эртаклари сони жиҳатдан бошқа эртакларга қараганда кўпчиликни ташкил қилмайди. Н.П.Андреев тадқикотлари эса рус халқ эртакларининг олтмиш фоизи маиший эртаклар, ўттиз фоизи сеҳрли эртаклар, ўн фоизи эса ҳайвонлар тўғрисидаги ва кумулятив эртаклардан иборатлигини кўрсатади.[1]

Инглиз кумулятив эртаклари сифатида қуйидаги эртакларни мисол қилиб олишимиз мумкин: "Henny-Penny" – ("Товуқвой"), "Mouse and Mouser"– ("Сичқон ва мушук"), "Teeny-Tiny" – ("Митти хоним"), "Titty Mouse and Tatty Mouse" – ("Титти ва Татти Сичқон"), "The Cat and the Mouse"[2] – ("Мушук ва Сичқон"), "The Little Red Hen and the Grain of Wheat" – ("Кичкина қизил товуқ ва буғдой дони"), "The Old Woman and her Pig"[3] – ("Кекса аёл ва унинг чўчқаси"), "The Strange Visitor" – ("Нотаниш меҳмон"), "The wee, wee Mannie"[4] – ("Митти Манни").

Инглиз сеҳрли кумулятив эртаклари: "Scrapefoot"[5] – ("Тирналган оёқ"), "The story of the three Bears" – ("Уч айиқ эртаги"), "Johnny-cake"– ("Жонни бўғирсоқ"), "How Jack went to seek his fortune" – ("Жэк ўз бахтини қандай топди"), "The Bull, The Tup,The Cock and the Steg"[6] – ("Бука, стол, хўроз ва таёк."), "The three little pigs" – ("Уч кичкина тўнғизчалар")[7].

Кумулятив структурага эга эртаклар асосан сюжет ривожи турли такрорланиш ва боғланишлардан иборат бўлиб, баъзан савол-жавобли, шеърий, матнли тузилишда бўлади. Бу тур эртакларнинг яна бир жиҳати уларда боғланишлар занжирни ҳосил қилишидир. А.А.Кретов ажратган боғланишнинг уч турида биз зинама-зина боғланиш, занжирли ва кумулятив каби боғланишларни фарқлашимиз мумкин.[8] Шунга қарамасдан, кумулятив тургa киритилган эртакларда ҳар доим ҳам соф кумулятив структура учрамайди, балки турли такрорланишларни бирлаштирадиган боғланишлар аралашиб келиши мумкин. Мисол учун "Johnny Cake" – ("Жонни бўғирсоқ") инглиз кумулятив эртаги мазмуни ва вариантлилиги жиҳатидан ўзбек халқининг "Тулки билан Бўри" ва рус халқининг "Колобок" эртаклари билан ўхшаш, учала вариант сюжетларида зинама-зина боғланиш ва шеърий тарздаги баёнида эса кумулятив элементлар тўлиқ сақланган.

Кампир бўғирсоқни пиширгандан кейин, кичкина болага бўғирсоққа қараб туришни айтиб чоли билан картошка чопишга кетишади.Тўсатдан бола тақур-тақур овозни эшитади, қараса, бўғирсоқ қозондан чиқиб қочиб кетяпти. Бола уни шунча қувласа ҳам ета олмайди. Бўғирсоқ узоқ йўл юриб, икки қудуқ қазувчининг ёнига келиб қолади. Улар ундан қаерга кетаётганлигини сўрашади ва бўғирсоқ уларга қари чол-кампир ва кичик боладан қочиб кетганлигини айтади ва сизлардан ҳам қочиб кетаман, дейди.

[1] Андреев, Н.П. К обзору русских сказочных сюжетов [Текст] /Н.П.Андреев // Художественный фольклор. – М.: Работник Просвещения, 1927.– Б.59-70.

[2] James Orchard Halliwell-Phillipps – ASHL- Folklore and Mythology Electronic Texts / University of Pittsburg; edited and / or translated by D. L. Ashliman, 1996–2003.

[3] Briggs, Raymond The fairy tale treasury /. Selected by Virginia Haviland. London, Hamilton, 1972. English fairy tales / Collected by Joseph Jacobs. – London Muller,1963.

[4] English fairy tales / Collected by Joseph Jacobs. – London Muller,1963.

[5] English fairy tales / Selected and arranged by L. Kellner. – Lpz.,1917.

[6] Alice Ecleston – ASHL. – Folklore and Mythology Electronic Texts / University of Pittsburg; edited and / or translated by D.L.Ashliman, 1996–2003.

[7] Ashliman D.L. Folklore and Mythology Electronic Texts / University of Pittsburg; 1996–2003 www

[8] Кретов А.А. "Типология и генезис рекурсивных текстов" Филологические записки. Воронеж, 2012–2013. Вып. 31. Б. 219–245

Кумулятив композиция бўғирсоқнинг йўлда эртак персонажлари билан учрашиб яна ажралиши билан ривожланади ва такрорийликни ҳосил қилади. Бўғирсоқнинг кейинги учрашуви икки ўра қазувчи ва айиқ билан бўлади.

Воқеалар ривожида айиқдан қочган бўғирсоқ бўрига дуч келади ва бўрига ***қари чол-кампирдан, кичкина боладан, икки қудуқ қазувчидан, икки ўра қазувчидан, айиқдан қочдим,*** сендан ҳам қочиб кетаман деб йўлида давом этади.

Бўғирсоқ йўлда кетаётганда, девор бурчагида тинчгина ётган тулки ундан қаерга кетаётганини сўрайди. Бу ерда тулкининг тасвири ўзгача бўлиб, у ундан майин овозда сўрайди, лекин жойидан силжимайди. Унинг айёрлиги халқ томонидан шундай чиройли тасвирланган.

Тулки унга қулоғи яхши эшитмаётганлигини, гапини қулоғи олдига келиб баландроқ айтишини сўрайди ва қулоғи орқасига панжасини қўяди. Уни тутиб олиб, кўзларини милтиратганча паққос еб қўяди.

Бу эртакда такрорийлик бўғирсоқнинг ҳаракатлари билан боғланган; ¶- белги орқали бўғирсоқнинг учрашуви ўша персонаж билан тугашини, лекин янги бир персонаж билан давом этишини таъкидлаш мақсадида қуйидаги формула ишлаб чиқилди.

A+B ¶ →A+C ¶ →A+D ¶ →A+E ¶ →A+F ¶ →A+G ¶ →A+H ¶ →A+I ¶ ←I

Johnny-cake + **An old man** ¶ → Johnny-cake + **An old woman** ¶ →Johnny-cake + **A little boy** ¶ →Johnny-cake + **Two well-diggers** ¶ →Johnny-cake + **Two ditch-diggers** ¶ →Johnny-cake + **A bear** ¶ →Johnny-cake + **A wolf** ¶ →Johnny-cake + **A fox** ¶ ←**A fox**

Соф кумулятив структурага эга эртакларнинг асосий хусусияти бу эртак ривожида персонажларнинг ортиши ва улар ўртасидаги хатти-ҳаракат ёки сухбатнинг такрорийлигидир.

Кумулятив структурага хос бўлган A+(A+B)+(A+B+C)……. формуласи олим В.Я.Пропп томонидан биринчилардан бўлиб тақдим этилади, А.Кретов эса шу асосда ўз схемасини талқин этади. Уларнинг назарияларига асосланган ҳолда “Henny-Penny” (“Товуқвой”) инглиз эртагида соф кумулятив структурага эга эканлигини таъкидлай оламиз.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш муҳимки, инглиз халқ эртаклари неча асрлик тарихий маданияти ва анъаналарини, маиший турмуш тарзини ўзида акс эттириб келган, ўзининг лингвокультрологик хусусиятлари билан бошқа халқ эртакларидан ажралиб турувчи инглиз фольклорининг бир бўлагидир. Кумулятив структурага эга инглиз эртакларнинг тузилиш жиҳатини ўрганишнинг амалий аҳамияти беқиёс бўлиб, ушбу тур эртакларини нафақат фольклор тадқиқотлари учун балки, тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш муҳим. Шу билан бир қаторда, бизнинг изланишларимиз шуни кўрсатадики, кумулятив эртаклар тил ўрганишда ва болалар нутқининг ривожланиши, нутқ нуқсонларини бартараф этишдаги самараси ҳақидаги амалий тавсиялар илмий рисолаларда олимлар томонидан таклиф этилмоқда.

Олима ХОЛМУРОДОВА,
ЖДПИ таянч докторанти

ШЕРЛОК ХОЛМСНИНГ ЧОДИРИ

Шерлок Холмс ва Ватсон ўрмонга бориб дам олмоқчи бўлишди. Кичикроқ сайхонликда тўхтаб, чодир қуришди ва ухлагани ётишди. Ярим кечада Холмс уйғониб кетиб, осмонда чарақлаб турган юлдузларга боққанча шеригини уйғотди:

– Ватсон, юлдузларни кўраяпсанми?

– Ҳа, жуда тиниқ чарақлашар экан ўрмонда.

– Хаёлингга нималар келмоқда?

– Шаҳарда ухлагандан кўра ўрмонда мизғиган яхши шекилли. Сиз-чи, Холмс, нималар ҳақида хаёл сураяпсиз?

– Менингча, чодиримизни ўғирлашибди, ярамаслар.

* * *

Бир шилқим йигит автобусда кучукчасини меҳр билан силаб бораётган қизнинг ёнига келиб дебди:

– Яхши қиз, кучукчангиз менга ёқиб колди. Унинг ўрнида мен бўлсам қанийди...

– Розиман,– дебди қиз,– яқинроқ келинг, кучукчани ахта қилдиргани ветеринар врач қабулига бораётган эдик.

* * *

Олигархларнинг болалари тарбияланадиган боғча. Тарбиячи:

– Жаноб болажонлар, марҳамат қилиб, тинчланинглар. Ҳозир сизларга дўстингиз Энтони якшанба куни ўрмонда ўзи тўқиган эртагини айтиб беради.

– Мен ҳеч нарса тўқиганим йўқ, улар чиндан ҳам шир яланғоч эдилар,– деди Энтони тўнғиллаб.

* * *

Кўз докторининг хонаси. Врач беморга деди:

– Марҳамат қилиб айтинг-чи, жаноб, мен ҳозир сизга қайси ҳарфни кўрсатиб турибман?

– Ие, сиз ҳам шу ердамисиз? – ҳайрон бўлиб сўради бемор.

* * *

Иситма қилиб тўшакда ётган коллеж ўқувчисини врач кўрмоқда.

– Жаноб доктор, сиз менга тўғрисини айтинг, ҳеч нарсани яширманг, мен ҳаммасига тайёрман. Наҳотки эртага ўқишга боришимга тўғри келади? – деди у врачнинг қўлини маҳкам ушлаб.

* * *

– Официант, бу қанақаси, биз ўтирадиган жойда столдан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку? – ҳайрон бўлиб сўради хўранда.

– Сиз фақат столга буюртма бердингиз,– деди официант бамайлихотир.

* * *

Косметик операция ниҳоясига етади. Врач бемордан сўради:

– Мана, жарроҳлик амалиёти ҳам тугади. Ҳаммаси жойида. Аввалгидан анча чиройлисиз. Хўш, яна қандай истакларингиз бор?

– Жаноб доктор, иложи бўлса, кўзларимни каттароқ қилмоқчи эдим...

– Жуда соз,– деди врач ва бош ҳамширага буюради:

– Ҳисоб-китобни олиб келиб, беморга кўрсатинг.

* * *

Музей залларидан бирида намойиш этилаётган сурат олдида икки киши баҳслашиб қолишади. Биринчиси суратда қуёшнинг ботиши тасвирланган деса, иккинчиси, йўқ, ботиши эмас, тонг отиши дейди. Баҳсга учинчи киши қўшилади:

– Мен бу рассомни кўп йиллардан бери биламан. У эрталаб соат 10 дан бир дақиқа ҳам олдин уйғонмайди.

* * *

Хиёбон четида икки киши кучукчаларини сайр қилдириб юришибди.

– Менга қаранг, жаноб, кучукчангиз менинг кучукчамга куппа-кундузи шилқимлик қилмоқда, тартибга чақирсангиз бўлармиди,– деди ёш хоним ранжигандай бўлиб.

– Маъзур тутасиз, албатта тартибга чақираман бу ярамасни, аммо... сиз ҳам кучукчани жуда ясантириб юборибсиз-да,– деди жаноб хонимга кўзини сузиб.

* * *

Қурол-яроғ сотиладиган магазинга кириб келган харидорни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишди.

– Марҳамат, жаноб, бизда қуролларнинг ҳамма турлари бор. Сизга қанақаси маъқул?

– Нишонни бехато урадиган револьвер олмоқчиман.

– Жуда соз. Олти патронли бўлсинми ёки саккиз патронли?

– Бир дақиқа,– деди харидор ва банкка қўнғироқ қилади:

– Алло, сизларда кечқурун банкни неча киши қўриқлайди?

* * *

– Жонгинам, шунча йил бирга яшадик, бирор марта бўлсин, менга гул совға қилмадинг-а? – нозланиб деди хотин.

– Ўзимнинг яхшигинам, Гулзор кўчасида турамиз, ҳаммаёқ гул, хоҳлаганингча ҳидлашинг мумкин. Бунинг ҳеч оғир жойи йўқ, – деди эр.

* * *

– Муҳтарам жаноб, сиздан кўп нарсани ўрганса бўлар экан. Мана масалан, хотинингизни ҳамиша "Жонгинам", "Ёлғизгинам", "Мушукчам" деб чақирар экансиз. Мен бўлса нукул исмини айтаман.

– Исмини айтиб чақириш менга ҳам ёқади, аммо... анча йил бўлди нималигини унутиб қўйганман-да...

* * *

– Қани тур, тез кийимингни кий, ёруғ тушмай дала ҳовлига бориб картошка ковлаймиз,– деди ота ўғлига.

– Дадажон, соат энди тўрт бўлди, бизда дала ҳовли йўқ-ку? – кўзларини ишқалаганча сўради ўғил.

– Турақол ўғлим, дала ҳовлимиз йўқ, аммо қишга картошка керак-да, – деди отаси.

* * *

Дафн маросимини бошқараётган киши мусиқачиларга эътироз билдирди:

– Ҳой, мен сизларга неча марта айтганман, дафн маросимида мусиқа чалаётганингизда юзингиз мусибатлироқ кўриниши керак, деб. Лев Моисеевич, бу биринчи навбатда сизга тегишли. Нега энди чапак чалаяпсиз?

– Узр, жаноб, тарелкаларим уйда қолиб кетибди.

* * *

– Доктор, айтишларича мени бешинчи босқич талабаси операция қилар эмиш. Бирор кор-ҳол бўлса, унда нима бўлади?

– Нима бўларди, бу ярамас, яна имтиҳондан йиқилади-да.

* * *

Операциядан кейин врач беморнинг ёнига кириб, унинг аҳволи билан қизиқди.

– Хўш, биродар, касалхона маъмуриятига шикоятингиз борми?

– Эрталабгача аъзои баданим зирқираб оғриб чиқди. Кўз юмганим йўқ. Бунга чидаш қийин.

– Ундай бўлса, бугун кечаси ҳамшира қиз ёнингизда бўлади.

– Э, шундай оғриқда қизга бало борми, – деди бемор афсусланиб.

М.АҲМЕДОВ
тўплаган



ҲАРАКАТДАГИ ТАСВИР МАНЗАРАЛАРИ

Тасвирий санъат шундай кенг дунёки, унинг ҳар бир йўли ўзгача ва бу йўлларнинг ўз собит йўловчилари бор. Миниатюра, маҳобатли рангтасвир, дастгоҳли рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, сценография – буларнинг барчаси алоҳида сирлари ва жозибасига эга бўлган ижодий дунёдир. Рассомлик санъатининг бир тармоғи бўлган сценография ўзининг туб моҳиятига асосланган ҳолда бевосита санъатнинг театр, кино соҳалари сарҳадлари билан ҳам туташади.

Сценограф рассомлар ижоди нафақат кўргазма залларида, балки, театр саҳналари, киноэкранларда ҳам томошабин билан мулоқотга киришиш имкониятига эга.

Гордон Крег, Лев Бакст, Александр Головин, Рок Крис, Милий Виноградов, Георгий Брим, Таир Салахов сингари кўплаб сценограф рассомлар ижоди ўз даври саҳна санъати билан боғлиқликда юзага келгани ҳолда, унинг бадиий камолотига жиддий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатида ҳам мазкур ижодий турнинг ўзига хос мактаби ва шу мактаб анъаналарини янгича нигоҳларда кўриб, давом эттириб келаётган ижодкорлар мавжуд.

Сценография қайсидир маънода, рассомликнинг хос соҳаси. Мазкур соҳага ўз истеъдодини сафарбар этишга чоғланган ва бу борада эътиборга молик ишлари билан ижод аҳли назарига тушган ёш рассомлар бор.

Театр ва кино рассоми Санъат Кенжаев ушбу соҳага дадил кириб келиб, меҳнати ва изланишлари билан ўз йўлини яратаётган ёш сценографлардан бири ҳисобланади.

С.Кенжаев тасвирий санъат борасидаги дастлабки билимларини Навоий вилоятидаги тасвирий ва амалий санъат лицейида олган. 2009 йили Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг “Театр безаги” йўналишини тугатган, 2015 йили “Кино рассоми” йўналишида магистрлик даражасини олган. У мазкур таҳсил йиллари давомида тасвирий санъат сир-асрорларини, турли ижодий техникалари билан бирга классик драматургияни, театр ва саҳна, кино ва тасвир тушунчасининг барча нозик тарафларини ўрганди.

Рассом ўрганган билимларини ижодга тадбиқ қилишни талабалик йилларидаёқ бошлаб, қатор асарлари билан соҳа вакиллари ва санъатшунослар эътирофига сазовор бўлган. Айни шу даврда талабалар


ўртасидаги турли кўргазмаларда, шунингдек, анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиладиган "Табиат ва рассом" номли кўргазмада доимий қатнашган. 2009 йили Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида илк шахсий кўргазмаси ўтказилган.

Иқтидорли рассом бугунги кунда рангтасвир, театр ва кино соҳаларида фаол ижод қилиб келмоқда. Унинг ҳозирга қадар чизган ижод намуналарида асосан икки услубий жиҳат – тарихий-батал жанри ва турфа миллий-бадиий мавзулардаги реалистик асарлар етакчилик қилади. Санъат Кенжаевнинг кино эскизлари асосан тарихий мавзуда бўлиб, кўпроқ тарихий персонажларга ва тарихий воқеаларга бағишланган. Жумладан, "Жалолиддин Мангуберди" фильми учун чизилган эскизи мазмунан кўламдорлиги, тасвирий пухталиги билан киши эътиборини тортади. Унда қамалга олинган шаҳар ва қалъани ишғол этаётганлар, уларнинг тош отар қуроллари шарпамонанд кўринишда понорама услубида ифода этилган. Манзарада ҳаракатни ифода этувчи деталлар – ёнаётган қалъадан чиқаётган тутун, тош отар қуроллар конструкциялари ва шаҳар деворлари томон ошиқаётган аскарлар (ёғийлар) тўлақонли реалистик акс эттирилган.

Шу фильм учун яратилган яна бир эскизида эса фазовий кенглик кино экран форматида ўтовлар, байроқлар ва воқеа маркази пухта ташкил этилган. Биринчи пландаги байроқ ва декоратив белгилар фазовий чуқурликни яхши ташкил этган. Кинода ҳаракат муҳим бўлгани каби рассом тасвирлаган унсурлар ҳаракат жозибасини акс эттиришга қаратилган.

Кенжаев картиналари шарқона руҳ билан суғорилган бўлиб, уларда халқчиллик ёркин ранглар, мазмундор сюжетларда тасвирланган. "Азон", "Орзу", "Қўшнилар", "Шарқ-Ғарб ва Александр Македонский" каби асарлари рассом ижодининг энг яхши намуналаридандир.

Санъат Кенжаевнинг қизғин илҳом манбаи, табиийки, аввало, табиат, инсон, сиру сеҳрга тўла ҳаёт. Буни рассомнинг ўзи шундай содда ва самимий таъриф этади: "Мен қоғозга турли ранглар беришни, ҳар хил чизгиларни чизиб кўришни яхши кўраман. Устозларим менга образ топмоқ





учун ҳаётни жиддий кузатиш керак, деб ўргатишган. Шунинг учун атроф-муҳитни ўрганаман, инсонларни кузатаман, табиат манзараларидан илҳом оламан. Ўзбекистон битмас-туганмас илҳом манбаидир. Бу ерда жуда кўп ранглар, иссиқлик ва қуёш нури бор, атрофда ҳаёт қизийди, ёруғлик ва соя бир-бири билан ўйнашади. Ижод аҳли учун бундан ортиқ яна нима керак!"

Рассомнинг ижод намуналари устахонада, танҳоликда яралади, бироқ, ғоялари бевосита халқ оралаб, кундалик ҳаётнинг қай бир жабҳасига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Аслида ижод, санъат шуниси билан тирик.

Санъат Кенжаев сценограф рассом сифатида бир қатор саҳна асарлари, кинофильмлар яратилишга ўз ҳиссасини қўшган. Жумладан, 2012–2017 йилларда Ўзбекистон давлат Ёшлар театрида саҳналаштирувчи рассом сифатида меҳнат қилиб, қатор спектаклларнинг бадиий декорациясини яратган. Бугунги кунда фаол ижод қилаётган кўплаб кино режиссёрлари томонидан суратган олинган бадиий фильмларнинг тасвирий ечимида унинг изланишлари акс этган.

Қолаверса, ҳар йили ўтказиладиган Мустақиллик ва Наврўз байрамларини безакчи рассом сифатида доимий иштирок этиб келмоқда. Республика миқёсида ўтказиладиган тасвирий санъат кўргазмаларида ижод намуналарини томошабинга тақдим этиб келмоқда. 2014 йили Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган Тасвирий санъат ҳафталигида, 2017 йили Греция маданият маркази томонидан ўтказилган "Искандар ва Роксана" кўргазмасида қатнашиб, муносиб эътирофларга сазовор бўлди.

Санъат Кенжаев ҳозирги кунда бадиий изланишларига бақамти равишда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сценография санъатидан сабоқ бериб келмоқда.

Шаҳноза ҚОСИМОВА,
Камолиддин Беҳзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси

QOMUS

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

“ГОРИО ОТА” – Буюк француз ёзувчиси Оноре де Бальзак (1799–1850) қаламига мансуб роман. У адиб яшаган давр буржуа тузуми ва жамияти тарихини ўзида ҳаққоний мужассамлаштирган қомусий асар – “Инсон комедияси” эпопеясининг бош китоби ҳисобланади. Роман 1832 йилда ёзилган. Бальзак “Горио ота” романини дастлаб 1834 йилнинг декабридан 1835 йил февралигача “Париж ахбороти” журналида эълон қилиб боради. 1835 йилга келиб роман алоҳида китоб бўлиб нашр этилган. 1843 йилда у “Париж ҳаёти манзаралари” туркумининг биринчи томига киритилган. Асар воқеалари Реставрация (1815–1830) даврида бўлиб ўтади. Ундаги воқеалар адибнинг бошқа асарларида ҳам давом эттириб борилади. Романдаги Растиньяк, Бяншон, Вотрен, Нусенген, Гобсек, Тайфер каби ўттизга яқин персонажлар адибнинг кейинги асарларида ҳам учрайди. Адабиётшунослар оталар ва болалар муносабати масалаларига бағишланган ушбу романнинг бош қаҳрамони қария Горио ва Шекспирнинг Лир образини таққослашади. Романда оила, жамият, инсоннинг энг эзгу туйғулари ва уларни емирилишга маҳкум этган сабаблар ҳақида сўз юритилади. Бальзакнинг “Фикрлар, сюжетлар, фрагментлар” деб аталган ижодий режалари орасида қисқагина бир ёзув бор. “Чол – оилавий панцион (600 франкли рента) қизлари деб ўзини ҳамма нарсадан маҳрум қилади. Аммо ҳар иккала қизнинг эллик минг франкдан даромади бор; итдек хор бўлиб ўлади”. Бу хомаки ёзув қизлари томонидан оёқ ости қилинган Горионинг чексиз меҳр-муҳаббати тарихини англатади. Инглиз ёзувчиси Андре Моруа бу роман хусусида шундай фикр билдиради: “Айнан “Горио ота” романида Бальзак томонидан яратилган дунё шу қадар ишончли сифатлар касб этадики, уларни ҳақиқий ҳаётдан фарқлаш қийин бўлиб қолади”. Бальзак Горио отанинг ўлимини ишонарли тасвирлайман деб қарийб клиник ўлимни бошидан кечиргани ҳақида маълумотлар мавжуд. Роман асосида XX асрнинг турли йилларида (1910, 1945, 1970, 1972 й.й) телевизион фильмлар ишланган. 2004 йилда режиссёр Жан-Даниэль Верхак томонидан суратга олинган “Горио ота” (“Le pere Goriot”) фильмида Горио ота ролини машҳур француз кино актёри, шансон хонанда Шарль Азнавур ижро этган. Ушбу романни ўзбек тилига Султон Муҳаммаджонов таржима қилган.

ГРАФИКА – тасвирий санъат тури; ўз тасвир ва ифода воситаларига эга бўлган босма бадиий асар. “Графика” атамаси дастлаб хат ва хаттотлик санъати маъносида қўлланган. XIX аср охири XX аср бошларидан тасвирий санъат турига айланади. Унинг дастгоҳли, китоб, плакат, газета-журнал графикаси, амалий графика каби турлари бор. Графиканинг услубий воситалари турли-туман: натурага қараб тез чизиладиган хомаки чизгилар, этюд, эскизлардан тортиб, то мураккаб композицияларгача. Контур чизик, штрих, дог (қора, рангдор), варақа (кўпинча оқ қоғоз) ифода воситалари ҳисобланади. Техникаси жиҳатидан графика икки турга – қўлда чизилади-

ган расм ва матбаада чоп этиладиган, кўп нусхада нашр этиладиган босма маҳсулотларга ажратилади. П.Пикассо, Ж.Эффел (Франция), Р.Гуттузо, Г.Мукчи (Италия), Ф.Мазерел (Белгия), Р.Кент (АҚШ), О.Нагел, В.Клемке (Германия), Д.Моор, В.Дени, Кукриникслар (Россия) ва бошқа рассомлар XX асрда жаҳон графикаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Ўзбекистонда графика XX аср бошларида шаклланди. Рассомлар И.Икромов, В.Кайдалов, Л.Абдуллаев, Т.Муҳамедов, К.Назаров, Қ.Башаров сингари рассомлар графика йўналишида самарали ижод қилиб, ўзбек графикаси мактаби яратилишига замин ҳозирлаган.

ГРАММОФОН – юнонча сўздан олинган "ёзма, ёзилган овоз" маъносини билдиради. Грампластинкага ёзилган товушни қайта эшиттирувчи аппарат. Айланувчи грампластинка йўлакчаларида граммофон игнасининг тебранишлари карнай орқали кучайтирилаётган мембранага узатилади. 1877 йилнинг апрель ойида машҳур француз шоири, мусиқачи ва олим Шарл Кро (1842–1888) ўзининг ихтиро қурилмаси тавсифи ва баёнот ҳужжатларини Фанлар академиясига "полиофон" – "ўтмиш овози" номи билан тақдим этади. Аммо бу ихтиро академия томонидан эътиборсиз қолдирилади. Орадан ўн йил ўтгач, унинг ғоясини олим Эмил Берлинер (1851–1929) ривожлантириб, 1887 йилда граммофон деб номланган қурилмага патент олган. Граммофоннинг ихчам намунаси – бу патифондир.

ГРИБОЕДОВ АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ – 1795 йилда Москвада туғилган. 1829 йилда Техронда Россиянинг Эрондаги элчиси бўлиб ишлаётган вақтида мутаассиблар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган, Тбилисида дафн этилган. Рус ёзувчиси, шоир, композитор, элчи. 1806–1810 йилларда Москва университетининг фалсафа, тил ва адабиёт, ҳуқуқ ва физика-математика факультетларида ўқиган. Кўплаб хорижий тилларни билган, адабиёт ва мусиқа масалаларини чуқур тушунган. Талабалик йилларида бўлажак декабристлар билан алоқада бўлган. Кейинчалик рус мутахассиси ва публицисти П.Я.Чадаев билан яқиндан танишади. 1812 йилда кўнгилли бўлиб армияга хизматга киради. Грибоедов дастлаб француз ёзувчиларига тақлидан "Ёш келин-куёвлар" (1815), "Талаба" (1817) комедияларини ёзган. "1812 йил" (1824–1825) пьесаси ватанпарварлик руҳи билан суғорилган. "Ақллилик балоси" (1816–1824) беш пардали комедияси ёзувчига катта шуҳрат келтирган асари ҳисобланади. Дастлаб қўлёзма тарзида тарқалган бу комедия рус адабиёти, драматургияси ва театрининг ўсишида муҳим туртки бўлди. Ёзувчи бу асарда рус жамиятидаги ижтимоий ва маънавий қолоқликни аёвсиз фош қилади, унинг ривожига тўсиқ бўлиб турган зодагонларнинг фаросатсизлиги, калтафаҳмлиги ва худбинлиги устидан кулади. Асар фожиавий руҳда ёзилган. Биргина Фамусов хонадони ва унинг меҳмонлари тасвирида бутун рус жамиятининг XVIII асрнинг Екатерина давридан бошлаб XIX асрнинг 10-йилларигача бўлган ҳаёт тарзи ажойиб бадиий характерлар орқали маҳорат билан кўрсатиб берилган. Жамиятнинг барча маънавий тубанликларини фош этувчи Чацкий Россияда крепостнойчилик тузумига қарши етилиб келаётган яширин ташкилотлар, масалан, декабристлар дунёқарашларини акс эттирар эди. 1835 йил "Арзрумга саёҳат" китобида А.С.Пушкин Грибоедов ҳақидаги фикрини шундай якунлайди: "Унинг "Ақллилик балоси" қўлёзма комедияси баён қилиб бўлмас даража-

да таъсир кўрсатди ва шу заҳотиёк уни энг юксак шоирларимиз қаторига олиб чиқди". 1831 йил 27 ноябрда Грибоедовнинг "Ақллилик балоси" комедияси биринчи марта тўлиғича саҳналаштирилган. Унда Чацкий ролини рус саҳна санъатида романтик йўналишнинг энг йирик намояндаси Павел Степанович Мочалов (1800–1848) ижро этган. Ушбу комедия Тошкентдаги Рус академик драма театрида ҳам саҳналаштирилган.

ГРИМ – саҳна, экран, эстрада, аренада томоша кўрсатувчининг ташқи қиёфасини ўзгартириш санъати. Грим атамаси эски итальян тилида "ажин", "қаритмоқ", французчада эса "ажойиб қария" деган маънони билдиради. Грим театр, шоу, цирк ва телевидение соҳаларида фаол қўлланилади. Айниқса, театр соҳаси гримдан кенг фойдаланувчи санъат тури бўлиб, образ характерини очишда унинг ташқи кўриниши жуда муҳим ўрин тутади. Асосий грим воситалари бўёқлар, ясама соч, соқол-мўйлов каби воситалардир. Грим тарихан турли халкларнинг қадимий маросим ва ўйинларидан пайдо бўлган. Қадимги хитой, япон ва ҳинд тарихида мавжуд грим шакллари ҳозиргача сақланиб қолган. Европа театрларида XVI асрларгача реал, оддий гримлар ишлатилган бўлса, классицизм давридан бошлаб саҳна санъатида грим катта аҳамиятга эга бўлди. Реализм даврига келиб грим санъати бошқа босқичда тараққий этади. Рус театр санъатида гримга Станиславский спектакллари ва МХАТ театрида жуда муҳим бадиий унсур сифатида қаралган. Айни шу даврда меҳнат қилган М.Фалеев, Н.Сорокин, П.Лившиц, И.Дорофеев, Р.Роугул каби гримёр-рассомлар номи тарихда қолган. Гримнинг асосан иккита шакли кенг тарқалган: тасвирий ва пластик. Тасвирий усулда юзга керакли безак, оро берилади, юз териси рангига ўзгартирилади. Пластик гримда эса бўёқдан ташқари турли ёпиштирилувчи, аниқ, лозим бўлганда бўрттириб кўрсатиладиган қисмлар (қош, мўйлов, соқол, соч каби)дан фойдаланилади. Бу воситалар терига ёпиштиришга мўлжалланган эластик материаллардан тайёрланади. Грим кино соҳасининг ҳам ажралмас бўлагидир. Грим театрда шартли бўлса, кинода пухта ва нафис бўлиши лозим. Кинода образнинг ёши, характерини очишда грим катта аҳамиятга эга бўлиб, кинопландаги қиёфадан юқори даражада табиийликка эга грим талаб қилади. Грим устаси гримёр, пардозчи деб юритилади.

Мақсуда АБДУҚАЮМОВА
тайёрлади

РЕЗЮМЕ

•●● Роман "Жара и пыль" американской писательницы Рут Жабвалы является автобиографическим произведением, где менталитет, обычаи и ценности индийского народа отражаются в художественном осмыслении характеров разных персонажей и их жизненных противоречий. Роман переведен Ахмаджоном Мелибаевым.

•●● Публикация второй части романа выдающегося русского писателя Федора Достоевского "Братья Карамазовы", отличавшегося своим глубоким анализом человеческой психики и драматическим напряжением повествования, завершается в этом номере.

•●● В этом году исполнилось 80 лет со дня рождения Народного поэта Узбекистана Александра Файнберга. Поэт, благодаря своим пламенным, истинно народным и вместе с тем глубоко философским стихам, занимает особое место в русской поэзии XX века. На узбекский язык его стихи переведены Абдуллой Ариповым, Сирожиддином Саййидом, Рустамом Мусурмоном.

•●● Исхак-Лейбуш Перес является одним из ярких представителей еврейской литературы. Основу его сорокалетнего творчества составляет вопрос человеческой личности. Два его рассказа об алмазах, публикующихся в данном номере, близки к еврейским народным преданиям, в них описывается трагедия общества, забывшего о подлинном смысле жизни и зачарованного ее обольщающей формой, преклоняющегося перед ложью и отказавшегося от правды.

•●● В статье академика Наима Каримова "Кем же была Лолахон Сайфуллина" содержатся интересные сведения о жизни и творчестве одной из первых узбекских писательниц, а также публикуются образцы из ее творчества.

•●● Поклонники поэзии ознакомятся с творчеством китайских классических поэтов, стиль и направление которых очень разнообразны, а творческие тенденции, начатые ими, продолжаются и поныне. Стихи переведены известным поэтом Турсуном Али.

RESUME

An autobiographical novel named "The Storm of Disaster" by Rut Jabvali, American writer of Indian origin, is about mentality of Indian people, their culture and traditions. The author tries to describe it in the background of confrontations and different characters. The novel was translated by Ahmadjon Meliboyev.

The second part of the novel "The Brothers Karamazov" by Fedor Dostoevsky, which is full of hard psychological moments will be ended in this issue.

This year we will celebrate the 80th anniversary of People's Poet of Uzbekistan Aleksandr Faynberg. His fiery and philosophical works are very popular in Russian poetry of XX century. Some of them were translated by Abdulla Oripov, Sirojiddin Sayid and Rustam Musurmon.

Ishak-Leybush Peres is one of the popular figures of Jewish literary. The main theme of his works written for forty years is the theme of personality. His couple stories about a diamond are similar in meaning with Jewish national legends. They are about tragedies of society which prefers the form neither than meaning and lie more than truth.

An academician Naim Karimov in his article "Who was Lolakhon Sayfulina?" is about the first Uzbek woman writer Lolakhon Sayfulina, her creativity and some works.

Readers of poetry can read works by Chinese classic poets translated by Tursun Ali. Poetry methods used by these poets are used even now.

Jahon
ADABIYOTI
Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Я.ЭМИНОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
"Жаҳон адабиёти" журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 29.11.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1522 нусха. 723 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
"Жаҳон адабиёти" журнали компьютер марказида
терилиб, "Sharq" НМАКда чоп этилди.

Босмахона манзили:
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ҲАМКОРИМИЗ – “DELTA-QURMAH” МЧЖ

“Delta-Qurmah” масъулияти чекланган жамияти уй ва офис, дўконлар ва савдо марказлари, кафе ва ресторанлар, интерьер ва ландшафт дизайни учун металл конструкцияларнинг кенг ассортиментини таклиф этади: деворлар, дарвозалар, эшикчалар, панжаралар, зина ва балкон учун гулли тўсинлар, гулдонлар, гултуваклар учун безакли вазалар, интерьер предметлари ва бошқа жиҳозлар.


Ушбу маҳсулотларни намуналар бўйича ҳамда индивидуал дизайн асосида тайёрлаш имконияти бор.

DELTA-QURMAH



Таф. 1906 г.

Жаҳон
АДАБИЁТИ
Индекс 828, 829



Санъат Кенжаев.
"Қўшнилар"

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Журналнинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муқовамизда:
Лиана Моисеева.
"Шамол изидан"